

АБДУРАҲМОНОВ К.Х.
ИРМАТОВА А.Б.

МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИ



ТОШКЕНТ 2016

УЎК: 331.75
КБК: 67.405(5Ў)
A15

Абдурахмонов Қ.Х., Ирматова А.Б. Мехнат муҳофазаси. Ўқув қўлланма.
-Т.: "IQTISODIYOT", 2016. - 335 б.

Ўқув қўлланмада Ўзбекистон Республикасида меҳнат муҳофазасини таъминлап борасида амал қилаётган меъёрий ҳужжатлар. Ўзбекистон Республикасининг конунилари, Президентимизнинг Фармон ва қарорлари, Вазирлар Махкамаси қарорлари асосида меҳнат муҳофазасини таъминлаш ҳамда у билан боғлиқ масалалар кенг очиб берилган. Шунингдек, унда меҳнат хавфсизлигининг стандартлар тизими, хотин-кизлар ва ўсмиirlар меҳнатини муҳофаза қилиш, меҳнат гигиенаси ҳамда ишлаб чиқариш санитариясининг умумий масалалари, санитария нормалари ва коидалари, техника хавфсизлиги, ёнғин хавфсизлиги, электр хавфсизлиги, меҳнат муҳофазаси ишларини ташкилластириши, шикастланганда тиббий ёрдам кўрсатиш, маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳамда хизматлар кўрсатиш соҳасида меҳнат хавфсизлиги каби мухим масалалар батафсил ёритилган.

Мазкур ўқув қўлланма одий ўқув юртлари талабалари ва касб-хунар коллежлари ўқувчилари учун мўлжалланган.

Масъул мухаррир: и.ф.д., проф. Болтабаев М.Р.
Тақризчилар: ТДИУ "Мехнат иктисолиёти ва социологияси" кафедраси мудири, и.ф.н., доц. Шоюсупова Н.Т. Г.В.Илех анов номидаги Россия икғисодиёт университетининг "Мехнат иктисолиёти ва бошқарув" кафедраси мудири, и.ф.д., проф. Зокирова Н.Қ.

УЎК: 331.75
КБК: 67.405(5Ў)
A15

ISBN: 978-9943-986-47-3

С Абдурахмонов Қ.Х., Ирматова А.Б.
© «Иктисолиёт» нашриёти, 2016.

МУНДАРИЖА

| | |
|---|----------------------|
| Кириш..... | 7 |
| 1-боб. МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИ — МУНОСИБ МЕҲНАТНИНГ НЕГИЗИ СИФАТИДА..... | 11 |
| 1.1. Мехнат муҳофазасининг “муносиб меҳнат” концепциясидаги роли..... | 11 |
| 1.2. “Мехнат муҳофазаси” фанининг максади, предмети, вазифалари ва бошқа фанлар билан алоқадорлиги..... | 17 |
| 1.3. Мехнат муҳофазаси психологияси..... Қисқача хуросалар..... Назорат ва мухокама учун саволлар..... Тавсия этиладиган адабиётлар..... | 27 30 30 31 |
| 2-боб. МЕҲНАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШДА МЕҲНАТ ШАРОИТЛАРИ..... | 32 |
| 2.1. “Мехнат муҳофазаси” ва “мехнат шароитлари” тушунчаларининг ижтимоий-иктисодий моҳияти ва уларнинг амалиётда қўлланиши генезиси..... | 32 |
| 2.2. Мехнат шароитларини тўғри ташкил қилиш..... | 44 |
| 2.3. Нокулай меҳнат шароитларининг ижтимоий-иктисодий оқибатлари ва уларни яхшилаш бўйича чора-тадбирлар..... Қисқача хуросалар..... Назорат ва мухокама учун саволлар..... Тавсия этиладиган адабиётлар..... | 48 61 62 62 |
| 3-боб. МЕҲНАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШНИНГ ХУҚУКИЙ ВА МЕЬЁРИЙ АСОСИ..... | 63 |
| 3.1. Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги миллий қонунчилик..... | 63 |
| 3.2. Меҳнатни муҳофаза қилишда хорижий давлатларнинг тажрибаси..... | 68 |
| 3.3. Меҳнатни муҳофаза қилишниң давлат ва жамоат назорати..... | 78 |
| 3.4. Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунлар ва бошқа меъёрий хужжатларни бузганлик учун жавобгарлик..... Қисқача хуросалар..... Назорат ва мухокама учун саволлар..... Тавсия этиладиган адабиётлар..... | 84 85 85 86 |
| 4-боб. КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАРДА МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИ ИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ..... | 87 |

| | |
|---|------------|
| 4.1. Корхона, ташкилот ва муассасаларда меҳнат муҳофазасига доир ишларни ташкил қилиш..... | 87 |
| 4.2. Ходимларни тиббий кўрикдан ўтказиш..... | 94 |
| 4.3. Ижтимоий шериклик механизми асосида меҳнатни муҳофаза қилиш тизими..... | 98 |
| Қисқача хулосалар..... | 107 |
| Назорат ва мухокама учун саволлар..... | 108 |
| Тавсия этиладиган адабиётлар..... | 108 |
| Иловалар..... | 110 |
| 5-боб. ИШ ЖОЙЛАРИ ВА УЛАРНИ МЕҲНАТ ШАРОИТЛАРИ БЎЙИЧА АТТЕСТАЦИЯДАН ЎТКАЗИШ..... | 115 |
| 5.1. Иш жойлари, уларнинг туркумланиши (классификацияси) ва тўғри ташкил этилиши..... | 115 |
| 5.2. Иш жойларини режалаштириш..... | 123 |
| 5.3. Иш жойларини меҳнат шароитлари бўйича аттестациядан ўтказишнинг аҳамияти..... | 128 |
| 5.4. Иш жойларини меҳнат шароитлари бўйича аттестациядан ўтказиш тартиби..... | 131 |
| Қисқача хулосалар..... | 147 |
| Назорат ва мухокама учун саволлар..... | 147 |
| Тавсия этиладиган адабиётлар..... | 148 |
| Иловалар..... | 149 |
| 6-боб. МЕҲНАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ТИЗИМИНИНГ ИҚТИСОДИЙ ТАЪМИНОТИ ВА УНИНГ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИ..... | 167 |
| 6.1. Меҳнат шароитларини муҳофaza қилиш харажатларини молиялаштириш..... | 167 |
| 6.2. Меҳнатни муҳофaza қилиш тадбирларининг ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини баҳолаш..... | 178 |
| 6.3. Иш берувчиларни хавфсиз меҳнат шароитлари яратиши учун иқтисодий жиҳатдан рағбатлантириш..... | 190 |
| Қисқача хулосалар..... | 199 |
| Назорат ва мухокама учун саволлар..... | 199 |
| Тавсия этиладиган адабиётлар..... | 200 |
| 7-боб. ХАВФСИЗЛИК ТЕХНИКАСИ..... | 201 |
| 7.1. Хавфсизлик техникаси хизмати ва унинг вазифалари..... | 201 |
| 7.2. Саноат корхоналаридаги хавфсизликнинг техник асослари ва умумий талаблари..... | 205 |

| | | |
|----------------|---|---------------------------------|
| 7.3. | Ходимларнинг шахсий химоя воситалари ва уларга кўйиладиган талаблар..... | 214 |
| 7.4. | Мехнатни муҳофаза қилиш бўйича тадбирлар белгилаш ва хавфсизлик усулларини ўқитиш..... Кисқача хуносалар..... Назорат ва муҳокама учун саволлар..... Тавсия этиладиган адабиётлар..... | 218 223 223 224 |
| 8-боб. | ИШЛАБ ЧИҚАРИШДАГИ БАХТСИЗ ҲОДИСАЛАРНИ ТЕКШИРИШ ВА ҲИСОБГА ОЛИШ..... | 225 |
| 8.1. | Бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш бўйича умумий қоидалар..... | 225 |
| 8.2. | Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисани ва ходимлар саломатлигининг бошқача тарзда зарарланишини текшириш ҳамда ҳисобга олиш тартиби..... | 228 |
| 8.3. | Бахтсиз ҳодисаларни махсус текшириш..... | 232 |
| 8.4. | Бахтсиз ҳодисалар тўғрисида ҳисбот ва уларнинг келиб чиқиш сабаблари таҳлили..... | 238 |
| 8.5. | Касб хавфини аниқлаш ва бахтсиз ҳодисаларни ижтимоий суғурталаш..... Кисқача хуносалар..... Назорат ва муҳокама учун саволлар..... Тавсия этиладиган адабиётлар..... Иловалар..... | 239 247 247 248 249 |
| 9-боб. | МЕҲНАТ ГИГИЕНАСИ ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ САНИТАРИЯСИ..... | 254 |
| 9.1. | Мехнат гигиенаси ва ишлаб чиқариш санитариясининг моҳияти..... | 254 |
| 9.2. | Нурланиш ва ишлаб чиқаришда ундан ҳимояланиш..... | 259 |
| 9.3. | Ёруғликнинг инсон соғлиги ва иш қобилиятига таъсири.... | 261 |
| 9.4. | Ишлаб чиқаришдаги шовқин ва тебранишлар..... | 264 |
| 9.5. | Ишлаб чиқариш майдонлари, бинолар, машина ва хоналарга кўйиладиган талаблар..... Кисқача хуносалар..... Назорат ва муҳокама учун саволлар..... Тавсия этиладиган адабиётлар..... | 267 273 274 274 |
| 10-боб. | ЁНГИН ХАВФСИЗЛИГИ..... | 276 |
| 10.1. | Ёнгин ҳақида умумий маълумотлар..... | 276 |
| 10.2. | Ишлаб чиқариш биноларини ёнгин хавфлилиги жиҳатига | |

| | |
|---|------------|
| караб таснифлаш..... | 278 |
| 10.3. Даастлабки ва автоматик ўт ўчириш воситалари..... | 280 |
| 10.4. Ёнгин хавфсизлигини таъминлаш тадбирлари..... | 287 |
| 10.5. Биноларда ёнгин чиқишининг олдини олиш..... | 289 |
| 10.6. Ёнгинларни ва уларнинг оқибатларини ҳисобга олиш..... | 294 |
| Қисқача хуросалар..... | 297 |
| Назорат ва муҳокама учун саволлар..... | 297 |
| Тавсия этиладиган адабиётлар..... | 298 |
| Иловалар..... | 299 |
| 11-боб. ЭЛЕКТР ХАВФСИЗЛИГИ..... | 303 |
| 11.1. Электр токининг инсон организмига таъсири..... | 303 |
| 11.2. Электр токидан жароҳатланиш сабаблари ва асосий муҳофаза воситалари..... | 306 |
| 11.3. Электр қурилмаларида қўлланиладиган шахсий муҳофаза воситалари..... | 306 |
| Қисқача хуросалар..... | 310 |
| Назорат ва муҳокама учун саволлар..... | 311 |
| Тавсия этиладиган адабиётлар..... | 311 |
| 12-боб. МАҲСУЛОТЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ХИЗМАТЛАР КЎРСАТИШ СОҲАСИДА МЕҲНАТ ХАВФСИЗЛИГИ..... | 312 |
| 12.1. Захарли кимёвий моддалар ва улар билан ишлаганда шахсий ва жамоа ҳимоя воситалари..... | 312 |
| 12.2. Чорвачиликда хавфли омиллар таъсири ва минерал ўғитлар билан ишлаганда меҳнат хавфсизлиги талаблари.. | 317 |
| 12.3. Замонавий техника ва механизм (ускуна)ларда ишлашда техника хавфсизлиги талаблари..... | 319 |
| Қисқача хуросалар..... | 322 |
| Назорат ва муҳокама учун саволлар..... | 322 |
| Тавсия этиладиган адабиётлар..... | 322 |
| ҚИСҚАЧА ИЗОҲЛИ ЛУҒАТ..... | 324 |
| АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ..... | 329 |

КИРИШ

Давлат ва жамиятнинг энг муҳим вазифаларидан бири фуқароларнинг sogлом ва хавфсиз меҳнат килиш хуқуқларини таъминлаш ҳисобланади. Тараккӣй этган кӯпгина давлатларнинг тажрибаси меҳнатни муҳофаза қилиш маданиятини ривожлантириш ходимлар учун ҳам, иш берувчилар ва давлат учун ҳам манфаатли эканлигиндан далолат беради. Меҳнат муҳофазаси қоидаларига риоя этмаслик меҳнат унумдорлиги ва ишлаб чиқарилаётган товарлар сифатини пасайтиради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов: “2010 йилда қабул қилинган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясига мувофиқ демократик ва бозор ислоҳотларини янада чукурлаштириш, давлат ва ижтимоий институтлар ҳамда суд тизимини ислоҳ этиш борасидаги вазифаларни изчил амалга ошириш энг устувор йўналиш бўлиб қолаётганини алоҳида таъкидлаш лозим. Барчамиз яхши англаб олишимиз зарурки, ишлаб чиқаришни диверсификация қиласдан туриб, ташқи бозорларга чиқиш ва маҳсулотларимизни сотиш борасидаги экспорт дастурини амалга ошириш, валюта даромадлари тушумини таъминлаш, юқори технологияларга асосланган янги ишлаб чиқаришни ва иш ўринларини ташкил этиш, пировард натижада ўз олдимизга қўйган юксак мақсадларимизга эришиш ҳақида сўз юритиш мумкин эмас”, деб уқтириди. Бу меҳнат муҳофазасига ҳам таалуқли эканлиги шубҳасиз.

Ўзбекистон Республикасида меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида давлат сиёсатининг энг асосий принципи – миллий қонунчиликда кафолатлаб қўйилганидек, ходимларнинг ишлаб чиқариш фаолиятида ҳаёти ва саломатлигини муҳофаза қилишнинг устуворлигидир. Шу билан бир каторда меҳнатни муҳофаза қилиш фаолияти давлатнинг иқтисодий ва ижтимоий сиёсатининг бошқа йўналишлари билан мувофиқлаштириб борилади. Бу йўналишдаги ишларда Халкаро Меҳнат Ташкилотининг конвенция ва тавсияларига ҳам амал этилади.

Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодекси иш берувчи зиммасига хавфсиз меҳнат шароитлари ва меҳнатни муҳофаза

¹ Каримов И. А. 2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзғаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жарабёнларни изчил давом этириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кеңйўл очиб бериш – устувор вазифамиздир //Халк сўзи, 2015 йил 17 январь № 11(6194)

қилишни таъминлаш мажбуриятини юклайди. Аммо иш берувчи бозор иқтисодиёти қонунларига бўйсунган ҳолда ўз тадбиркорлик фаолияти мақсади – фойда олишни кўзлаган ҳолда иш олиб боради. Мехнатни муҳофаза қилишда хўжалик юритишнинг бозор механизмлари ва давлатнинг ташкилотчилик роли ўзаро боғлиқ ҳолда намоён бўлади. Ана шундай ўзаро фаолият тадбиркорлик фаолиятининг мақсади билан муносаб мөхнат шароитини таъминлаш ҳам кўзлайдиган жамиятнинг ижтимоий мақсадлари ўртасида зиддиятни вужудга келтиради.

Замонавий ишлаб чиқаришларда технологиялар, жиҳозларни тез-тез алмаштириш, янги жараён ҳамда материалларни жорий этиш одатий ҳолга айланган. Аммо кўпинча ишлаб чиқаришдаги ана шу ўзгаришларнинг ходимларга салбий таъсири етарли даражада ўрганилмаган бўлади. Қатор корхоналарда жуда заарли, тез ёнувчан моддалар, турли нурлар чиқарадиган материаллар ишлатилиди, технологик жараёнлар шовқин даражасини ниҳоятда ошириб юборади, вибрация, ультра ва инфра товушлар, микроқлимнинг нокулайлиги, чанг ва газ меъёрдан ортиқча бўлиши ҳамда бошқа салбий ҳолатлар кузатилади. Бу эса ходимга жароҳат етказиб, унинг турли касалликларга чалиниши эктимолини оширади.

Кейинги йилларда мамлакатда давлат органлари, иш берувчилар ҳамда касаба уюшмалари томонидан мөхнат муҳофазаси соҳасидаги меъёрий хуқуқий ҳужжатларни, мөхнатни муҳофаза қилишни бошқариш тизимини такомиллаштириш, мөхнат қонунчилигига риоя этилиши устидан назорат самарадорлигини ошириш бўйича амалга оширилаётган чора тадбирлар ишлаб чиқаришда рўйхтга олинадиган баҳтсиз ходисалар сонини камайтириш имконини бермокда.

Шу билан бир қаторда мамлакат иқтисодиётининг турли тармоқларида мөхнат шароитлари ва мөхнат муҳофазасининг ахволи бугунги кун талабларига тўлиқ жавоб бермаслигини ҳам кўрсатиб ўтиш лозим. Бунинг оқибатида республикада ишлаб чиқаришда шикастланиш, касб касаллигига чалиниш даражаси иқтисодий жиҳатдан тарақкий этган давлатларга нисбатан бирмунча юқорилигича қолмоқда.

Мөхнатни муҳофаза қилиш давлат томонидан бошқаришда янгича ёндашувларни излаш мамлакат иқтисодиёти ва ижтимоий соҳасида рўй бераётган ўзгаришлар билан изоҳланади. Босқичма босқич изчил амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар хўжалик

юритувчи субъектларга катта мустақиллик берди. Шу билан бир қаторда ҳозирги пайтда меҳнат муносабатлари субъектлари сифатида давлат билан бир қаторда мулкчиликнинг ҳамда ишлаб чиқаришини ташкил этишининг турли шакллариға таалуқли бўлган иш берувчилар майдонга чиққанлар.

Корхоналарга тўлиқ иқтисодий мустақиллик берилган шароитларда давлат ходимлар ва иш берувчилар ўртасидаги меҳнат муносабатларида ўзига хос воситачи вазифасини бажариб, қонунлар ва ҳукукий меъёрий ҳужжатлар орқали томонлар манфаатларини тартибга солади, ходимларни ижтимоий ҳимоя қилишни кафолатловчи ижтимоий суғурта қилиш тизим ва механизмларини шакллантиради.

Ижтимоий-меҳнат муносабатлари барча иштирокчилари – иш берувчилар, ходимлар, касаба уюшмалари ва давлат функцияларининг ўзгариши, тартибга солишнинг бозор механизмлари тобора кўпроқ қўлланилаётганлиги Ўзбекистон Республикасида меҳнатни муҳофаза қилиш ва ижтимоий суғурта қилишни бошқариш комплекс тизимини шакллантириш тажрибасини таҳлил этиш, бу масалаларга янгича ёндашув йўлларини ишлаб чиқиши ҳаётий заруратга айлантирган.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланган дастур асосида яратилган мазкур ўкув қўлланмада асосий эътибор куйидаги масалаларга қаратилган.

Биринчидан, Ўзбекистон Республикасида меҳнат муҳофазасини таъминлаш борасида амал қилаётган меъёрий ҳужжатлар, Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Президентимизнинг Фармон ва қарорлари, Вазирлар Махкамаси қарорлари асосида меҳнат муҳофазасини таъминлаш ҳамда у билан боғлиқ масалалар кенг очиб берилади.

Иккинчидан, “меҳнат муҳофазаси” ва “меҳнат шароитлари” тушунчаларининг ижтимоий-иктисодий моҳияти, уларнинг амалиётда қўлланиши генезиси таҳлил этилади. Меҳнат шароитларини тўғри ташкил қилиш ва уларни яхшилаш бўйича чоратадбирлар кўриб чиқилади.

Учинчидан, иш жойлари, уларнинг туркумланиши (класifikasiяси) ва тўғри ташкил этилиши кўрсатилиб берилади. Иш жойларини меҳнат шароитлари бўйича аттестациядан

ўтказишнинг аҳамияти ва уни ўтказиш тартибига алоҳида эътибор берилади.

Тўртинчидан, хавфсизлик техникиси хизмати ва унинг вазифалари, ходимларнинг шахсий ҳимоя воситалари ва уларга қўйиладиган талаблар, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисани ва ходимлар саломатлигининг бошқача тарзда заарarlанишини текшириш ҳамда ҳисобга олиш тартиби баён қилинади.

Бешинчидан, меҳнат гигиенаси ва ишлаб чиқариш санитариясининг моҳияти, ёруғликнинг инсон соғлиғи ва иш қобилиятига таъсири, нурланиш ва ишлаб чиқаришда ундан ҳимояланиш, ишлаб чиқаришдаги шовкин ва тебранишлар кўриб чиқилади. Корхоналарда ёнғин ва электр хавфсизлиги баён этилади.

Олтинчидан, маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш соҳасида меҳнат хавфсизлигига алоҳида эътибор берилади.

Ўкув қўлланма талабаларни факат ўз ихтисосларига тегишли тор масалаларнигина эмас, балки шу масалалар билан боғлиқ умумиктисодий муаммоларни ҳам ҳал қила оладиган меҳнат мухофазаси бўйича малакали мутахассис сифатида тайёрлашни ўз олдига мақсад килиб қўйган.

1-боб. МЕХНАТ МУХОФАЗАСИ — МУНОСИБ МЕХНАТНИНГ НЕГИЗИ СИФАТИДА

1.1. Мехнат муҳофазасининг “муносиб меҳнат” концепциясидаги роли

Меҳнатнинг инсон ривожланишининг барча босқичидаги роли ва ўрни бенихоя каттадир.

Биринчидан, меҳнат инсонларнинг муайян ижтиомий фойдали неъматларни яратиш, одамларнинг ҳаётий эҳтиёжларини қондиришга қаратилган событқадам фаолияти ҳисобланиб, жамият тараққиётининг асосий шартидир.

Иккинчидан, меҳнат ер ва капитал билан уйғун равишда ижтиомий истеъмол учун зарур бўлган товарлар ишлаб чиқариш ҳамда хизматлар кўрсатиш омилидир.

Учинчидан, инсоният минглаб авлодларининг меҳнати туфайли бекиёс ишлаб чиқариш кучлари салоҳияти, битмас-туганмас ижтиомий бойликлар яратилган.

Мамлакатни ижтиомий-иктисодий ривожлантиришнинг энг муҳим шартларидан бири бўлмиш юқори ўсиш суръатларига эришишда меҳнатни ташкил этиш алоҳида аҳамиятга эга. Меҳнат иктиносидий категория ҳисобланиб, бир гурӯҳ олимлар нуқтаи назарига кўра, “Ҳар бир шахс ва умуман, жамият эҳтиёжларини қондириш учун зарур бўлган моддий ҳамда маънавий неъматларни яратиш бўйича событқадам фаолиятдир”².

Бирок фикримизча, меҳнатнинг бундай анъанавий таърифи тадқиқотимиз моҳиятини тўла акс эттирамайди. Чунки инсон меҳнат жараёнидаги меҳнат воситаларидан ҳам фойдаланади. Шу сабабли биз П. Шлендер ва Ю. Кокин томонидан берилган таъриф муайян аҳамиятга эга, деб ҳисоблаймиз: “Меҳнат — инсонларнинг онгли, событқадам фаолияти жараёни бўлиб, унинг ёрдамида табиат моддалари ва кучи ўз эҳтиёжларини қондириш учун ўзгартирилади”³.

Айни пайтда яна бир иктиносидчи олим Б. М. Генкин “Меҳнат табиат ресурсларини моддий, интеллектуал ва маънавий неъматларга айлантириш бўйича инсон томонидан ёки

² Экономическая энциклопедия / Под ред. Абдуллина Л.И. М.: Экономика, 1999.-С.179

³ Экономика труда: Учебник/ Под ред. Шлендера П. Э. и Кокина Ю. П. М.: Магистр, 2008. с.18.

мажбурлаш (маъмурий, иқтисодий) ёхуд ички талаб ёки ҳам у, ҳам бу сабаб билан амалга оширадиган ва (ёки) бошқариладиган жараёндир”⁴, деган хулоса чиқаради.

В. А. Павленков меҳнат инсонни ривожлантиришда ва такомиллаштиришда ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаш билан бир қаторда, ҳодим жамиятнинг асосий бунёдкор, яратувчан кучи эканлигига эътиборни қаратади. Шу жиҳатдан:

— меҳнатнинг биринчи хусусияти — унинг событидам фаолият эканлиги, яъни меҳнат жараёнида инсон белгилаб олинган мақсадга эришишга интилиши;

— иккинчи хусусияти — меҳнатнинг иш кучини муттасил такомиллаштиришга хизмат қиладиган меҳнат воситаларини яратишдек ноёб имконияти, яъни инсон меҳнати чегара билмайдиган ташаббускор, бунёдкор кучга эга эканлиги;

— ва ниҳоят, учинчи хусусияти — меҳнат инсоният ҳамда жамият тарихий таракқиётининг энг муҳим омили эканлигидир⁵.

Бизнинг фикримизча эса, “Меҳнат инсоннинг муайян эҳтиёжларини қондира оладиган ва ўзига керак бўладиган моддий ёки маънавий неъматлардан иборат буюм, товар, хизмат, фан, маданият, санъат асарлари ва ҳоказоларни ишлаб чиқариш бўйича онгли, мақсадли ва тақиқланмаган фаолиятидир”⁶.

Меҳнатнинг қомусий таърифи ҳам мавжуд: “Меҳнат — инсоннинг мақсадга мувофиқ ижтимоий фойдали фаолияти; энг аввало, табиат предметларини ўзgartириб, эҳтиёж ва мослаштиришни билдиради. Меҳнат кишилик жамияти ҳаётининг асосий шарти, чунки у туфайли инсониятнинг яшashi учун зарур бўлган моддий ва маънавий неъматлар яратилади”⁷.

Кейинги йилларда меҳнат фаолияти бевосита муносиб меҳнат концепцияси билан боғлаб ўрганиб борилмоқда. Муносиб меҳнат концепцияси Халқаро меҳнат ташкилоти стратегик мақсадлари ифодаланишининг қисқартирилган шакли сифатида 1999 йилда ишлаб чиқилган. Унинг мақсади инсоннинг иш билан бандлиги, ижтимоий ҳимоя, меҳнат муҳофазаси, ижтимоий мулокот ва меҳнат соҳасидаги хукуқларидан иборат стратегик вазифаларни қамраб

⁴ Генкин Б. М. Экономика и социология труда. М.: Экономика, 1998. с. 7.

⁵ Павленков В. А. Рынок труда, Занятность. Безработица: Учебник. М.: МГУ, 2004. с.14.

⁶ Абдурахмонов К. Х. Меҳнат иқтисодиёти. Тошкент: Мехнат, 2009. 54-бет.

⁷ Ўзбекистон миллий энциклопедияси 5-жилд Тошкент: ЎзМЭ, 2003. 630-бет

олишдир. Халқаро мәхнат конференциясида иқтисодиёт соҳаси бўйича Нобель мукофоти соҳиби Амартия Сен Муносиб мәхнат концепцияси тамойилларининг ҳаётга татбиқ этилиши нафақат корхона ва ташкилотлар тараққиётига, балки ҳар қандай мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичларига ижобий таъсир кўрсатишини таъкидлаб ўтган. Халқаро мәхнат ташкилоти томонидан тайёрланган кейинги маъruzалар шундан далолат берадики, мәхнат — ва айниқса, муносиб мәхнат — камбағалликни енгиб ўтишнинг энг самарали усули ҳисобланади.

Муносиб мәхнат ғояси кенг оммалариши 1999 йилдан 2012 йилгача XMT Бош директори бўлган Хуан Сомавиа номи билан бевосита боғлиқдир. У Халқаро мәхнат ташкилоти Конференциясидаги ўзининг биринчи маъruzасида муносиб мәхнат ғояси тушунчасига тўхталиб, унинг мақсади ва асосий вазифаларини қисқача шаклда, тушунарли равишда изоҳлаб берди. Шу билан бирга, тўлиқ иш билан бандликнинг ўзи етарли эмаслигини, айрим тарихий тажрибаларга кўра, назарий жиҳатдан “тўлиқ иш билан бандлик” мавжуд бўлиб, бироқ у етарли даражада ривожланиш ва фаровонликка олиб келмайдиган вазиятлар ҳам мавжудлигини қайд этган.

Халқаро мәхнат ташкилотининг “Иш билан таъминлаш соҳасидаги сиёsat тўғрисида”ти 122-сонли Конвенциясида, хусусан. “тўлиқ самарали ва эркин танланган” иш билан бандлик тўғрисида сўз юритилади. Инсонлар иш билан таъминланниш танловини ўзлари амалга ошириш имкониятига эга бўлишлари, иш билан таъминланганлик мазмунли, етарли миқдорда ҳақ тўланадиган бўлиши ҳамда маълум даражада нафақат ходимга, балки иқтисодиётга ва жамиятга ҳам фойда келтириши керак. “Эркин танланган бандлик” нафақат ёлланиш жараёнининг ихтиёрий бўлиши лозимлигини, балки танлаш хуқуки мәхнат муносабатларининг бутун давомийлигига хурмат қилиниши ҳамда муҳофазаланиши зарурлигини ҳам англатади. Бу эркин танланган (ва эркин таклиф қилинадиган) мәхнат муносабатлари ходимлар учун ҳам, иш берувчилар учун ҳам фойдали бўлиб, жамоа музокаралари, ходимлар ҳамда раҳбарият ўртасида ахборот алмашинуви ва маслаҳатлашувлар каби воситаларни талаб қиласди.

Муносиб мәхнат тушунчаси Халқаро мәхнат ташкилотининг тарихий тажрибасига асосланади. Халқаро мәхнат ташкилоти 1919

Йилда, маълум даражада ижтимоий адолатсизлик туфайли юзага келган кескинлик туфайли сунъий равишида вужудга келтирилган дей баҳоланадиган Биринчи жаҳон урушидан сўнг ташкил топган. Ижтимоий адолатга эришишнинг энг муҳим воситаларидан бири ҳалқаро меҳнат стандартлари бўлиб, ушбу стандартлар дунё ҳалқарининг ходимлар соғлиғи, хавфсизлиги ва иқтисодий истиқболлари эвазига иқтисодий ривожланишга қўмаклашишга мажбур қилинmasликларини кафолатлаши керак эди. Айтиш жоизки, мазкур ғоя бу борадаги янгича қараш эмас эди, бироқ уни ривожлантириш ва кенг ёйиш учун ҳалқаро ҳукуқий мақом зарур эди. 1919 йилда Ҳалқаро меҳнат ташкилотининг тузилиши унинг институционал асоси бўлиб хизмат қилди. Бу эса меҳнат шартшароитларини ҳалқаро битимлар орқали тартибга солиш мумкинлиги тўғрисида илк маротаба XIX асрнинг бошларида янграган қарашларни ҳаётга татбиқ этиш имконини берди. Мазкур қарашлар трансатлантика қул савдосига якун ясаган ҳалқаро шартномалар билан боғлик эди. Яъни қулчиликка қарши муваффақиятли ҳаракатлар тобора кучайиб, иш берувчилар ва ишчилар синфи ўргасида мунтазам мuloқotларни кўпайтирди. Натижада болалар меҳнатини, ҳаддан ташкари узоқ иш вактини ва аёллар учун тунги ишни камайтиришга, охир-оқибатда, тўлиқ бекор қилишга эришилди. Бу 1919 йил охирида биринчи Ҳалқаро меҳнат конференцияси томонидан Ҳалқаро меҳнат ташкилотининг энг кекса конвенцияларидан айримлари қабул қилинишига асос бўлган мавзулар эди. Ушбу конвенциялардан биринчиси — саноат корхоналарида иш вақтининг кунига саккиз, ҳафтасига эса кирк саккиз соатгача чекланишига тегишли Конвенция ҳамон қонуний кучда ҳамда долзарбdir. “Бандлик ва ишсизлик тўғрисида”ги 2-сонли Конвенцияда эса меҳнатни ташкил этиш жараёнини назорат қилиш нафақат меҳнат биржаларига тегишли эканлиги, балки бу жараёнга иш берувчилар ташкилотлари ҳамда касаба уюшмалари ҳам жалб этилиши кераклиги назарда тутилганлигидан бугун кўлчилик бехабардир.

“Бандлик ва ишсизлик тўғрисида”ги 2-сонли Конвенция аслида миллий миқёсда уч томонлама ҳамкорликни назарда тутувчи биринчи хужжат бўлган. Шунга қарамай, ҳукуматлар ҳамда иш берувчилар ва ходимлар вакиллари ўргасидаги институционал ҳамкорлик дастлабки икки ўн йиллик мобайнida, асосан, ҳалқаро миқёсда амалга

оширилган. Миллий уч томонлама ҳамкорлик масаласи эса Иккинчи жаҳон урушида қатнашаётган демократик давлатлар кучларини мустаҳкамлашнинг муҳим омилига айланиб, янада долзарб мақом касб этди. Уруш йилларида, аниқроғи, 1941 йили Халқаро меҳнат ташкилоти томонидан Халқаро меҳнат конференциясини ўтказишга эришилди. Ушбу конференциянинг асосий мавзуи урушдан кейинги қайта қуришда уч томонлама ҳамкорлик ролини мустаҳкамлашдан иборат бўлди. Мазкур конференция хулосалари эса ҳам ходимлар ва менежмент ўртасидаги ҳамкорликни, ҳам меҳнат унумдорлигини рағбатлантириш каби элементларни ўз ичига олган Европа тикланиш дастурини ишлаб чиқишида муҳим роль ўйнади. Шундай килиб, уч томонлама ҳамкорлик тамоили қарийб бир асрдан буён нафакат ҳар қандай инқироз даврида мувозанатли бошқарув воситаси, балки корхоналар равнақи ва ходимлар фаровонлигини таъминлаш, умуман, миллий тараққиёт воситаси сифатида ҳам инсониятга хизмат килиб келаяпти.

Иккинчи жаҳон урушидан кейинги қайта тикланиш ва юксалиш жараёни ҳам меҳнат соҳасида фундаментал ҳуқуқларга тегишли асосий конвенцияларнинг яратилишига туртки бўлди. Бирлашиш эркинлиги ҳамда жамоа музокараларини жорий этиш тўғрисидаги 87 ва 98-сонли Конвенциялар айнан ўша даврда — 1948/1949 йилларда қабул қилинган. Улардан кейин эрқаклар ва аёлларга төнг ҳақ тўлаш тўғрисидаги 100-сонли Конвенция, мажбурий меҳнат тўғрисидаги 105-сонли Конвенция ва камситишлар тўғрисидаги 111-сонли Конвенция қабул қилинди. Кейинчалик ишга қабул қилиш учун минимал ёшга тегишли аввал қабул қилинган бир қатор Конвенциялар 138-сонли Конвенцияга бирлаштирилди. Ўз навбатида, у янада глобаллашган даврда болалар меҳнатининг энг ёмон шаклларини тугатиш тўғрисидаги 182-сонли Конвенция билан тўлдирилди. Тааллуқли равишда, “Болалар меҳнатининг энг ёмон шаклларини тугатиш тўғрисида”ги 182-сонли Конвенциянинг қабул қилиниши 1999 йили Муносиб меҳнат концепциясининг ишлаб чиқилишига олиб келди. Барча қайд этилган конвенциялар муносиб меҳнатининг халқаро ҳуқуқий асосини ташкил этади. Улар Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан ҳам Халқаро меҳнат ташкилотининг инсон ҳуқуклари бўйича конвенциялари сифатида баҳоланганди. Ўтган йили ушбу ҳужжатлар одам савдосига қарни курашиш бўйича чора-тадбирларни назарда тутувчи “Мажбурий

мехнат түғрисида”ги 29-сонли асл Конвенцияга баённома билан бириктирилди. Бу эса жамиятимиз барча даражада ҳамда барча мамлакатлар ва минтақаларда тенг бошдан кечираётган глобаллашувнинг салбий ижтимоий таъсирлари билан шуғулланиш эҳтиёжи пайдо бўлганининг эътирофидир.

“Муносиб меҳнат” тушунчаси кенг камровли тушунча хисобланади. У бандликнинг жамиятлар учун ҳам, улардаги барча эркаклар ва аёллар учун ҳам жуда мухимлигини эътироф этади. Шунингдек, у барчага фойдали бўлиш учун бандлик (иш билан таъминланганлик) муайян сифат мезонларига мувофиқ бўлиши кераклигини маъкуллайди. Масалан, ҳеч қандай мустаҳкам бойлик мажбурий меҳнат билан яратилиши мумкин эмас. Болалар меҳнати камбағалликни абадийлаштириш самарасига эга бўлиб, инсон салоҳияти ва жамият ривожига жиҳдий зарар етказади. Ҳукуқларнинг чекланиши, камситилиш ҳам жамиятнинг сезиларли қисмидан ҳамда иқтисодиётнинг ижобий ривожланиш самараларидан маҳрум киласди. У ишга жойлашиш истиқболларини камайтиради ва жамиятдаги кескинликни оширади. Бирлашиб эркинлиги, жамоа музокараларини олиб бориш эркинлиги ҳамда ижтимоий мулоқот эса етук жамиятга ижтимоий адолатлий шароитида иқтисодий ривожланишни қандай қилиб энг яхши тарзда таъминлаш түғрисида доимий мулоқотга эга бўлишда ёрдам берадиган воситалар хисобланади.

Муносиб меҳнат концепцияси глобал иқтисодиётни бошқариш усуслари билан узвий боғлиқdir. 2002 йили Ҳалқаро меҳнат ташкилоти томонидан глобаллашувнинг ижтимоий жиҳатлари бўйича нуфузли комиссия тузилиб, у икки йил мобайнида муносиб меҳнатни глобаллашган маҳсулотга ва меҳнат бозорларига татбиқ этишининг турли усусларини мониторинг килган. Ушбу комиссиянинг энг мухим хуносаларидан бири шу бўлдики, глобаллашув жараёнини бошқариш уйда бошланиши керак. Ҳалқаро меҳнат ташкилотига аъзо ҳар бир мамлакатда қабул қилинган чора-тадбирлар одамларга якин бўлиши даркор, чунки улар қўрқинчлари ва интилишлари билан биргалар. Одамлар доимо ўзлари яшайдиган ҳамда ишлайдиган жойда қўллаб-куватланишга эҳтиёж сезадилар. Агар улар билан адолатли муносабатда бўлинса ва улар ҳам атрофдагиларнинг ўзларига нисбатан адолатли эканлигини кўрсалар, дунёда адолат ва ишонч мавжудлиги түғрисида гапиришлари осон бўлади.

Бундай қараш инсон ҳукуқларига ҳам тегишилидир. Одоб-ахлоқ доирасини белгилаш ва ҳукуқларнинг таъминланиши иш жойида бошланиши керак. Масалан, иш жойида камситилишга ҳамда ҳукуқлар чекланишига “йўқ” дейиш умуман жамиятда хурмат, чидамлилик ва очиқликнинг рағбатлантирилишида мухим омил ҳисобланади. Муносиб меҳнат адолатли глобаллашув билан ёнма-ён бормоқда. Муносиб меҳнатнинг мавжуд эмаслиги камбағалликни кучайтиради ҳамда экстремизм ва норозиликка етакловчи ижтимоий қатламларни юзага келтиради. Халқаро меҳнат ташкилотининг ўзига хос ваколати иш берувчилар, ходимлар ҳамда фуқаролик жамияти вакиллари ўз фикрларини эркин ва дадил ифодалай оладиган мамлакатлар бошқарувида асос бўладиган ижтимоий адолат тамойилларини белгилаш ва ўрнатишдан иборат бўлди. Халқаро меҳнат ташкилоти томонидан амалга оширилган ишлар эса иқтисодий тизимлар — глобал, миллий ва маҳаллий миқёсда — одоб-ахлоқ қашшоқлиги (вакууми)да ривожланмаслигини таъминлашда ҳал қилувчи омил бўлиб қолади.

Муносиб меҳнат ва адолатли глобаллашув тушунчаси бошқа барча халқаро анжуманларга қадар Халқаро меҳнат ташкилоти томонидан илк маротаба янграган ҳамда ҳаётга татбиқ этилган. Бу тушунчалар Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси томонидан ҳам маъкулланган. Улар — бандлик, доимий ривожланиш, барқарорлик ва хавфсизлик ўртасидаги зарур алоқадан фойдаланадиган сиёsat учун муайян йўналиш ҳисобланади. Миллати, ирқи, сиёсий қарашлари ва диний эътиқодидан қатъи назар, сайёрамиздаги барча одамларнинг асосий орзу-умидларини қондирадиган комплекс ривожланишга ёрдам бериш учун маънавий, ижтимоий ва иқтисодий эҳтиёжлар бирга тўпланиши керак. Ургунинг айнан одамлар ва меҳнат томон силжиши эса барқарор, доимий ривожланиш учун яхши асос ҳисобланади. Бунинг оқибатида уларнинг интилишлари рўёбга чиқади ва фаровон ҳаёт кечиришлари учун зарур маблағлар кафолатланади.

1.2. “Меҳнат муҳофазаси” фанининг мақсади, предмети, вазифалари ва бошқа фанлар билан алоқадорлиги

Бевосита ана шундай жараён натижасида инсон табиий ва ишлаб чиқариш омилларига дуч келади. Бу омиллар унинг соғлиғи ҳамда меҳнат салоҳиятига ёки ижобий ёхуд кўпроқ

салбий таъсир кўрсатади. Бу омилларнинг таъсири меҳнат шароитлари тушунчаси асосини ташкил этади. Ана шу шароитларни мақбуллаштириш учун эса меҳнатни муҳофаза қилиш тизими яратилади.

Меҳнат фаолияти алоҳида тизим ҳисобланиб, уч қисмдан: меҳнат предметлари, меҳнат воситалари ҳамда меҳнат жараёнида меҳнат воситалари ёрдамида предметларни маҳсулотларга айлантирадиган меҳнат субъектлари сифатидаги инсонлардан иборатдир.

Меҳнат предметлари — инсон меҳнати сарфланадиган обьект бўлиб, унга табиий моддалар киради.

Меҳнат воситалари — ишлаб чиқаришда меҳнат предметларига таъсир кўрсатишда инсон фойдаланадиган воситалардир. Меҳнат воситаларига ишлаб чиқариш жараёни учун зарур бўлган ҳамма моддий шароитлар: машина ҳамда ускуналар, асбоб ва мосламалар, корхона биноси, шу бино жойлашган ер, алоқа, юк ташиш воситалари ҳамда ҳоказолар киради. Одамлар уларга меҳнат воситалари ёрдамида таъсир кўрсатиб, шахсий ва ижтимоий эҳтиёжларини қондириш мақсадларида фойдаланадилар.

Меҳнат предметларига кам сарф билан сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришга ёрдам берадиган талаблар қўйилади. Бундан ташқари, меҳнат предметлари ходимлар учун хавфсиз меҳнат шароитларини таъминлаши, инсон ҳаётига салбий экологик таъсир кўрсатилишини истисно этиши керак.

Меҳнат воситалари меҳнат жараёнини енгиллаштиришни таъминлаши, меҳнат унумдор бўлишига, яъни меҳнат самарадорлигини оширишга хизмат қилиши лозим. Шу билан бир қаторда, меҳнат қуролларининг жамлама хусусиятлари инсонга мос бўлиши, яъни меҳнат жараёни оғир кечмаслиги, ходимлар чарчаб қолмаслиги, уларга жароҳат етмаслиги ва ҳоказоларни таъминлаши керак.

Бундан ташқари, меҳнат жараёнида ходимнинг иш қобилияти ва соғлигига таъсир кўрсатувчи кўп миқдорда ташқи ишлаб чиқариш ҳамда ноишлаб чиқариш омиллари мавжуд. Бу омиллар меҳнат шароитлари деб аталади. Ноқулай меҳнат шароитлари ходимнинг меҳнат фаолияти давомида самарали меҳнат қилишига халақит бериб, соғлигига салбий таъсир кўрсатишдан ташқари,

унинг қобилиятини ва билимларини тўла намоён этиши, бу билан жамият бойлигини кўпайтиришга кўпроқ ҳисса кўшишига ҳам тўсқинлик қиласди.

Меҳнат иқтисодий мазмунга эга бўлиши билан бир қаторда, ижтимоий ҳодиса ҳам ҳисобланади. Бунга шахснинг эҳтиёжлари, мотивлари, қадриятлари, касбий тайёргарлиги, жамоадаги психологик муносабатлар киради. Ушбу омиллар орасида шахсий манфаатдорлик, меҳнат фаолиятини рағбатлантирувчи мотивация, ходимнинг ижтимоий-меҳнат муносабатлари тизимидағи мақоми алоҳида ўрин тутади.

Шундай экан, *меҳнат фақат иқтисодий эмас, балки ижтимоий категория ҳам ҳисобланади*. Меҳнат жараёнида муайян ижтимоий-меҳнат муносабатлари тизими шаклланади. Мазкур тизим ижтимоий муносабатлар негизи ҳисобланади ҳамда умуман, иқтисодиёт, шунингдек, минтақа, корхона ва алоҳида шахс даражасида намоён бўлади. Шу билан бирга, меҳнат негизида психологик ҳамда физиологик жараёнлар ҳам ётади. Шунинг учун инсон меҳнати самарадорлигини ошириш вазифаларини ҳал этиш мақсадида одамнинг меҳнат фаолияти ва бу меҳнат фаолияти жараёнидаги функциясини ўрганиш зарур.

Бир гурӯҳ олимлар меҳнат таърифини умумлаштирган ҳолда “Меҳнат бир йўла ҳам инсоннинг табиат билан ўзаро ҳамкорликдаги фаолияти бўлиб, бу фаолият натижасида турли неъматлар яратилади ва инсоннинг ташки мухитга мослашиши рўй беради; ҳам унинг қатнашчилари ўртасидаги муайян муносабатлар бўлиб, бунинг натижасида ҳам ташки мухитга, ҳам бевосита инсон табиатига таъсир кўрсатилади”⁸, деган холоса чиқарадилар.

Меҳнат, шунингдек, ҳозирги кунда олимлар эътироф этишаётганидек, ишлаб чиқариш омили сифатида ноёб ҳодиса бўлиб, уни тадқиқ этиш учун алоҳида ёндашув талаб килинади. Бирок меҳнатнинг ишлаб чиқариш омили сифатида ўзига хос хусусиятлари мавжудлиги сабабли уни инсон фаолиятининг бутун қирраларини ҳисобга олган ҳолда таҳлил этиш керак.

Мазкур қоиддан келиб чиқсан ҳолда, меҳнатнинг кувват сарфлаш билан боғлиқ бошқа бир хусусиятини ҳам назарда тутиш керак бўлади. Лекин бу ҳамиша ҳам иқтисодиёт фанининг диққат-

⁸ Одегов Ю.Г., Руденко Г.Г., Бабинина Л.С. Экономика труда: Учебник. Том 1. М.: Альфа-Пресс, 2007, с. 81.

эътиборида турмаслигини айтиш лозим. Мехнат жараёнида инсоннинг асаб, ақлий ва жисмоний қуввати сарфланади. Ушбу қувват сарфи турли ишлаб чиқариш ҳамда шахсий омилларга боғлиқдир. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулот бирлигига қанча кам қувват сарфланса, бу меҳнат самарадорлигини шунча оширишга, айни пайтда инсон салоҳиятидан самарали фойдаланишга хизмат қиласди.

Шундай экан, биз меҳнат фаолияти билан машғул инсонни ташки мухит салбий таъсиридан сақлаш, муҳофаза этиш, унинг ҳаёти ва соғлиғи борасида ғамхўрлик кўрсатиш зарур, деган хуносага келамиз. Буларнинг ҳаммаси хозирги даврда “Меҳнатни муҳофаза қилиш” атамаси билан номланади. “Меҳнат муҳофазаси — инсоннинг меҳнат жараёнидаги хавфсизлиги, сиҳат-саломатлиги ва иш қобилиятининг сақланишига қаратилган тадбирлардир”⁹.

Ижтимоий-иктисодий умумий тизимида, жумладан меҳнат муносабатларида меҳнат муҳофазаси алоҳида ўрин тутади. Меҳнатни муҳофаза қилиш меҳнатнинг турли хусусиятлари билан узвий боғлиқлиги билан изоҳланади. Жумладан, улар куйидагилардан иборатдир:

— **иктисодий**: аҳолининг иш билан бандлиги, меҳнатга ҳақ тўлаш ва моддий рафбатлантириш, меҳнат унумдорлиги, меҳнатни ташкил этиш ҳамда меъёрлаштириш ва ҳоказолар;

— **техник-технологик**: техник жиҳозлаш, ишлаб чиқариш ва меҳнат жараёнинг технологияси, энергия билан таъминлаш, техника хавфсизлиги ва ҳоказолар;

— **ижтимоий**: меҳнатнинг мазмуни, жозибадорлиги ҳамда мотивацияси, меҳнат жамоаси аъзоларининг ўзаро муносабатлари, манфаатларнинг мувофиқлиги ва ҳоказолар;

— **психофизиологик**: меҳнатнинг оғирлиги, тифизлиги, санитария-гигиена шароитлари ва ҳоказолар;

— **ҳуқуқий**: меҳнат муносабатларининг, жумладан, меҳнатни муҳофаза қилишнинг ҳам қонун йўли билан тартибга солиниши ва ҳоказолар;

— **ташкилий-бошқарув**: меҳнатни бошқариш органларини шакллантириш, субъектлар: ходимлар, иш берувчилар ва давлатнинг ўзаро муносабатларини тартибга солиш.

⁹ Ўзбекистон Миллӣ энциклопедияси.-5-жайл. Тонкент: ЎзМС, 2003. 631-бет.

“Мөхнат мұхофазаси” фанининг предмети бўлиб, кишилар мөхнат қилаётган мұхитнинг ташкилий-техникавий, санитария-гигиеник ва ижтимоий шароитида, шунингдек, техника хавфсизлиги, ишлаб чиқариш санитарияси, мөхнат гигиенаси ҳамда мөхнат ҳимояси конун-қоидалари бузилмаслигини таъминлайдиган ташкилий-техникавий, санитария-гигиеник ва ҳукукий бир чора-тадбирлар тизими ҳисобланади.

Ташкилий чора-тадбирларга хавфсиз мөхнат қилиш усулларини жорий этиш, ишчилар учун техника хавфсизлиги бўйича плакатлар тайёрлаш, турли хавфлардан кишиларни огоҳлантирувчи белгилар қўйиш, инсон учун хавфли бўлган зоналарда, машиналарда ишлашни такиқлайдиган ёзувлар ёзиш, техника хавфсизлиги бўйича бурчаклар ёки хоналар ташкил қилиш каби бир қатор чора-тадбирлар киради.

Ташкилий чора-тадбирларнинг яна бир асосий қисми, бу — Давлат назорати ва ижтимоий назорат бўлиб, улар мөхнат ҳимояси конун ҳамда қоидаларнинг бузилмаслигини назорат қилиб турадилар.

Техникавий чора-тадбирларга энг биринчи навбатда, ишлаб чиқаришга техника хавфсизлигини таъминлайдиган техникани жорий қилиш киради. Бу техника билан боғлиқ талаблар бўлиб, уларга қўйидагилар киради: кишиларни хавфли зонадан ажратиб турадиган ҳар хил тўсиқлар, кўрикловчи мосламалар, сигнализациялар ўрнатиш, масофадан туриб бошқариш, шахсий ҳимоя қуроллари ва бошқалар.

Ҳукукий чора-тадбирлар. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Мөхнат кодекси ҳамда давлатимиз раҳбарининг Фармон ва қарорлари, Ҳукумат қарорларига таянган ҳолда, корхона ҳамда ташкилот лойиҳалари ва ишлаб чиқариш-санитария нормалари асосида мөхнатни мұхофаза қилишнинг меъёрий асослари ишлаб чиқилади. Шунингдек, мөхнат шароити нормал шароитдан фарқ қилувчи корхоналар, иш жойлари ва касблар рўйхати тузилиб, уларга қисқартирилган иш куни, кўшимча иш ҳақи, кўшимча таътиллар, эрта нафақага чиқиш, санаторий ҳамда оромгоҳларда бепул даволаниш ҳукуки ва бошқа бир қанча имтиёзлар берилади ҳамда шу орқали маълум ижтимоий шароит яратилади. Ижтимоий шароит ишлаб чиқариш гурухида ижтимоий иклимининг яхшиланиши билан боғлиқдир.

Мехнат муҳофазасини яхшилаш маълум бир вазифаларнинг бажарилишини тақозо этади. Улар қуидагилардан иборат:

1. Ишлаб чиқариш муҳити омиллари орасидан оптималь нисбатини топиб, ишлаб чиқариш қуролларининг мана шу ривожланган даражасида уларнинг инсон танасига ёки меҳнат қилиш қобилиятига салбий таъсир кўрсатишини имкон қадар камайтириш.

2. Ҳар бир салбий омилнинг таъсир даражасини аниқлаш, уларнинг инсон саломатлигини бузмаслигини назорат қилиб туриш.

3. Корхона персонали ва унинг атрофидаги кишилар хавфсизлигини таъминлаш.

4. Бозор иқтисодиёти амал қилаётган бугунги кунда фан-техниканинг янги ютуқларидан фойдаланган ҳолда, ишлаб чиқаришга меҳнат шароитини соғломлаштирадиган аниқ чора-тадбирларни жорий этиш.

5. Салбий омилларнинг таъсир даражасини йўқотадиган ёки камайтирадиган самараали техник ҳимоя қуролларидан кенгроқ фойдаланиш.

6. Режалаштирилаётган ва амалга оширилётган меҳнат шароитини яхшилайдиган чора-тадбирларнинг иқтисодий самараали усулларини топиш.

Юқорида кўрсатиб ўтилган вазифалардан кўриниб турибдики, меҳнатни муҳофaza қилиш ишлари марказида жамиятнинг асосий ишлаб чиқарувчи кучи, яъни инсон ва унинг соғлиғини, меҳнат қобилиятини сақлашдек устувор мақсад ётибди.

Меҳнатни муҳофaza қилишнинг илмий фан сифатида шаклланиши ва ривожланиши доимо турли фанлар: иқтисодиёт, ҳукуқ, математика, социология, психология ва бошқа фанларнинг ютуқларига таянган. Фаннинг бу соҳалари ривожланиб боргани сайин тадқиқотчилар, шунингдек, амалиётчилар меҳнат фаолияти учун хавфсиз шароитлар яратишда тобора кўпроқ имкониятларга эга бўлмоқдалар.

Меҳнатни муҳофaza қилиш инсон организмига ишлаб чиқариш муҳити салбий таъсирининг олдини олишга, шунингдек, нокулай шароитларда меҳнат билан банд бўлган ходимларни ижтимоий муҳофaza қилишга қаратилган тадбирларни шакллантиришга даъват этилган ташкилий, техник ва моддий воситаларни яратиш бўйича фан соҳаси ҳамда амалий фаолиятидир.

Меҳнатни муҳофаза килиш фан сифатида социология, айникса, унинг узвий тармоги ҳисобланган меҳнат социологияси билан чамбарчас боғлиқдир. Меҳнат социологияси меҳнат фаолиятини, бир томондан, инсоннинг ижтимоий турмушга таъсирини, иккинчи томондан, ижтимоий муносабатларнинг меҳнат фаолиятига таъсирини ижтимоий воеа сифатида тадқиқ этади. У меҳнат фаолиятининг умумий мөҳияти, ижтимоий ўрни ва ижтимоий ролига аниқлик киритади, инсонларнинг ўзаро меҳнат фаолияти жараённида таркиб топадиган муносабатларини ўрганади. Ана шундай муносабатлар жараённида ходим ҳам муайян иқтисодий муносабатлар маҳсули, ҳам умуман жамиятда таркиб топган муносабатлар таъсирида шаклланадиган муайян эҳтиёжларни кўрсатувчи фаолият субъекти сифатида ўрганади.

Социологиянинг меҳнатни муҳофаза қилишга бевосита алоқадорлиги меҳнат муҳофазасига тааллуқли барча муаммоларни тартибга солишга қаратилган қонунчилик ва норматив-хукукий асос, имтиёзлар ва компенсациялар, касбий хавфларни суғурталаш тизимини шакллантириш, шунингдек, меҳнат муҳофазасига тааллуқли қонунлар, тартиб ва қоидаларга риоя этмаслик учун жавобгарлик чораларини ишлаб чиқишида намоён бўлади.

Меҳнатни муҳофаза қилишнинг психология фани, жумладан, меҳнат психологияси билан ўзаро боғлиқлиги инсон психикаси ҳамда унинг меҳнатга муносабати талаблари тадқиқ этилишида кўринади. Меҳнат психологияси инсоннинг қобилияти, иродаси, бошқа психик хусусиятларини ўрганар экан, бу билан унинг амалий фазилатлари, қийинчиликларни енга олиши, мақсадга эришишдаги қатъияти ва ҳоказоларни ҳам аниқлади. Психология ходимнинг меҳнат жамоасида ўзаро ҳамкорликда ишлашга қобилиятини билишда ҳам мухим роль ўйнайди.

Меҳнат физиологияси фани ҳам меҳнат муҳофазаси билан узвий боғлиқдир. Меҳнат физиологияси физиологик жараёнлар кечиши қонуниятини ҳамда инсоннинг меҳнат фаолиятида уларни тартибга солиш хусусиятларини ўрганади. Меҳнатнинг инсон организми асаб, мушак, юрак-кон томир ва бошқа қисмларига таъсири ҳамда бу таъсирнинг меҳнат жараёни ва натижасига тескари таъсирини тадқиқ этади.

Навбатдаги фан — меҳнат гигиенаси ҳам меҳнат муҳофазасига бевосита алоқадор, чунки бу фан меҳнат жараёни ва

ишлаб чиқариш мұхитининг инсон организмiga таъсирини үрганади. У, шунингдек, кулай меңнат шароитларини таъминлаш нормативлари ва тадбирлар тизимини ҳамда касб касалликларининг олдини олиш йўлларини ишлаб чиқиш билан шуғулланади.

Меңнат мұхофазаси билан бу соҳа учун яна бир жуда мұхим фан — меңнатни ташкил этиш бевосита алоқадордир (німа учундир ҳозирги пайтда унинг аввалги номи — “меңнатни илмий ташкил этиш” ёддан кўтарилган).

Меңнатни ташкил этиш — назария ва амалиётта асосланган ҳамда корхонада иш жараёни унсурлари тартиби ва принципларидир. Меңнатни ташкил этишининг қуйидаги вазифалари фарқланади:

— иқтисодий вазифалар — миллий иқтисодиётда инсон ва моддий ресурслардан оқилюна фойдаланиш, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳамда унинг сифатини ошириш;

— санитар-гигиена ва психолого-физиологик вазифалар ҳамда ходимларнинг соғлиғини мұхофаза қилиш, меңнат шароитларининг белгиланган стандарт ҳамда нормативларга мослигини таъминлаш;

— ижтимоий вазифалар — меңнатнинг мазмуни, унинг ижодийлиги, ходимларнинг маънавий камол топишини ривожлантириш, уларнинг ижтимоий мұхофазасини ташкил этиш;

— ташкилий вазифалар — ҳар бир ишни ташкил этишда эргономик талабларга мувофиқликни таъминлаш.¹⁰

Бу фан меңнатнинг энг мұхим хусусиятлари — кадрларни танлаш ва уларни касбий тайёрлаш, меңнат тақсимоти ҳамда кооперацияси, иш жойларини ташкил этиш ва уларга хизмат күрсатиш, меңнатни нормалаш, меңнатни рағбатлантириш муаммолари билан шуғулланади.

Кейинги йилларда “Персонални бошқариш” фани оммалашмоқда. Бу фан ҳам инсоннинг, ҳам умуман корхонанинг манбаатларини кўзлаган ҳолда, ходим имкониятларидан самарали фойдаланишни таъминлашга қаратилган ташкилий ижтимоий-иқтисодий, хуқуқий муносабатлар тизимини тадқиқ этади. Персонални бошқариш фани кадрлар сиёсати усуллари ва жараёнларидан фойдаланиш ҳамда уларни такомиллаштириш

¹⁰ Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 5-жилд. Тошкент: ЎЗМЭ, 2003, 637-бет.

оркали персонални танлаш, жой-жойига қўйиш, ўқитиш, баҳолаш ва рағбатлантириш муаммолари билан шуғулланади.

Хукуқшунослик фани тармоқларидан бири — меҳнат ҳукуқи меҳнатни муҳофаза қилишнинг кўплаб масалаларини ҳал этишга қаратилган. Меҳнат ҳукуқи ходимлар, иш берувчилар, касаба уюшмалари ва давлатнинг умуман, меҳнат соҳасида, шу жумладан, меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида ҳам меҳнат муносабатларини тартибга солишга йўналтирилган ҳукукий нормаларни тайёрлаш, нашр этиш ва уларнинг ижросини назорат қилишни таъминлайди. Корхоналар ходимларининг ижтимоий ва меҳнат муносабатлари: фуқароларнинг меҳнат соҳасидаги асосий ҳукуқ ҳамда мажбуриятлари, ходимлар ва иш берувчилар ўртасидаги жамоа-шартнома муносабатлари масалалари, иш вақти ҳамда дам олиш вақтини тартибга солиш, меҳнатга ҳақ тўлаш ва меҳнатни нормалаш, ходимларнинг асосий кафолатлари ҳамда уларга компенсациялар бериш, меҳнат интизоми, меҳнатни муҳофаза қилиш муаммолари меҳнат ҳукукининг предмети ҳисобланади. Меҳнат ҳукуқи, шунингдек, ишлаб чиқариш, меҳнат ва иш шароити, ижтимоий сүғурталаш, етказилган моддий зарарни қоплаш, меҳнат низолари ҳамда баҳслари масалаларини ҳал этиш бўйича ходимлар билан касаба уюшмалари ўртасидаги муносабатларни ҳам тартибга солади. Меҳнатни муҳофаза қилиш фани юқорида қайд этилган илм-фан соҳалари билан бир қаторла, математика, ахборот технологиялари, табиий, мухандислик, техника ва ҳоказо фанлар билан ҳам ўзаро боғлиқ (1.1-расм).

Ушбу фанлар меҳнатни муҳофаза қилишини бошқариш тизимида мазкур соҳадаги ишларнинг аҳволи тўғрисидаги ахборотларни тўплаш ва қайта ишлаш, меҳнат хавфсизлигини таъминлаш бўйича параметрлар ҳамда нормативлар хусусиятларини белгилаш, уларни амалга ошириш тадбирларини ишлаб чиқиш, бу тадбирларнинг самараадорлигини таъминлайдиган ҳисоб-китобларни амалга ошириш, меҳнатни муҳофаза қилишини бошқаришни янада такомиллаштириш бўйича истиқболли йўналишларни белгилаш ҳамда прогнозлашда ёрдам беради.

Илм-фан соҳасидаги кўпгина ютуқлар инсонларнинг, шу жумладан, меҳнат фаолияти билан машғул кишиларнинг соглиги ҳамда ҳаётини муҳофаза қилиш ишига улкан ҳисса қўшмокда.



1.1-расм. Мехнатни мухофаза қилиш фанининг илм-фанинг бошқа соҳалари билан боғлиқлиги

Шу билан бир каторда, ҳали илм-фан соҳасида эришилган натижаларнинг ҳаммаси юкорида қайд этилган жуда мухим мәксад йўлида амалиётга тўлиқ жорий қилинаётгани йўқ. Лекин илм-фанинг турли соҳасидаги олимларнинг меҳнат мухофазаси масалалари билан шуғулланадиган мутахассислар билан яқиндан ҳамкорлик қилишлари мазкур камчиликларга барҳам бериш ҳамда меҳнат хавфсизлигини таъминлашда илм-фан соҳасидаги энг сўнгти янгиликларни амалиётга сабитқадамлик ва тезкорлик

билин жорий этишга хизмат қилаётганлиги эътиборга моликдир.

Шундай қилиб, меҳнатни муҳофаза қилиш муаммолари жуда хилма-хил бўлиб, ижтимоий-меҳнат муносабатларининг иқтисодий, техник-технологик, ташкилий, ижтимоий-психологик элементлари жамламаси ҳисобланади. Улар меҳнат жараёнида иштирок этаётган субъектларнинг ўзаро боғлиқлиги ва ўзаро ҳамкорлигини объектив жиҳатдан акс эттиради. Меҳнат жараёни иштирокчилари ўртасидаги ижтимоий-меҳнат муносабатлари ходимлар меҳнат фаолияти туфайли ташкил топади. Уларнинг бу саъй-ҳаракатлари ходимлар эҳтиёжлари, манфаатлари, қадриятлари, меҳнат фаолияти хусусиятлари таъсири асосида шаклланади. Ижтимоий-меҳнат муносабатларини шакллантиришда ижтимоий-иқтисодий фаолият барча тури (мехнат, миграция, истеъмол, тақсимот ва айрибошлаш) ўртасида ходимларнинг меҳнат ва касб фаолияти энг муҳими ҳисобланади.

1.3. Меҳнат хавфсизлиги психологияси

Ҳар йили ишлаб чиқаришда жароҳатланишнинг олдини олиш учун юз миллион сўмлаб маблағ сарфланади, бирок кўпгина корхоналарда бундай нохуш ҳолнинг жиддий пасайиши сезилмаяти. Бинобарин, мазкур муаммо билан курашишнинг бошқа усуllibарини излаш керак. Бахтсиз ҳодиса юз берган шароитларни текшириш шуни кўрсатадики, унинг содир бўлишига кўпинча жабрланувчининг шахсий сифатларидаги этишмовчилик сабаб бўлар экан.

Ишлаб чиқариш жараёнини тўғри ташкил этишда ишловчига боғлиқ бўлган психологик омиллар алоҳида аҳамиятга эгадир. Шу нуқтаи назардан, меҳнат хавфсизлиги психологиясининг асосий жиҳатларини кўриб чиқамиз.

1. Меҳнат хавфсизлиги ишловчининг жисмоний ва биологик сифатларининг катта комплексига боғлиқ бўлиб, унга ишловчининг хатти-ҳаракатларида унинг профессионал билими ва укуви меҳнат хавфсизлиги талаблари билан органик уйғунлашиб кетганида эришиш мумкин. Бунда хавфсизлик техникаси талаблари ортиқча юклама бўлмасдан, ишни бажаришнинг барча техникавий босқичига гармоник сингиб кетиши лозим. Бажарилиши хавфсиз бўлган ишни яхши иш деса бўлади, лекин бунинг учун укув керак. Янги ишчиларни қабул қилишда асосий эътиборни уларнинг ўз

касларини тўғри танлаши ва ишнинг хавфсиз жиҳатларини оқилона ўзлаштиришларига қаратиш лозим.

Ишловчиларнинг хатти-харакатида интизомнинг мустаҳкамлиги ва ўзини тута билишига эришиш ҳам асосий омиллардан биридир. Бу қўшимча назоратсиз хавфсизлик техникаси талабларини тизимли равишда бажаришда намоён бўлади. Ишловчиларни юз берган баҳтсиз ҳодисалар ва уларнинг оқибатлари билан таништиришда содир бўлиш сабабларини батафсил тушунтириш ва орқали унинг олдини олиш йўлларини кўрсатиш лозим. Амалда эса, таассуфки, асосан, баҳтсиз ҳодисалар юз берган ҳолат ва унинг сабабларини тушунтиришда ишловчиларни кўпроқ кўрқитиш учун барча имкониятдан фойдаланишга ҳаракат қиласди. Бу эса, ўз навбатида, баъзи кишиларда ожизлик ҳолатини туғдириб, ишда асабларнинг ортиқча бузилишига олиб келади. Баҳтсиз ҳодиса ҳақида акт тузишда (II-1 форма бўйича) “баҳтсиз ҳодиса юз берган ҳолат” устунида жароҳатланувчи ва у билан бирга ишлаган кишиларнинг ҳарактери ҳамда бошқа сифатларининг асосий томонларини кенг очиб бериш, уларда шу пайтда темперамент қандай намоён бўлганлигини ёритиш керак. Чунки темперамент шахснинг психология шуғулланадиган асосий шахсий хусусиятларидан биридир. Смена бошланишидан аввал мастер ёки смена бошлиғи ишни тақсимлаётганда, унинг барча гомонини, гарчи топшириқ қанчалик оғир бўлмасин, очиб кўрсатиши ва одамлар онгига етказиши (чунки смена вактида топшириқнинг ўзгартирилиши, унинг юк ташиш-ортиш ишларига ўтказилиши, электр пайвандчилар ва бошқаларга ёрдамчи қилиб юборилиши ишловчига ёмон таъсир кўрсатади), шу билан меҳнат фаолияти кайфиятини вужудга келтириши, одамларнинг руҳий-психологик кайфиятини бажарилиши керак бўлган ишга тайёрлаши лозим.

2. Техникавий камчиликларнинг таъсири. Инсоннинг психик ҳаёти, асосан, ташқи муҳитга боғлиқ ва ишни бажариш пайтида ҳар қандай шахснинг мазкур муҳит билан ўзаро муносабатга киришиши ишлаб чиқаришдаги заарали омилларнинг инсон руҳияти ва саломатлигига салбий таъсир кўрсатишига олиб келади.

Бу заарали омилларга қўйидагилар киради:

- газ ва чанг билан ифлосланганлик;
- ёмон ёритилганлик;
- жуда паст (-4 — -6С ёки бундан ҳам паст) ва жуда юқори (+32C дан юқори) температура;

— шовқин (айниңса, бир меъёрдаги шовқин).

Бу омиллар ишловчининг тез чарчаши, диккат-эътиборнинг чалғиши ва сергакликтининг йўқолиши каби салбий ҳолатларга олиб келади, булар эса тажрибасизлик (айниңса, иш стажи бир йилдан кам бўлган ишчиларда) ва эҳтиётсизлик билан уйгуналашиб, натижада баҳтсиз ходиса юз беришига сабаб бўлиши ҳеч гап эмас.

3. Ишловчиларнинг жароҳатланишига сабаб бўлувчи шахсий сифатлари. Ишга қабул қилишда аксарият касбдаги кишилар учун мажбурий бўлган тиббий кўрикдан ўтказиш вақтида ишга қабул қилинаётган кишининг шахсий сифатларини, шунингдек, унинг соғлиғидаги жароҳатланишига олиб келишни кучайтирадиган етишмовчиликларни комплекс равишида хисобга олиш зарур. Буларга куйидагилар киради:

1) касаллик характеристига ёки шунга яқин ҳолатга эга бўлган асаб тизими ёхуд бошқа органлардаги доимий функционал ўзгаришлар.

2) сезги органларининг турли камчиликлари, кўришнинг қисман йўқотилиши, гаранглик ва ҳ.к.

3) асаб тизимининг юқори бўлимларидаги сенсорлар ва ҳаракатлантирувчи марказлар ўртасидаги боғлиқликнинг бузилиши.

4) ҳаракатларнинг мослашувидағи нуқсонлар (эпчилмаслик, ишончсиз ҳаракатлар).

5) эмоционал жараёнларнинг мувозанатлашмаганлиги (хурсандчилик ва жаҳлнинг алмашинуви, арзимаган ташки таъсиirlарга дарҳол берилиши), булар енгилтаклик, ўйламасдан иш қилиш, шошмашошарликда намоён бўлади.

6) алкоголь ичимликлар ва гиёҳвандлик моддаларига ружу қўйиш.

7) ишдан кўнгил тўлмаслик ва унга қизиқишининг йўклиги, бундан эса ҳардамхәёллик, диккатнинг йўқолиши келиб чиқади.

Юқорида айтилганлардан шундай хулоса келиб чиқадики, тиббий кўрикнинг салбий хуносасига ёки бажараётган ишга ўзининг шахсий хислатлари мос келмаслигига (пассивлик, босиқмаслик, ҳаддан ташқари ҳаракатчанлик ва ҳ.к.) қарамасдан ишга кирган киши бошқаларга нисбатан баҳтсиз ходисага учрашига доимо ўзи сабабчи бўлади.

Шахс маънавий бузилишининг айрим белгилари баъзан тамагирлик, амалпарастлик каби шаклларда намоён бўлади. бу билан эса сафсатабозлик, кўзбўямачилик, кўз-кўз қилиш, хавфсизлик

нормалари ҳамда қоидаларига ҳурматсизлик билан муносабатда бўлиш ва бошқа омиллар чамбарчас бояланган.

Бригада, смена, участка, цехда ишчилар ва муҳандис-техник ходимлар учун ҳавфсизлик қоидаларига амал қилишнинг ягона муносабати ишлаб чиқилган бўлиши шарт. Ҳаттоти, битта участканинг турли смена ва бригадалари учун бир карашда тушунарли бўлган ҳавфсиз техникаси бўйича плакатларнинг, қоида бузишнинг турларига караб, ҳар хилларидан фойдаланиш керак. Энг муҳими, ҳавфсизлик техникаси қоидаларини бузиш ҳолларининг биронтасини ҳам жазосиз қолдирмаслик ва ўтказиб юбормаслик керак. Бундай ҳолга йўл қўйгани учун хоҳ ишчи бўлсин, хоҳ муҳандис-техник ходим бўлсин, жиддий жавобгарликка тортилиши лозим. Ҳавфсизлик қоидаларига риоя этилишини доимо ва қатъий, ҳар кандай шароитда, ҳеч кимга нисбатан истисносиз назорат қилиш керак. Чунки узоқ вакт баҳтсиз ҳодисага учрамай, лекин камдан-кам бўлса ҳам, кичик қоида бузишларига йўл қўядиган одам қачондир шу қоида бузишнинг жабрланувчиси бўлиб қолиши муқаррар.

Кисқача хulosалар

Мехнатни муҳофоза қилиш — бу тегишли конун ва бошқа меъёрий ҳужжатлар асосида амал килувчи, инсоннинг меҳнат жараёнидаги ҳавфсизлиги, сиҳат-саломатлиги ҳамда иш қобилияти сакланишини таъминлашга қаратилган ижтимоий-иқтисодий, ташкилий, техниковий, санитария-гигиена ва даволаш-профилактика тадбирлари ҳамда воситалари тизимидан иборат.

Меҳнат шароитлари ишчи кучидан рацонал фойдаланишни таъминлайдиган техниковий ва ташкилий тадбирлар мажмумини кўзда тутади. Меҳнат шароитларини яхшилаш тадбирлари меҳнатнинг якуний натижаларига, ижтимоий ишлаб чиқаришни ривожлантиришга ва унинг самарадорлигини оширишга катта таъсир кўрсатади.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Мехнат муҳофазаси тушунчасига изоҳ беринг.
2. Муносиб меҳнат деганда нима тушунилади?
3. Мехнат муҳофазаси фанининг мақсади ва предмети нималардан иборат?
4. Мехнатни муҳофаза қилиш фанининг вазифалари нималардан иборат?

5. Мехнат муҳофазаси фанининг бошқа фанлар билан алоқадорлигини тушунтириб беринг?

Тавсия этиладиган адабиётлар

1. “Мехнатни муҳофаза қилиш тўғрисда”ги Ўзбекистон Республикасининг Конуни. //www.lex.uz
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 13 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида”ги ПФ-2810-сон Фармони. //www.lex.uz
3. “Уй меҳнаткашларнинг муносиб меҳнати тўғрисида”ги 2011 йилги 189-сонли Конвенция // Халқаро Меҳнат Ташкилотининг асосий конвенциялари ва тавсиялари. – Т: Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази. //www.lex.uz
4. Адамчук В.В. Экономика и социология труда / В.В. Адамчук, О.В.Ромашов, М.Е.Сорокина- М: ЮНИТИ, 2001.
5. Абдурахманов О.К. Управление охраной труда в условиях рыночной экономики. М., 2008. С.122.
6. Абдураҳмонов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти. Дарслик. -Т.: Меҳнат, 2009. 400 б.
7. Андреев С.В. Охрана труда от “А” до “Я”. Практическое пособие. Вкп 2. М.: Альфа-пресс, 2004. С. 49.
8. Баранов Н.И. Охрана труда. Учебное пособие. Клин.ОЛС Комплект, 2002.
9. Джарм Гхай. Достойный труд: понятие и показатели // Международный обзор труда. 2003. Т.142. № 1-2. С.3.

2-боб. МЕҲНАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШДА МЕҲНАТ ШАРОИТЛАРИ

2.1. “Меҳнат муҳофазаси” ва “меҳнат шароитлари” тушунчаларининг ижтимоий-иктисодий моҳияти ва уларнинг амалиётда қўлланиши генезиси

Меҳнат фаолияти жараёнида инсонга кўпгина ички ҳамда ташки омиллар таъсир кўрсатади. Энг аввало, бу ишлаб чиқариш техника омиллари: меҳнат жараёни амалга ошириладиган бино ва иншоотлар, ишлаб чиқариш операцияларини бажаришда қўлланиладиган техника ҳамда технологиялардир. Улар, бир томондан, ишлаб чиқариш жараёнига ижобий таъсир кўрсатиб, меҳнат жараёнини бажаришни енгиллаштиради. Шу билан бирга, улар ходим ҳаёти ва соғлиғига салбий таъсир кўрсатадиган ортиқча шовқин, вибрацияни келтириб чиқаради, турли шикастланишлар этиши хавфини туғдиради.

Омилларнинг бошқа бир турлари ишлаб чиқаришда ишлатиладиган хом ашё, материаллар, ёнилғи, яримтайёр маҳсулотлардир. Улар чанг чиқариши, турли нурланишлар, заҳарли газлар, радиация ҳамда ҳоказолар орқали ходим соғлиғига салбий таъсир кўрсатади.

Ишлаб чиқаришдаги микроқлим: ҳарорат, ҳаво оқими, унинг намлиги ҳам персонал меҳнат қобилиятига салбий таъсир ўtkазиши мумкин. Бундан ташқари, инсон организмига салбий таъсир кўрсатадиган яна кўплаб унсурлар: иш жойининг яхши ёритилмаганлиги, бактерия ва вируслар тарқалиши, иш жараёнида жисмоний, руҳий зўриқиши ҳамда ҳоказолар ҳам мавжуд.

Бу омиллар инсоннинг меҳнат фаолиятига, шунингдек, ҳаётига салбий таъсир килади, унинг касалланишига, ҳатто ўлимига сабаб бўлиши мумкин. Шундай экан, мазкур салбий омилларнинг инсон соғлиғига таъсирини бартараф этиш ёки камайтириш йўллари ва воситаларини излаш, яъни инсон меҳнат килаётган жойда хавфсиз муҳит яратиш зарур. Шунинг учун ҳам “меҳнат шароити” ҳамда “меҳнат муҳофазаси” атамалари ижтимоий-иктисодий, техник, илмий, норматив-ҳуқуқий тушунча сифатида пайдо бўлган.

Меҳнатни муҳофаза қилиш инсон учун хавфсиз бўлган ҳамда унинг самарали меҳнат килиши учун зарур шарт-шароитларни

яратиш ва чора-тадбирларни амалга оширишни назарда тутади, Бундан меҳнатни муҳофаза қилиш меҳнат шароитига қараганда кўламлироқ ҳамда юкорироқ категория эканлиги ойдинлашади.

Собитқадам фаолият кўп минг йиллар давом этиб келар экан, ана шу давр мобайнида бу фаолиятни хавфсиз ташкил этиш, яъни меҳнат кишисини муҳофаза қилиш чора-тадбирлари кўриб келинган.


Ҳозирги пайтда меҳнатни муҳофаза қилиш давлат сиёсати даражасига кўтарилиган бўлиб, ижтимоий ривожланиш жараёнида жиддий ўзгаришлар рўй берди, яъни унинг генезиси кузатилди (2.1-расм).

Кўриниб турибдики, инсоният жамияти ва унинг ишлаб чиқарувчи кучлари ривожланар экан, инсон ҳаёти ҳамда соғлиғига таъсир кўрсатувчи омиллар босқичма-босқич мураккаблашиб, микдори ортиб борган. Шу билан бирга, бу омилларнинг заرارли таъсиридан ҳимояланиш учун тобора мураккаб ва қимматбахо усул ҳамда воситалар талаб этилмоқда. Бу эса, ўз навбатида салбий омилларнинг инсон соғлиғи ва меҳнат қобилиятига таъсирининг олдини олиш ёки бу таъсирни камайтириш учун энг самарали воситаларни топишга қаратилган илмий тадқиқотлар олиб бориш заруратини туғдирмоқда.

Замонавий ишлаб чиқаришларга бир корхонанинг ўзида физикавий-кимёвий хусусиятлари бўйича жуда мураккаб бўлган турли технологияларни кўллаш хосдир. Бугунги ишлаб чиқаришда технологиялар, жиҳозларни тез-тез алмаштириш, янги жараён ҳамда материалларни жорий этиш одатий ҳолга айланган. Аммо кўпинча ишлаб чиқаришдаги ана шу ўзгаришларнинг ходимларга салбий таъсири етарли даражада ўрганилмаган бўлади.

Қатор корхоналарда жуда заҳарли, тез ёнувчан моддалар, турли нурлар чиқарадиган материаллар ишлатилади, технологик жараёнлар шовқин даражасини ниҳоятда ошириб юборади, вибрация, ультра ва инфратовушлар, микроклимининг ноқулайлиги, чанг ҳамда газ меъёрдан ортиқча бўлиши ва бошқа салбий ҳолатлар кузатилади. Бу эса ходимга жароҳат етказади, унинг турли касалликларга чалиниши эҳтимолини оширади.

Меҳнатни муҳофаза қилиш муаммоларини ўрганиш билан кўпгина назариётчилар ва амалиётчилар шуғулланганлар. Улар



2.1-расм. Хавфли омиллар таъсири ва улардан ҳимояланиш воситаларининг генезиси

меҳнат муҳофазасига инсоннинг сабитқадам, бунёдкорлик фаолияти ҳамда мазкур фаолият билан боғлиқ барча жараёнда унинг хавфсизлигини таъминлашнинг мураккаб ва комплекс

тизими сифатида ёндашганлар. Мәхнатни муҳофаза қилиш объекти мәхнат хисобланиб, у ягона жараёнда инсонни мәхнат воситалари ҳамда предметлари билан бирлаштиради. Мәхнаттинг бу уч таркибий элементини ўрганиш билан кўплаб фанлар: иқтисодиёт, математика, психология, социология, муҳандислик ва бошқалар шуғулланади. Шундай экан, мәхнатни муҳофаза қилишни ўрганишдаги муваффақиятлар кўпгина бошқа турдош фанларда эришиладиган муваффақиятларга боғлиқдир. Мазкур фан соҳалари ривожланиб боргани сайн тадқиқотчилар мәхнатни муҳофаза қилиш муаммолари тўғрисида кўпроқ нарсаларни била бошладилар, хавфсиз мәхнат шароитини таъминлаш масаласини ҳал этишга янгича ёндашувларни топдилар. Шу билан бир қаторда, “мәхнатни муҳофаза қилиш” ва “мәхнат шароити” тушунчаларида, уларни илмий жиҳатдан асослашда ҳамда уларнинг ижтимоий-мәхнат муносабатларидағи ўрнини аниқлашда ҳам ўзгаришлар рўй бермоқда. Мәхнатни муҳофаза қилиш тушунчасига илмий ва амалий ёндашув генезасида, унинг моҳиятига қарашларнинг шаклланишида беш босқични ажратиб кўрсатиш мумкин. (2.1-жадвал)

1. Биринчи босқич бошланиши сифатида инсонияттинг ибтидоий даврини келтириш мумкин. Бу вактда одамлар табиат билан бевосита ўзаро алоқада бўлганлар. Ана шу даврда инсон учун ўзини ўзи сақлаш, совук, очлик, ваҳший ҳайвонлардан ҳимояланиш учун энг ибтидоий ҳимоя воситаларидан фойдаланиш хос бўлган. Бунинг далили сифатида 1991 йилда Австрия — Италия худудидаги Альп тоғлари музлигидан топилган ибтидоий одам қолдиқларини келтириш мумкин. Мазкур қолдиқлар билан бирга, ибтидоий шахсий ҳимоя воситалари: ўтлардан тўқилган сув ўтказмайдиган ёпинчик, эчки терисидан тайёрланган кийим, айик терисидан тикилган бош кийими, буғу терисидан тикилган этик ҳам топилган.

2. Иккинчи босқич кўхна даврга тааллуқли бўлиб, бу пайтларда мәхнатни муҳофаза қилиш оддий воқелик эмас, балки у жараён хусусиятига эгалигини тушуниб этиш учун дастлабки белгилар кўзга ташланиши билан эътиборга моликдир. Ўша даврда мәхнатни муҳофаза қилиш умумий концепцияси унинг бугунги тушунчасидек ҳолатда таркиб топмаган бўлса ҳам, у ижтимоий мәхнаттинг бошқарув элементига айлана бошлаган.

2.1-жадвал

Мехнат мухофазасини англаш генезиси

| № | 1 | 2 | 3 | 4 | 5 |
|---|--|--|---|--|---|
| Риөөжлан им боскиччар и | Ибтидоий дунё | Күхнә лүнё | Ўтга асрлар | Яңындаш | Хозирги давр |
| Иккисоди й түзүм | Ибтидоий жамаа | Күчлилүк түзүмү | Феодализм | Капитализм | Социализм Замонавий бозор иктисолидети |
| Сайы | М.а. 40- 50минг йылдлык | М.а. 3000 йыл | М.а. 300 йыл | X-XV асрлар | XV асрдан |
| Минтайкал ар | Европа ва Үргө Африка | Миср, Бобиль, Хиндистан, Юнонистон, Хитой | Европа, Осие, Араб Шарки, Шымоли-Шаркий Африка | Европа, Осие, Шымолий ва Жанубий Америка, Африка | 1917 йилдан СССР-ва бөлкө социалистик мамлакаттар |
| Мехнатни мужофаза күлиниш субъект-та ри таркибын | Ибтидоий онг ва инсон — Ното зария (жамоадар) | Эркин Фукаролар — — күлпүр, дэхконлар | Феодаллар (ер загари) — крепостной мехнатчалар | Капиталистлар — ස්ලамнашиллар (буржуазия — мехнатчалар оммаси) | Рахбар — холим р |

| | | | |
|---|---|--|---|
| | | | |
| Жисмоний мехнат билан куллар ва дехканлар машгул, «райбаб» дланаса кулларни каттаклаш | Жисмоний мехнат билан куллар ва дехканлар машгул, «райбаб» дланаса кулларни каттаклаш | Ташкиллантрилг ан кишлок хўжалигидаги оғир ишларга крепостной куллар ва дехканларни айrim оғир дехканчилик ишларни ўркин фуқаролар хам меҳнат кирада | “Кўл ва хукук” сўзлари — зилдигли, улар бир-бирини жалоб этиши, шу жумладан, ишлаб чикарини ошириш максади |
| Жисмоний мехнат билан куллар ва дехканлар машгул, «райбаб» дланаса кулларни каттаклаш | Жисмоний мехнат билан куллар ва дехканлар машгул, «райбаб» дланаса кулларни каттаклаш | Зарарли ва жалоб этиши, шу жумладан, оғир мекнатга хам оламлар хәёт ва сакланни соглигини тартиба солиш киритилди | Ишлаб чикарин иктисолий самарадорлиги мутасобиблигига эгашиб ётади, аммо китобларни шароитларини шакллантириш |
| Мехнатни мухофаза килиш “Формула си” | “Узбекскийни ўзинг хам эмас” сакта | “Капиталист — ходим” муносабатлари, асосан ходимлар хәёти ва соглиги омилларини хисобга олади, турмушига инада кўпроқ ёълибор фаровони кининг бир кисмидир | Муллак хавфизини и таъминлаша интинаш, аммо катор холматларда мекнаткашла рини хәёти ва соглиги ишсанда ишлаб чикарини ошириш |
| | | | |

Маълумки, кўхна Мисрда аҳоли икки қатlam: эркин фуқаролар ва қулларга бўлинган. Мехнатни муҳофаза қилиш оғир жисмоний меҳнат билан машғул бўлмаган эркин фуқаролар учунгина хос бўлган. Қуллар эса фақат ўз соғликлари эмас, балки ҳаётларини муҳофаза қилиш учун ҳам бирор оддий ҳимоя воситаларига эга бўлмаганлар.

Айрим тадқиқотчилар Аристотель (м.а. 384-322 йй.) “...мехнатни муҳофаза қилишни унинг жамият иқтисодиёти ва ривожланиш қонуниятига таъсири нуқтаи назаридан ўрганганд”, деган фикрдалар¹¹. Ҳақиқатан ҳам, Аристотель ишлаб чиқариш жараёнida меҳнатга энг катта ургу берган. Шу билан бир қаторда, у ижтимоий жиҳатдан тенг бўлмаган кишилар — қуллар ва эркин фуқаролар томонидан яратилаётган товарларга улар сарф қилган меҳнат тенглигини тан олмаган. Шунинг учун Аристотель эркин фуқаролар ҳаёти ва соғлигини сақлашга устуворлик қаратган. Бу фуқаролар эса оғир меҳнатни бажаришга қулларни жалб этган ҳолда ўзларини муҳофаза қилгандар.

Мазкур босқичда кўхна Римда иқтисодий муаммоларни тадқиқ этишга киришилганлигини кўрсатиш мумкин. Бу ерда, биринчи навбатда, қулдорликка асосланган йирик хўжаликни оқилона ташкил этиш билан боғлиқ амалий масалалар ҳал қилинган. Бунда меҳнатни муҳофаза этиш ишлаб чиқариш натижаларида ходимлар ҳаёти ва саломатлигининг омиллари қисман хисобга олинганлигига ўз ифодасини топган. Иқтисодиётдаги мазкур йўналиш М. Катон (м.а. 234-149 йй.)га тегишилдири. У қарам меҳнатни ташкил этиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқар экан, ихтисослашаётган қулчилик хўжаликлари ишлаб чиқариши элементларининг мақбул нисбатларини белгилаб берган. Бунда у асосий роль мулк эгасига тегишли эканлигини, бевосита хўжайин назорати меҳнатни ташкил қилишнинг энг муҳим омили эканлигини кўрсатган.

Гиппократ ҳам (м.а. 460-377 йй.) меҳнатни муҳофаза қилиш категориясини тадқиқ этар экан, кон ишчилари касалликлари (териларига зарар етиши, нафас олишнинг қийинлиги, улар организмларида қўрошин, рух, олтингугурт борлиги) тўғрисида ёзган. Шунингдек, Ю. Колумелл (м.а. I аср) биринчи бўлиб қулчилик хўжалигини ривожлантиришнинг интенсив йўли

¹¹ История экономических учений / Под ред. В. Автономова и др. М.: ИИ-ФРА-М. 2002, с. 784.

масаласини ўртага ташлаган. Бунинг учун у хўжаликни интенсивлаштиришда куллар меҳнатини ташкил этишини ўзгартириш зарурлигини кўрсатган.

3. Учинчи босқич ўрта асрларни қамраб олган бўлиб, бу даврда иқтисодий масалаларни фалсафа ва этика нуқтаи назаридан ўрганиш амалиёти шаклланганлиги кўзга ташланади. Ана шу даврнинг энг йирик олимларидан бири Фома Аквинский (1225-1274 йй.) Аристотель таълимотига амал қилган ҳолда, меҳнатнинг барча тури бир хил аҳамиятга эгалиги тўғрисидагиояни инкор этган, жисмоний меҳнатни фақатгина қуллар машғул бўладиган иш сифатида баҳолаган.

4. Тўртингчи давр учун (XV-XVI асрлар) меҳнатни муҳофаза қилишга миллат фаровонлигини оширишга хизмат қиладиган комплекс механизм сифатида қарашиб тушунчасининг янада ривожланиши хосдир. Инглиз иқтисодчиси У. Петтини (1623-1687 йй.) ушбу босқич вакили деб ҳисоблаш мумкин. Унинг “Меҳнат — бойликнинг негизи”, “Меҳнат — бойликнинг отаси, ер эса унинг онаси”, деган сўзлари машҳур. У иш кучидан тўла фойдаланилиши ҳамда унинг сифатини оширишни таъминлаш бўйича давлат муҳим функцияларни бажариши керак, деб уқтирган. Бу иқтисодчи меҳнатни муҳофаза қилишга инсонпарварлик ҳамда иқтисодий нуқтаи назардан ёндашиш тарафдори бўлган.

Таниқли инглиз иқтисодчиси А. Смит (1729-1790 йй.) меҳнатнинг бойликни кўпайтириш, меҳнат унумдорлигини оширишнинг омили сифатидаги ролини тадқиқ этган. Смитнинг фикрича, меҳнат ва унинг хавфсизлиги нафақат бойлик манбаи, балки унинг қиймати ўлчови ҳамdir.

5. Бешинчи давр XX аср бошидан ҳозирги бозор иқтисодиётiga ўтишгача бўлган оралиқни эгаллайди. Шўролар ҳукумати меҳнатни муҳофаза этиш бўйича катор конунлар, норматив ҳужжатларни қабул қилган. Ана шу даврда Ўзбекистонда ҳам собиқ Иттифоқда амал қилиб келган меҳнатни муҳофаза этишнинг умумий тизими мавжуд эди.

Ўзбекистон Республикасида давлат мустақиллигига эришилгандан сўнг меҳнатни муҳофаза қилишни бошқариш муаммолари халқаро қоида ва тавсиялар ҳисобга олинган ҳолда ҳал этила бошланди. Мамлакатимиз Бирлашган Миллатлар

Ташкилотининг тенг хуқуқли аъзоси сифатида истиқлол йилларида факат инсон хукуқлари бўйича 60 та асосий хужжатга қўшилган. Инсон хукуқлари умумжаҳон декларацияси Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан кейин қўшилган биринчи халқаро-хуқуқий хужжат бўлди¹².


Ўзбекистон Республикасида меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида ўз қонунчилигини яратиш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Шунингдек, меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича кўп сонли норматив-хуқуқий хужжатлар ишлаб чиқилган ва қабул қилинган. Мамлакатда меҳнатни муҳофаза қилишни бошқаришни амалга ошириш, ходимлар меҳнат шароитини назорат қилиш бўйича ташкилий тузилмалар шакллантирилган. Шу тариқа неча асрлар давомида инсон меҳнат билан шуғулланар экан, бу фаолиятини енгиллаштириш, меҳнат жараёни самарадорлигини ошириш заарли омиллар таъсиридан ҳимояланиш воситалари ҳамда йўлларини топишга ҳаракат қилган. Ўтган даврда, умуман, меҳнатни муҳофаза қилиш тушунчасига ёндашувларда ҳам туб ўзгаришлар рўй берди.

Меҳнатни муҳофаза қилишни бошқариш ходимлар учун нормал меҳнат шароити яратишни кўзда тутади. Меҳнат шароитлари ходимлар организмининг функционал ҳолати, улар соғлиғи ва иш қобилиятига таъсир кўрсатадиган ишлаб чиқариш муҳити омиллари жамламасидир. “Меҳнат шароитлари” атамаси кундалик ҳаётда жуда кўп ишлатилади. Бу ҳақда гап борганда, ҳар бир одам мазкур атамага ўз нуқтаи назарини ифода этади. Бир тоифа одамлар учун меҳнат шароитлари иш ҳақи миқдори, бошқаларга — иш вақти давомийлиги, яна бир хил кишиларга меҳнатнинг оғир жисмоний куч талаб этиши ва ҳоказоларни англатади. Умуман олганда, бу фикрларнинг ҳаммаси тўғри, аммо улар меҳнат шароитлари тушунчасини тўлиқ акс эттирмайди. Чунки инсон, унинг соғлиғи ва иш қобилиятига таъсир кўрсатувчи омиллар жуда кўпdir. Уларни тўлиқ тасаввур қилиш учун бу омилларни таснифлаш талаб этилади.

Агар бу омилларни шартли равишда — 2.2-расмда кўрсатилгандек, ёпиқ эллипс ичига жойлаштириб, уни тўрт кисмга бўлсак, мазкур секторларнинг ҳар бири меҳнат шароитларини

¹² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 1 майдаги “Инсон хукуқлари умумжаҳон декларацияси кабул килинганинг 60 йиллигига бағишланган таддирлар ластири тўтрасида”ги Фармони. <http://www.lex.uz>.

шакллантирадиган муайян омиллар жамламасини ифодалайди.



2.2-расм. Корхонада меҳнат шароитларини шакллантирадиган омилларнинг тақсимланиши.

Омилларнинг келиб чиқиши жойи ва манбаига қараб уларни икки катта гурухга бўлиш мумкин:

а) ишлаб чиқариши хусусиятларига боғлиқ бўлмаган омиллар (уларни горизонтал диаметр юқорисига жойлаштирамиз);

б) ишлаб чиқариши хусусиятларидан келиб чиқадиган омиллар (уларни горизонтал диаметрнинг қуий қисмida жойлаштирамиз).

Юқорида қайд этилган омилларнинг ҳар бир гурухини, ўз навбатида, икки қисмга ажратиш мумкин. Ишлаб чиқариш хусусиятларига боғлиқ бўлмаган омиллар ўртасида, энг аввало, табиий омилларни ажратиб кўрсатсанда бўлади. Улар корхона жойлашган жуғрофий ўрин билан белгиланади (1-сектор). Давлатда қабул қилинган меҳнат қонунчилиги. ижтимоий неъматлар ва кафолатлар жамланмаси тизими билан белгиланадиган ижтимоий-иктисодий омиллар 2-сектордан жой олади.


Ҳар бир муайян ишлаб чиқариш ҳамда унинг жамоасига боғлиқ бўлган омиллар, ўз навбатида, бир томондан, мазкур ишлаб чиқаришда қўлланиладиган техника, технология, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этиш хусусиятлари таъсири остида шаклланади (3-сектор). Иккинчи томондан, корхонадаги шарт-шароитлар, шунингдек, персоналнинг ўзига хос хусусиятлари таъсири остида шаклланади. Бу омиллар гурухини ижтимоий-психологик омиллар (4-сектор) деб аташ мумкин.

Табиий омиллар гурухи қуидагиларни қамраб олади:

— жуғрофий-иклим омиллари — жуғрофий кенглик, денгиз сатҳидан баландлик, жой рельефи, иқлим, ҳаво ҳаракати, намлиги ва ҳоказолар;

— геологик — фойдали қазилмалар жойлашиши, иш зонасида төг босими, харорат, намлик;

— биологик — мазкур жой ўсимлик ҳамда ҳайвонот дунёсининг ўзига хос хусусиятлари, одамларнинг хавфли ҳайвонлар, күшлар, бошқа мавжудотлар, микроорганизмлар, ўсимликлар билан алоқаси.



2.3-расм. Ишлаб чиқариш омиллари ва уларнинг ходимларга таъсири.

Табиий омиллар, айниқса, қишлоқ хўжалиги, транспорт, қурилиш, кон саноати ишлаб чиқаришида меҳнат шароитларини шакллантиришга бевосита таъсир кўрсатиши билан бир қаторда, муайян машина-ускуналар, технологиялар, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишга аниқ талаблар кўяди. Инсоннинг табиий омилларга таъсир кўрсатиш имкониятлари чегараланган. Шу боис уларни ҳисобга олмасликнинг иложи йўқ. Шунинг учун нормал меҳнат шароитлари яратишида табиий омиллар, албатта, ҳисобга олиниши керак. Корхоналарда табиий омилларнинг ходимларга нокулай таъсирини бартараф этиш ёки камайтириш учун зарур чоралар: биноларда кондиционерлар ўрнатиш, хоналарни изоляция қилиш, йилнинг совуқ даврида иссиқлик таъминотини йўлга кўйиш ва ҳоказо чораларни кўриш керак.

Ижтимоий-иктисодий омиллар ходимларнинг умуман жамиятдаги ҳолатини белгилайди. Улар меҳнатга ҳақ тўлашида, кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни тартибга соладиган меҳнат қонунчилигида, ижтимоий неъматлар ва кафолатларда ўз ифодасини топади. Давлатнинг норматив-хукукий ҳужжатлари бир сменадаги ҳамда ҳафталик иш вақти давомийлигини, санитария норма ва қоидаларини, пенсияга чиқиш ёшини, ҳомиладорлик ва туғиш бўйича имтиёзларни, кўп болали оиласлар, ишлаб чиқаришдан ажralмаган ҳолда таълим олаётганлар учун ҳамда бошқа масалаларни ҳал этиш максадида тегишли меъёрларни белгилайди. Муайян ишлаб чиқариш хусусиятлари ҳамда ўзига хос меҳнат шароитларини шакллантирадиган ишлаб чиқариш омиллари энг кўп сонли омиллар гурухини ташкил этади. Улар ходим организмига бевосита таъсир кўрсатади (2.3-расм).

Корхона персонали таркиби ҳамда хусусиятлари билан боғлиқ омиллар ижтимоий-психологик омиллар гурухини ташкил килади. Уларни бир неча кичик гурухларга таснифлаш мумкин:

- а) персоналнинг ижтимоий ва демографик (жинси, ёши) таркиби;
- б) ходимлар манфаатлари — улар кадриятлари жамламаси;
- в) корхона ҳамда унинг бўлинмаларида раҳбарлик усули.

Ана шу омиллар таъсири остида корхонада маънавий-психологик икlim шаклланади. Бу персоналнинг барқарорлиги, жипслиги, ходимлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар, яхши

кайфиятнинг мавжудлиги меҳнат интизоми, меҳнат фаоллиги ва ижодий ташаббускорликда ўз ифодасини топади.

Кўриниб турибдики, инсон ҳамда унинг иш қобилиятига жуда кўп ва мураккаб омиллар ўз таъсирини ўтказади. Улар, бир томондан, ҳисобга олиниши, иккинчи томондан, юксак унумли меҳнат килиш учун энг қулай шарт-шароит яратиш мақсадида шакллантирилиши ёки ўзгартирилиши лозим. Бу меҳнатни муҳофаза килишнинг энг асосий вазифаларидан биридир.

Бундан меҳнатни муҳофаза килиш ходимларнинг меҳнат фаолияти жараёнида уларнинг ҳаёти хавфсизлигини таъминлаш, соглиғи ҳамда иш қобилиятини сақлаш тизими деган хулоса чиқариш мумкин. Ана шу асосий мақсадга хавфли ва зарарли омилларни белгиланган норматив талабларга мувофиқ равишда бартараф этиш ёки улар таъсирини камайтиришга қаратилган ҳукукий, ижтимоий, ташкилий ҳамда бошқа тадбирлар комплексини амалга ошириш орқали эришилади.

2.2. Меҳнат шароитларини тўғри ташкил қилиш

Меҳнат шароитлари ишчи кучидан рационал фойдаланишни таъминлайдиган техникавий ва ташкилий тадбирлар мажмууни кўзда тутади. Меҳнат шароитларини яхшилаш тадбирлари меҳнатнинг якуний натижаларига, ижтимоий ишлаб чиқарishни ривожлантиришга ҳамда унинг самарадорлигини оширишга катта таъсир кўрсатади. Меҳнат шароити ўзининг моҳиятига кўра социал категориядир. Меҳнат жараёни одам организми учун энг қулай ишлаб чиқарish шароитларида ўтиши керак. Шунинг учун меҳнатни ҳақиқий илмий-ижтимоий нуқтаи назардан ташкил қилиш вазифаларидан бири киши саломатлиги учун хавфсиз шароит яратиш ва ишчи кучининг нормал ишлашини таъминлашdir.

Меҳнат шароитларини ташкил қилишда унга хар томонлама ёндашиш лозим. Бунга қўйидагилар киради:

— олдинги тажрибани ўрганиш (баҳтсиз ҳодисалар ва профессионал касалликлар сабаблари);

— ташкилотда амал қилаётган технологик жараёнларда меҳнат шароитларини жорий тадқиқ қилиш;

— кониқарсиз меҳнат шароитларининг юз бериш эҳтимоли катта бўйған салбий оқибатларини таҳлил қилиш.

Мехнат шароитларининг заарли таъсир омилларига қуидагилар киради: шовқин, вибрация, юқори ёки жуда паст ҳарорат, ташкилот участкалари ҳавосининг чант, газ ёки заҳарли аралашмалар билан ифлосланганлиги.

Ишлаб чиқариши тўғри ташкил этиш ишлаб чиқариш мухити омилларининг заарли ва хавфли таъсирини хавфсизлик техникаси бўйича тадбирлар ўтказиш йўли билан бартараф этишни кўзда тутади. Бироқ хавфсизлик техникаси талабларини бажариш ишчилар учун уларнинг ишлаб чиқариш режа-мажбуриятини бажаришига халақит берувчи ёки иш учун тариф баҳоларига кирмайдиган кўшимча юклама бўлиб қолмаслиги керак.

Мехнат муҳофазаси хонаси. Мехнат муҳофазаси соҳасида муҳандис-техник ходимлар, ишчи-хизматчиларнинг билимларини ошириш, уларни хавфсизлик техникаси қоидаларининг ҳамма талабларини онгли равишда бажариш руҳида тарбиялашнинг ўқув-услубий маркази бўлиб, корхонадаги **мехнат муҳофазаси кабинети** хизмат қиласди. Бу кабинетга меҳнат муҳофазаси бўйича бош муҳандис бевосита раҳбарлик қиласди. Курилиш меъёр ва қоидаларига мувофиқ, хавфсизлик техникаси кабинети корхонадаги ишчилар сонига боғлиқ: улар 1000 нафар бўлганда — майдони 24 m^2 ; 1001 нафардан 3000 нафаргача — 48 m^2 ; 3000 нафардан 5000 нафаргача бўлганда — майдони 72 m^2 бўлади. Кабинетда ўқув, ахборот-услубий ҳамда кўргазма бўлимлари жиҳозланади. Кабинетни яратиш ва ундаги ишларни йўлга қўйиш, унинг иш режасини тасдиқлаш корхона бош муҳандисига юклатилади.

Кабинетда кириш йўриқномаси ўтказилади, ишчи, хизматчи ҳамда муҳандис ходимлар меҳнат муҳофазаси бўйича ўқитилади. Шу боис меҳнат муҳофазаси кабинети ўқув мақсадлари учун хизмат қилувчи макетлар, кўргазмали қуроллар, плакатлар, йўриқномалар, коржома ва маҳсус пойабзал ҳамда химоя воситалари, ишга ярокли ва яроқсиз асбоб-ускуналар намуналари билан жиҳозланган бўлиши керак.

Мехнат хавфсизлиги техникаси хизмати. Ҳар бир корхона ўз имкониятидан келиб чиқсан ҳолда, меҳнатни муҳофаза қилиш бўлимини ёки **хавфсизлик техникаси муҳандиси** лавозимидағи штат бирлигини ташкил қилиши шарт. Унинг асосий вазифаси корхонада меҳнат қилаётган ходимларнинг меҳнатни муҳофаза

қилиш коидаси талабларини қандай бажараётганликларини назорат қилишдан иборат.

Жумладан, унинг хизмат доирасига қуидагилар киради:

1. Бўлим бошликлари томонидан меҳнатни муҳофаза қилиш конунларини ва бошқарувчи ташкилотларнинг хавфсизлик техникаси, санитарияси меъёр ҳамда коидаларини бажариш тўғрисидаги қарорларнинг бажарилишини кузатиб боради, шунингдек, меҳнатни муҳофаза қилиш давлат ташкилоти кўрсатмалари тўғри бажарилётганлигини текширади.

2. Корхона хаво мұхитининг тоза бўлишига эътибор беради ва шамоллатиш тизимларининг тўғри ишлаётганлигини кузатиб боради;

3. Корхонага замонавий хавфсизлик техникаси воситаларини жорий қилиш чораларини кўради;

4. Бўлим бошликлари томонидан “Корхонада ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган баҳтсиз ҳодисаларни текшириш ва ҳисобга олиш” ҳакидаги қарорнинг бажарилаётганлигини кузатиб боради;

5. Корхонанинг ҳамма бўлимларида хавфсизлик техникаси тавсияномасини ўз вақтида ҳамда сифатли ўтказиш чоратадбирларини амалга оширади.

Хавфсизлик техникаси мұхандисининг асосий эътибор қаратиши зарур бўлган обьектларидан бири — техник ечимларнинг лойиха хужжатларида тўғри ҳал қилинишини назорат этишдан иборат. Чунки меҳнатни муҳофаза қилишнинг асосий чора-тадбирлари ва хавфсизлик техникасининг умумий масалалари ана шу хужжатларда ўз аксини топган. Мазкур хужжатларни қабул қилиш вактида хавфсизлик техникаси мұхандисининг қатнашиши шарт ва бу корхона раҳбари томонидан буйруқ билан асосланади. Умуман, хавфсизлик техникаси мұхандиси корхоналарни режалаштириш, кайта ташкил қилишда, санитария-маиший хоналар ташкил этиш ишларида, турли машина ва механизmlарни ўрнатишда, янги технологик машина ҳамда механизmlар, технологик тармоқларни йигиш ва ўрнатиш ишларида қатнашиши керак. Хавфсизлик техникаси мұхандиси назоратчи сифатида корхонада тузилган ҳар хил комиссиялар ишида қатнашиши керак. Масалан, янги курилган ёки кайта жиҳозланган обьектларни, янги ўрнатилган ёхуд таъмиранган жиҳозларни қабул қилишда, мұхандис-техник ходимларнинг меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги билимларини

текширишда, ходимларни аттестациядан ўтказиш ва бошқаларда комиссиянинг тўлақонли аъзоси сифатида иштирок этиши зарур.

Бундан ташқари, хавфсизлик техникаси мухандиси меҳнатни муҳофаза қилишга қаратилган масалаларни муҳокама этишда қатнашибгина қолмасдан, қабул қилинган қарорларни режалаштириб, амалга ошириш чора-тадбирларини кўради.

Унинг лавозим функциялари таркибидаги вазифалари қаторига яна қуидагиларни киритиш мумкин:

— ишлаб чиқариш билан боғлик бўлган баҳтсиз ҳодисаларни ҳисобга олиш, уларни келтириб чиқарган сабабларни таҳлил қилиш ва баҳтсиз ҳодисанинг қайтарилмаслиги учун зарур чора-тадбирларни кўриш;

— баҳтсиз ҳодисалар ҳамда касб касалликларини камайтириш шароитларини яхшилаш учун ажратилган маблағларнинг ўзлаштирилиши ҳақида ҳисбот тузиш;

— корхонадаги меҳнатни муҳофаза қилиш масалаларини таҳлил этиш ва раҳбар ходимларга ўз мулоҳазаларини билдириш;

— тегишли бўлим ҳамда хизматчилар олдига ходимларни хавфли ва заарарли омиллар таъсиридан муҳофаза қилиш талабларини кўйиш;

— бўлимларга меҳнатни муҳофаза қилиш масалаларида ҳамда иш шароитини яхшилаш чора-тадбирларини ишлаб чикишида ёрдам кўрсатиш;

— бўлимларда ишлаб чиқилган меҳнатни муҳофаза қилиш режаларини умумий корхона режасига киритиб, умумлаштириш ва уларни амалга ошириш чора-тадбирларини кўриш.

Хавфсизлик техникаси мухандиси ходимлар хавфсизлигини таъминлаш бўйича уларни ўқитади ҳамда йўриқномалардан ўтказади. Шунинг учун у кадрлар тайёрлаш бўлими билан биргаликда ходимларни мақсадли курсларда ўқитиш ишларини йўлга қўяди, меҳнатни муҳофаза қилиш хоналари, бурчаклари ва витриналари ташкил қиласди. Хавфсизлик техникаси қоида ва месъёларини ташвиқот қилиш мақсадида маърузалар ўюнтиради, плакатлар сотиб олади ҳамда уларни тарқатади, хавфсизлик техникасининг огоҳлантирувчи ёзувларини ва белгиларини керакли ерларга ўрнатади.

Иш берувчи ходимларнинг меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ўқишини таъминлаши ҳамда уларнинг билимларини текшириб туриши шарт.

Меҳнатни муҳофаза килиш бўйича ўқувдан, йўл-йўриқдан ўтмаган ва билими текширилмаган ходимларни ишга қўйиш тақиқланади.

Меҳнатни муҳофаза килиш мутахассиси сифатида хавфсизлик техникаси мухандиси янги ишга кираётганларни кириш йўриқномасидан ўtkазади ҳамда уларга меҳнатни муҳофаза килиш коида ва нормаларини тушунтиради.

2.3. Ноқулай меҳнат шароитларининг ижтимоий-иқтисодий оқибатлари ва уларни яхшилаш бўйича чора-тадбирлар

Меҳнат жараёни ижтимоий-иқтисодий категория сифатида меҳнат шароитлари таъсири остида, яъни ишлаб чиқариш мухитининг бевосита меҳнат воситаси жараёнида иш кучи таъсири остида бўлади. Меҳнат шароитларининг ҳолати иш кучи истеъмолига ҳамда уни такрор хосил қилиш жараёнига, шунингдек, меҳнат жараёнида касб ҳатари даражасига жиддий таъсир кўрсатади. Ходимлар учун кулагай меҳнат шароитларини яратишни таъминлаш муаммоси ижтимоий-меҳнат муносабатлари тизимида энг мухимларидан бири ҳисобланади.

Меҳнат жараёнининг хусусияти шундан иборатки, у инсон организмининг ўзига хос физиологик ва психологияк функциялари билан узвий алоқадорликка эга. Иш давомида шахснинг жисмоний ҳамда маънавий хусусиятлари, унинг табиат моддаларини истеъмол кийматига айлантириш қобилияти ўз ифодасини топади. Шундай қилиб, меҳнат фаолияти иш кучини истеъмол қилиш (ундан фойдаланиш) жараёни бўлиб, бу вактда инсон ва табиат ўртасидаги ўзаро боғликлек намоён бўлади. Жисмоний ҳамда маънавий кувватни тиклаш меҳнат фаолияти давомида ҳам, бу жараён тугагандан сўнг ҳам бирон бир чора (зўриқиши тушириш, меҳнат ва дам олишни бир-бири билан алмаштириб туриш ҳамда хоказолар) кўришни талаб этади. Бошқача айтганда, меҳнатни муҳофаза килиш, ишлаб чиқариш ва ташки омилларнинг инсонга таъсирини камайтириш иш кучини такрор хосил қилишининг барча босқичида амалга оширилади. Яъни:

— иш кучини шакллантириш ҳамда тиклаш босқичида ходимлар томонидан меҳнат жараёнида хавфсизликни таъминлаш билими ва кўниукмалари эгалланади, зарурат бўлса, реабилитация тадбирлари амалга оширилади;

— иш кучини тақсимлаш босқичида ходимни касбга йўналтириш, зарурат туғилганда, меҳнат хавфсизлигини таъминлашга юқори талаблар қўйиладиган иш ҳамда касблар учун касбий танловни амалга ошириш рўй беради;

— иш кучини айирбошлаш (сотиш — харид қилиш) босқичида иш берувчи ёлланма ходимни иш жойида меҳнат шароитлари ва меҳнатни муҳофаза қилишнинг ҳолатидан хабардор қилиши, зарурат бўлса, нокулай меҳнат шароитларида ишлаш учун компенсация белгилаши керак;

— иш кучини истеъмол қилиш (ундан фойдаланиш) босқичида санитария-гиgiene ҳамда эргономика норма ва талабларига, меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича бошқа норматив-хукукий ҳужжатларга мувофиқ, иш жойида меҳнат хавфсизлигини таъминлаш бўйича барча тадбирлар мажмуаси амалга оширилади.

Шундай қилиб, меҳнатни муҳофаза қилиши иш кучини тақрор ҳосил қилиши жараёнига таъсир кўрсатади, меҳнат салоҳиятини сақлаш ҳамда ривожлантиришини, меҳнат кишиларини касб хавфидан ижтимоий муҳофаза қилишини таъминлайди.

Кўпгина иқтисодий адабиёт манбаларида ўз вактида Меҳнат илмий тадқиқот институти томонидан ишлаб чиқилган, меҳнат шароитларини шакллантиришга таъсир кўрсатадиган омиллар таснифи кўлланилади. Бундай таснифлашнинг услубий асоси ижтимоий-меҳнат муносабатлари тизимида меҳнат шароитларининг ўрни, уларни шакллантиришга кўрсатиладиган бевосита таъсир ҳамда ишлаб чиқариш кучлари ва ишлаб чиқариш муносабатларининг ўзгаришига боғлиқлигига таянади. Шу услубий қоидадан келиб чиққан ҳолда шакллантириш ҳамда ўзгартиришнинг сабабчилари бўлган омилларнинг тўртта катта гурухи ажратиб кўрсатилади:

1. Ижтимоий ва иқтисодий омиллар. Улар ҳам меҳнатнинг хусусиятини, ҳам жамиятда устувор бўлган ишлаб чиқариш муносабатлари билан боғлиқ ҳолдаги меҳнат шароитларини белгилаб беради. Бу гурух:

— меҳнат шароитлари ва меҳнатни муҳофаза қилишни давлат томонидан норматив-конунчилик асосида тартибга солишдан (иш вақтининг давомийлиги ҳамда иш тартиби, санитария нормалари ва талаблари, меҳнат шароитлари ҳамда меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида амалдаги қонунлар, нормалар, талаблар ва қоидаларга риоя

етилиши устидан давлат ҳамда жамоатчилик назорати тизими ва ҳоказолар);

— ходимларнинг меҳнатга ҳамда унинг шароитларига муносабатига таъсир кўрсатадиган ижтимоий омиллар, салбий таъсир кўрсатадиган шароитлар билан боғлиқ ишлар учун компенсация тўловларидан иборат.

Меҳнат шароитларини шакллантиришга таъсир кўрсатадиган омилларнинг бир гурухига, шунингдек, соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитлари яратиш мақсадида жамоатчилик томонидан таъсир кўрсатишининг турли шакллари (касаба уюшмаларининг иштироки, меҳнат шароитларини яхшилаш мақсадида фан-техника ютуқларини жорий этаётган новаторлар ташаббуси) тааллуклиdir.

2. Техникавий ва ташкитий омиллар. Бу омиллар иш жойлари, участкалар, цехлар ва умуман, корхонада меҳнат шароитларининг моддий унсурларини шакллантиришга бевосита таъсир кўрсатади. Мазкур омилларнинг таъсири фан-техника тараққиётининг техника, технология ҳамда ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишининг шаклларига таъсири барча кирраларини акс эттиради.

Бу гурухга меҳнат воситалари (ишлаб чиқариш бино ҳамда иншоотлари, шу жумладан, турли санитария-техника ва санитария-маший қурилмалари, технологик жихозлар, асбоблар, мосламалар, хусусан, меҳнат хавфсизлигини тъминловчи воситалар ҳамда ҳоказолар), меҳнат предметлари ва унинг маҳсулотлари (хом ашё, материаллар, яримтайёр маҳсулотлар, тайёр маҳсулотлар), технологик жараёнлар (ишлов бериләётган меҳнат предметларига жисмоний, механик, кимёвий ҳамда биологик таъсир кўрсатиш, уларни ташиш ва сақлаш воситалари ҳамда ҳоказолар), ишлаб чиқариш, меҳнат ва бошқарувнинг ташкилий шакллари (ишлаб чиқаришнинг ихтисослашуви даражаси, унинг кўламлари ҳамда оммавийлиги, корхона ишининг сменалилиги, ишлаб чиқаришнинг узлукли ва узлуксизлиги), меҳнатни тақсимлаш ҳамда кооперациялаш шакллари, унинг усуллари ва услублари, кўлланиладиган меҳнат ҳамда дам олиш тартиби, иш жойига хизмат кўрсатишининг ташкил этилиши, корхона бошқарувининг ташкилий таркиби ва бошқалар киради.

3. Табиий-икътиим омиллари. Улар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши, кон саноати, транспорт, курилиш соҳаларида ҳамда катор қасблар: геологлар, денгизчилар, кутб тадқиқотчилари ҳамда

бошқаларнинг меҳнат шароитларини шакллантиришда алоҳида аҳамиятга эгадир.

Бу гурухга жуғрофий (иқлим зоналари, денгиз сатҳидан баландлик, об-ҳаво шароитлари), геологик (фойдали қазилмалар хусусиятлари ва уларни қазиб олиш усуллари), биологик (ўсимлик ҳамда ҳайвонот дунёсининг хусусиятлари, ходимларнинг турли ҳайвонлар, ўсимликлар, микроорганизмлар ва улар маҳсулотлари билан алоқада бўлиши) омиллари киради.

4. *Ижтимоий-психологик омиллар*. Улар инсонлар ҳамда меҳнат жамоаларининг меҳнат фаолияти давомидаги ўзаро муносабатлари, меҳнат соҳасидаги шахсий ва гурухий қадриятлар, корхонадаги ахборот-коммуникация тизими хусусиятлари билан боғлиқдир. Жамоадаги психологик мухит, раҳбар билан ёлланма ходимлар ўртасидаги муносабатлар, шахсни ривожлантириш, унинг хизмат вазифасида кўтарилиш имкониятлари, ходимларни рағбатлантириш ҳамда мукофотлаш шакллари, ижтимоий шериклик, қасбий ўсиш ва бошқалар ана шулар жумласидандир (2.4-расм).

Турли омиллар таъсирида шаклланган меҳнат шароитлари ўз навбатида ходимга таъсир кўрсатадиган унсурлар жамламасидир. Мазкур атамага аниқлик киритиш талаб этилади. “Омил” сўзи қайсиdir бир жараён, ҳодисанинг сабаби, ҳаракатлантирувчи кучини англашиб, унинг хусусияти ёки айrim белгиларини намоён этади. Барча илмий тадқиқотлар ва адабиёт манбаларида меҳнат шароитларини ташкил этадиган унсурлар омиллар, деб номланади. Агар “омил” сўзи умумэътироф этилган тушунчадан келиб чиқиладиган бўлса, унинг бу тарзда кўлланилиши жуда ҳам тўғри эмас. Чунки бу ерда гап меҳнат шароитларини шакллантириш сабаблари тўғрисида эмас, балки меҳнат шароитларининг таркибий қисмлари тўғрисида кетмоқда.

Шу билан бир қаторда, меҳнат шароитлари унсурларининг инсонга, унинг иш қобилияти, соғлиғи, кайфияти ва умуман, шахснинг ривожланишига қулай ёки нокулай таъсири нуқтаи назаридан кўриб чиқиладиган бўлса, бу унсурлар инсон шахси жисмоний ва маънавий хусусиятларининг жамламаси бўлган иш кучини истеъмол килиш (сарфлаш) ва тиклашга таъсир кўрсатувчи омиллари сифатида намоён бўлади. Худди шунинг учун адабиётда ва расмий хужжатларда меҳнат шароитлари унсурлари омиллар сифатида ишлатилади.

| ОМИЛЛАР | | | |
|---|---|---|--|
| Ижтимоий-иқтисодий: | Техникавий-ташқилий: | Табиий-иқлим: | Ижтимоий-психологик: |
| <ul style="list-style-type: none"> — конун йўли билан тартибга солини; — меҳнатга муносабат; — имтиёзлар ва компенсациялар; — жамоатчилик таъсири; — давлат назорати | <ul style="list-style-type: none"> — бинолар ва иншоотларнинг холати; — техниканинг холати; — хом ашё ва материалларнинг таркиби; — ишлаб чиқаришнинг ташкил этилиши; — меҳнатнинг ташкил этилиши; — корхонанинг бошварлиши | <ul style="list-style-type: none"> — табиий-иклим хусусиятлари; — геологик хусусиятлар; — биологик хусусиятлар | <ul style="list-style-type: none"> — меҳнат жамоасининг жипслиги; — психологик вазият; — раҳбарларнинг ходимлар билан ўзаро муносабатлари; — ижтимоий шериклик |

2.4.-расм. Меҳнат шароитлари омиллари

Юқорида қайд этилган омиллар гурухлари таъсири остида ишлаб чиқариш вазияти ёки меҳнат шароитлари жамламаси шаклланади. Улар кўйидагилардан иборат:

— ташқи мухитни белгиловчи санитария-гигиена (микроиқлим, ҳаво мухитининг тозалиги, шовқин, ёритилиш, тебраниш ва ҳоказолар), шунингдек, ишлаб чиқаришда санитария-майний хизмат кўрсатиш (овқатланиш жойлари, ювениш хоналари, дам олиш хоналари, хоналарнинг тозаланиши ҳамда ҳоказолар) омиллари;

— меҳнат фаолиятининг муайян мазмуни, инсон танасига, асаб тизими, психикасига таъсири миқёслари билан белгиланадиган психофизиологик (меҳнатнинг оғирлиги, операцияларнинг бир хиллиги ва ҳоказолар) омиллар;

— техника хавфсизлиги ҳолати билан боғлиқ ҳамда жароҳат олиш хатарини кўрсатувчи меҳнат хавфсизлиги шароитлари;

— эстетик шароитлар. Улар атроф-мухитни бадиий идрок этиш нуқтаи назаридан хиссий кайфиятни ва меҳнатга муносабатни шакллантиришга таъсир кўрсатади;

— ижтимоий-психологик шарт-шароитлар. Улар меҳнат жамоасидаги ўзаро муносабатлар, жамоа аъзоларининг психологик

жихатдан бир-бирларига мос тушиши, раҳбарлик усули ҳамда бошқалар таъсирида шаклланади.

2.2-жадвал

Мехнат шароитлари ҳолатининг инсон меҳнати фаолиятига ва ижтимоий-иқтисодий соҳага иқтисодий ҳамда ижтимоий таъсири

| Мехнат шароитлари | Ходимга ва иқтисодиётга таъсири |
|---|--|
| Нокулай шароитлар: — меҳнатнинг оғирлиги ва тигизлиги; — ёнғин хавфсизлиги; — бир хиллик; — шовкин, вибрация | — турли касалликларга чалиниш ҳавфи; — иш кобилиятининг пасайиши; — меҳнат унумдорлигининг пасайиши; — баҳтсиз ҳодисалар сонининг ортиши; — асабий зўрикиш |
| Заарарли ва ҳавфли шароитлар: — заҳарли, ҳавфли, портгайдиган моддаларнинг мавжудлиги; — микроорганизмлар, бактерияларнинг мавжудлиги; — радиация | — тӯсатдан ва сурункали заҳарланиш; — юкумли, шишли касалланишлар; — шикастланишлар ва майиб бўлиш; — компенсация харажатларининг ортиши; — ходимлар кўнимсизлиги; — корхона фойда олишининг камайиши; — ялпи ички маҳсулотнинг камайиши |
| Кулай шароитлар: — меҳнатнинг нормал интенсивлиги; — автомат курилмалардан фойдаланиш | — саломатликининг сакланиши; — кайфиятнинг яхшиланиши; — меҳнат кобилиятининг ортиши; — иш вақтидан фойдаланишининг яхшиланиши |
| Энг кулай шароитлар: — тўла техника хавфсизлиги; — ҳавони кондинционерлаш; — бинолар эстетикаси ва дизайн | — психологик вазиятнинг яхшиланиши; — ижодий имкониятларнинг ортиши; — ишлаб чиқаришнинг ва корхона даромадларининг ўсиши; — ялпи ички маҳсулотнинг ортиши; — меҳнатдан коникиш хосил қилиш |

Одатда, у ёки бу ҳодисалар ва жараёнларни ўрганиш ҳамда таҳлил этишда уларнинг ижобий ва салбий томонларини аниқлашга ҳаракат қилинади. Тадқиқотчилар бундай таҳлиллар натижаларига таянган ҳолда, тегишли хуносалар чиқарадилар, у ёки бу жараённинг салбий томонлари сабаблари ҳамда оқибатларини аниқлайдилар. Уларнинг жараёнга таъсирини бартараф этиш ёки камайтириш йўлларини излайдилар, аниқ чоралар ишлаб чиқадилар. Аммо меҳнат шароитларини тадқиқ этишда кўпгина адабиёт манбаларида уларнинг ходимга салбий таъсир кўрсатадиган томонларига эътибор қаратилади. Масалан, ўз вақтида “Гигиена и санитария” журналида инсонга таъсир кўрсатадиган меҳнат шароитларининг таснифи

берилган бўлиб, меҳнат шароитларининг барча тўрт тоифаси “зараарли”лар қаторига киритилган эди¹³.

Меҳнат шароитларини худди шундай таснифлаш бошқа бир монографияда ҳам учрайди: “Меҳнатга нисбатан унинг шароитлари кечиши ташки ҳодисалар ҳисобланади, ички ҳодисалар инсон фаолияти билан боғлиқ бўлса-да, унга хос эмас. Бу шароитлар меҳнат хусусиятини эмас, балки у амалга ошириладиган ишлаб чиқариш муҳитини ифодалайди”¹⁴.

Амалда эса меҳнат шароитларини зарарли, хавфли, ноқулай ва қулай, деб фарқлаш керак эмас. Бир хил меҳнат шароитлари инсон меҳнат фаолиятига салбий, бошқалари эса ижобий таъсир кўрсатиши мумкин.

Шундай қилиб, қулай ишлаб чиқариш муҳитини яратиш, ходимларнинг соғлом ҳамда хавфсиз меҳнат шароитида ишлаш ҳуқуқларини муҳофаза этиш ижтимоий-меҳнат муносабатлари соҳасида энг муҳим муаммолардан бирига айланган. Бу муаммони ҳал қилиш билан доимий равишда ва событқадамлик билан шугууланиш зарур. Чунки ҳеч бир жойда меҳнат фаолияти учун муносиб шароитлар ўз-ўзидан пайдо бўлмайди.

Юкорида келтирилган омиллар гурухлари ишлаб чиқариш муҳити негизини ташкил этади. Инсон организми ҳамда атроф-муҳит нисбатига боғлиқ равишда қулай ва ноқулай меҳнат шароитлари шаклланиши мумкин.

Омиллар гурухлари ишлаб чиқаришда инсон организмига нафақат салбий таъсир кўрсатмасдан, аксинча, ходимларнинг маънавий ҳамда жисмоний ривожланишига, уларда меҳнат фаолиятига қизиқиши оширишга, меҳнатдан қониқиши хиссини кўтаришга, ижодий қобилияtlарини юксалтиришга ёрдам берадиган бўлса, бундай шароитларни қулай меҳнат шароитлари, деб ҳисоблаш мумкин.

Агар омиллар гурухлари ходимларда ўта зўриқиши, ўзини ёмон ҳис қилиш, ҳатто касалланиш ҳолатига олиб келса, уларнинг ўз касбига муносабатига, ишдан қониқишига салбий таъсир кўрсатса, касб касалликлари, майиб бўлиш, ногиронликка, иш кучи

¹³ “Гигиена и санитария” илмий журнали. 1964, №11

¹⁴ Б е л ь к и н В. Н. Повышение экономической и социальной эффективности труда. М. Экономика, 1980, с. 187.

кўнимсизлигига олиб келса, уларни нокулай меҳнат шароитлари, деб ҳисоблаш керак.

Кулай меҳнат шароитларини яратиш бўйича ишларни ташкил этиш мавжуд ахволни объектив баҳолашдан бошланади. Бунда меҳнат шароитларини шакллантиришга таъсир кўрсатадиган алоҳида омилларни таҳлил қилиш ва баҳолаш билан бир қаторда, ишлаб чиқариш муҳитининг кўп томонлама таъсирини ягона интеграл кўрсаткич ёрдамида акс эттириш муҳимdir.

Ишлаб чиқариш омилларининг инсон иш қобилияти, соғлиғи ҳамда ҳаётига жамлама таъсирининг миқдор ва сифат баҳоси меҳнат жараёнининг оғирлиги кўрсаткичидаги ўз ифодасини топади. Меҳнат жараёнининг оғирлиги психофизиологик хавфли омиллар гурухига киради. М. Радкевичнинг ҳисоблашича, психофизиологик хавфли омиллар ишлаб чиқаришдаги шикастланиш сабабларидан бири бўлган жисмоний ва психологияк зўриқишилардир. Жисмоний зўриқишилар меҳнатни оғирлаштиради, психологик зўриқишилар эса уни зарарли меҳнатга айлантиради¹⁵.

Жисмоний зўриқишилар қўйидаги кўрсаткичлар билан баҳоланади:

- жисмоний иш ҳажми — иш куни давомида бирон бир масофага ташиладиган юқ оғирлиги (кг/м) орқали баҳоланади;
- стереотипли иш ҳаракатлари — иш куни давомида ҳар икки кўлга тўғри келадиган ҳаракат миқдорига қараб белгиланади;
- статик иш ҳажми — муайян вакт мобайнида ушлаб туриш керак бўлган юқ оғирлиги (кг/с) билан ўлчанади;
- ишлаш ҳолати — эркин, нокулай, фиксацияланган, мажбурий ҳолатларга таснифланиб, меҳнат жараёнида тана ёки унинг қисмлари ўзгаришига қараб белгиланади;
- тана эгилишлари — меҳнат жараёнида ходим танаси 30 даражадан ортиққа эгилганда ҳисобга олинади.

Рўҳий зўриқишилар ходимнинг толиқишига олиб келадиган меҳнатнинг тифизлиги оқибатидир. У қўйидаги хусусиятларга эга:

- интеллектуал юкланишлар — топшириқни бажаришнинг мураккаблиги даражаси билан баҳоланади;
- сенсорли юкланишлар — инсоннинг таҳлил этиши — эштиши, кўриши, нутқ органларига тушадиган юкланишлар;
- ҳиссиятли юкланишлар — ўз фаолият натижалари учун жавобгарлик масъулияти даражасидир;

¹⁵Радкевич М. Мехнатнинг оғирлигини баҳолаш (жисмоний зўриқишилар) // "Кадрлар 30-йинча мувоффочиёт" 2008 йил. 9-сон. 27-бет.

— доимий бир хил юкланишлар — ишлаб чиқаришнинг тақрорланувчи топшириқларини бажариш давомийлиги орқали аниқланади;

— тартибли юкланишлар — иш тартиби (иш кунининг амалдаги давомийлиги, ишнинг сменалилиги, меҳнат жараёнидаги танаффуслар) билан боғлиқ юкланишлардир.

Меҳнат шароитлари таъсири остида инсон организмининг учта асосий функционал ҳолати: нормал, чегара (нормал ва патология) ҳамда патология ҳолати шаклланади. Ҳар бир ҳолат ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, ходимнинг меҳнат фаолияти натижалари ва саломатлиги инсон организми уларнинг қай бири таъсири остида бўлишига боғлиқдир.

Қайд этилган белгилар *меҳнат оғирлигининг* физиологик кўрсаткичи ҳисобланади. Тиббий-физиологик таснифига кўра эса, барча ишлар меҳнат оғирлигининг олти категориясига бўлинади.

Муайян иш жойини паспортлаш ва аттестация қилишда бу ҳар бир кўрсаткич ҳисобга олинади. Амалга оширилган тадбирлар асосида меҳнат шароитларининг ўзгариши натижалари эса “интеграл коэффициент” асосида баҳоланади. Инсон учун меҳнат шароитларининг қулайлиги кенг кўламда — энг яхши, қулай шароитдан — энг ёмон, хатарли шароитларгача бўлган даражада баҳоланади (2.3 - жадвал).

Ишлаб чиқаришда бажарилаётган иш психофизиологик мезонлар бўйича меҳнат оғирлигининг биринчи категориясига тўғри келса, санитария-гигиена мезонлари бўйича ишлаб чиқариш муҳити белгиланган нормативларга мувофиқ бўлса, эстетик мезонлар бўйича замонавий талаблар ва тавсияларга жавоб берса, ижтимоий-психологик мезонлар бўйича ходимлар ўртасида техника ҳавфсизлиги ҳамда меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига риоя этилишини таъминлайдиган қулай муҳит яратилган бўлса, бундай шароитларни энг мақбул *меҳнат шароитлари* деб баҳолаш мумкин.

2.3-жадвал

| Меҳнат оғирлиги категориялари | | | | | |
|---------------------------------------|---|----------------|---|--------------------------------|---|
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 |
| Энг мақбул меҳнат шароитлари | | Хавфга яқин | | Хавфли меҳнат шароитлари | |

Энг мақбул шароит — тураржой, ижтимоий муассасалар ва ҳоказолардаги мәший кулайликлар бўлса, инсон томонидан жисмоний меҳнат амалга оширилаётган пайтда организм учун энг мақбул бўлган ҳаво ҳарорати, намлиги, шамол тезлиги, иссиқлик таъсири ва ҳоказолардир.

Ходим томонидан бажарилаётган иш психофизиологик мезонлар бўйича меҳнат оғирлигининг олтинчи категориясига тўғри келса, санитария-гигиена мезонлари бўйича ишлаб чиқариш муҳити белгиланган нормалардан кескин фарқ қиласа, эстетик омиллардан фойдаланишга эътибор берилмаса, меҳнатни муҳофаза қилиши ва техника хавфсизлиги талабларига риоя этилмаса, ходимлар меҳнат қобилиятини йўқотиш ва соғлиғига зарар етиш хатари доимий мавжуд бўлган шароитларда ишласалар, бундай меҳнат шароитлари *хавфли меҳнат шароитлари* деб аталади.

Биринчи категория — бу физиологик жиҳатдан энг мақбул шароитлarda бажариладиган ишлардир. Бунда ақлий, жисмоний ва асаб-хиссий куч-кувват сарфлаш инсоннинг физиологик имкониятларига тўла мос бўлади. Амалда соғлом бўлган ходимлар учун бундай шароитлар уларнинг организмини янада чиникириб, иш қобилиятини оширади. Иш куни охирига келиб, уларда чарчаш деярли сезилмайди. Инсоннинг бутун меҳнат фаолияти давомида юқори иш қобилияти ва саломатлик сақлаб қолинади.

Учинчи категория — бу жуда ҳам қулай бўлмаган шароитлардаги ортиқча мускул, психик ҳамда асаб-хиссий зўрикишларга сабаб бўладиган меҳнат жараёнидир. Бунда амалда соғлом одамларда улар организмининг чегара ҳолати учун хос бўлган белгилар пайдо бўлади, яъни, айниқса, иш охирига бориб ишга киришилган вактга нисбатан физиологик функциялар кўрсаткичлари камаяди. Шунингдек, меҳнат жараёнида функционал кўрсаткичлар, энг аввало, марказий асаб тизими функциялари ёмонлашиб, кучни тиклаш даври узаяди. Бундай салбий ўзгаришларни бартараф этишнинг энг самарали воситаси оқилона меҳнат ва дам олиш тартибини ишлаб чиқишидир.

Тўртинчи категория — бу нокулай шароитларда олиб бориладиган ҳамда амалда соғлом кишилар организмида чукур чегара (патология олдидан) ўзгаришларига сабаб бўладиган ишлардир. Бунда кўпгина физиологик кўрсаткичлар иш жараёнида ёмонлашади. Иш қобилияти ва меҳнат унумдорлиги динамикасида даврлар

нисбати хам ўзгаради. Умумий касалланиш даражаси ортади, ишлаб чиқариш билан боғлиқ касаллик белгилари сезила бошлайди, ишлаб чиқаришда шикастланиш миқдори ортади хамда майиб бўлиш оқибатлари оғирлашади. Хавфли ва заарли ишлаб чиқариш омиллари таъсири даражаси юқори бўлса, касб касаллликларига ҳам чалиниш мумкин. Талаб этиладиган иш қобилиятини фақат зўрикиш ҳисобига сақлаб туриш мумкин.

Бешинчи категория — оғир меҳнат шароитларида бажариладиган ишлардир. Бунинг оқибатида меҳнат жараёни (смена, ҳафта) охирида амалда соғлом бўлган одамлар организми патологик ҳолатга тушиб қолиши мумкин. Кўпгина ходимлар тўлақонли ҳордик чиқарганларидан сўнггина бундай салбий оқибатлардан халос бўлишлари мумкин. Аммо айрим сабабларга кўра, организмдаги бундай ўзгаришлар турли касб касаллликларига олиб келиши табиий. Щу сабабли мазкур категория учун ишлаб чиқариш билан боғлиқ касб касаллликларининг юқори даражаси хосдир. Айни пайтда ходимларда иш кўрсаткичлари сезиларли даражада ёмонлашади, иш қобилияти хамда меҳнат унумдорлиги хам пасаяди.

Олтинчи категория — алоҳида нокулай шароитлардаги меҳнат жараёнидир. Бу инсон организми патологияси тез ривожланишига олиб келади. Натижада инсон хаёти учун муҳим аъзоларда оғир оқибатларга сабаб бўладиган функционал ўзгаришлар рўй беради.

Меҳнат оғирлиги жиҳатидан биринчи ва иккинчи категорияга мос тушадиган меҳнат шароитлари корхонанинг айрим заарли ёки хавфли участкаларида меҳнат муҳофазасини яхшилашга қаратилган тадбирлар ишлаб чиқишида намуна вазифасини ўташи керак. Меҳнат оғирлигини интеграл баҳолаш, шунингдек, ходимларга имтиёзлар тақдим этиши ва компенсациялар тўлаш заруратини хамда меҳнат шароитларини яхшилаган ҳолда, бу имтиёз ва компенсацияларни бекор килиши аниқлаш имконини беради.

Меҳнат шароитларини яратиш бўйича тадбирлар иш жойларини аттестация қилиш асосида ишлаб чиқилган ҳамда янги корхоналар куриш, мавжудларини реконструкция қилиш, технологик жараёнлар ва ишлаб чиқариш машина-ускуналарини лойиҳалаш босқичида жорий этилганда энг катта ижтимоий-иктисодий самара беради. Бевосита ана шу ҳолда ишлаб чиқаришга физиология, психология, меҳнат гигиенаси ва эргономика соҳасидаги энг янги ютукларни татбиқ қилиш учун қулай имконият пайдо бўлади. Бироқ

корхоналарни лойихалаш ва қуришда илм-фан ютуқлари қанчалик ҳар тарафлама ҳисобга олинмасин, илмий тараккиёт меҳнат шароитларини янада яхшилаш учун янги-янги имкониятлар яратаверади.

Шунинг учун меҳнат шароитларини такомиллаштириш, нокулай меҳнат шароити бўлган иш жойлари сонини қисқартириш ҳамда энг макбул шароитларга эга иш жойлари сонини кўпайтиришга мунтазам интилиш керак. Бу меҳнат шароитларини муттасил инсонпарварлаштириш, яъни ҳар бир иш жойида техника, технология, меҳнат предметлари ва атроф-муҳитни имкон қадар инсон хавфсиз ва заарсиз меҳнат фаолиятини амалга ошириши учун қулийлаштириш, яъни хавфларни истисно қиласиган шароитни яратишдир.

Ҳозирги пайтда Халқаро меҳнат ташкилоти *меҳнат шароитларини инсонпарварлаштириш* ҳаракатини кенг авж олдирган. Бу иш кўп қиррали эканлиги 2.5-расмдан кўриниб турибди.


Меҳнат шароитлари тўрт йўналишни қамраб олади:

1) *меҳнат жараёнлари ва технологияларни инсонпарварлаштириш*. Мазкур йўналишнинг моҳияти инсоннинг меҳнат мазмуни, қўлланилаётган усуллар ва фойдаланилаётган техникадан қониқиши ҳосил қилиши, персонал касб-малакасини оширишига кўмаклашиш, меҳнат хавфсизлигини таъминлаш ҳамда технологиялар ва ишлаб чиқаришда қўлланилаётган машина-ускуналарнинг атроф-муҳитга салбий таъсирини бартараф этишдан иборат;

2) *ишлаб чиқариш (атроф-муҳит) шароитини соғломлаштириш*, яъни асосий санитария-гигиена кўрсаткичлари бўйича инсон учун қулий бўлган вазиятни таъминлаш;

3) *иши жойини ташқи безаши эстетикасини таъминлаш*. Меҳнат шароитлари эстетик омилларининг таъсири меҳнат шароитлари энг қулий бўлишининг асосий мезонларидан бири ҳисобланади;

4) *меҳнат муҳофазаси мотивацияси*, яъни ходимларда бажарилаётган ишга манфаатдорлик билан муносабатда бўлишни шакллантириш. Бунинг учун ходимлар меҳнат хавфсизлиги ва меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида муайян билимларга эга бўлишлари ҳамда уларни амалиётда кўллаш кўнкимларини ҳосил қилишни таъминлаш талаб этилади.



2.5-расм. Мехнат шароитларини инсонпарварлаштириш

Замонавий шароитларда меңнат шароитларини инсонпарварлаштириш муаммоси анча мураккаб ҳисобланади. Аммо бозор иқтисодиети бу муаммоларни ҳал этишда турли механизмларга эга.

Биринчидан, иш күчининг баҳоси кескин ўзгариши керак. Ноқуладай меңнат шароитларида бажарилаётган иш нормал меңнат шароитларида бажарилаётган ишга нисбатан анча юқори баҳоланиши зарур. Аммо бу меңнат жамоалари ва иш берувчилар, биринчи навбатда, мулк әгаларига иқтисодий жиҳатдан күп чиқимли эканлиги сабабли улар күп меңнат талаб этадиган техникани харид қилиш ҳамда бу техника ва ана шундай технологиялардан воз кечиб, меңнат шароитларини тубдан яхшилаш йўлларини қидира бошлийдилар.

Иккинчидан, одамлар ўз соғлиғига муносабатларини ўзгартирадилар, яъни улар ўз соғлиқлари ҳамда ҳаётлари учун хатарли бўлган шароитларда ишлашга рози бўлмайдилар. Улар

ноқулай меҳнат шароитларида ишлаганлик учун компенсация олиш ўрнига малакаларини ошириб, ўзларининг жисмоний ва ижодий қобилиятларини мазмунлироқ ҳамда меҳнатга юкорироқ хақ тўланадиган ишларга сарфлаш учун интиладиган бўладилар. Шу сабабли ноқулай меҳнат шароитларига эга иш жойларини тўлдириш тобора қийинлашиб боради, натижада меҳнат шароитини тубдан яхшиламасдан туриб, ишлаб чиқариш фаолиятини амалга ошириш мумкин бўлмай қолади.

Учинчидан, бозор муносабатларига мос бўлган меҳнат шароитларини бошқаришнинг янги тизимини шакллантириш зарур. У ижтимоий-меҳнат соҳаси барча субъектини ҳукуқий ва иқтисодий тартибга солиш механизмини кучайтиришга хизмат қилиши керак.

Тўртминчидан, мулкчиликнинг турли ташкилий-ҳукукий шаклларига асосланган корхона (ташкилот)ларда меҳнат шароитларини яхшилашни рағбатлантирадиган тизимни ташкил этиш лозим.

Шундай қилиб, меҳнат шароитларини инсонпарварлаштириш кент маънода қулай меҳнат шароитларини яратишини англатади. Бугунги кунда кўпгина корхоналарда меҳнат шароитларини яхшилаш бўйича таъсирчан чоралар кўрилиши талаб этилмоқда. Бунда амалдаги компенсация тўловлари ўрнига ижтимоий-технологик хусусиятга эга тадбирларга устуворлик бериш мухим.

Қисқача хulosалар

Меҳнат шароитлари ишли кучидан рационал фойдаланишни таъминлайдиган техникавий ва ташкилий тадбирлар мажмууни кўзда тутади. Меҳнат шароитларини яхшилаш тадбирлари меҳнатнинг якуний натижаларига, ижтимоий ишлаб чиқаришни ривожлантиришга ҳамда унинг самарадорлигини оширишга катта таъсир кўрсатади. Меҳнат муҳофазаси соҳасида муҳандис-техник ходимлар, ишли-хизматчиларнинг билимларини ошириш, уларни ҳавфсизлик техникаси қоидаларининг ҳамма талабларини онгли равишда бажариш руҳида тарбиялашнинг ўқув-услубий маркази бўлиб, корхонадаги **меҳнат муҳофазаси кабинети** хизмат қиласди.

Муайян иши жойини паспортлаш ва аттестация қилишда бу ҳар бир кўрсаткич ҳисобга олинади. Амалга оширилган тадбирлар асосида меҳнат шароитларининг ўзгариши натижалари эса “интеграл коэффициент” асосида баҳоланади. Инсон учун меҳнат

шароитларининг қулайлиги кенг кўламда — энг яхши, қулай шароитдан — энг ёмон, хатарли шароитларгача бўлган даражада баҳоланади.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Мехнат шароитлари деганда нимани тушунасиз?
2. Хавфли омиллар таъсири ва улардан ҳимояланиш восиларининг ўзгаришини айтиб беринг.
3. Ишлаб чиқариш омиллари ва уларнинг ходимларга бўлган таъсирини туштириб беринг.
4. Мехнат хавфсизлиги техникаси хизмати намада намоён бўлмоқда.
5. Мехнат шароитлари ва меҳнат муҳофазасига таъсир этувчи омиллар нималардан иборат.
6. Хавфли меҳнат шароитлари нечта категорияга бўлинади?
7. Мехнат шароитларини инсонпрварлаштириш деганда нима тушунилади?

Тавсия этиладиган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Мехнат Кодекси. – Т.: Адолат, 2011. – 276 б.
2. Каримов И.А. 2015 йилда иқтисодиёти мизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир // Халқ сўзи газетаси, 2015 йил 17 январь 11(6194).
3. “Қирқ соатлик иш хафтаси тўғрисида”ги 1935 йилги 47-сонли Конвенция // Халқаро Мехнат Ташкилотининг асосий конвенциялари ва тавсиялари. – Т: Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази. 2008 й. – 150 б.
4. “Ҳақ тўланадиган таътил тўғрисида”ги 1936 йилги 52-сонли Конвенция // Халқаро Мехнат Ташкилотининг асосий конвенциялари ва тавсиялари. – Т: Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази. 2008 й. – 150 б.
5. Адамчук В.В. Экономика и социология труда / В.В. Адамчук, О.В. Ромашов, М.Е. Сорокина- М: ЮНИТИ, 2001.
6. Абдурахманов О.К. Управление охраной труда в условиях рыночной экономики. М., 2008. С.122.
7. Абдураҳмонов Қ.Х. Мехнат иқтисодиёти ва социологияси. Дағслик. – Т.: Фан ва технология, 2012. – 388 б.

3-боб. МЕҲНАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШНИНГ ХУҚУҚИЙ ВА МЕЪЁРИЙ АСОСИ

3.1. Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги миллий қонунчилик

Ўзбекистон Республикасида меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат сиёсати халқаро стандартларга мувофиқ, инсон хуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг хуқуқий асосини яратиш мақсадида сабитқадамлик билан амалга оширилмоқда. Мамлакатимиз жаҳон ҳамжамиятига қўшилгач, халқаро хуқуқнинг умумэътироф этилган устуворлиги конституциявий тарзда мустаҳкамлаб қўйилди.

Инсон хуқуклари соҳасидаги халқаро ҳужжатларнинг универсал аҳамияти уларда мустаҳкамлаб қўйилган қоидаларнинг миллий қонунчиликка имплементация қилиниши лозимлигига намоён бўлади. Бу меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунчиликка ҳам тааллуқлидир.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси мазкур соҳадаги асосий ҳужжат ҳисобланади. Меҳнатни муҳофаза қилишни бошқариш жараёнини тартибга солишида эса 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси¹⁶ энг муҳим қонун ҳужжати вазифасини бажаради. Унда бевосита меҳнатни муҳофаза қилиш масалаларига багишланган 30 дан кўпроқ модда мавжуд. Хавфсиз ва соғлом меҳнат шароитини таъминлаш, меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича йўриқнома ўтказиш ва таълим бериш, меҳнатнинг ишқулай шароитларида ишлаб-тадбирларни ҳамда 18 ёшга тўлмаганинг учун иш вақти давомийлигини тартибга солиш, ходимларни сут, озиқ-овқат билан таъминлаш, даволаш-профилактика, баҳтсиз ҳодисаларни ҳисобга олиш ва текшириш, меҳнатни муҳофаза қилишнинг ҳолати устидан назорат олиб бориш ва ҳоказолар ана шулар жумласидандир.

Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 6 майда қабул қилинган “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонуни¹⁷ мулкчиликнинг барча шаклидаги корхоналарда меҳнат

¹⁶ Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси <http://www.lex.uz>.

¹⁷ Ўзбекистон Республикасининг “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонуни <http://www.lex.uz>.

шароитларини яратиш ва яхшилаш, меҳнатни муҳофаза қилишни таъминлашнинг ижтимоий-иқтисодий, ташкилий, техникавий, санитария-гигиена, даволаш-профилактика асослари ҳамда нормативларига риоя этиш принципларининг хукукий пойдеворини яратди.

Ушбу Конун бозор иқтисодиётига ўтган Ўзбекистон Республикасида мулк ва хўжалик юритиш шакли турлича бўлган корхоналар, муассасалар, ташкилотлар билан, шу жумладан, айрим ёлловчилар билан меҳнат муносабатларида турган барча ишловчиларга, ишлаб чиқариш амалиётини ўтаётган олий ўқув юрглари талабаларига, касб-хунар коллежлари ҳамда академик лицейлар, умумтаълим мактаблари ўқувчиларига, корхоналарда ишлашга жалб этиладиган харбий хизматчиларга, суд ҳукми билан жазони ўтаётган шахсларга ахлоқ тузатиш меҳнат муассасалари корхоналарида ёки суд ҳукми ижросини амалга оширувчи идоралар белгилайдиган корхоналарда ишлаш даврида, шунингдек, жамият ва давлат манфаатларини кўзлаб ташкил этиладиган бошқа турдаги меҳнат фаолияти иштирокчиларига нисбатан амал қиласди.

Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 25 августда қабул қилинган “Хавфли ишлаб чиқариш обьектларининг саноат хавфсизлиги тўғрисида”ги Конуни¹⁸ хавфли ишлаб чиқариш обьектларини хавфсиз эксплуатация қилишни таъминлашнинг хукукий-иқтисодий ва ижтимоий асосларини белгилаб берди ҳамда унинг изчил ижроси мазкур обьектларда аварияларнинг олдини олиш, улар рўй берган тақдирда, оқибатларини асоратларсиз бартараф этиш чора-тадбирларини амалга оширишни таъминлаб келмоқда.

Ходимларнинг соғлигини сақлаш ҳамда уларни ижтимоий муҳофаза этиш мақсадида 2008 йил 10 сентябрда Ўзбекистон Республикасининг “Ишлаб чиқаришда баҳтсиз ҳодисалар ва касб касалликларини мажбурий давлат ижтимоий сугурталаш тўғрисида”ги Конуни¹⁹ қабул қилинди. Мазкур Конун фукароларнинг ишлаб чиқаришдаги баҳтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий давлат ижтимоий сугурталаш бўйича конунчиликда белгиланган хукуклари ижтимоий химоя

¹⁸ Ўзбекистон Республикасининг “Хавфли ишлаб чиқариш обьектларининг саноат хавфсизлиги тўғрисида”ги Конуни. <http://www.lex.uz>.

¹⁹ Ўзбекистон Республикасининг “Ишлаб чиқаришда баҳтсиз ҳодисалар ва касб касалликларини мажбурий давлат ижтимоий сугурталаш тўғрисида”ги Конуни <http://www.lex.uz>.

қилинишини ҳамда олинган жароҳатлар ва касалликлар оқибатида ходим саломатлиги ҳамда хаётига етказилган заарни суғурталаш орқали қоплашни таъминлайди. Мехнат шароитларини ва меҳнатни муҳофаза қилиш аҳволини яхшилаш, ходимлар соғлиғини сақлаш — бу Қонун мақсадларидан биридир.

Фуқаролар саломатлигини муҳофаза этиш, шу жумладан, улар меҳнат қобилиятини йўқотган тақдирда, ижтимоӣ ҳимоялаш, профилактика тадбирларининг устуворлигига доир асосий принциплар Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 14 сентябрда қабул қилинган “Фуқароларнинг саломатлигини муҳофаза этиш тўғрисида”ги Қонунида²⁰ мустаҳкамлаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 16 апрелдан кучга кирган “Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида”ги ЎРҚ-210-сонли Қонуни ҳам фуқароларнинг саломатлигини муҳофаза этиш, шу жумладан, улар меҳнат қобилиятини йўқотган тақдирда, ижтимоӣ ҳимоялаш мақсадларига йўналтирилган.

Ушбу ва бошқа асосий қонун ҳужжатларини ривожлантириш мақсадида қонуности норматив ҳужжатлари ҳам қабул қилинган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қуидаги қарорлари уларнинг энг муҳимлари ҳисобланади:

- 1994 йил 7 ноябрда қабул қилинган “Меҳнатни муҳофаза қилишни давлат томонидан бошқариш тўғрисида”ги қарор;
- 1995 йил 16 февралда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлигининг Меҳнатни муҳофаза қилиш бошқармаси тўғрисида”ги қарор;
- 1997 йил 6 июлда тасдиқланган “Ишлаб чиқаришда ходимларнинг баҳтсиз ҳодисалари ва бошқа жароҳатларини текшириш ва ҳисобга олиш тўғрисидаги Низом”;
- “Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ишларни ташкил этиш бўйича намунавий Низом”;
- “Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакил тўғрисидаги Низом”;
- “Меҳнат шароитларини баҳолаш ва иш жойларини меҳнат шароитлари бўйича аттестациядан ўтказиш услубиёти”;
- 2009 йил 24 июнда қабул қилинган “Иш берувчининг

²⁰ Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг саломатлигини муҳофаза этиш тўғрисида”ги Қонуни. <http://www.lex.uz>

фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сұғурта қилиш тұғрисида”ти Ўзбекистон Республикасининг Қонунини амалға ошириш чора-тадбирлари тұғрисида”ти қарор ва бошқалар.

Вазирліклар ҳамда идоралар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг топширигига мувофиқ, үз ваколатлари доирасыда қоидалар, нормалар, низомлар, йүриқномалар ва башқа норматив хужжатларни ишлаб чиқади ҳамда тасдиқлади. Бундан ташқари, давлат ҳокимиятининг ижроия органдары ҳам қарорлар, буйруқлар, низомлар, күрсатмалар ва башқа хужжатларни қабул қиладилар.

Республикада асосий қонунчилік хужжатларидан ташқари, ходимлар соғлиғи, уларни муҳофаза қилиш ҳамда мәхнат хавфсизлигини таъминлаш масалаларини тартибга солувчи умумдавлат норматив хужжатлари ҳам амал қилади. Санитария қоидалари нормалари, мәхнат хавфсизлиги тизимининг давлат стандартлари, курилиш норма ва қоидалари, заарарлы моддалар нормативлари, заарарлы ҳамда хавфли мәхнат шароитлари мавжуд бўлган ишлаб чиқаришларда мәхнат хавфсизлиги ва мәхнат шароитларини яхшилаш бўйича ҳамда у ёки бу маҳсулотни ишлаб чиқаришга ёки қўллашга доир аниқ талаблар кўрсатилган айrim масалалар бўйича норматив-услубий хужжатлар ана шулар жумласидандир.

Мәхнат муносабатларини тартибга солиш ҳамда ходимлар, шунингдек, иш берувчиларнинг ижтимоий-иктисодий манфаатларини мувофиқлаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг Мәхнат кодексида мәхнат шартномалари ва мәхнат битимлари тузиш кўзда тутилади. Улардан мәхнат шароитлари ҳамда мәхнат хавфсизлигини таъминлаш масалалари ҳам ўрин олиши белгиланган. Мәхнатни муҳофаза қилиш норматив талаблари куйидаги норматив хужжатларда ҳам ўз аксини топган:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари;

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари;

3. Ўзбекистон Республикаси Мәхнат ва ахолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг норматив-хуқукий хужжатлари;

4. Вазирліклар ва идоралар томонидан қабул қилинадиган

мехнат шароитлари ва меҳнатни муҳофаза қилишга доир норматив хужжатлар;

5. Ўзбекистон Республикаси субъектларининг меҳнат шароитлари ва меҳнатни муҳофаза қилишга доир норматив хужжатлари.

Янги технологик жараёнларнинг яратилиши, янги ашёларнинг кўлланилиши принципиал жиҳатдан янгича ёндашувни, меҳнат хавфсизлигини таъминлашнинг янги усуслар ҳамда воситаларини ишлаб чиқиши, шунингдек, ана шу масалалар бўйича янги меъёрларни яратишиң тақозо этади. Шу сабабли меҳнат муҳофазасига доир меъерий хужжатларни тартибга солиш зарурати пайдо бўлди. Бу хужжатлар давлат стандартлаштириш тизимининг таркибий қисмига айланади.

Меҳнат хавфсизлиги стандартлари мажмуаси (МХСМ) — бу ўзаро боғлик стандартлар мажмуидан иборат бўлиб, улар уч гурухга бўлинади ва қуидагиларни белгилайди: хавфли ҳамда заарли ишлаб чиқариш омилларига доир умумий талаблар ва меъёрлар; ишлаб чиқариш жараёнига доир хавфсизликнинг умумий талаблари; ишловчиларни химоялаш воситаларига доир талаблар; меҳнат хавфсизлигини баҳолаш услуби. Саноат корхоналарининг технологик ускуналарига доир умумий талаблари “Меҳнат хавфсизлиги талаблари мажмуаси. Саноат корхоналари учун технологик ускуналар. Хавфсизликнинг умумий талаблари” да баён этилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг стандартлар бўйича Давлат қўмитаси стандартларни беш йил муддатга белгилайди. Бу муддат ўтгандан сўнг улар янгиланади ва қайта кўриб чиқилади. МХСМ стандартлари умумдавлат, тармоқ, республика миёсида бўлиши мумкин. Ушбу стандартларни ҳамма вазирликлар, идоралар, корхона ва муассасалар бажаришга мажбурдирлар. Уларга амал қилмаганлар қонунга биноан жазоланадилар.

Меҳнат хавфсизлиги стандартлари мажмуаси республикамиз меҳнат муҳофазаси қонунларини кўзда тутади. Давлат стандартлари меҳнат шароитини ва меҳнат муҳофазасини яхшилашнинг заминидир, холос. Ҳар қайси корхона давлат стандартларининг умумий талабларига қатъий амал қилган ҳолда, ўзининг тармоқ стандартларини ишлаб чиқади, бу тармоқ стандартларида тармоқдаги меҳнатнинг ўзига хос хусусиятлари ҳисобга олинади. Мазкур хужжатлар асосида илмий-саноат бирлашмалари, завод ва

фабрикалар, корхоналар стандартларини яратадилар, бу стандартларда ҳар қайси цех, бўлинма, иш ўрни учун меҳнат хавфсизлиги бўйича фан ҳамда илгор тажрибанинг тавсиялари берилади.

Саноат корхоналарининг меҳнат муҳофазаси бўйича тармоқ меъёрлари ва қоидалари ана шу соҳа ишчиларнинг касаба уюшмаси Марказий қўмитаси билан келишилган ҳолда, вазирлик томонидан тасдиқланади.

3.2. Меҳнатни муҳофаза қилишда хорижий давлатларнинг тажрибаси

Жаҳонда ўнлаб йиллар давомида ишлаб чиқаришда ходим хавфсизлигини таъминлаш, меҳнат шароитларини яхшилаш ва умуман, меҳнатни муҳофаза қилишнинг самарали тизимини яратиш муаммолари билан шуғулланиб келинмоқда. Тараққий этган давлатлар тажрибаси бу соҳа давлат сиёсати даражасига кўтарилиши кераклигидан далолат бермоқда. Ривожланган хорижий мамлакатлар амалиёти меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги илмий, услугбий ва амалий фаолият қуидаги асосий принципларга таянишини кўрсатади:

— қонунчиликда меҳнатни ташкил этишга инсонпарварлик нуқтаи назаридан комплекс ёндашиш ҳамда инсонни ишлаб чиқаришнинг хавфли таъсиридан муҳофаза этиш обьекти сифатида ажратиб кўрсатиш;

— меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси бўйича тегишли тадбирларни ишлаб чиқиша ҳамда улар ижросини назорат этишда ходимларнинг иштирокини кенгайтириш;

— кулай ва хавфсиз меҳнат шароитлари яратиш, ишлаб чиқаришда баҳтсиз ҳодисалар ҳамда касб касалликлари даражасини камайтиришдан иқтисодий манфаатдорлик механизмини жорий этиш;

— корхоналар ёки корхоналар гурӯҳларида меҳнатни муҳофаза қилиш хизматларини ташкил этиш.

Чет элларда меҳнат муҳофазаси масалаларида иқтисодий механизмлардан фойдаланиш бу йўналишда давлат сиёсатини амалга оширишнинг асосий принципларидан бири ҳисобланади ва қуидагиларни қамраб олади:

— суғурталаш тарифининг корхонадаги хавфсизлик

даражасига боғлиқлиги;

— хавфсизлик ҳамда мәннат гигиенаси талабларини бузғанлик учун жарималар тизими;

— мәннатни муҳофаза қилиш тадбирларига йўналтирилган маблағларни соликлардан озод қилиш;

— баҳтсиз ҳодисалар оқибатларини бартараф этиш учун иш берувчилар маблағлари хисобидан катта микдорда ҳак тўланишини таъминлаш²¹.

Хорижий мамлакатларда мәннатни муҳофаза қилишни ташкил этишнинг хусусияти шундан иборатки, давлат мәннат шароитларини нормалаш ва назорат қилишни амалга оширса ҳам, мәннат шароитлари ҳамда мәннатни муҳофаза қилишнинг аҳволи учун бутун масъулият иш берувчи зиммасига юкланган. Айни пайтда технологиялар, машина-ускуналар, механизациялаш ва автоматлаштириш воситалари, материаллар ҳамда ҳом ашёларнинг инсон учун хавфсизлигини синаш устидан техника назоратини амалга оширишда нодавлат ташкилотларининг кенг иштирок этиши таъминланади.

Шу билан бир қаторда, давлат ва давлатлараро миқёсда мәннатни муҳофаза қилиш бўйича дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш ишлари олиб борилади. Бу дастурларга баҳтсиз ҳодисаларни, ишлаб чиқариш мухитининг хавфли омилларини баҳолаш, ифлосланишларни назорат қилиш, касб касалликларини аниқлаш, хавфларни баҳолаш, прогнозлаш ва идентификациялаш масалалари киритилади. Мәннатни муҳофаза қилишни такомиллаштириш бўйича амалга оширилаётган ишларни кучайтириш воситаси сифатида жарималар ҳамда рағбатлантириш механизмлари кенг қўлланилади. Бунда жарималар тизими мәннатни муҳофаза қилиш қоидалари бузилиши оқибатларининг оғирлигига қараб белгиланади²².

Жаҳоннинг 178 мамлакати аъзо бўлган Халқаро мәннат ташкилоти (ХМТ) мәннат, шу жумладан, мәннатни муҳофаза қилишнинг халқаро меъёрларини белгилашда асосий роль ўйнайди. ХМТнинг конвенция ва тавсияларида ходимни мәннат жараёнида ижтимоий ҳимоя қилишнинг энг муҳим масалаларига доир халқаро ҳукуқий стандартлар белгилаб қўйилган. Умуман

²¹ Хантеп В. Безопасность и гигиена. Люксембург; 1989. с. 38.

²² <http://www/Tacis.ERDUS-p.940>

олганда, Халқаро мөхнат ташкилотининг 300 тадан кўпроқ конвенция ва тавсияларининг учдан бир қисмидан кўпроғи мөхнат муҳофазаси ҳамда мөхнат гигиенаси муаммолари билан бевосита ёки билвосита боғлиқ бўлиб, 40 дан зиёдрок норматив хужжатлар эса тўғридан-тўғри мөхнатни муҳофаза қилиш муаммоларига бағишиланган. “Хавфсизлик, мөхнат гигиенаси ва ишлаб чиқариш муҳити тўғрисида”ги 155-сонли Конвенция ҳамда 164-сонли Тавсиялар, “Ишлаб чиқариш жароҳати ҳолатларидағи воситалар тўғрисида”ги 150-сонли Конвенция ҳамда 121-сонли Тавсиялар, “Мөхнаткашларни иш жойида ҳаво ифлосланиши, шовқин ва тебраниш оқибатида касбий ҳавфдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги 148-сонли Конвенция ҳамда 156-сонли Тавсиялар, “Ишлаб чиқаришда баҳтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш тўғрисида”ги 31-сонли Тавсиялар, “Мөхнаткашлар соғлигини муҳофаза этиш тўғрисида”ги 112-сонли Тавсиялар ана шулар жумласидандир.

Мазкур Конвенция ва тавсияларда акс этган асосий масалалар қуйидагилардан иборат:

— мөхнат шароитлари ҳамда мөхнатни муҳофаза қилиш соҳасида қонунлар ва бошқа норматив хужжатларни ишлаб чиқиш ҳамда тасдиқлаш;

— мөхнатни муҳофаза қилиш соҳасида ваколатли органлар, шунингдек, давлат ҳамда техника хавфсизлиги ва мөхнат гигиенаси устидан мустақил назорат ўрнатишнинг бошқа турлари фаолиятини тасдиқлаш ҳамда мувофиқлаштириш;

— хавфсиз мөхнат шароитларини шакллантириш ва ходимларни ижтимоий ҳимоя қилиш, хавфсиз техника ҳамда технологияларни ишлаб чиқиши ва жорий этишини рағбатлантиришга кўмаклашадиган самарали хўжалик механизmlарини яратиш;

— мөхнат шароитлари ва мөхнатни муҳофаза қилиш муаммолари бўйича илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш ҳамда амалга ошириш, ходимларни ўқитиш ва касбий тайёрлаш, уларни ахборотлар билан таъминлаш бўйича муассасалар тармоқларини яратиш;

— баҳтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан сугурталаш тизимини, касалланишлар профилактикаси хизматлари ҳамда марказларини яратиш²³.

²³ Ронк В.Д. Управление условиями и охраной труда. Учебное пособие. –М.:РАГИС, 2009, с. 138.

Халқаро мәхнат ташкилотининг ушбу соҳадаги фаолияти мәхнатни ташкил этиш ва мәхнатни муҳофаза қилиш умумий шароитларини, ишлаб чиқариш муҳитини, техника хавфсизлиги ҳамда мәхнат гигиенасини яхшилаш, ишдан қониқиши ҳиссини ошириш, сўнгги йилларда эса атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва яхшилашга йўналтирилган.

Халқаро мәхнат ташкилоти мазкур соҳадаги фаолиятида ишлаб чиқаришга илмий-техника ютуқларини жорий этиш натижаларини ҳисобга олади. Ишлаб чиқаришда янги машина ҳамда механизмлар, материал ва технологиялардан фойдаланилар экан, уларнинг етарли даражада хавфсиз бўлишини таъминлашга қаратилган самарали чора-тадбирлар ҳамиша ҳам тўлиқ амалга оширилмайди. Ҳолбуки, янги материаллар ва технологияларни яратиш билан бир вақтда ходимларни ўзгараптган ишлаб чиқариш муҳитининг нокулай таъсиридан муҳофаза қилиш бўйича тезкор чора-тадбирлар кўрилиши керак.

Шу муносабат билан, Л.А. Костин фикрига кўра, “Халқаро мәхнат ташкилоти ўз фаолиятида, шу жумладан, ходимларни ижтимоий муҳофаза этиш соҳасида амал қиласидан энг муҳим принцип — уч тарафлама ҳамкорлик: давлат — тадбиркорлар — ходимлар ўртасида келишилган миллий ижтимоий сиёsatни ишлаб чиқиш принципидир. Мазкур ёндашув карорлар қабул қилишнинг барча боскичи ҳамда бошқарувнинг барча даражасида келишувга эришишнинг энг муҳим шартидир. Ижтимоий шерикларнинг карорлар қабул қилишда иштирок этишлари икки тарафлама: қарорлар асосланганлиги ҳамда ушбу карорлар самарасиниadolатлирок тақсимлашни таъминлаш афзаллигини беради”²⁴.

Мазкур масалалар бўйича халқаро нормалар сони шу қадар кўпки, уларни нафақат кўриб чиқиш, ҳатто санаб чиқиш ҳам мураккабдир. Шунинг учун уларнинг энг умумийлари ва энг муҳимларини қайд этамиз.

1977 йилда қатор халқаро ҳамда миллий касаба уюшмалари марказлари талаблари бўйича Халқаро мәхнат ташкилотининг ишлаб чиқариш муҳити (ҳавонинг ифлосланиши, шовқин, тебратиш) тўғрисидаги 148-сонли Конвенцияси қабул қилинди. Ушбу Конвенцияда ходимларни амалда барча ишлаб чиқариш

²⁴ Костин Л.А. Международная организация труда –М.: Экзамен, 2002. С. 334.

тармоқларида қайд этилган хавфлардан ҳимоя қилиш ҳамда иш берувчиларнинг миллий қонунчиликда кўзда тутилган меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича мутлақ маъсулиятлари кўрсатиб ўтилади.

Конвенция мамлакатлар ҳукуматлариға қайд этилган бу касб хавфларини аниқлаш мезонларини ўрнатиш, ходимлар ва тадбиркорларни зарур муҳофаза чоралари тўғрисида хабардор қилиш, инспекциялар ўтказиш ҳамда техника хавфсизлиги ва меҳнатни муҳофаза қилиш нормалари бузилган ҳолатларда жазо чораларни кўллашни таклиф этади.

Мазкур ҳужжатда, шунингдек, агар ташкилий-техникавий чоралар орқали ҳаво муҳити ифлосланиши, шовқин ва тебраниш даражасининг талаб этилган миқдорга мос бўлишини таъминлашнинг имконияти бўлмаса, тадбиркорлар ходимларни зарур шахсий ҳимоя воситалари билан таъминлашлари шартлиги, шунингдек, мавжуд ҳавф тўғрисида хабардор этишлари ҳамда уларни ўз-ўзларини ҳимоя қилишга тайёрлашлари кўрсатилган. 1981 йилда Меҳнат Бош конференцияси томонидан меҳнат хавфсизлиги ҳамда меҳнат гигиенаси тўғрисида 155-сонли Конвенция ҳамда ва мувофиқ тегишли тавсия қабул қилинган эди. Бу ҳужжатларда биринчи марта ҳалқаро даражада ушбу масалалар бўйича барча меҳнат жараёнини ва фаолиятнинг барча соҳасини қамраб оладиган, мақсади иш билан боғлиқ баҳтсиз ҳодисаларнинг ҳамда соғлик учун зарарли оқибатларнинг олдини олишга қаратилган миллий сиёсат асослари кўрсатилди. Мазкур Конвенцияда ушбу сиёсатнинг асосий йўналишлари ва миллий даражада ҳамда корхоналар миқёсида амалга оширилиши керак бўлган тадбирлар қайд этилган²⁵.

Ушбу ҳужжатда машина-ускуналар ёки материал ва хом ашёлардан фойдаланишдан аввал уларни текширишдан ўтказиш тизимини ташкил қилиш бўйича қонунчилик ҳужжатлари ишлаб чиқилиши лозимлиги кўрсатилади. Конвенция билан, шунингдек, тадбиркорлар иш жойлари, машина-ускуналар, материал ҳамда хом ашёлар, меҳнат жараёни хавфсиз бўлишини таъминлашлари ва ходимлар соғлигига ҳавф солинмаслигига эришиш мақсадида уларга тегишли ҳимоя кийимлари ҳамда воситалари берилиши белгилаб қўйилган. Шу билан бирга, ушбу ҳужжатда ходим, агар у иш жойида ўз ҳаёти ёки соғлигига бевосита ва жиддий ҳавф-

²⁵ Международная организация труда. Конвенции и рекомендации. В 2-х томах. Женева: МБТ, 2001. С.45.

хатар туғиладиган бўлса, ишини ташлаб кетиши мумкинлиги ҳамда бунинг учун у асоссиз таъқиблардан ҳимояланиши зарурлиги кўрсатилган.

1985 йилда Халқаро меҳнат ташкилоти меҳнат гигиенаси хизматлари тўғрисида 161-сонли Конвенцияни қабул қилди. Мазкур ҳужжатда мазкур хизматлар вазиятга қараб бир корхона учун ёки бир нечта корхоналар учун ягона хизмат сифатида ташкил этилиши мумкинлиги белгилаб қўйилган.

Гигиена хизматлари куйидаги функцияларни амалга оширадилар:

— иш жойида пайдо бўладиган согликқа хавфли таъсир кўрсатувчи омилларни аниқлаш ҳамда бу хавфни баҳолаш;

— ходимлар соғлиғига нокулай таъсир кўрсатадиган ишлаб чиқариш муҳити омиллари ва ишлаб чиқариш операциялари устидан назоратни йўлга қўйиш.

Гигиена хизмати дастлабки ва шошилинч тиббий ёрдам кўрсатишни ташкил этиш, ишлаб чиқаришдаги баҳтсиз ҳодисалар ҳамда қасб қасалликларини таҳлил этишда, шунингдек, қасбий реабилитация бўйича тадбирларни амалга оширишда қатнашади. У корхона хизматлари ва тиббиёт муассасалари билан ҳамкорликда фаолият олиб боради.

Меҳнат гигиенаси соҳасида хизмат кўрсатадиган, тегишли малакага эга персонал тўла қасбий мустақиллар. Меҳнат жараёни билан боғлиқ вазиятларда ходимлар соғлигининг ҳолати устидан назорат олиб бориш улар иш ҳақи ҳисобига бўлмайди, яъни бенул ҳамда имконият даражасида иш вактида амалга оширилади. Меҳнат шароитлари ва ишлаб чиқариш муҳитини яхшилашга қаратилган қонунчилик тобора кўпроқ инсон меҳнати қулай бўлишини кўзда тутувчи кенг профилактик тадбирларни амалга ошириш мақсадига йўналтирилмоқда. Бу ўринда, энг аввало, ходимларнинг жисмоний ва ақлий қобилиятларига имкон кадар тўлиқ жавоб берадиган шароитларни яратиш, хавфсиз ва соғюм ишлаб чиқариш муҳитига эришиш назарда тутилади. Бунинг учун машина-ускуналар ҳамда меҳнатни ташкил этишни лойиҳалашда эргономика принциплари кўлланилиши, ходимлар ортиқча зўриқишининг олдини олишга алоҳида ёътибор берилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси 1992 йилнинг март ойида Халқаро меҳнат ташкилотининг тўла ҳуқуқли аъзоси бўлди. Мамлакатимиз

ҳозирги вактгача Халқаро мөхнат ташкилотининг 11 Конвенциясини ратификация килган. Мажбурий мөхнат түғрисидаги, Мажбурий мөхнатни бекор қилиш түғрисидаги, Мөхнат ва машғулотлар соҳасида камситишлар түғрисидаги ҳамда бошқа конвенциялар ана шулар жумласидандир. Ўзбекистон Халқаро мөхнат ташкилотининг бошқа конвенцияларини ҳам ратификациялаш бўйича тайёргарлик ишларини олиб бормоқда²⁶.

Европада мөхнатни муҳофаза қилишни ташкил этиш ва уни бошқаришнинг асосий принципларини амалга ошириш бўйича катта тажриба тўплланган. Бу қатор халқаро ҳужжатлар билан тартибга солинади. Улар орасида Европа Иттифокининг қонунчилик ҳужжатлари, айниқса, унинг ижтимоий-мөхнат соҳасидаги асосий халқаро-хукуқий ҳужжати — Европа Ижтимоий хартиясини ажратиб кўрсатиш мумкин.

Мөхнатни муҳофаза қилишни бошқариш соҳасида Европа Иттифоки томонидан 1961 йилда қабул қилинган ва 1965 йилда кучга кирган *Ижтимоий хартия* жуда муҳим аҳамиятга эгадир. Хартия гуманитар соҳада дастлабки асосий миллатлараро ҳужжат бўлиб, шахсни муайян давлат ва унинг органлари орқали эмас, балки халқаро ташкилотлар ҳамда улар органлари кўмагида химоя қилишга йўналтирилган.

Хартия Ўзбекистон Республикаси учун, энг аввало, фуқароларнинг умумий ҳукуқий маданиятини оширишга хизмат қила олади. Ундан, шунингдек, миллий қонунчиликни янада такомиллаштириш мақсадида ҳам фойдаланиш мумкин.

1996 йилда қайта кўриб чиқилган Европа Ижтимоий хартияси у илк бор қабул қилинган 1961 йилдан сўнг мөхнат қонунчилиги ва ижтимоий-сиёсий ҳаётда рўй берган ўзгаришларни ҳисобга олади. Хартияда қайд этилган қоидалар мөхнат хавфсизлиги ҳамда мөхнат гигиенаси соҳасида ишлаб чиқариш муҳити ташқарисида бўлган вазиятга ҳам таъсир кўрсатади. Мазкур ҳужжат, шунингдек, бутун аҳоли учун сифатли атроф муҳитни таъминлашга кўмаклашиб, инсон саломатлигини муҳофаза қилиш ҳукуқига риоя этилишига ўз хиссасини кўшган.

Ходимларнинг мөхнат муҳофазаси ва саломатлиги масалалари ривожланган мамлакатларнинг мөхнат соҳасидаги

²⁶ Исаев М. Халқаро мөхнат атձозалари XMT конвенцияларида // Кадрлар масалалари бўйича маълумотнома 2007 йил. 7-сон, 34-35-б.

стратегиясининг таркибий қисми ҳисобланади. Шу жиҳатдан, бу соҳада Буюк Британия, АҚШ ва Финляндия тажрибаси дикқатга сазовордир.

Буюк Британия 2004 йилда 2010 йил ва ундаи кейинги даврда иш жойларида инсон соғлигининг хавфсизлиги стратегиясини қабул қилди. Мазкур ҳужжатда ходимларга хавфсиз меҳнат шароитларини яратиш ва улар соғлигини сақлаш энг асосий вазифа эканлиги, 2010 йилга бориб, ишлаб чиқаришда ўлим ҳамда оғир жароҳатлар даражасини 10 фоиз, касб касалликлари даражасини 20 фоиз, касалланиш сабаби билан иш вақти йўқотилишини эса 30 фоиз камайтириши кўзда тутилади.

Стратегия мамлакатда 1974 йилда ходимлар саломатлигини муҳофаза этиш ва меҳнат хавфсизлигини таъминлашга йўналтирилган қонун қабул қилингандан сўнг дунёда рўй берган жиддий ўзгаришларни: йирик фирмалар сони камайиб, кичик корхоналар сони ортганлигини, тўлиқсиз иш вақтида иш билан машғул ходимлар сони кўпайганлигини, аёллар иш кучининг ярмини ташкил этишини, хизмат соҳаси юксалганлиги ва халқаро рақобат кучайганлигини ҳисобга олган. Мамлакатда амалга оширилган тадқиқотлар иқтисодиётда ҳамда иш билан бандлик таркибида содир бўлган ўзгаришлар сабабли меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасига йўналтирилаётган маблағлар мўлжалланган самараға эришиш имконини бермай кўйганлигини кўрсатди. Чунки ишда ходимлар саломатлигига эътиборнинг сусайиши кузатилган.

Шу муносабат билан Буюк Британия ҳукумати иқтисодиётда хавфсиз ва соғлом меҳнат маданиятига эришишнинг янги йўлларини ишлаб чиқиши бўйича стратегик вазифани олға сурди. Унда барча иш берувчилар мазкур соҳадаги масъулиятларини чуқур ҳис қилишлари ҳамда ходимларни ўз иш жойларида хавфни бошқаришга тўлиқ жалб этишга алоҳида аҳамият қаратилган.

Стратегия ижросини таъминлаш мамлакатнинг Меҳнат ва пенсиялар вазирлигига карашли Меҳнатни муҳофаза қилиш ҳамда меҳнат хавфсизлиги комиссияси зиммасига юклатилган. Стратегияда ижтимоий мулокот, ижтимоий шерикликни (касаба ўюймалари, ассоциациялар ва ҳоказолар) ривожлантиришга, шунингдек, минтақалар ҳамда маҳаллий ҳокимият органлари билан қалин ҳамкорлик ва ижтимоий шериклик муносабатларини

ўрнатишга алоҳида эътибор берилган.

Юкорида қайд этилган комиссия олдига ҳар бир иш берувчи ва ходим меҳнатни муҳофаза килиш ҳамда иш жойида саломатликни сақлаш соҳасидаги билимларни эгаллашларини таъминлаш вазифаси кўйилганлиги, айниқса, дикқатга молиқдир. Шу мақсадда ходимларнинг турли гурухларига мўлжалланган маҳсус материаллар кўп минг нусхада чоп этилган. Уларда ҳамма учун тушунарли ва кўргазмали тарзда меҳнатни муҳофаза килиш бўйича асосий талаблар қайд этилган. Стратегияда кўзланган тадбирлардан хавфсиз жамиятга эмас, балки хавфни тўғри баҳолайдиган, чуқур англайдиган ва бу жараённи бошкарадиган жамиятга эришиш кўзда тутилаётганлиги алоҳида уқтирилади.

Америка Кўшима Штатларида меҳнатни муҳофаза қилиши ва иш жойларининг хавфсизлиги стратегияси Меҳнат вазирлиги стратегик режасининг таркибий кисми ҳисобланади. Мазкур ҳужжатда XXI аср талабларига жавобан меҳнат соҳасидаги сиёsat учун масъул бўлган федерал идора фаолиятининг асосий йўналишлари акс этган. Ушбу режа стратегик менежментнинг классик қоидлари бўйича тузилган. Яъни унда белгиланган стратегиянинг мақсади, кўзланган тадбирларни амалга ошириш аник-равshan кўрсатиб кўйилган.

Хавфсиз, соғлом ва муҳофазаланган иш жойлари яратишга кўмаклашиш АҚШ хукуматининг меҳнат соҳасидаги тўртта стратегик мақсадидан биридир. Мазкур режада ҳар бир мақсадга эришиш самародорлигини баҳолайдиган асосий индикаторлар, мақсадли дастурларни баҳолаш принциплари қайд этилган. Мамлакат меҳнат вазирлиги мутасаддилари ходимлар соғлигини ҳамда меҳнат хуқуқларини химоя қилишга йўналтирилган конунлар ва дастурлар ижросини таъминлашга қаратилган янги, инновациявий ёндашувларини ишлаб чиқиш ниятидалар.

Ўзбекистон Республикаси учун АҚШ тоғ-кон саноатида меҳнатни муҳофаза килиш масалаларининг ҳал этилиши алоҳида аҳамиятга эгадир. Америкаликларнинг прогнозларига кўра, тоғ-кон саноати унинг маҳсулотларига энергетик металлургия, транспорт, қурилиш, кимё саноати томонидан кўйиладиган талаблар тобора ўсиб бораётганлиги боис жадал ривожланмоқда. Шунинг учун АҚШ Меҳнат вазирлиги мазкур секторда иш билан банд бўлган 300 минг нафар ходимнинг меҳнатини муҳофаза

қилишга қаратилган узоқ муддатли стратегияни ишлаб чиқаипти.

Бу мамлакатда меҳнатни муҳофаза этишга доир конунчиликни бузганлик учун жуда таъсирчан жазо чоралари белгиланган. Агар ана шундай биринчи қонунбузарлик учун 250,0 минг АҚЈЈ доллари миқдорида жарима тўланса, иккинчи бор бу ҳол тақорланганда, жарима миқдори 500,0 минг АҚШ долларини ташкил қиласди. Мамлакатда ходимлар меҳнати ва соғлигини муҳофаза этиш соҳасида маҳсус федерал дастурлар (хавфли секторларда тармоқ дастурлари, стратегик шериклик дастурлари, маслаҳатлар, таълим бериш, тренинглар ҳамда грант дастурлари ва ҳоказолар) амал қилмоқда.

Финляндияда меҳнатни муҳофаза этиши соҳасида диққатга сазовор кўп йиллик тажриба тўпланган. Бугунги кунда бу Буюк Британия тажрибаси каби ана шу мамлакатда ҳам меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида амалга оширилаётган тадбирлар Европа Иттифоқига аъзо давлатлар учун намуна вазифасини ўтаянти. Финляндияда касаба уюшмалари ёрдамида меҳнатни муҳофаза қилишни бошқаришни ташкил этиш соҳасида ишлаб чиқаришда шикастланишни мутлақ бартараф этиш бўйича дастур ишлаб чиқилган ва у ҳаётга муваффақиятли татбиқ қилинмоқда. Бу мамлакатда ҳар бир иш жойида ходимлар соглиги учун хавфли ҳисобланган барча омил (ҳам жисмоний, ҳам маънавий-психологик)ни касаба уюшмалари томонидан ҳисобга олиш йўлига қўйилган. Шунингдек, касб хавфлари, уларнинг ходимлар саломатлигига салбий таъсири эҳтимоллиги ва хусусиятларини маҳсус стандартлар асосида ҳисобга олиш тизими шакллантирилган. Шуниси айниқса муҳимки, бу ерда касбий хавфларни баҳолаш ҳамда хавфсиз меҳнат талабларига риоя этиши орқали мазкур хавфни камайтириш чораларини амалга оширишда касаба уюшмалари билан биргаликда ходимлар ҳам фаоллик кўрсатадилар.

Финляндияда Ижтимоий ишлар ва соглиқни саклаш вазирлиги буюртмаси асосида 2006 йилда “Меҳнат саломатлиги: иш жойида саломатликни таъминлашга меҳнат хаётини яхшилаш ва узайтириш воситаси сифатида кўмаклашиш” маҳсус тадқиқоти амалга оширилди. Ушбу тадқиқот якунлари бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган бўлиб, улар Европа Иттифоқининг норматив ҳужжатларида ҳам ўз ифодасини топган.

Мазкур ва бошқа давлатларнинг меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги тажрибаси Ўзбекистон Республикасида ҳам чукур таҳлил этилиши ва маҳаллий хусусиятлар, шунингдек мавжуд имкониятлар ҳисобга олинган ҳолда қўлланиши мақсадга мувофиқдир.

Юкорида қайд этилганлар меҳнатни муҳофаза қилишни бошқариш соҳасида чет эл тажрибасини ўрганиш ҳамда бу тажрибадан амалиётда фойдаланиш муҳим ахамиятга эга эканлигидан далолат бермоқда.

3.3. Меҳнатни муҳофаза қилишининг давлат ва жамоат назорати

Меҳнатни муҳофаза қилишга доир қонунлар ҳамда бошқа меъёрий ҳужжатларга риоя этилиши устидан давлат назоратини бунга маҳсус ваколат берилган, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлайдиган низом асосида ишловчи давлат идоралари амалга оширадилар.

Меҳнатни муҳофаза қилишга доир қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларга риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини меҳнат жамоалари ҳамда касаба уюшмаси ташкилотлар томонидан меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ўзлари сайлайдиган вакиллар орқали амалга оширадилар.

Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича маҳсус тайёргарликдан ўтган вакил иш жойларида меҳнат муҳофазасининг аҳволини монеликсиз текшириш, аникланган камчиликларни бартараф этиш ва айборд шахсларни жавобгарликка тортиш тўғрисида таклифлар киритиш ҳукуқига эгадир. Меҳнат муҳофазаси бўйича вакилга ўз вазифаларини бажариши учун ҳар ҳафтада иш пайтида камидан икки соат вақт ажратиб берилади ҳамда ўртача иш ҳақи миқдорида ҳақ тўлданади.

Касаба уюшмалари давлат ва хўжалик идоралари олдида ходимларнинг меҳнатни муҳофаза қилинишига доир ҳукуқларини ҳимоя қиласидилар, унинг рӯёбга чиқарилиши устидан назоратни амалга оширадилар, ана шу мақсадда ўз қарамоғларида низом асосида ишловчи меҳнат техник инспекциясига эга бўладилар, меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича давлат сиёсатини ишлаб чиқиша, меъёрий ва ҳукукий фаoliyatda иштирок этадилар. Меҳнатни муҳофаза қилиш масалаларига доир барча меъёрий ҳужжатлар

(стандартлар, қоидалар, меъёрлар, йўриқномалар ва ҳоказо) касаба уюшмалари олдиндан кўриб чиққанидан кейин тегишли идоралар томонидан қабул қилинади.

Касаба уюшмалари ўз ташаббуси асосида ёки ишловчиларнинг илтимоси билан корхоналарда меҳнатни муҳофаза этишга оид қонунлар ҳамда бошқа меъёрий ҳужжатларга риоя қилинишини, жамоа шартномалари ва битимлари бажарилишини текшириш, аниқланган камчиликларни бартараф этиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш ёки маъмуриятга тақдимномалар киритишига ҳақлидир.

Мансабдор шахслар уларни бажаришни асоссиз рад этган ёки одамлар соғлиги ёхуд ҳаётига хавф туғдирувчи қонунга зид хатти-ҳаракатлар қилган, ишлаб чиқаришдаги баҳтсиз ҳодисаларни ҳисобга олишдан яширган тақдирда, касаба уюшмалари айборларни эгаллаб турган лавозимидан бўшатишгача жавобгарликка тортиш, шунингдек, аниқланган камчиликлар бартараф этилгунга қадар ишларни тўхтатиб туриш тўғрисидаги талаблар билан давлат ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларига мурожаат этишга ҳақлидирлар.

Ходимнинг меҳнатини муҳофаза қилинишига бўлган ҳукуклари рўёбга чиқарилиши устидан назоратни амалга ошириш чогида касаба уюшмаларининг меҳнат бўйича техник инспекцияси исталган корхонани бемалол кўриш, аниқланган нуқсонларни бартараф этиш тўғрисида маъмуриятга қўрсатмалар бериш, мансабдор шахсларга жарима солиш, агар бундан бўён ишлатиладиган ускуналар меҳнат қилувчилар соғлиги ёки ҳаётига хавф туғдирса ускуналар, участкалар, цехлар фаолиятини вактинча тўхтатиб қўйиш, ишлаб чиқаришда ходим дучор бўлган баҳтсиз ҳодисаларни текширишда қатнашиш (ёки уни мустақил ўтказиш)га ҳақлидир.

Касаба уюшмалари белгиланган тартибда меҳнатни муҳофаза қилишга доир меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқишида ва келишиб олишда иштирок этадилар, улар билан келишиб олинмаган ҳужжатларнинг кучга киритилишига қарши тегишли давлат идоралари орқали протест киритиш ҳуқуқига эгадирлар.

Касаба уюшмалари ишлаб чиқариш воситаларини сипап ва фойдаланишига қабул қилиш давлат комиссиялари ишида, ишлаб чиқаришдаги касб касалликларини текширишида, тиббий-меҳнат эксперт комиссияси (ТМЭК) мажлисларида қатнашадилар, меҳнатни муҳофаза қилишининг аҳволини, уни яхшилаш бўйича жамоа

шартномаларида кўзда тутилган тадбирлар бажарилишини текширадилар хамда уларнинг натижалари юзасидан аникланган нуксонларни бартараф этишга қаратилган, бажарилиши шарт бўлган такиифларни киритадилар.

Хизмат вазифасини бажариш чоғида майиб бўлиш ёки саломатликка бошқача тарзда путур етиши туфайли келтирилган зарар қопланиши учун ва ходимларнинг саломатлиги ҳамда меҳнати муҳофаза қилинишига бўлган ҳукуқлари чекланган бошка ҳолларда, касаба уюшмалари ўз ташаббуси билан ёки ишловчиларнинг аризасига биноан уларнинг ҳукуқларини химоя қилиб, даъво аризалари билан судга мурожаат этишлари мумкин.

Корхоналар меҳнатни муҳофаза қилишга доир талаблар таъминланмаганинг учун ишлаб чиқаришдаги баҳтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан ижтимоий суғурта қилиш мақсадларига оширилган тарифлар бўйича маблағлар ажратадилар. Тарифлар меҳнат шароити, бажариладиган ишлар хавфлилиги, заарарлилиги ва оғирлигига боғлиқ ҳолда вақти-вақти билан қайта кўриб чиқилади.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг меҳнат шароитлари давлат экспертизаси берган хulosса тарифларни қайта кўриб чиқиш учун асос бўлиб ҳисобланади.

Меҳнатни муҳофаза қилиш талабларига жавоб бермайдиган ишлаб чиқариш аҳамиятига молик маҳсулот ишлаб чиқараётган ва етказиб бераётган корхоналар истеъмолчиларга етказилган зарарни Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган тартибда ва шартларда копладилар.

Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича стандартлар, коидалар ҳамда меъёрларнинг Ўзбекистон Республикасида белгиланган талабларига номувофиқ бўлган ишлаб чиқариш воситаларини, якка тартибдаги ва жамоани химоялаш воситаларини, шу жумладан, хориждан сотиб олингандарини сотиш ҳамда тарғиб қилиш ғайриконуний ҳисобланади. Бундай фаолият натижасида корхона олган фойда белгилашган тартибда давлат ҳисобига мусодара қилиниши керак.

Давлат назорати органларига куйидагилар киради: Давгеотехназорат, Давэнергоназорат, Давлатсаноатназорат, Давлатёнгинназорат.

Давгеотехназорат — саноат ишларини хавфсиз олиб бориш коидаларига амал қилинишини текширувчи давлат назорат органи

бўлиб, у ўзининг куйидаги бўлинмаларига эга: тог-техник, газ инспекциялари ва бошқа инспекциялар; курилишда юк кўтариш машиналари билан ишлашда, босим остида ишловчи қозон установкалари ва идишларидан, буғ ҳамда иссиқ сув кувурларидан фойдаланишда, портлатиш ишларини бажаришда ишларнинг хавфсиз бажарилишини назорат қиласи.



3.1-расм. Давлат назорати органлари

Давэнергоназорат — электр ва иссиқлик ёрдамида ишлайдиган установкаларга хавфсиз хизмат кўрсатишини таъминлайдиган тадбирларни амалга оширишдаги давлат назорати.

Давлатсаноатназорат — корхона ва ташкилотлар томонидан гигиена нормалари, санитария-гигиена ва санитария-эпидемиология қоидаларига риоя килинишини текширувчи давлат санитария назорати.

Давлатёнғинназорат — ёнгин хавфсизлигининг юкори даражада бўлишини таъминлаш устидан назорат қиласи.

Давлат назорати органлари хавфсизлик техникаси ҳамда ишлаб чиқариш санитарияси қоида ва нормаларига амал килишдаги камчиликлар ҳамда бузилишлар ҳақида, шунингдек, хавфсиз ва соглом меҳнат шароитларини таъминлаш бўйича чоралар кўриш юзасидан корхона ҳамда ташкилотларнинг хўжалик органларига кўрсатмалар (буйруклар) бериш учун кенг ҳуқуқларга эга. Қоидалар ва нормалар жиддий равишда бузилганда, назорат органлари ишини хавфсиз олиб бориш қоидаларини мунтазам равишда бузётган инженер-техник ходимларни лавозимидан четлатиш ҳақида вазирлик ҳамда бошқа хўжалик органларига кўрсатмалар бериш; хавфсизлик қоидаларини бузганликлари учун маъмурий тартибда жарима солиши мумкин.

Меҳнатни муҳофаза қилишнинг жамоат назорати жамоатчи инспекторлар ва маҳаллий қўмиталарнинг меҳнатни муҳофаза қилиш

комиссиялари орқали касаба уюшмаларининг барча бўғини томонидан амалга оширилади. Касаба уюшмалари меҳнатини муҳофаза қилиш қоидаларига риоя этилишини назорат қилибгина қолмай, балки меҳнат шароитларини енгиллатиш ҳамда соғломлаштириш тадбирларини амалга оширади, меҳнатнинг хавфсиз методларини ва меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича қонунчилик тарғиботини олиб боради.

Барча ташкилот ва корхоналарда меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича жамоатчи инспекторлар сайланади. Касаба уюшмасининг маҳаллий қўмиталарида меҳнатни муҳофаза қилиш комиссиялари тузилади. Бу комиссияга цех ва участкаларнинг меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича катта жамоатчи инспекторлари ҳамда ишлаб чиқаришни яхши билган бошқа ташаббускор ходимлар киритилади. Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича комиссия меҳнат муҳофазаси шартномаларини, меҳнатни ташкил қилиш, ишлаб чиқариш маданиятини кўтариш юзасидан ташкилий тадбирларни ўtkазишида ва ишлаб чиқариш эстетикасини жорий этишда катнашади. Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича жамоатчи инспекторлар ўзларининг ишлаб чиқариш участкаларида иш вакти меъёри ҳамда дам олиш вакти ҳақидаги, аёллар ва ўсмирлар меҳнатини муҳофаза қилиш ҳақидаги меҳнат қонунчилигига риоя этилишини, ишловчиларга сифатли коржома, пойабзal ҳамда якка турдаги ҳимоя воситаларининг ўз вактида берилишини, шунингдек, ишловчиларнинг сут, совун, ичимлик сув ёки газ сув (агар бу иш характеристи билан боғлиқ бўлиб, нормаларда кўзда тутилган бўлса) билан таъминланишини кузатиб борадилар.

Жамоатчи инспекторлар иш ўринларининг меҳнатни муҳофаза қилиш талабларига мос келишини текшириб, баҳтсиз ҳодисалар юз бериши ва ишловчиларнинг касбий заҳарланишининг олдини олиш юзасидан барча ташкилий тадбирларнинг ўтказилишини таъминлайдилар. Улар ишловчилар томонидан хавфсизлик техникаси талабларининг бажарилишига алоҳида эътибор қаратадилар. Цех ҳамда қурилишда жамоатчи инспекторларнинг таклифлари ёзиб бориладиган журнallар тутилади.

Техник инспекторлар ишлаб чиқаришда юз берган баҳтсиз ҳодисаларни ўз вактида текшириш ва ҳисобга олишни, меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича шартномаларнинг бажарилишини назорат қиладилар. Инспекторлар ишчилар қулай санитария-маший хоналар

билин таъминланишига ҳамда иш ўринларининг нормал даражада ёритилишига, шунингдек, шовқин, тебраниш даражаси ва чанг йўл қўйилган нормадан ортиб кетмаслигига эришишлари лозим.

Техник инспектор қурилаётган ҳамда реконструкция қилинаётган объектларда бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш назоратини ўтказишида катта ишларни амалга оширади. Янги қурилган ишлаб чиқариш характеридаги объектларни фойдаланишига топшириш пайтида техник инспектор давлат комиссияси таркибида киритилади.

Ишлаб чиқаришда меҳнатни муҳофаза қилиш қандай йўлга қўйилганлиги давлат томонидан қатъий назорат қилиб турилади.

Корхона ва ташкилот маъмуриятлари меҳнатни муҳофаза қилиш ҳақидаги қонун-қоидаларга қандай риоя қилаётгани юзасидан амалга ошириладиган давлат назорати тизимида республика, вилоят ҳамда туман касаба ўюшмаларининг Техника инспекциялари асосий роль йўнайди. Уларга ўзлари хизмат кўрсатаётган корхона ва ташкилотларда ишларнинг хавф-хатарсизлигини, ишлаб чиқариш санитариясининг ахволини ҳамда тегишли маъмуриятлар меҳнатни муҳофаза қилиш ҳақидаги қонун-қоидаларга қандай амал қилаётганини назорат этиш хуқуки берилган. Техника инспектори корхонага исталган вактда (кундузи ҳам, кечаси ҳам) киришга хақли.

Техника инспектори зиммасига хилма-хил вазифа юкланган. У рўй берган бахтсиз ҳодисаларни текширишда катнашади, ишчилардан ёки жамоатчи инспектордан тушган шикоятга мувофиқ қурилишга етиб келади, меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсизлик техникаси устидан назорат ўрнатиш режасига мувофиқ, қурилишга келиб туради.

Корхонада ишлаётган машиналар, монтаж мосламаси ёки инвентарда бахтсиз ҳодисаларга сабаб бўладиган бирор конструктив камчилик ёки нуқсон топилса, инспектор бу нуқсонни бартараф қилиш масаласини мутасадди ташкилотга ва шу машина ёки мосламани ишлаб чиқарган завод эътиборига ҳавола этади.

Техника инспектори қурилиш майдонларига ва назоратни амалга ошираётган жойларига борар экан, кўрган-аниқлаган нуқсон ҳамда камчиликларнинг ҳаммасини ёзib олиб, уларни бартараф қилишни топширади, бунинг учун конкрет муддат ва жавобгар кишиларни белгилайди. Мазкур кўрсатмалар амалга оширилмаган тақдирда, инспектор айбдорларни жаримага тортишга, хавфсизлик техникаси

қоидалари кечириб бўлмайдиган даражада қўпол бузилган, ишчиларнинг соғлиги ҳамда ҳаёти хавф остида қолган ҳолларда эса, ишни тамомила тўхтатиб, бу ҳақда юқори ташкилотларни хабардор қилишга ҳақлидир.

Инспектор ўз ишига қурилишдаги касаба уюшма ташкилотлари аъзоларини ва меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича жамоат инспекторларини жалб этиб, меҳнат қонунларига, хавфсизлик техникаси қоидалари ҳамда қўлланмаларига қандай риоя қилинаётганини устидан кундалик самарали назорат ўрнатади.

3.4. Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларни бузганлик учун жавобгарлик

Меҳнатни муҳофаза қилишга доир қонунлар ҳамда бошқа меъёрий ҳужжатлар бузилишида айборд бўлган ёки давлат ва жамоатчилик назорати идоралари вакилларининг фаолиятига монелик қилаётган мансабдор шахслар Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган тартибда интизомий, маъмурий ёхуд жинойи жавобгарликка тортиладилар.

Корхоналарнинг бошқа ходимлари меҳнатни муҳофаза қилишга доир меъёрий ҳужжатлар талабларини бузганлик учун белгиланган тартибда жавобгарликка тортиладилар.

Маъмуриятнинг айби билан ишлаб чиқаришдаги баҳтсиз ҳодиса ёки касб қасаллиги натижасида меҳнат қобилиятини тўлиқ ёхуд қисман йўқотган ходимга Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган тартиб ҳамда миқдорда корхона бир марта бериладиган нафақа ва соғлиғига етказилган шикаст учун товон тўлайди.

Бир марта бериладиган нафақа миқдори жамоа шартномаси (битими) билан белгиланади ҳамда жабрланувчининг бир йиллик маошидан кам бўлмаслиги лозим. Агар ходим даволаниш, протез қўйдириш ва тиббий ҳамда ижтимоий ёрдамнинг бошқа турларига муҳтоҷ бўлса, корхона жабрланган ходимга бу тадбирлар билан боғлиқ харажатларни тўлайди, шунингдек, жабрланувчининг касбини ўзгартириб қайта тайёрланишини ҳамда тиббий хулосага мувофиқ ишга жойлашишини таъминлади ёки ана шу мақсадлар учун сарфланадиган харажатларни қоплади.

Ишлаб чиқаришдаги баҳтсиз ҳодиса оқибатида ходим вафот этган тақдирда, корхона тегишли ҳуқуққа эга бўлган шахсларга моддий зиённи Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган

тартиб ва миқдорларда қоплади, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган миқдорда бир марта бериладиган нафақа тўйлади.

Қисқача хulosалар

Ўзбекистон Республикаси корхоналари ҳамда фуқаролари ҳалқаро шартномалар ва битимлар асосида ишларни бажараётгандаридан, меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича уларда кўзда тутилган талаблар агар ўзгача шартлашилмаган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси ва юртимиз меҳнат қонунчилигига асосан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши билан биргаликда меҳнатни, атроф-муҳитни муҳофаза қилишининг илмий асосланган стандартлари, қоида ҳамда меъёрларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш йўли билан ишлаб чиқаришда меҳнат хавфсизлигини таъминлаш учун зарур бўлган талаблар даражасини белгилайди.

Ходимларнинг айрим тоифалари (хотин-қизлар, ёшлар, меҳнат қобилияти чекланган шахслар), шунингдек, меҳнатнинг оғир ва зарарли шароитларида ишловчи ходимлар учун меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишнинг ўзига хос хусусиятлари Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан белгиланади.

Меҳнатни муҳофаза қилишга доир қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларга қатъий риоя этилиши устидан давлат назоратини бунга маҳсус ваколат берилган, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлайдиган низом асосида ишловчи давлат идоралари амалга оширадилар.

Меҳнатни муҳофаза қилишга доир қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар бузилишида айбдор бўлган ёки давлат ҳамда жамоатчилик назорати идоралари вакилларининг фаолиятига монелик қилаётган мансабдор шахслар Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган тартибда интизомий, маъмурий ёки жиноий жавобгарликка тортиладилар.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Меҳнатни муҳофаза қилиш деганда нимани тушунасиз?
2. Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунларнинг кўлланиш соҳасини айтинг.

3. Мехнатни муҳофаза қилиш соҳасида давлат сиёсати нималардан иборат?

4. Мехнатни муҳофаза қилишга оид ҳалқаро шартномалар қандай бўлиши керак?

5. Мехнат муҳофазасини меъёрий таъминлаш деганда нимани тушунасиз?

6. Мехнатни муҳофаза қилиш бўйича мутахассислар тайёрлаш ва унинг молиявий асосини айтиб беринг.

7. Қандай усууллар ва чоралар билан корхоналарда меҳнатнинг соглом ва хавфсиз шароитларини таъминлаш мумкин?

8. Мехнатни муҳофаза қилиш хизматлари ҳақида нималарни биласиз?

9. Ишловчиларнинг меҳнатни муҳофаза қилишга доир ҳуқуқларини рӯёбга чиқаришдаги кафолатлар нималардан иборат?

10. Мехнатни муҳофаза қилишга доир қандай қонунлар мавжуд?

11. Мехнатни муҳофаза қилишга доир қандай меъёрий хужжатларга риоя этилиши лозим?

12. Мехнатни муҳофаза қилишга доир давлат ва жамоатчилик назоратлари ҳақида гапиринг.

Тавсия этиладиган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2014. – 76 б.

2. Ўзбекистон Республикасининг Мехнат Кодекси. – Т.: Адолат, 2011. – 276 б.

3. “Давлат санитария назорати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. //www.lex.uz

4. “Мехнатни муҳофаза қилиш тўғрисда”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. //www.lex.uz

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 7 ноябрдаги “Мехнатни муҳофаза қилишни давлат томонидан бошқариш тўғрисида”ги Қарори. //www.lex.uz

6. “Мажбурий меҳнатни тугатиш тўғрисида”ги 1957 йилги 105-сонли Конвенция // Ҳалқаро Меҳнат Ташкилотининг асосий конвенциялари ва тавсиялари. – Т: Инсон ҳуқуqlари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази. 2008 й. – 150 б.

7. Абдураҳмонов Қ.Х. Мехнат иқтисодиёти ва социологияси. Дарслик. – Т.: Фан ва технология, 2012. – 388 б.

4-боб. КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАРДА МЕХНАТ МУХОФАЗАСИ ИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

4.1. Корхона, ташкилот ва муассасаларда меҳнат муҳофазасига доир ишларни ташкил қилиш

Корхоналарда меҳнатни муҳофаза қилиш тизими ишлаб чиқаришнинг барча таркибий тузилмасини, ҳамма иш ўринларини қамраб олсагина самарали бўлиши мумкин. Бу масалада кўп нарса, биринчи навбатда, иш берувчиларга боғлик. Аммо уларнинг аксарияти хозирча ходимлар меҳнат шароитларини яхшилаш масалаларига етарлича аҳамият бермаяптилар.

Холбуки, “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 8-моддасида “Корхона маъмурияти, ёлловчи, мулкдор ёхуд улар ваколат берган бошқарув идораси корхонада меҳнатни муҳофаза қилиш стандартлари, коида ва меъёрларининг талаблари, шунингдек, жамоа шартномасида кўзда тутилган мажбуриятлар бажарилишини таъминлайди”, деб белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикасининг “Корхоналар тўғрисида”ги Қонуни 27-моддасида ҳам “Корхона бу ерда ишловчи барча ходимлар учун хавфсиз меҳнат шароитини таъминлашга мажбур бўлиб, уларнинг саломатлигига ва меҳнат қобилиятига етказиладиган зарар учун қонунларда белгилаб қўйилган тартибда жавобгар бўлади”, деб аниқ-равshan қайд этилган.

Мазкур талаб мулкчиликнинг барча шаклидаги корхоналар учун тааллуқлидир. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг “Хусусий корхона тўғрисида”ги Қонуни 20-моддасида ҳам “Хусусий корхона ўз ходимлари учун хавфсиз меҳнат шароитини таъминлаши, ижтимоий муҳофаза қилиш чораларини кўриши шарт, уларнинг ҳаёти ва саломатлигига етказилган зарар учун қонунчиликда белгилаб қўйилган тартибда жавобгардир”, деб қўрсатилган.

Амалдаги бу ва бошқа қонунчилик талабларидан келиб чиқкан ҳолда, корхона маъмурияти (мулк эгаси, иш берувчи)нинг хўжалик юритувчи субъектда меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича хуқук ҳамда мажбуриятларини 4.1-расмдагидек ифодалаш мумкин.

Аммо корхоналар раҳбар (мулк эгаси, иш берувчи)ларининг кўпчилиги меҳнат хавфсизлигини таъминлаш бўйича ўз функцияларини бажаришга мутлақо тайёр эмаслар, баъзан эса меҳнат

қонунчилиги, шу жумладан, меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги қонун ҳужжатларининг энг оддий талабларини билмайдилар, билишни ҳам хоҳламайдилар. Шу сабабли кўпгина хўжалик юритувчи субъектларда ходимларнинг соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитларида ишлаш хукуқини амалга оширишда жиддий камчиликлар кўзга ташланади.



4.1-расм. Корхона раҳбари(мулк эгаси, иш берувчи)нинг меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги хуқуқ ва мажбуриятлари

Бундай салбий ҳодисалар кўп жиҳатдан меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида аниқ кадрлар сиёсати мавжуд эмаслиги билан изоҳланади. Амалдаги норматив-хукукий ҳужжатларда меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати раҳбари (4.2-расм) ва меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича муҳандис (4.3-расм) фаолиятининг асосий йўналишлари белгилаб қўйилган.

Бироқ сўнгти йилларда кўпгина корхоналарда меҳнатни муҳофаза қилиш хизматлари таркиби кескин равишда қисқартирилди ёки умумал тутатилди. Щу билан бирга мазкур хизматлар таркиби сонига доир аниқ нормативлар ҳам мавжуд эмас. Фақатгина Ўзбекистон Республикасининг “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Конунида “Ходимлар сони 50 нафар ва ундан ошадиган корхоналарда

максус тайёргарликка эга шахслар орасидан меҳнатни муҳофаза қилиш хизматлари тузилади (лавозимлар жорий этилади)" деб кўрсатилган холос.

| Меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати раҳбари фаолиятининг асосий йўналишлари | |
|---|--|
| Меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати фаолиятини ташкил этиш ва мувофиқлаштириб бориш | Меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича норматив хуҗжатлар лойихаларини тайёрлаш |
| Меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати фаолиятини мунтазам назорат қилиб бориш | Меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича ахборот таъминоти |
| Ишлаб чиқарипдаги баҳтсиз ходисаларни текширишда иштирок этиш | Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ходимлар ўқувини ташкил этиш |
| Давлат органлари ва жамоат бирлашмалари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш | Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича шахсий малакасини ошириб бориш |

4.2-расм. Меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати раҳбари фаолиятининг асосий йўналишлари.

| Меҳнатни муҳофаза қилиш мухандис фаолиятининг асосий йўналишлари | |
|--|--|
| Меҳнатни муҳофаза қилиш тизими ходимлари ишлоп ташкил этиши ва мувофиқлаштириб бориш | Меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича яқал кужжатлар лойихаларини тайёрлаш |
| Меҳнатни муҳофаза қилиш тизими фаолияти устидан назоратни амалаға ошириш | Меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича ахборот таъминоти |
| Ишлаб чиқарипдаги баҳтсиз ходисаларни текширишда иштирок этиш | Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ходимлар ўқувини ташкил этиш |
| Давлат органилари ва жамоат бирлашмалари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш | Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича шахсий малакасини ошириб бориш |

4.3-расм. Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича мухандис фаолиятининг асосий йўналишлари

Бу хизматлар ўз мақоми бўйича корхонанинг асосий хизматларига тенглаштирилади. Мазкур хизматлар фақат корхона ўз фаолиятини тўхтатганда тугатилиши мумкин. Қонунда меҳнатни муҳофаза килиш хизматлари корхонадаги ходимлар сони қанча бўлганида тузилиши аниқ белгилаб қўйилган, лекин унда бу хизматлар ходимлари корхона ходимлари умумий сони, уларнинг ҳудудий таркоғлиги, машина-ускуналар билан таъминланиш даражаси, технологик жараённинг мураккаблиги ва хавфлилигига караб неча кишидан иборат бўлиши лозимлиги белгиланмаган.

Шу билан бирга, мазкур хизматлар мутахассисларини, корхона мансабдор шахслари ва раҳбарларини ўқитиш, малакасини ошириш, норматив ҳужжатлар, услугий адабиётлар ва кўргазмали куроллар билан таъминлаш масалалари очиқ қолган. Меҳнатни муҳофаза килиш хизмати таркиби маҳсус тайёргарликка эга мутахассислардан иборат бўлиши белгилаб қўйилган бўлса ҳам, кўпгина корхоналарда бу хизматларга меҳнатни муҳофаза килиш коида ва нормаларидан бехабар бўлган малакасиз ходимларни ишга олиш тажрибаси кенг тарқалган. Уларнинг иш ҳақи ҳам нисбатан кам эканлиги ҳисобга олинса, бу ходимлар фаолиятидан катта самара кутиб бўлмайди.

Мазкур Қонунга мувофик ходимлар сони 50 нафардан кам бўлган корхоналарда меҳнатни муҳофаза килиш масалалари билан вакиллар шугулланиши белгилаб қўйилган. Уларнинг мақоми ва фаолиятига доир коидаларда ҳам жiddий камчиликларга дуч келинади. Чунончи, бу вакиллар меҳнат жамоасининг йигилишида сайланиши керак. Амалиётда эса вакиллар аксарият ҳолларда иш берувчилар томонидан тайинланади. Вакиллар ўзларига юклатилган функциялар бажарилиши натижаларига караб бирон бир тарзда моддий ва маънавий рағбатлантирилмайди. Улар фақат ҳафтасига икки соат вактларини иш ҳақи сақланган ҳолда меҳнат шароитлари ҳамда меҳнатни муҳофаза килишни текшириш ва назорат килиш функцияларини бажаришга ажратишлари мумкин.

Ҳўжалик юритувчи субъектларда меҳнатни муҳофаза килиш хизмати ёки мазкур масалалар билан шугулланадиган мутахассис мавжуд бўлмаса, иш берувчи меҳнатни муҳофаза килиш соҳасида хизмат кўрсатадиган ташкилот билан шартнома тузиши керак. Одатда, меҳнатни муҳофаза килиш бўйича мутахассис лавозимига меҳнатни муҳофаза килиш бўйича мухандис малакасига эга бўлган ёки олий техник маълумотли мутахассислар (иш стажидан қатъи

назар) ёхуд камида 3 йил иш стажига ва ўрта техник маълумотга эга бўлганлар тайинланади. Бу лавозимга, шунингдек, бошка вазифаларда камида 5 йил иш стажига эга бўлган ўрта техник маълумотга эга мутахассислар ҳам тайинланиши мумкин. Юқорида қайд этилган барча мутахассислар меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича маҳсус ўқитилиши керак.

Меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати корхонанинг алоҳида таркибий бўлинмаси сифатида тузилиши ҳамда бевосита бош мухандисга ёки корхона раҳбарига бўйсуниши керак. Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича мутахассиснинг хизмат вазифаси кенг кўламлидир. У:

— ишлаб чикариш технологияси, меҳнат қонунчилиги, иқтисодиёт, психология, меҳнат физиологияси соҳаларида билимга эга бўлиши;

— ишларни хавфсиз амалга ошириш ва хавфсиз ишлаб чикариш жараёнини таъминлаш бўйича маҳсус адабиётлар ҳамда норматив ҳужжатларни ўқиб-ўрганиши;

— мунтазам равишда (камида уч йилда бир марта) ўз малакасини ошириб бориши, семинарлар, кўргазмалар, лекциялар ва ҳоказоларда иштирок этиши керак.

Меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати фаолияти устидан назоратни иш берувчи (корхона раҳбари), юқори органнинг меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати, Ўзбекистон Республикаси субъектининг меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги тегишли органи ҳамда меҳнатни муҳофаза қилиш талабларига риоя этилиши устидан давлат текшируви ва назоратини олиб борадиган органлар амалга оширадилар.

Корхоналарда меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича комиссиялар ташкил этиш тавсия қилинади. Уларнинг таркибига тенг ҳуқуқлилик асосида иш берувчилар ва касаба уюшмаси ташкилотларининг вакиллари кириши мумкин. Мазкур комиссия меҳнат фаолияти жараёнида ходимларнинг ҳаёти ҳамда соғлиғини сакланашга қаратилган ташкилий-профилактика тизими фаолият кўрсатишими, шу жумладан, ҳуқукий, ижтимоий-иктисодий, санитария-гигиена ва бошқа тадбирлар бажарилишини таъминлаш билан шуғулланади. 4.4-расмда меҳнатни муҳофаза қилиш хизматларининг бевосита иш берувчилар (хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарлари)га тааллуқли вазифа ҳамда функциялари акс этган.

Ходимлар мөхнатни муҳофаза қилиш соҳасида мажбуриятларга, айни пайтда ҳуқук ва кафолатларга ҳам эгадирлар (4.5-расм). Ходим мөхнатни муҳофаза қилиш талабларига риоя этиши, шахсий ва жамоа ҳимоя воситаларидан тўғри фойдаланиши, ишларни бажариш усуллари бўйича таълим, мөхнат муҳофазаси талабларига доир йўрикнома олиши, билимлари текширилиши, мажбурий равишда тиббий кўриқдан ўтиши шарт.



**4.4-расм. Корхонада мөхнатни муҳофаза қилиш хизмати
вазифалари ва функциялари**

Шу билан бир каторда, ҳар бир ходим қўйидаги ҳуқуқларга эга:

- иш жойининг мөхнатни муҳофаза қилиш талабларига мос бўлиши;
- мөхнат шароитлари соғлиқка зарар етказиши мумкин бўлган, эҳтимол тутилган хатарлар тўғрисида ахборот олиши;

- ҳәёти ва саломатлигига хавф түгиладиган бўлса, ишни бажаришдан бош тортиши;
- шахсий ҳимоя воситалари билан таъминланиши;
- меҳнат муҳофазаси масалалари бўйича ҳокимият органлари, иш берувчи, касаба уюшмаси ташкилотларига мурожаат этиши ва бошқалар.

| Ходимнинг меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги хуқуқ ва мажбуриятлари | |
|--|--|
| Хуқуқлар | Мажбуриятлар |
| Иш жойининг меҳнатни муҳофаза қилиш талабларига мос бўлиши | Меҳнат муҳофазаси консалтарига риоя этиши |
| Меҳнат шароитлари согликка заарар етказилиши мумкин бўлган хатарлар тўғрисида ахборот олиш | Шахсий ва жамоа ҳимоя воситаларидан тўгрин фойдаланиш |
| Ҳәёти ва саломатлигига хавф түгиладиган бўлса, ишни бажаришдан бош тортиши | Хавфсиз иш усуслари, биринччи тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича таълим, пўрикнома олиш |
| Шахсий ҳимоя воситалари билан таъминланishi | Ишлаб чиқаришда тугилётган хавф. ҳар бир баҳтсиз холиса тўғрисда бевосита раҳбарига хабар берниш |
| Меҳнат муҳофазаси масалалари бўйигча давлат органлари, иш берувчи, касаба уюшмаси ташкилотига мурожаат келши | Бирламчи (иншга кираётганда), даврий, навбатдан ташкарли тиббий кўрпикдан ўтиш |

4.5-расм. Ходимнинг меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги хуқуқ ва мажбуриятлари

Ҳар кандай ишлаб чиқаришда ходимларга заарли ҳамда хавфли таъсир кўрсатадиган ишлаб чиқариш омиллари бўлиши мумкин. Булар, хусусан:

- иш зonasидаги ҳаво ҳарорати ҳаддан зиёд баланд ёки пастлиги;
- иш зonasидаги ҳаво намлиги ҳаддан ташқари зиёдлиги ёки камлиги;

- иш зонасидаги ҳаво ҳаракати ҳаддан зиёд жадал ёки сүстлиги;
- иш ўрнида шовқин даражаси жуда баландлиги;
- электр магнит нурланиши даражаси катталиги;
- табиий ёруғлик йўқлиги ёки етарли эмаслиги;
- иш зонаси етарли ёритилмаганлиги ва ҳоказолар.

Яъни бу ходим бевосита меҳнат воситалари ва предметларидан фойдаланадиган, узоқ вақт давомида меҳнат жараёни кечадиган ҳамда меҳнат шароитлари омиллари таъсир кўрсатадиган иш ўрнига тааллуқлидир.

Демак, ходимга юкорида кайд этилган омиллар таъсири истисно этиладиган ёки уларнинг таъсир даражаси белгиланган нормативлардан ошмайдиган хавфсиз меҳнат шароитларини таъминлаш зарур. Иш ўринлари, умуман олганда, меҳнат муҳофазасига доир қонунчиликда белгиланган норматив талаблардан келиб чиқкан ҳолда, меҳнат шароитлари хавфсизлик талабларига мувофиқ бўлган ёки бўлмаган ҳолатда бўлиши мумкин.

4.2. Ходимларни тиббий кўриқдан ўтказиш

Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси, Ўзбекистон Республикасининг “Давлат санитария назорати тўғрисида”ги, “Меҳнатни муҳофаза килиш тўғрисида”ги ва “Фуқаролар соглигини сақлаш тўғрисида”ги қонунларига асосан ташкилотларда ходимларни дастлабки тарзда ва кейинчалик (иш давомида) вақти-вақти билан (бундан буён матнда вақти-вақти билан деб юритилади) тиббий кўриқдан ўтказиш зарур. Тиббий кўриклар ташкилотга тиббиёт хизмати кўрсатувчи даволаш-профилактика муассасалари томонидан, агар улар бўлмаган тақдирда, ташкилот жойлашган жойдаги ҳудудий даволаш-профилактика муассасаси томонидан ўтказилади.

Вақти-вақти билан ўтказиладиган тиббий кўриклар Ўзбекистон Республикаси Соғликни сақлаш вазирлигининг Санитария, гигиена ва қасб қасалликлари институти ҳамда Тошкент тиббиёт академиясининг тегишли клиникаларида ҳам ўтказилиши мумкин. Вақти-вақти билан ўтказиладиган тиббий кўриклар иш давомида ўтказилади. Тиббий кўрикларни ўтказиш пайтида ходимнинг иш жойи (лавозими) ва ўртача иш ҳақи сақланади.

Иш берувчи ҳудудий давлат санитария-эпидемиология назорати марказлари (бундан буён матнда ҳудудий ДСЭНМ деб юритилади) ва

ташкилотнинг касаба уюшмаси қўмитаси билан биргаликда ҳар календарь йилнинг 1 декабригача ташкилотдаги тиббий кўрикдан ўтказилиши шарт бўлган ходимларнинг лавозим бўйича контингентини аниқлаши ҳамда бу ҳакда 1-иловада келтирилган шаклда далолатнома тузиши лозим.

Иш берувчи тиббий кўрикдан ўтказилиши шарт бўлган ходимларнинг лавозим контингентидан келиб чиқиб, ҳудудий ДСЭНМ ва ташкилотнинг касаба уюшмаси қўмитаси билан келишган ҳолда тиббий кўрикдан ўтиши шарт бўлган ходимларнинг рўйхатини тузади ҳамда тиббий кўрикни ўтказувчи даволаш-профилактика муассасасига тақдим этади. Тиббий кўрикдан ўтиши шарт бўлган ходимларнинг рўйхатида ташкилот номи, ходимнинг касби, у ишлаётган цех ёки бошқа бўлинма номи, ишлаб чиқаришнинг хавфли ва зарарли омиллари ҳамда ходимнинг ушбу омиллар таъсиридаги иш стажи кўрсатилади.

Ходимларни тиббий кўрикдан ўтказиш мақсадида тиббий кўрикни ўтказувчи даволаш-профилактика муассасасининг раҳбари томонидан ҳудудий ДСЭНМ билан келишилган ҳолда 2-иловада келтирилган шаклга мувофиқ ходимларни тиббий кўрикдан ўтказишнинг календарь режаси тузилади. Агар ходим ўз соглигининг ҳолати меҳнат шароити билан bogлиқ ҳолда ёмонлашган деб ҳисобласа, у навбатдан ташқари тиббий кўрикдан ўтказишни талаб қилиш ҳукуқига эга.

Дастлабки тарзда тиббий кўрикдан ўтиши шарт бўлган ходимлар ташкилот томонидан тиббий кўрикни ўтказувчи даволаш-профилактика муассасасига 3-иловада келтирилган шаклга мувофиқ тақдим этилган йўлланма асосида тиббий кўрикдан ўтказилади. Ходим тиббий кўрикдан ўтиш учун паспорти ёки шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжати билан келиши лозим.

Тиббий кўрикларни ўтказиш учун тиббий кўрикни ўтказувчи даволаш-профилактика муассасаси раҳбарининг буйруғи билан тиббий комиссия ташкил этилади. Тиббий комиссия таркиби врач-терапевт, невропатолог, офтальмолог, дерматовенеролог, отоларинголог, психиатр, акушер-гинеколог ва жарроҳ ҳамда бошқа мутахассислардан иборат бўлиб, уларнинг тиббий комиссия таркибига киритилиши врач-терапевт томонидан белгиланган талаблардан келиб чиқиб ҳал этилади. Тиббий кўрикларни ўтказиш бўйича тузилган тиббий комиссиянинг раиси профпатология ёки касб

касаллуклари бўйича касбий тайёргарликдан ўтган врач бўлиши лозим. Аёллар йилда камида бир марта акушер-гинеколог кўригидан ўтиши керак.

Аллерген моддалар таъсирига дучор бўлувчи шахслар терапевт, отоларинголог, дерматовенеролог кўригидан ўтиши ҳамда улар қонининг клиник тахлили ўtkазилиши лозим.

Ходимлар дастлабки тарзда тиббий кўрикдан ўтишда дерматовенеролог кўригидан мажбурий равишда ўtkазилади, вакти-вақти билан дерматовенеролог тиббий кўригидан ўтишда эса, врач-терапевтнинг кўрсатмаси бўлгандагина йўл қўйилади.

Тиббий кўрикдан ўтувчи ходимларда психик касаллуклар (шизофрения, эпилепсия, олигофрения) мавжудлигини текшириш ходимларнинг яшаш жойидаги даволаш-профилактика муассасасининг врач-психиатри томонидан амалга оширилади. Туман врач-психиатри бўлмаган тақдирда, психиатрик текшириш туманлараро ёки вилоят (шаҳар, республика) психоневрология диспансерининг врач-психиатрлари томонидан амалга оширилади. Агар ходим психик касаллуклар бўйича диспансер хисобида турса, унга бу хақда белгиланган намунадаги маълумотнома берилади. Агар ходим психик касаллуклар бўйича хисобда турмаса ва унда руҳий бузилишлар аникланмаса, унга врач-психиатрнинг имзоси қўйилган белгиланган намунадаги маълумотнома берилади.

Маълумотномалар ушбу даволаш-профилактика муассасасининг муҳри ва раҳбарнинг имзоси билан тасдиқланади.

Юқумли ёки паразитар касаллик ташхисини аниқлаш учун врач-инфекционист ёки бошқа мутахассислар жалб этилади.

Тиббий комиссия тиббий кўрикни ўtkазишида ходимнинг касбий фаолияти хусусиятлари, тегишли касб ва мутахассислик ҳамда меҳнат шароитлари билан тўлиқ танишиб чиқиши лозим. Тиббий кўрикни ўtkазувчи врач ва мутахассислар ишлаб чиқариш соҳасининг хусусиятлари ҳамда ходимларда кузатилиши мумкин бўлган касбий патологияни чукур билишлари шарт.

Тиббий комиссия томонидан ходимларни тиббий кўрикдан ўtkазиш билан боғлик барча маълумотларни, шунингдек, уларнинг касбий фаолият йўналишига оид маълумотларни қайд этиш мақсадида хар бир ходимга амбулатор тиббий карта (025-у шакли) юритилади. Амбулатор тиббий картада тиббий кўрикни ўtkазишида

иштирок этган ҳар бир врач ва мутахассисларнинг ходимнинг касбга яроқлилик тўғрисидаги хulosалари кўрсатилиши керак.

Тиббий кўриқдан ўтган ходимнинг иш жойи ўзгарган тақдирда, ходимни тиббий кўриқдан ўтказган даволаш-профилактика муассасаси томонидан учинг амбулатор тиббий картаси (025-у шакли) ходимнинг янги иш жойига тиббиёт хизматини кўрсатувчи даволаш-профилактика муассасасига, агар у бўлмаган тақдирда, ташкилот жойлашган жойдаги худудий даволаш-профилактика муассасасига юборилади.

Тиббий кўриқ натижасига кўра ходим хавфли ва заарли ишлаб чиқариш омиллари остида ишлашга яроқсиз деб топилганда, унга бу тўғрисида тиббий кўрикни ўтказувчи даволаш-профилактика муассасаси тиббий-маслаҳат комиссиясининг хulosаси берилади ҳамда ушбу хulosанинг нусхаси уч кун муддат ичидаги ходим ишлайдиган ташкилотга юборилади.

Тиббий комиссия томонидан ўтказилган тиббий кўриқ натижасига кўра, ходимга қуйидаги даволаш ва соғломлаштириш тадбирлари режалаштирилиши лозим:

— келиб чиқишида касбий омил асосий ҳисобланган аъзоларда кескин бўлмаган ўзгаришлар аниқланган ходимларни динамик кузатиш ва зарур даволаш чораларини кўриш;

— аниқланган касалликларнинг туридан келиб чиқиб, белгиланган тартибда ходимларни стационар ва санаторий-курортларда даволаниш учун юбориш, шунингдек, дам олиш уйлари, санаторийлар ҳамда профилакторийларга йўлланма бериш;

— соғлиғи ҳолатига кўра енгилроқ ёки хавфли ва заарли ишлаб чиқариш омилларининг таъсиридан холи бўлган бошқа ишга вақтинча ўтказиш ишнинг тури, ходимнинг малакасини ҳисобга олиб, иш берувчи билан келишилган ҳолда тиббий кўрикни ўтказувчи даволаш-профилактика муассасасининг тиббий-маслаҳат комиссияси томонидан белгиланади.

Вақти-вақти билан ўтказиладиган тиббий кўриқ натижаси бўйича хавфли ва заарли ишлаб чиқариш омилларининг таъсири мавжуд ишлардаги ходимларни динамик кузатиш мақсадида ушбу ходимлар қуйидаги дифференциалланган гуруҳларга ажратилади:

Д1 — заарли ишлаб чиқариш омиллари таъсири белгилари бўлмаган гурух;

Д2 — касб касалликларининг ривожланиш хавфи юқори бўлган гурух;

Д3 — касб касалликлари аниқланган bemорлар.

Вақти-вақти билан ўтказилган тиббий кўриклар натижаси бўйича тиббий комиссия томонидан мазкур Низомнинг 8-иловасига мувофиқ далолатнома тузилади. Далолатнома тўрт нусхада тузилиб, худудий ДСЭНМ, ходим ишлайдиган ташкилот ва касаба уюшмаси кўмитасига юборилади ҳамда бир нусхаси тиббий кўрикни ўтказган даволаш-профилактика муассасасида қолади.

Тиббий кўрикдан ўтиш жараёнида ходимда касб касаллиги билан боғлиқ ҳолатлар аниқланган тақдирда, ушбу ходим тиббий комиссия томонидан касалликнинг касб билан боғлиқлигини аниқлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазиригининг Санитария, гигиена ва касб касалликлари институти ҳамда Тошкент тиббиёт академиясининг тегишли клиникаларига юборилиши лозим.

Худудий ДСЭНМлар тегишли равишда касб касаллигига чалинган ходимларнинг ҳисобини юритади. Касб касаллигига чалинган ходимлар мазкур касаллик даври бўйича диспансер назоратида туради ва улар касб касалликлари клиникаларида ҳар иили даволанишлари лозим.

Тиббий кўрикнинг сифатли ўтказилишига тиббий кўрикдан ўтказувчи даволаш-профилактика муассасасининг раҳбари жавобгар ҳисобланади. Тиббий кўрикдан ўтиши шарт бўлган ходимлар тиббий кўрикдан ўтишдан бўйин товлашга ҳақли эмаслар. Тиббий кўрикдан ўтишдан ёки тиббий комиссияларнинг текширувлар натижасида берган тавсияларини бажаришдан бўйин товлаган ходимларни иш берувчи ишга қўймасликка ҳақлидир. Иш берувчилар ўз ходимларининг мажбурий тиббий кўрикдан ўз вақтида ўтиши учун ва мажбурий тиббий кўрикдан ўтмаган шахсларни ишга қўйиш натижасида фуқароларнинг соғлиғига етказилган заарли оқибатлар учун жавобгар бўладилар.

4.3. Ижтимоий шериклик механизми асосида меҳнатни муҳофаза қилиш тизими

Меҳнат муносабатларини, шу жумладан, меҳнат шароитлари ва меҳнатни муҳофаза қилишни тартибга солиш амалиётида ижтимоий шериклик механизми кенг қўлланилади.

Ўзбекистон Республикасининг Мехнат кодекси ижтимоий-мехнат муносабатларини тартибга солувчи асосий қонунчилик ҳужжати ҳисобланади. Мехнат кодексининг 32-моддасига мувофиқ меҳнат муносабатларини тартибга солишни таъминлаш, жамоа шартномалари бўйича музокаралар олиб бориш, жамоа шартномаси келишувининг лойиҳасини тайёрлаш, бу шартномаларни тузиш, шунингдек, улар ижросини назорат қилишни ташкил этиш тенг ҳуқуқлилик асосида амалга оширилишини таъминлаш мақсадида тарафлар карори бўйича тегишли ваколатларга эга бўлган вакиллардан иборат комиссия тузилади.

Мехнат муносабатларини жамоа шартномалари асосида тартибга солишнинг кўп даражали тизими давлат воситачилигида ҳозирги давр иқтисодий жараёнининг асосий субъектлари — иш берувчилар ва ёлланма ходимларнинг манфаатларини мувофиқлаштириш имконини беради. Мазкур субъектлар томонларининг вакиллик органлари ҳали зарур даражада шаклланмаган ўтиш даврида давлатнинг бундай воситачилиги объектив жиҳатдан зарурдир. Айниқса, бу кичик бизнесга хос бўлиб, мазкур соҳада тарафлар вакиллик органларининг шаклланиши бугунги кун талабига тўлиқ жавоб бермайди.

Ўзбекистон Республикасининг Мехнат кодекси ходимлар, иш берувчилар ва давлатнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини мувофиқлаштиришда ижтимоий шериклик тизимининг беш даражасини қамраб олади:

- Бош келишувлар;
- Тармоқ (тармоқлараро) келишувлари;
- Худудий (минтақавий) келишувлар;
- Жамоа келишувлари;
- Жамоа шартномаси.

Юқорида қайд этилган ҳар бир даражада қонунчиликда белгилаб кўйилган ҳуқукнинг алоҳида манбаи эмас, балки манфаатдор тарафларнинг ўзаро келишуви асосида қабул қилинадиган ҳужжатдир.

Бош келишув — ижтимоий-мехнат муносабатларини тартибга солишнинг умумий принципларини белгилайди ҳамда икки тарафлама ёки уч тарафлама асосда мамлакат миқёсида Ўзбекистон Касаба ўюшмалари Федерацияси Кенгаши (ходимларнинг бошқа вакиллик органлари) ва иш берувчиларнинг республика миқёсидаги бирлашмалари ўртасида, тарафларнинг таклифига кўра эса,

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан ҳам тузилади. Бош келишув ижтимоий-иктисодий масалалар хусусида келишиб сиёсат олиб боришнинг умумий принципларини белгилаб беради ҳамда меҳнат бозорини ривожлантириш ва аҳолининг иш билан бандлиги, меҳнатга ҳақ тўлаш соҳаларида, аҳоли даромадлари ҳамда турмуш даражаси, уни ижтимоий ҳимоя қилиш, ижтимоий шериклик тизимини ривожлантириш бўйича қонун ижодкорлиги юзасидан режаларни белгилайди.

Таркиб топган амалиётга кўра, Бош келишув меҳнат ва аҳолининг иш билан бандлиги масалалари билан бир қаторда, иктисодий сиёсат, экологик хавфсизлик, ижтимоий таъминот ҳамда ижтимоий суғурта қилишни таъминлашнинг қатор жиҳатларига тегишли кент кўламли масалаларни қамраб олади.

Тармоқ (тармоқлараро) келишувлари — тармоқда ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг асосий принциплари бўйича томонлар нуқтаи назарларини мувофиқлаштириб, келишув иштирокчиларининг белгиланган режаларни амалга ошириш бўйича биргаликдаги фаолиятини аниқлаб беради. Тармоқ келишувлари тегишли касаба уюшмалари (ходимларнинг бошқа вакиллик органлари) ва иш берувчилар (уларнинг бирлашмалари) ўртасида, тарафларнинг таклифига кўра эса, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан ҳам тузилади.

Бундай келишувларнинг тузилишидан мақсад ўз хусусиятлари ҳамда меҳнатни ташкил қилиш усуслари бўйича тармоқ (тармоқлараро) хўжалик юритувчи субъектлар ходимларининг меҳнат шароитларини айнанлаштиришdir.

Худудий (минтақавий) келишувлар минтақавий хусусиятлардан келиб чиқсан ҳолда, аниқ ижтимоий-иктисодий муаммолар юзасидан ишлаб чиқилади ҳамда тегишли касаба уюшмалари (ходимларнинг бошқа вакиллик органлари) ва иш берувчилар (уларнинг бирлашмалари) ўртасида, тарафларнинг таклифига кўра эса, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари билан ҳам тузилади.

Келишув тарафлари тузилаётган ҳужжат мазмуни ҳамда таркибини белгилашда эркинлар. Аммо жамоа шартномасига нисбатан мазкур келишувларда норматив хусусиятга эга моддалар миқдори камлигидан келишув ҳуқуқий кучга эга эмас, деган маъно чиқмайди. Шунинг учун келишувнинг барча моддаси тарафлар

томонидан ихтиёрий равища, ижтимоий шерикликнинг асосий принципларини хисобга олган ҳолда қабул килиниши ва молиявий таъминотга эга бўлиши зарур.

Ҳар кандай ҳолда ҳам келишув шартлари ходимлар ахволини амалдаги қонунчилиқда назарда тутилганига нисбатан ёмонлаштириши мумкин эмас. Бундай қоидалар ҳақиқий эмас, деб хисобланади.

Жамоа келишувларида қўйидаги қоидалар белгиланиши мумкин:

— меҳнатга ҳақ тўлаш, меҳнат шартлари ва уни муҳофаза қилиш, меҳнат ва дам олиш тартиби;

— нархларнинг ўзгариб бориши, инфляция даражаси, келишувларда белгилаб қўйилган кўрсаткичларнинг бажарилишига қараб меҳнатга ҳақ тўлашни тартибга солиш механизми;

— энг кам миқдори конун хужжатларида назарда тутиладиган компенсация тарзидаги қўшимча тўловлар;

— ходимларнинг ишга жойлашишига, уларни қайта ўқитишга қўмаклашиш;

— экологик хавфсизликни таъминлаш ҳамда ишлаб чиқаришда ходимларнинг соглигини муҳофаза қилиш;

— ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича маҳсус тадбирлар;

— давлат корхоналарини хусусийлаштириш чоғида ходимларнинг манфаатларига риоя қилиш;

— ногиронлар ва ёшлар (шу жумладан, 18 ёшга тўлмаган шахслар) меҳнатидан фойдаланиш мақсадида улар учун қўшимча иш жойлари ташкил этувчи корхоналарга бериладиган имтиёзлар;

— ижтимоий шериклик ҳамда уч тарафлами ҳамкорликни ривожлантириш, жамоа шартномаларини тузишга қўмаклашиш, меҳнат низоларининг олдини олиш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш тўғрисидаги қоидалар.

Жамоа келишувларининг амал қилиш муддати тарафлар томонидан белгиланади ва у уч йилдан ошиб кетмаслиги лозим.

Барча погонадаги жамоа келишувларининг бажарилиши бевосита тарафлар ёки улар ваколат берган вакиллар, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг тегишли органлари томонидан текшириб борилади.

Жамоа шартномаси — корхоналарда ижтимоий-иктисодий ва қасбга доир муносабатларни тартибга солувчи, ходимлар ҳамда иш

берувчилар (ёки улар ваколат берган вакиллар) томонидан тузиладиган ҳуқукий ҳужжатдир.

Жамоа шартномаси унга нисбатан юкори даражадаги тармоқ (тармоқлараро), худудий, миңтақавий ва бош келишувлар норматив ҳужжатларига асосланади. Жамоа шартномаси юкорида қайд этилган даражаларда қабул қилинган норматив ҳужжатларда кўзда тутилган ҳуқукий ҳимоя, ижтимоий кафолатлар, имтиёз ҳамда компенсациялар даражасини камайтириши мумкин эмас, бильякс ҳар бир муайян корхонанинг молиявий-иктисодий имкониятларини ҳисобга олган ҳолда, имтиёзлироқ меҳнат ва ижтимоий-иктисодий шартлар белгиланиши мумкин.

Жамоа шартномасига иш берувчилар билан ходимларнинг меҳнат шароитлари ва меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида кўйидаги мажбуриятлари киритилиши мумкин:

— ҳар бир иш жойига нисбатан иш шароитлари қоидалари. Улар ишлаб чиқариш мухити, меҳнатни ташкил этиш ва меҳнат хавфсизлигини, биринчи навбатда, меҳнат ва дам олиш тартиби, ходимларга ижтимоий-маиший хизмат кўрсатишга доир норматив талабларни қамраб олиши лозим;

— ҳар бир ходимни унинг иш жойидаги иш шароитларига норматив талаблар, шунингдек, бу шароитларнинг амалдаги ҳолати тўғрисида мунтазам хабардор қилиш мажбурияти;

— давлат, тармоқ стандартларига эга бўлмаган обьектлар, машина-ускуналар бўйича меҳнат хавфсизлиги стандартлари;

— сут ва бошка озиқ-овқат бепул берилиши кўзда тутиладиган ишлаб чиқаришлар, иш ва касб турлари рўйхати (жамоа шартномасига илова этилади);

— бепул сут бериш тартиби ўрнатилган иш жойларида ҳавонинг ифлосланишини бартараф этиш бўйича чоралар, меҳнат шароитларини санитария-гигиена нормативлари ҳамда қоидаларига тўлиқ мос келадиган ҳолга келтириш чоралари;

— қулаги ва замонавий маҳсус кийим-бош, пойабзал ҳамда бошка шахсий ҳимоя воситалари, шунингдек, шахсий гигиена буюмларини ўз вақтида бериш;

— иш шароитининг ходимлар саломатлигига таъсирини аниқлаш мақсадида уларнинг экспертизасини ўtkазиш ва бошқалар.

Жамоа шартномаси, шунингдек, ходимлар ва иш берувчиларнинг иш ҳамда дам олиш вақти, таътиллар давомийлиги; аёллар ва ёшлар

(ўсмирлар) меҳнат шароитларини ҳамда меҳнатни муҳофаза қилишни яхшилаш; ихтиёрий ва мажбурий тиббий ҳамда ижтимоий сугурталаш; экологик хавфсизлик ва ишлаб чиқаришда ходимлар саломатлигини муҳофаза қилиш масалалари бўйича ўзаро мажбуриятларни ҳам қамраб олиши мумкин.

Жамоа шартномасида корхонанинг иқтисодий имкониятларини ҳисобга олган ҳолда, бошқа шартлар, шу жумладан, қонунлар ва бошқа меъёрий хужжатлар билан белгиланган нормативлар ҳамда қоидаларда кўрсатилганига қараганда имтиёзлироқ меҳнат шартлари ва ижтимоий-иқтисодий шартлар (кўшимча таътиллар, пенсияларга тайинланадиган устамалар, муддатидан илгари пенсияга чиқиш, транспорт ҳамда хизмат сафари харажатлари учун компенсациялар, ходимларни ишлаб чиқаришда ва уларнинг болаларини мактабда ҳамда мактабгача тарбия муассасаларида текин ёки қисман ҳақ тўланадиган тарзда овқатлантириш, бошқа кўшимча имтиёз ва компенсациялар) ҳам киритилиши мумкин.

Жамоа шартномасининг лойиҳаси корхона бўлинмаларида ходимлар томонидан муҳокама қилиниши керак ҳамда уларда билдирилган фикр ва таклифлар ҳисобга олинган ҳолда, меҳнат жамоасининг умумий йиғилиши (конференцияси) муҳокамасига қўйилади.

Меҳнат кодексида, шунингдек, жамоа шартномаси корхона қайта ташкил этилганда, мулк эгаси ўзгарганда ҳамда корхонани тугатиш ишлари олиб борилаётган бутун муддат давомида ўз кучини сақлаб қолиши кўрсатилган.

Жамоа шартномасида меҳнатга ҳақ тўлаш шакли, тизими ва миқдори, пул мукофотлари, нафақалар, компенсациялар, кўшимча тўловлар ҳам ўз ифодасини топади. Меҳнат кодексининг 88-моддасида меҳнат шартларини белгилаш ҳамда ўзгартиришнинг умумий тартиби қайд этилган. Унга мувофиқ *меҳнат шартлари* деганда меҳнат жараёнидаги ижтимоий ва ишлаб чиқариш омилларининг жамламаси тушунилади. *Ижтимоий омилларга* меҳнат ҳақи миқдори, иш вақтининг, таътилнинг муддати ва бошқа шартлар киради. Техника, санитария, гигиенага оид, ишлаб чиқариш-маиший ва бошқа шартлар ишлаб чиқарии омиллари ҳисобланади.

Меҳнат кодексида иш берувчининг технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ҳамда бошқа шароитлар туфайли меҳнат шартларини ходим розилигисиз ўзгартириш

хукуқлари қайд этилган. Ўз навбатида, ходим ҳам меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив хужжатларда назарда тутилган ҳолатларда иш берувчидан меҳнат шартларини ўзгартиришни талаб қилишга ҳаклидир.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг XIII боби “Меҳнатни муҳофаза қилиш” деб номланади. Унда ходим меҳнат шартномасини тузишида меҳнат шароитлари тўғрисида, шу жумладан, касб касалликлари ҳамда бошқа касалликларга чалиниш эҳтимоли, шу билан боғлиқ ҳолда унга бериладиган имтиёз ва компенсациялар, шунингдек, шахсий ҳимоя воситалари ҳақида хабардор бўлиши ҳукуқи кўрсатилган. Айни пайтда иш берувчи, айниқса, меҳнат шароити ноқулай ишларда банд бўлган ходимларни дастлабки марта ҳамда кейинчалик (иш давомида) вақти-вақти билан тиббий кўрикдан ўтказиши шарт эканлиги қайд этилади. Иш берувчи ходимларга техника хавфсизлиги, ишлаб чиқариш санитарияси, ёнғин хавфсизлиги ва меҳнатни муҳофаза қилишнинг бошқа қоидалари ҳақида йўриқнома бериши ҳамда ходимларнинг меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ўқишларини таъминлаши ва уларнинг бу соҳадаги билимларини текшириб туриши шарт.

Бу Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида меҳнат муносабатларини тартиба солишда ижтимоий шериклик механизмига алоҳида аҳамият қаратилганлигидан далолат бериб турибди (4.6-расм).

Бироқ ишлаб чиқаришдаги амалиётни таҳлил этиш, айниқса, жамоа битимлари ҳамда шартномалари тузилишини ўрганиш ҳали ижтимоий шериклик соҳасида жиддий муаммолар мавжудлигини кўрсатади.

Масалан, тармоқ тариф битимлари, кўп жиҳатдан, аввалги даврлар анъанасини акс эттиради. Хусусан, битимлар тузишида иш берувчилар вакиллари сифатида тармоқ вазирлик ва идоралари иштирок этадилар. Ҳозирги вақтда эса улар иш берувчиларнинг эмас, балки давлатнинг вакиллари ҳисобланадилар.

Кичик корхоналар ишлаб чиқариш хусусияти бўйича у ёки бу тармоққа тааллуклилигига қарамасдан, бу иш берувчиларнинг тармоққа доир ҳукуқларини ҳимоя қилиш вакиллигини вазирлик ҳамда идораларга, ёлланма ходимларнигини эса тармоқ касаба уюшмаларига бериш тизими мавжуд эмас. Кичик бизнес тармоқ тариф битимларида умуман иштирок этмайди.

Худудий битимлар ҳам кичик бизнеснинг уюшган иш берувчилар, ходимлар ва ижроия ҳокимият органлари ролини бажармайди. Бунинг асосий сабабларидан бири шундан иборатки, иш берувчилар манфаатлари вакиллигини бажариши керак бўлган ташкилий тузилмалар ҳали шаклланмаган. Кичик корхоналарининг ёлланма ходимлари ҳам ижтимоий шериклик тизимида ўз манфаатларини ҳимоя қилиш учун уюшмаганлар.

Бу ташкилий масалалар ҳал этилмаганлиги сабабли кичик бизнесдаги ижтимоий шериклик ўз шаклланишининг дастлабки босқичида турибди.

Жамоа шартномалари тузишдаги жиддий нуқсонлардан бири — уларда меҳнат шароитлари ҳамда меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича алоҳида бўлим йўқлигидир. Буни кўп ҳолларда оғир молиявий ахволда бўлган корхоналарда биринчи ўринга ходимларга иш ҳақини ўз вақтида тўлаш масаласининг кўйилиши, меҳнат шароитлари ва меҳнатни муҳофаза қилишни яхшилаш бўйича тадбирларни амалга ошириш учун молиявий маблағлар етишмаслиги билан изоҳлашга ҳаракат қилинади.

Жамоа шартномалари мазмуни устидан назоратни кучайтириш мақсадида улар ижроия ҳокимият органларига рўйхатга олиш ҳамда назорат қилиш учун юборилади. Маҳаллий ҳокимият ижроия органларининг меҳнат бошқармалари маълумотларига кўра, жамоа шартномалари тузадиган республикадаги хўжалик юритувчи субъектлар сони улар умумий сонининг 80 фоизидан ортмайди. Амалга оширилган таҳлиллар меҳнат шартномаларининг анчагина қисми расмиятчилик учун тузилганини, уларда аксарият ҳолларда меҳнат шароитлари ва меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими мавжуд эмаслигини кўрсатмокда. Шу сабабли мазкур шартномалар рўйхатга олишга юборилгандан сўнг кўпинча қайта ишлаш учун қайтариб берилади. Жамоа шартномалари тузадиган ҳамда тармок битимларида иштирок этадиган кичик корхоналар саломги эса жуда паст.

Меҳнатни муҳофаза қилишнинг ҳуқукий асосларига риоя этилиши ва уларни такомиллаштиришида ижтимоий-меҳнат муносабатларининг вакиллари фаол иштирок этишлари керак. Улар фаолиятининг самарадорлиги бу вакиллар етуклиги ва малакасига боғлиқ. Аммо амалиётда бундай етуклик ҳамда юқори малака хусусиятлари кўзга ташланмайди. Ижтимоний шерикларининг

жисмоний ва юридик шахслар сифатида тўлиқ шаклланмаганлиги ҳам жиддий камчиликлардан бири хисобланади.

Иқтисодиёт соҳасидаги муаммолар (ишсизлик, молиявий бекарорлик, кичик бизнесни ривожлантиришдаги муаммолар) оқибатида меҳнат муносабатлари субъектлари ҳали тўлақонли шериклар сифатида таркиб топмаган. Кўпгина иш берувчилар фойда кетидан қувиб, ёлланма ходимлар меҳнат шароитлари ҳақида старлича ғамхўрлик қилмайдилар. Шу билан бирга, иш берувчилар манфаатларини химоя килишга йўналтирилган тадбиркорлик тузилималарининг уюшмалари ижтимоий шериклик вазифаларини ҳал қилишда тегишли профессионализмга эга эмаслар.

Ёлланма ходимлар ҳам меҳнат муносабатларининг тўла ҳуқуқли субъектлари деб номланишларига ҳали эрта. Чунки улар ташкилий ва иқтисодий жиҳатдан таркоқлар, ўзларини иш кучи эгалари сифатидаги ролларини тўлиқ англаб етганларича йўқ.

Бугунги кунда ижтимоий шериклик тизимида ёлланма ходимларнинг фаол ҳимоячилари бўлишга касаба уюшмалари ҳам тўла тайёр эмаслар. Улар ўтиш даврида инқизозга тушиб қолганлар.

Давлат ҳам меҳнат муносабатларининг субъекти ролини бажаришда муайян муаммоларга дуч келмоқда. Чунки давлат, бир томондан, меҳнат муносабатларининг субъекти сифатида жамият манфаатини ифода этиши керак, иккинчи томондан эса, у ишлаб чиқариш воситаларига эгалик қилиши сабабли иш берувчи сифатида майдонга чикади.

Бозор иқтисодиёти механизмлари меҳнат муносабатлари тизимини ўз-ўзидан тартибга солади, деб ўйлаш ҳам ўзини оқламади. Бу, айниска, меҳнат шароитлари ва меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида кўзга яққол ташланмоқда. Шунинг учун мазкур соҳадаги муаммоларни ҳал этишда давлат томонидан янги усул ҳамда йўлларни кўплаш талаб этилмоқда, чунки меҳнат кишиларининг ижтимоий ва шахсий манфаатларини бевосита давлат мувофиқлаштиради.

Ижтимоий шерикликнинг самарадорлигини ошириш учун кенг кўнгамли ташкилий тадбирларни ҳаётга татбиқ этиш керак. Мавжуд мъалумотларга кўра, йирик ва ўрта корхоналар ходимлари умумий сонининг факат 72 фоизи жамоа шартномалари билан қамраб олинган. Шу билан бирга, ижтимоий меҳнат муносабатларини, шу жумладан, меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасини ҳам жамоа

шартномалари йўли билан тартибга солиш Ўзбекистон Республикаси бўйича умуман атиги 5 фойзни ташкил этади.

Кичик бизнес корхоналаридаги аҳвол эса янада ташвишланарлидир. Уларнинг аксарияти иқтисодиётнинг норасмий секторига тааллукли бўлиб, хўжалик юритувчи бу субъектларда меҳнатни муҳофаза этиш бўйича расмий қоидалар амал қилмайди, жамоа шартномалари эса фақат истисно тариқасида тузилади.

Жамоа шартномалари тузилишига тўсқинлик қилаётган асосий сабаблар куйидагилардан иборат:

- корхоналарнинг бекарор молиявий аҳволи;
- кўпгина корхоналарда касаба ўюнімлари

ташкилотларининг йўқлиги;

- молиявий-иқтисодий инқироз шароитида иш берувчиларнинг ўз зиммаларига меҳнат шароитлари ва меҳнатни муҳофаза қилишни яхшилаш бўйича аниқ мажбуриятларни олишни истамасликлари;

- ходимларнинг ижтимоий фаолиятсизлиги.

Ижтимоий мулоқот орқали меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида ижтимоий-меҳнат муносабатларини тартибга солиш амалиётининг таҳлили Ўзбекистон Республикаси ижтимоий муаммоларни ҳал этишнинг бу механизмини ривожлантиришнинг энг муҳим дастлабки босқичида турганлигидан далолат беради. Тараккӣ этган давлат:лар тажрибаси яққол кўрсатиб турганидек, ижтимоий шериклик меҳнат шароитлари ҳамда меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида бошқарувнинг турли даражаларида икки тараф — иш берувчилар билан ходимлар манфаатларини мувофиқлаштириш механизмини яратиш имкониятига эга.

Қисқача хulosалар

Амалдаги қонунчилик талабларидан келиб чиқкан ҳолда, корхона маъмурияти (мулк эгаси, иш берувчи)нинг хўжалик юритувчи субъектда меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича хукуқ ҳамда мажбуриятларидан ташкил топган.

Бундай салбий ходисалар кўп жиҳатдан меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида аниқ кадрлар сиёсати мавжуд эмаслиги билан изоҳланади. Амалдаги норматив-хукуқий хужжатларда меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати раҳбари ва меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича муҳандис фаолиятининг асосий йўналишлари белгилаб кўйилган.

Мехнатни муҳофаза қилиш хизмати корхонанинг алоҳида таркибий бўлинмаси сифатида тузилиши ҳамда бевосита бош мухандисга ёки корхона раҳбарига бўйсуниши керак.

Мехнатни муҳофаза қилиш хизмати фаолияти устидан назоратни иш берувчи (корхона раҳбари), юқори органнинг меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати, Ўзбекистон Республикаси субъектининг меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги тегишли органи ҳамда меҳнатни муҳофаза қилиш талабларига риоя этилиши устидан давлат текшируви ва назоратини олиб борадиган органлар амалга оширадилар.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Корхона раҳбарининг меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги хуқуқ ва мажбуриятлари нималарда намоён бўлади?
2. Меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати раҳбари фаолиятининг асосий йўналишларини санаб ўтинг.
3. Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича мухандис қандай ишлар амалга ошириши зарур?
4. Корхонада меҳнатни муҳофаза қилиш хизматининг қандай вазифа ва функциялари мавжуд?
5. Ходимнинг меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги қандай хуқуқ ва мажбуриятлари мавжуд?
6. Ходимларни тиббий кўриқдан ўтказиш тартибини тушунтириб ўтинг.
7. Ижтимоий шериклик механизми оркали меҳнатни муҳофазаси қандай амалга оширилади?
8. Ходимлар, иш берувчилар ва давлатнинг ижтимоий-иктисодий манфаатларини мувофиқлаштиришда ижтимоий шериклик тизимининг нечта даражалари мавжуд? Ҳар бирига таъриф бериб ўтинг.

Тавсия этилаётган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Мехнат Кодекси. – Т.: Адолат, 2011. – 276 б.
2. “Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. //www.lex.uz
3. “Фуқароларнинг саломатлигини муҳофаза этиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. //www.lex.uz

4. Каримов И.А. 2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир // Халқ сўзи газетаси, 2015 йил 17 январь 11(6194).

5. Абдурахманов О.К. Ўзбекистон Республикасида меҳнатни муҳофаза қилиш тизимини бошқариш самарадорлигини ошириш. Т.: Фан., 2010. – 326 б.

6. Абдураҳмонов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти ва социологияси. Дарслик. – Т.: Фан ва технология, 2012. – 388 б.

7. Андреев С.В. Охрана труда от “А” до “Я”. Практическое пособие. Вкп 2. М.: Альфа-пресс, 2004. С. 49.

8. Одегов Ю.Г. Экономика труда. Учебник. – М.: Волтерс Клювер, 2011. – 800с.

9. Попова Н.А. Организация, нормирование и оплата труда на предприятиях: Учебное пособие. – М.: Финпресс, 2011. - 176 с.

ДАЛОЛАТНОМА

20 йил «_____» _____

(объект номи)

Ўзбекистон Республикаси согликин саклаш вазирининг 20__ «__» ____ даги __-сон буйргига мувофик дастлабки тарзда ва вакти-вакти билан тиббий кўриқдан ўтиши мажбурий бўлган контингентни аниглаш максадида кўйидати таркибдаги комиссия тузилсин:

1. Иш берувчи _____
(фамилияси, исми, отасининг исми, лавозими)

2. Давлат санитария ва эпидемиология назорати маркази ходими _____
(фамилияси, исми, отасининг исми, лавозими)

3. Касаба уюшмаси вакили _____
(фамилияси, исми, отасининг исми, лавозими)

Тиббий кўриқдан ўтиши мажбурий бўлган ходимлар рўйхати:

| № | Ташкилот (цех, бўлинма) | Ф.И.О. | Касби | Ишлаб чикаришнинг хавфли ва зарарли омиллари | Буйруқ раками ва санаси | Изоҳ* |
|---|-------------------------|--------|-------|--|-------------------------|-------|
| | | | | | | |
| | | | | | | |

* Гиббий кўрик вактида кўшумча врач – мутахассисларни (онколог, аллерголог ва бошқалар) жалб этишини талаб килувчи ишлаб чикаришнинг кимёвий моддалари ёки физик омилларининг тъсири кузатиласа, уларнинг организмга специфик тъсири характеристикаларни кўрсатилиши.

Лаборатория ва функционал текникувларнинг натижалари кўрсатилиши (микдорий тавсифи)

Даюлатнома _____ нусхада тузилди.

| | | | | |
|--|-------|----------|-------|--------|
| 1. Иш берувчи | _____ | (Ф.И.О.) | _____ | (имзо) |
| 2. Давлат санитария ва эпидемиология назорати маркази ходими | _____ | (Ф.И.О.) | _____ | (имзо) |
| 3. Касаба уюшмаси вакили | _____ | (Ф.И.О.) | _____ | (имзо) |

ходимларининг
(ташкилот номи)
тиббий кўрикдан ўтиши бўйича

КАЛЕНДАРЬ РЕЖА

| Ташкилот номи | Цех (бўлияма) номи | Касби | Хавфли ва зарарли омиллар | Тиббий кўрикни ўтказиш муддати | Тиббий кўрикдан ўтвчи ходимлар сони | Тиббий кўрикни ўтказувчи врач-мутахассислар | Лаборатория функционал текширишлар |
|----------------------|--------------------|---------|---------------------------|--------------------------------|-------------------------------------|--|--|
| Масалан “Духоба” МЧЖ | Тўкув цехи | Тўкувчи | Чанг ва шовкин | 15 — 25 май | 200, шундан 190 нафар аёл | Терапевт, невропатолог отоларинголог, офтальмолог, акушер-гинеколог (кўрсатма бўлса) | Лейкоцитар формула, рентгенография, тапки нафас функциясини текпиринг (кўрсатма бўлса) |
| | | | | | | | |

**Дастлабки тиббий кўрикдан ўтиш учун
ЙЎЛЛАНМА**

Ташкилот штампи

Амбулатор берморнинг тиббий картасига (025 х.п.) қўшимча бланк

Дастлабки тарзда ўтказиладиган тиббий кўрикка йўлланма Дастлабки тарзда ўтказиладиган тиббий кўрик патижалари

Фамилияси _____

Фамилияси _____

Исми _____

Исми _____

Отасининг исми _____

Отасининг исми _____

Туғилган йили _____

Туғилган йили _____

Иш жойининг хавфли ва зарарли омиллари _____

Тиббий комиссиянинг хуносаси _____

1-илова _____

мутахассислиги бўйича _____

2-илова _____

Имзо _____

Тиббий комиссиянинг хуёсаси

мутахассислиги бўйича

Иш шароитининг нокулай омиллари таъсирида

Монеликлар йўк

Даволаш-профилактика муассасаси бош врачи

Ташкилот врачлик пунктининг врачи (врач терапевти)

«_____» 20 йил

Иш шароитининг нокулай
омиллари таъсирида

Монеликлар йўк

Ташкилот врачлик пунктининг
врачи (врач терапевти)

4-илюва

20_ йил «__» _____

шахри (тумани)

ДАЛОЛАТНОМА

(вакти-вакти билан ўтказилган тиббий кўриклар натижаси бўйича)

ташкилоти ходимларини вакти-вакти билан тиббий кўрикдан ўтказиш
натижалари бўйича куйидаги мазмунда датолатнома тузилди:

Комиссия таркиби:

- 1 Ташкилот (цех, бўлинма) врачи (врач-терапевти)
- 2 Даволаш-профилактика муассасасининг тиббий санитария кисми вакили
- 3 Даилият санитария ва эпидемиология назорати маркази ходими
4. Ташкилот вакили
- 5 Ташкилотнинг касаба ўюшмаси вакили

Аникландики:

Режа бўйича тиббий кўрикдан ўтишлари зарур бўлган ходимлар сони _____,
шундан асллар _____

Кайта аникландиган режа бўйича _____,

шундан асллар _____

1.1 Тиббий кўрикдан ўтказилганлар _____

шундан асллар _____

1.2. Тиббий кўрикдан ўтказилганлар фонз хисобида _____

шундан асллар _____

1.3. Тиббий кўрикдан ўтмаганлар сони _____

сабаблари _____

2. Гиббий кўрик натижасида куйидагилар аникланди:

2.1 Касбдан захарланишга ёки касб касалгига шубха килинган ходимлар сони

шундан асллар _____

(ташкilot (цех, бўлинма), фамилияси, исми, отасининг исми, ташхис)

2.2. Биринчи марта умумий тиббий касаллиги аникланган ходимлар сони _____

(ташкilot (цех, бўлинма), фамилияси, исми, отасининг исми, ташхис)

2.3. Касб касаллиги бўйича биринчи марта ногиронликни олган ходимлар сони _____

(ташкilot (цех, бўлинма), фамилияси, исми, отасининг исми, ташхис, ногиронлик турухи, касби)

2.4. Соғлигига кўра вактинча бошқа ишга ўтказилишига мухтоҳ бўлган ходимлар сони (*ишилаб чиқарни омилларига доир тиббий монеликлардан ташқари*)

(фамилияси, исми, отасининг исми, ташхис, монелик килиб кўрсатилган омили)

2.5. Соғлигига кўра бошқа ишга доимий муддатга ўтказилишига мухтоҳ бўлган ходимлар сони (*монелик қилиб кўрсатилган ишилаб чиқарни омилидан ташқари*)

(фамилияси, исми, отасининг исми, ташхис, монелик килиб кўрсатилган ишилаб чиқарни омили)

2.6. Касб касаллигига чалингани сабабли бошқа ишга ўтказилишига мухтоҳ бўлган ходимлар сони _____

(фамилияси, исми, отасининг исми, ташхис, монелик килиб кўрсатилган ишилаб чиқарни омили)

2.7. Ногиронлик гурухини аниклаш учун Тиббий-мехнат экспертиза комиссиясига юборилган ходимлар сони _____

(ташкilot (цех, бўлинма), фамилияси, исми, отасининг исми, ташхис)

2.8. Даволанишга юборилиши зарур бўлган ходимлар сони _____

2.8.1. Стационарда даволанишга _____

(ташкilot (цех, бўлинма), фамилияси, исми, отасининг исми, ташхис)

2.8.2. Санаторий-курортда даволанишга _____

(ташкilot (цех, бўлинма), фамилияси, исми, отасининг исми, ташхис)

2.8.3. Санаторий-профилакторийда даволанишга _____

(ташкilot (цех, бўлинма), фамилияси, исми, отасининг исми, ташхис)

2.9. Парҳез овқатланишга ва маҳсус овқатланишга мухтоҳ бўлган ходимлар сони _____

(ташкilog (цех, бўлинма), фамилияси, исми, отасининг исми, ташхис)

3. Оддинги йилги далолатнома бажарилиши текширилди _____

Далолатнома бажарилганligининг натижатари _____

4. Комиссия вакти-вакти билан ўтказиладиган тиббий кўрик натижатарни бўйича қўйидаги согломлаштирувчи тадбирлар мажмумини тавсия этади:

4.1. Ташкilot раҳбари _____

4.2. Касаба уюшмаси ранси _____

Даволаш-профилактика муассасаси бош врачи _____

Имзолар:

| | | |
|---|----------|--------|
| 1. Ташкилот (цех, бўлинма) врачлик пунктишинг врачи (врач терапевти) | _____ | _____ |
| | (Ф.И.О.) | (имзо) |
| 2. Даволаш-профилактика муассасасининг тиббий санитария қисми вакили | _____ | _____ |
| | (Ф.И.О.) | (имзо) |
| 3. Давлат санитария ва эпидемиология назорати маркази ходими | _____ | _____ |
| | (Ф.И.О.) | (имзо) |
| 4. Ташкилот вакили | _____ | _____ |
| | (Ф.И.О.) | (имзо) |
| 5. Касаба уюшмаси вакили | _____ | _____ |
| | (Ф.И.О.) | (имзо) |

5-боб. ИШ ЖОЙЛАРИ ВА УЛАРНИ МЕХНАТ ШАРОИТЛАРИ БҮЙИЧА АТТЕСТАЦИЯДАН ЎТКАЗИШ

5.1. Иш жойлари, уларнинг туркумланиши (классификацияси) ва тўғри ташкил этилиши

Ишлаб чиқариш ҳудудининг битта иш бажарувчига ёки бир гурух ишчиларга ажратиб берилган ҳамда маҳсулот ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш учун керакли бўлган меҳнат қуроллари ва меҳнат предметлари билан етарли таъминланган майдони (участкаси) иш жойи, деб аталади.

Иш жойларини ташкил этиш ҳамда уларга хизмат кўрсатиш меҳнатни ташкил этиш ва нормаллаштиришнинг энг муҳим йўналишларидан биридир. Меҳнат қандай шаклда бўлмасин, доимо ходимнинг иш жойида қиласидаги ҳаракатлар йиғиндисидан иборат бўлади. Демак, меҳнат самарадорлиги иш жойини ташкил этиш ҳамда унга хизмат кўрсатишнинг ҳолати ҳозирги замон талаблари даражасига тўла жавоб берishiغا ҳам боғлиқ.

Ҳар бир иш жойи иш вактини, ақлий ва жисмоний кучни кам сарфлаб, юқори унумли ҳамда самарали иш қилишга максимал даражада мослаштирилган бўлиши лозим.

Иш жойларини ташкил этиш чоралари деганда уларни асосий технологик ускуналар, технология жиҳозлари, транспорт воситалари, иш учун маҳсус жиҳозлар — мебель, алоқа ва сигнализация воситалари билан етарли таъминлаш тушунилади.

Иш жойлари бажариладиган меҳнатнинг ўзига хос хусусиятига, ишлатиладиган асбоб-ускуналарга, биргалашиб ишловчи ходимлар сонига, иш жойларини ихтисослаштириш даражасига, кўчиш ва кўчмаслигига, қаерда жойлашганига қараб бири-биридан фарқ қиласди.

Меҳнат характерига қараб, иш жойлари кўл кучи ишлатиладиган, механизациялаштирилган, машиналаштирилган ва автоматлаштирилган иш жойларига бўлинади. Кўл кучи ишлатиладиган иш жойининг характерли хусусияти шундаки, унда ходим технологик жараённи энг содда (оддий) асбоблар ва ускуналар ишлатиш воситасида бажаради. Бундай иш жойларида бажариладиган ишлар, хизматлар нафақат сермеҳнатлиги билан ажралиб туради, қолаверса, одатда, меҳнат самарадорлиги (унумдорлиги) ҳам унча юқори бўлмайди. Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, ишлаб чиқариш ёки хизмат

кўрсатиш соҳасидан қўл кучи ишлатиладиган иш жойларини мутлақо йўқотиб бўлмайди. Ҳатто тўла автоматлаштирилган жараёнларда ҳам автоматик тизимни ростлаш (наладка) ва тартибга солиш (регулировка) каби ишлар қўп ҳолларда қўлда бажарилади.

Механизациялаштирилган иш жойида ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш операциялари механизмлар воситасида амалга оширилади. Бу ердаги механизмлар киши қўли билан ҳаракатга келтирилади ҳамда у машина-қўл кучи ишлатиладиган иш жойи, деб аталади. Тикув машинасида тикиш, металлсозлик ва ёғочсозлик жиҳозларидан қисмларни (деталларни) қўлда узатиб ишлаш ва ҳок.лар бунга мисол бўла олади.

Бу ҳолдаги иш жойларининг ўзига хос хусусиятларидан бири шуки, ходим иш жойида ишлатилаётган ҳом ашёларнинг ўзгаришига ўз кучини сарфламайди, уларга таъсир ўтказмайди, фақатгина ёрдамчи ишларни бажаради, технологик жараён эса машина ёки механизмлар ёрдамида амалга оширилади. Ходимлар бу жараёнда бевосита қатнашадилар, лекин уларнинг фаолиятлари, асосан, меҳнат воситаларини бошқаришга (ҳом ашёларни жиҳозга ўрнатиш, жиҳозларни юргизиш ва тўхтатиш, машина (жиҳоз) механизмларининг ишлашини назорат қилиш, тайёрланган маҳсулот ёки бажарилган хизматнинг сифатини текшириш, ишлов берилган қисмларни, тайёр маҳсулотларни жиҳозлардан тегишли жойга олиб қўйиш каби ишларга) қаратилган бўлади.

Технологик жараён олдига қўйган мақсадга машина воситасида эришилса, ишчининг вазифаси машинани қўл билан бошқариб боришдангина иборат бўлса, бундай ўринга машиналаштирилган иш жойи, дейилади. Мисол тариқасида Тошкент тўқимачилик машинасозлиги корхонасидаги токарлик-карусель станогини кўрсатиш мумкин. Бунда барча ишлаб чиқариш жараёнини механизм бажаради, ишчи эса тугма (кнопка)ли механизм орқали жиҳознинг айrim қисмларини идора киласи, холос.

Автоматлаштирилган иш жойида деталларга ишлов бериш билан боғлиқ бўлган барча ишлар, уларнинг ишлов берилган қисмини кўчириш, иш сифатини назорат қилиш, шунингдек, машинанинг ўзини идора қилиш ҳам автоматлаштирилган бўлади. Ишчи эса автоматик жиҳозларни юритиши, тўхтатиш, механизмларининг тўғри ишлашини, ўз вактида иш билан таъминлаб турилиши ва тайёр

махсулотларнинг туширилишини ҳамда назорат-ўлчов аппаратлари кўрсаткичларини назорат қилиб (кузатиб) туради, холос.

Жиҳознинг автоматик ишлаш вақти анча давомли бўлади. Бундай ҳолат эса, ўз навбатида, бир ходим томонидан кўп автоматик-жиҳозларга хизмат кўрсатиш имкониятини яратади.

Биргалиқда ишловчи ишчилар сонига қараб, битта ишчи ишлайдиган якка иш жойлари ва бир неча ишчи ишлайдиган жамоа ёки бригада иш жойлари бўлади.

Ихтисослаштирилганлик дараражасига қараб, иш жойлари якка, серияли ва оммавий турларга бўлинади. Ишлаб чиқариш турига қараб, ҳар бир иш жойига маълум ҳажмдаги ишлаб чиқариш операциялари бириктирилади. Шу муносабат билан иш жойлари ихтисослаштирилган, универсал ва маҳсус иш жойларига ажратилади.

Кўчиш-кўчмаслигига қараб, иш жойлари стационар ва кўчма иш жойларига бўлинади. Масалан, тўкув корхонасидаги бўёқчининг иш жойи стационар бўлса, автомобилга ўрнатилган таъмиглаш устахоналаридаги, радио-телефидение ишхоналаридаги иш жойлари кўчма иш жойи бўлади.

Юқорида кўрсатилганларидан ташқари, бошқа хил иш жойлари ҳам бор. Масалан, ишлаб чиқариш турларига қараб бўлинадиган асосий, қўшимча, ёрдамчи иш жойлари, сменалар сонига қараб, бир сменали, кўп сменали, шунингдек, ходимнинг иш вазиятига қараб, ўтириб, тик оёқда, гоҳ ўтириб, гоҳ тик оёқда ишлайдиган, жойлашган ўрнига қараб бино ичидаги, очик ҳаводаги, баландликдаги, бино остидаги ва ҳ.к. иш жойлари бўлади.

Иш жойларида хизмат кўрсатиладиган жиҳозлар сонига қараб. бир жиҳозли ёки кўп жиҳозли иш жойлари бор. Бир жиҳозли иш жойлари машинасозлик ва металлсозлик корхоналарига мос бўлиб, кўп жиҳозли иш жойлари саноатнинг тўқимачилик, трикотаж, енгил ва озиқ-овқат тармоқларидаги корхоналарда кенг тарқалгандир. Ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш операцияларининг қайтарилиб туришига ва ишлаб чиқариш турларига (типларига) қараб, якка, серияли, майда ва катта серияли ҳамда оммавий ишлаб чиқариш иш жойлари мавжуд.

Иш жойлари шу жойдаги меҳнат характеристига қараб чилангар, пайвандчи, йиғувчи, оператор, муҳандис, техник, тўқувчи, бўёқчи каби иш жойларига бўлинади.

Умуман олганда, ҳар қандай иш жойи ҳам қуидаги асосий талабларга жавоб бериши жоиз:

1. Иш жойини ташкил этишда амалдаги санитария нормаларига, ускуналардан фойдаланиш, техника хавфсизлиги, саноат эстетикаси ва ҳ.к.лар түғрисидаги құрсатма ҳамда қоидаларга тұла риоя қилиниши зарур.

2. Иш жойи майдонининг ҳажми олдиндан пухта ҳисоблаб белгиланиши, ишни ижро қилувчи киши амалларни сиқилмасдан, әркін қарарат қилиб бекаралып, бу жараёнда ва умуман, асбоб-ускуналардан, жиһозлардан, ҳом ашёлардан фойдаланишда майдон доирасыда бир жойдан иккінчи жойға бемалол юра оладиган бўлиши шарт.

3. Сигнал ва алоқа тартиби (системаси) ижрочи билан уста (рахбар)нинг ҳамда ижрочи билан цех ичидаги ходимларнинг бир-бирлари билан доимий хабарлашиб туришларини таъминлаши зарур.

4. Асосий ва ёрдамчи асбоб-ускуналар ҳамда мосламалар ижрочини ортиқча қарарат қылдирмайдиган, улардан фойдаланишда ҳеч қандай хавф-хатар туғдирмайдиган, иш ёки хизмат қўрсатиш учун қулай келадиган қилиб жойлаштирилиши керак.

Иш жойи — ишлаб чиқариш ёки хизмат қўрсатиш жараёнининг дастлабки бўғинидир. Бу бўғинда ишлаб чиқариш жараёнининг моддий-техника предметлари инсоннинг ҳар хил меҳнат фаолияти қўшилиши ва таъсир этиши натижасыда ўз шакли ёки таркибини ўзгартиради. Ҳар бир иш жойи учта элемент йигиндисидан иборат: меҳнат предмети, меҳнат воситалари ҳамда инсоннинг аник мақсадга қаратилган фаолияти. Аммо бу учала элементнинг асосий ва қараратлантирувчи кучи — меҳнат, яъни юқорида қўрсатилганидек, инсоннинг маълум бир мақсадга йўналтирилган аник фаолиятидир.

Иш жойини ташкил этиши деганда, ҳар бир иш жойида юқори меҳнат унумдорлигига эришиш учун зарур бўлган ҳамма шароитларни таъминлаш билан бир қаторда, жиҳознинг техникавий имкониятларидан тұла фойдаланишни, меҳнатнинг мазмунини бойитишни, ходимнинг сиҳат-саломатлигини эҳтиёт қилишни таъминлашга қаратилган комплекс тадбирлар режасини ишлаб чиқиш тушунилади.

Ҳар бир иш жойининг мақсадга мувофиқ ташкил этилиши ишчининг ўз вазифасини бажаришига қулайлик туғдирishi, иш вақтишининг бекор кетмаслигини, исроф бўлмаслигини таъминлаши,

ишлаб чиқаришда маданий ва соғлом меҳнат вазиятини вужудга келтириши лозим.

Ҳар бир ходим ёки раҳбар ўзига юклатилган вазифани муваффақиятли бажариш учун унинг иш жойи тўғри ташкил этилган бўлиши керак. Техника ва иш кучидан самарали фойдаланиш, меҳнат унумдорлигини ошириш, тайёрланган маҳсулотнинг ёки кўрсатилган хизматнинг сифатини яхшилаш ва таннархини пасайтириш кўп жиҳатдан иш жойининг тўғри ташкил этилишига боғлиқ. Корхонадаги иш жойи меҳнатни ташкил этиш тизимининг гоят мухим бўғини саналади, чунки у ҳар бир ходимнинг ўз меҳнатини бевосита сарф қиласидиган ишлаб чиқариш майдонидир. Табиийки, бунда сарф қилинадиган меҳнатнинг самарали бўлиши ана шу майдоннинг яхши, мақсадга мувофиқ ва қулай ташкил этилишига боғлиқ.

Иш жойининг яхши ташкил этилмаслиги натижасида ишлаб чиқаришда кўп нобудгарчиликлар юз беради. Бу нобудгарчиликларнинг сабаблари юзаки қарашда аҳамиятсиз бўлиб кўринса-да, аслида жуда хунук натижаларга олиб келади. Масалан, ҳом ашёларнинг нокулай жойлаштирилиши натижасида ишчи ортиқча, кераксиз ҳаракатлар қилишга мажбур бўлади ва бунга кўп вақт йўқотади, курол-асбоблар, ускуналар сақланадиган идишда тартиб бўлмаса, улар аралаш-куралаш бўлса, ишчининг зарур асбобни қидириб топишга анча вақти кетади, у асабийлашади ва ҳ.к.лар.

Иш жойини ташкил этишда қуйидаги асосий талабларга эътибор бериш лозим:

1. Иш жойида зарур ускуналар, курол-асбоблар, ҳом ашёлар, зарур бўлганда, жиҳоз ҳам ишчи ўз вазифасини бажариши учун етарли миқдорда тахт туриши керак. Бу ашёлардан биттасининг ҳам етарли миқдорда бўлмаслиги вақт бекор сарфланишига сабаб бўлади. Шунингдек, уларнинг керагидан ортиқча бўлиши ҳам заарлидир. Негаки, ортиқча нарсалар ходимларнинг ўтиш йўлларини тўсади, ортиқча айланма (оборот) маблағ талаб қиласиди, баъзи нарсалар ишлатилмасдан, узоқ вақт туриб қолиб, бузилиши, айниши ҳам мумкин.

2. Қурол, асбоб ва бошқа ҳамма меҳнат буюмлари (предметлари) фойдаланиш учун қулай ҳолда жойлаштирилиши керак. Ҳом ашёлар

ва материаллар улардан фойдаланиш жойига, тез-тез ишлатиб туриладиган асбоб ва ускуналар иш жойига яқин турishi лозим.

3. Иш жойларига хизмат кўрсатиш учун маҳсус ёрдамчи ходимлар ажратилиши ва улар иш жойларини зарур ашёлар — материаллар ва ҳ.к.лар билан узлуксиз таъминлаб турishлари шарт.

4. Иш жойи ижрочининг меҳнатини енгиллаштирадиган, иш унумини оширадиган ва тартибга солиб турадиган маҳсус мосламалар билан таъминланиши лозим.

Илмий асосланган меҳнат нормалари ва нормативлари илғор ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) тажрибаларидан келиб чиққан ҳолда, маълум бир конкрет шароит учун мўлжалланган бўлади. Шунинг учун ҳам ходимларнинг иш вақтидан фойдаланишини ўрганиш, кузатиш билан бир қаторда, иш жойини ташкил этиш, режалаштириш, лойиҳалаштириш, хизмат кўрсатиш, жиҳозлаш ва ускуналаш, ихтинослаштириш, меҳнат хавфсизлиги ҳамда санитария-гигиена шароити, ишлаш ва дам олиш тартиблари ҳам батафсил ўрганилади. Иш жойининг ҳолатини ўрганиш эса меҳнатни ташкил қилиш элементларини ишлаб чиқиши ҳамда жорий этишга имконият яратади, дам олиш учун зарур бўлган иш вақти сарфи миқдорини нормалаш учун маълумотлар беради, иш жойларини лойиҳалашга қўйиладиган талабларни аниқлайди.

Иш жойларининг ташкил этилиш ҳолатини визуал кузатув услуги билан бир қаторда, олдиндан тайёрланган саволномалар орқали маҳсус сўровлар ўtkазиш натижасида ҳам ўрганиш, бунда қуидаги тахминий саволлардан фойдаланиш мумкин:

✓ Иш жойларида фаолият кўрсатиш давомида иш столининг баландлиги ва размери билан боғлиқ бўлган қандай нокулайликлар мавжуд?

✓ Ишни ўтириб бажариш мумкинми (тўла иш куни давомида ёки унинг маълум бир кисми давомида)?

✓ Қандай турдаги жиҳоз таклиф этилади (ўтиргичи тушириладиган, йиғиладиган стол, табуретка ва ҳ.к.)?

✓ Қанақа асбоб кўлланилаяпти? У ишлаш (фойдаланиш) учун кулайми?

✓ Уни такомиллаштириш бўйича қандай таклифлар бор?

✓ Иш жойининг ёритилганлик даражаси етарлими? Уни яхшилаш учун нима қилмоқ керак ва ҳоказолар.

Иш жойини муваффақиятли равишда түгри ташкил·етиш унинг барча элементини, чунончи, режалаштириш, жиҳозлаш, хизмат кўрсатиш ва ихтисослаштиришдан иборат элементларини бир-бираидан ажратмаган ҳолда мукаммаллаштириши билан боғлиқдир.

Иш жойини мақсадга мувофиқ ташкил этиш ходимларга вазифаларини бажаришни енгиллаштириши, вақти унумсиз сарфланишини бартараф қилиши, самарали фаолият кўрсатишни учун маданий ва соғлом шароит ёратиши жоиз.

Ҳар бир иш жойини ташкил этишда унда бажариладиган иш ёки хизмат ҳажми, меҳнат амалларининг микдори ҳамда бажарилиш тартиби, асбоб-ускуналар микдори, хизмат кўрсатиш тизими, меҳнат ва ишлаб чиқариш жараёнининг механизациялаштирилганлик даражаси каби омиллар назарда тутилиши лозим.

Иш жойларини оқилона ташкил этиш уларни дастлаб ихтисослаштиришни тақозо этади. Иш жойининг ихтисослаштирилиши деганимизда, унга бир хил меҳнат функциялари, ишлар ёки қисмларни биркитиб кўйиш тушунилади.

Тажрибадан кўринишича, иш жойларини ихтисослаштириш даражаси, аввало, ишлаб чиқариш турига боғлиқ. Иш жойларининг ихтисослаштирилганлик даражасини 5.1-жадвалдаги маълумотлар орқали аниқлаш мумкин.

5.1-жадвал

Иш жойларининг ихтисослаштирилганлик даражаси

| | |
|---|---|
| Иш жойларига биркитилган қисмлар (деталлар) номларининг микдори | Ишлаб чиқариш турларига (типларга) кирадиган иш жойлари |
| 1 | Оммавий |
| 2 тадан 10 тагача | Йирик серияли |
| 10 тадан 20 тагача | Серияли |
| 20 тадан ортиқ | Майдা серияли |
| Биркитилмаган | Якка |

Жадвалдан кўриниб турибдики, оммавий ишлаб чиқаришда иш жойини ихтисослаштиришнинг энг юқори даражасига эришилади. Оммавий ишлаб чиқариш корхоналарида чегараланган хилдаги буюмлар қўплаб ишлаб чиқарилади.

Оммавий турдаги ишлаб чиқаришнинг ёки хизмат кўрсатишнинг энг муҳим хусусиятлари:

а) жуда чекланган хилдаги буюмларни кўп микдорда доим ишлаб чиқарышдан;

б) иш жойларининг бутун кўпчилигида маҳсус асбоб-ускуналар ишлатилишидан;

в) одатда, ҳар бир иш жойини унга доимий биркитилган бир операцияни бажаришга ихтисослаштириш ва ишлаб чиқариш участкаларининг қатъий равишда технологик жараён содир бўлишига мослаб иш жойлари занжири каби тузилишидан иборат.

Серияли буюмлар ишлаб чиқарадиган корхоналарда цехлар, участкалар предмети бўйича, яъни маълум хил ва туркум қисмлар тайёрлашга ихтисослаштирилади. Масалан, станоксозлик заводининг механика цехида вал участкаси, корпус қисмлари участкаси, тишли гидрик (шестерня) участкаси ва х.к.лар ташкил қилинади. Бундай участкаларда иш жойлари предметлар бўйича гурухлаштирилади.

Серияли турдаги ишлаб чиқаришнинг энг муҳим хусусиятлари:

а) тузилиши жиҳатидан бир хил бўлган хийла кенг хилдаги маҳсулотнинг озми-кўпми катта серияларда ишлаб чиқарилиши вакти-вақти билан такрорланиб туришидан;

б) универсал машиналар билан биргаликда маҳсус асбоб-ускуналар кўлланишидан;

в) иш жойларини уларнинг ҳар бирига туркум-туркум қилиб тайёрланадиган қисмларни (деталларни) ишлатишдаги бир қанча жараённи доимий равишда биркитиб қўйиш йўли билан предметли ихтисослаштиришдан иборат.

Якка турдаги ишлаб чиқаришда иш жойларини ихтисослаштириш учун шароит унча қулай бўлмайди, негаки ишлаб чиқариладиган маҳсулот ёки кўрсатиладиган хизмат турларининг тез-тез ўзгариб туриши бажариладиган иш характеристининг доимий ўзгариб туришига олиб келади. Лекин шунга қарамай, илғор корхоналарнинг тажрибасига кўра, олдиндан мунтазам суръатда зарур тайёргарлик ишлари ўтказиб турилганида, якка турдаги маҳсулот ишлаб чиқариш шароитида ҳам иш жойларини ихтисослаштиришнинг анча юкори даражасига эришиш мумкин. Бунда тайёргарлик ишлари, биринчидан, ҳар хил ишлар (операциялар)ни бирон умумий аломатлари бўйича гурухлашдан; иккинчидан, бу гурухларнинг ҳар бирини тегишли иш жойига бириктириб қўйишдан иборат бўлади. Бунда ҳар бир гурухдаги малака даражаси ва бажариладиган ишлар ҳажми, уларни бажариш муддатлари, ишлаб чиқариш нормаларининг эришилган даражаси, иш

жойларидаги мавжуд ускуналар ҳамда ишчиларнинг малакавий тайёргарликлари ҳисобга олинади.

Мазкур вазиятлардан ташқари, иш жойларини ихтисослаштиришнинг бошқа муҳим шартлари ҳам бор. Чунончи, буюмлар ва таркибий қисмларнинг стандартланишилиши ҳамда унификацияси, кўп хил буюмларни ишлаб чиқаришдан бир хил (ёки чекланган доирадаги) буюмларни ишлаб чиқаришга ўтиш ихтисослаштиришнинг техник негизини ташкил этади. Бу тадбирлар, ниҳоят, ишлаб чиқариладиган қисмлар ва ишланадиган буюмлар рўйхати (номенклатураси)нинг хийла қисқартирилишига олиб келади, оммавий турдаги ҳамда барқарор серияли турдаги ишлаб чиқаришни ривожлантиришга ёрдам беради, бу эса иш жойларини ихтисослаштиришни осонлаштиради. Бир неча саноат корхонасининг маълум маҳсулот ишлаб чиқариш учун кооперативлашиши ҳам иш жойларини ихтисослаштиришга кўп жиҳатдан ёрдам беради. Бу корхоналарнинг ҳар қайсиси бут маҳсулотнинг биттагина таркибий қисмини (узел, қисм ва ҳ.к.ларни) ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилади.

Иш жойларининг барқарор ихтисослаштирилиши юқори унумли, ихтисослаштирилган асбоб-ускуналарни ва қуролларни ишлаб чиқаришнинг самарадор узлуксиз услубини жорий қилиш, ишчиларнинг иш кучи ва ҳ.к.лардан яхшироқ фойдаланиши учун энг қулаги шароит яратади. Бу тадбирлар меҳнат самарадорлигини оширишга, тайёрланган маҳсулотнинг ёки кўрсатилган хизматнинг сифатини яхшилаш ва таннархини пасайтиришга жиддий таъсир кўрсатади.

5.2. Иш жойларини режалаштириш

Ихтисослаштирилган, илмий асосда режалаштирилган иш жойларининг аҳамияти жуда катта. Агар иш жойлари бир-биридан узокда, тартибсиз жойлашган бўлса ёки амалга оширилаётган технологик жараённинг бажарилиш босқичлари бўйича жойлашган бўлмаса, унда ходимларнинг иш жойларида ҳаракат қилишлари ва юришлари билан боғлик бўлган вақт сарфлари ошади, меҳнат предметлари ҳамда тайёр маҳсулотларни бошқа иш жойларига ўткизиш билан боғлик бўлган вақт микдори кўпайиб, пировард натижада ишлаб чиқаришнинг сермеҳнатлилиги ошади, меҳнат унумдорлиги пасаяди. Иш жойини ички режалаштириш тартиблари

бузилганда ҳам шунга ўхшаш натижалар вужудга келади. Ходимнинг жиҳозни бошқариш органларидан, меҳнат предметларидан, асбоб-ускуналардан узоқлашиши ортиқча ҳаракатларни келтириб чиқаради, иш куни давомида кўп нокулайликлар туғдиради, оператив вақт микдорини кисқартиради, унинг чарчоғини оширади, толиқишини тезлаштиради.

Иш жойларини режалаштириш деганимизда, маълум иш жойини ишчи ўз вазифаларини бажараётганда фойдаланадиган меҳнат куроллари ва предметларини ишлаб чиқариш майдонининг нормативлари, ишлаб чиқариш тури ҳамда характеристи, ишлаш учун кулий бўлиши, антропометрик томонлар, эргономик талаблар ҳисобга олинниб ва техника хавфсизлиги таъмин этилиб жойлаштириш тушунилади.

Иш жойини режалаштириш — участка, бўлим (цех)ни режалаштиришнинг таркибий элементидир. Шунинг учун ҳам иш жойини лойиҳалаш ва тахлил қилиш участка, бўлим (цех)ни режалаштириш талабларини эътиборга олган ҳолда олиб борилади.

Иш жойларини режалаштириш уч хил — умумий режалаштириш, хусусий режалаштириш ва ички режалаштиришдан иборат.

Иш жойларини умумий режалаштиришда, асосан, қуидагилар талаб этилади:

- участка (цех)ни ишлаб чиқариш майдонидан тежаб-тергаб фойдаланиш;
- участка (цех) майдонида юклар тўппла-тўғри йўл билан bemalol ташилишини йўлга кўйиш;
- умумий хавфсизликни таъминлаш ҳамда иш жойини ишлаб чиқариш шароити заарарли бўлган бошқа иш жойларидан ажратиш;
- юк ташиладиган ва ходимлар юрадиган йўллар имкони борича кисқа бўлиши;
- иш жойларини технологик жараённинг пайдар-пайлигига мувофиқ тарзда жойлаштириш, транспортнинг ўтиш, қайтиш йўллари технологик оқимига мослигини таъминлаш;
- иш жойи майдонининг белгилаб қўйилган нормага мувофиқлиги (ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш биносининг ҳажми ҳар бир ходимга камида 15 куб метр, иш жойининг девор билан чекланган майдони камида 4,5 кв.метр бўлади);

- мўътадил шароитда ҳам, авария вақтида ҳам самарали хизмат кўрсатиши, ишлаш шароитининг мўътадиллигини таъминлаш.

Иш жойларини умумий режалаштиришда технологик жараён схемаси, иш жойларидағи ускуналар ва жихозлар таркиби ҳамда ҳажми, иш жойларининг сони, иш жойларига хизмат кўрсатиш тартиби, меҳнат предметларининг ҳажми ва сони, хавфсизлик ҳамда санитария-гигиена нормалари, иш жойларининг хусусий режалаштирилиши ва транспорт воситалари юрадиган йўлларнинг кенглиги ҳамда ҳ.к.лар асос қилиб олинади.

Иш жойларини хусусий режалаштиришга қўйиладиган асосий талаблар қўйидагилардан иборат:

- ишлаш ёки хизмат кўрсатиш учун қулай шароит, меҳнат хавфсизлиги ва санитария нормаларини таъминлаш;
- ижрочининг юқори меҳнат унумдорлигини, шу ишлаб чиқариш майдонида зарур технологик ва ташкилий қурол-асбоблар, ҳом ашё, материаллар ёки яримфабрикатлар билан узлуксиз меҳнат жараёнини ташкил этиш учун етарли даражада таъминлаш;
- иш майдонида иш жойи элементларини жойлаштиришда иқтисодий ва руҳий-физиологик талабларнинг ҳаммасини ҳисобга олиш;
- ижрочининг иш майдони доирасидаги юриш йўлининг энг қисқа бўлишини таъминлаш;
- технология воситалари ва ташкилий қурол-асбоблар ҳамда тез-тез ишга солиниб турадиган меҳнат воситалари кўл етадиган серда жойлаштирилиши;
- бошқариш ва назорат предметлари, шунингдек, ускуналарни дарҳол тўхтатадиган предметлар кўринадиган ва оптималь зона доирасида жойлаштирилиши;
- ишни ёки хизматни бажариш жараёнида илғор меҳнат усул ва услублари қўлланиши учун зарур шароитлар вақтида ҳамда етарли даражада яратилиши ва ҳ.к. (бунда гап, асосан, меҳнатни ташкил этиш йўналишлари, комплекси ҳамда алокалари тўғрисида боради).

Корхона давлат ёки нодавлат ишлаб чиқариш ёхуд хизмат кўрсатиш шаклидалигидан қатъи назар, унда ходимларнинг иш жойини хусусий режалаштиришда иш қилинадиган юзалар баландлиги нормалари (ёнида ўтириб иш қилинадиган столнинг баландлиги паст бўйли киши учун 700 мм.дир, эркаклар учун паст

бўй 1520-1630 мм., ўрта бўй 1631-1690 мм., баланд бўй 1691-1900 мм. хисобида) белгиланади ҳамда кишининг эркин табиий вазиятни таъмин этадиган бўшлиқ (макон) нормаси ҳисобга олинади. Табиийки, бунда ишлаб турган пайтдаги ҳолат асосий ўрин тутади. Ходимларнинг иш жойларини ўрганганда, ташкил этгаңда ва лойиҳалаштирганда 5.2-жадвалдаги маълумотлардан фойдаланиш тавсия этилади.

5.2-жадвал

| Ишлаб чиқариш жиҳози. жиҳоз ва ходимнинг ҳолати | Ходимнинг бўйини ҳисобга олгандаги юзалар баландлиги (мм.) | | |
|---|--|--------|--------|
| | паст | ўртача | баланд |
| Ходим ўтириб ишлаганида ишчи стол | 700 | 725 | 750 |
| Махсус аник ишларни ўтириб ишлаганда мўлжалланган стол | 900 | 950 | 1000 |
| Ўтириб ишлаганида жиҳознинг устки кисми | 800 | 825 | 850 |
| Тикка туриб ишлаганда жиҳознинг устки кисми | 1000 | 1050 | 1100 |
| Ўтириб ёки тикка туриб ишлаганда ишлаш жойининг устки кисми | 950 | 1000 | 1050 |

Иш жойини режалаштиришда технологик ва ташкилий қурол-асбобларни қўл узатиб олиш ва кейин кайтариб қўйиш осон бўладиган тарзда жойлаштириш ҳам жиддий аҳамият касб этади.

Иш жойининг энг муҳим элементлари, бошқариш ва ускуналар ишини назорат килиб туриш воситалари кўзга аник кўриниб турадиган килиб (ходимнинг ҳам горизонтал ва вертикаль кенглиқдаги кўриш доирасида) жойлаштирилади. Шунинг учун ҳам иш жойини режалаштиришда кўриш омили, албатта, назарга олинади (ҳар бир касб учун ижрочининг хизмат зонасидаги кўриш бурчаги 30°C дир).

Иш жойини ички режалаштиришда қуйидаги талаблар ҳисобга олинниши лозим:

- технологик ва ташкилий қурол-асбоб ҳамда жиҳоз элементларидан ҳар бирининг муҳим ва доимий бир жойи бўлади;
- чап қўл билан олинадиган асбоб-ускуналар чап томонда, ўнг қўл билан олинадиганлари ўнг томонда жойлаштирилади;

- кетма-кет ишлатиладиган предметлар тартиб билан қатор тизиб қўйилади, ишлатиб бўлингач, қайтиб жойига қўйилганида, ёнидаги иккинчиси олиниб, ишлатилади;
- хонадаги чироқларнинг нури меҳнат предметини ёки унинг ишланадиган қисмини ёритиб туриши шарт;
- иш ёки хизмат кўрсатиш маҳалида ўтирадиган жой, қўл ва оёқ тиргаклари ходимнинг бўйига қараб кўтарилади ёки пасайтирилади;
- ички режалаштириш доим такомиллаштириб бориладиган илғор меҳнат усувлари ҳамда услубларини қўллаш учун шароит туғдирмоги лозим.

Ҳар бир иш жойи энг кам, аммо етарли майдонча, ўрнатилган жиҳозлар ва аппаратлар ҳамда меҳнат предметларининг габаритларини ҳисобга олган ҳолда, ишлаб чиқариш иморатининг маълум қисмини эгаллаган бўлиши керак. Масалан, мавжуд меъёрий ҳужжатларда битта ишловчи ходим учун ажратилган иш жойининг майдони $4,5 \text{ m}^2$ га, иморатининг баландлиги эса, $3,2 \text{ m}^2$ га тенг бўлиши кўрсатилган. Шуни таъкидлаш керакки, бу кўрсаткичларнинг кўпайиши ёки озайиши ўрнатилган жиҳозларнинг ҳажмига боғлик. Масалан, майда жиҳозлар ўрнатилган машинасозлик корхоналари ва уларнинг цехлари учун бир ходимга ажратилган иш жойининг микдори 10 m^2 гача, ўрта ҳажмдаги жиҳозлар учун бу кўрсаткич 20 m^2 гача ошади, йирик жиҳозлар учун — 40 m^2 , маҳсус йирик жиҳозлар учун эса, ҳатто 50 ва 100 m^2 гачани ташкил этади.

Иш жойининг режалаштирилиши иш қилувчи гавдасининг кулай ва тўғри вазиятини таъминлаши лозим. Шунинг учун ҳам ишчининг хизмат кўрсатиш жойидаги ҳолати ходимлар меҳнатини ташкил этишда муҳим роль ўйнайди. Ишчи ҳолати деганда, ходимнинг меҳнат усувларини, ҳаракатларини ва бошка кичик-кичик элементларни бажариш жараёнида ўз гавдасини қандай ҳолатда тутиши тушунилади. Ўз навбатида, инсон энергиясининг сарфланиш ҳолати унинг танлаган ишчи ҳолатига сезиларли даражада боғлик. Физиологик тадқикотлар натижасида олинган маълумотлар шуни кўрсатадики, ходимнинг “оёқда тикка туриб” ишлаган вазиятдаги энергия сарфи микдори “ўтириб” ишлагандагига нисбатан бир ярим марта ортиқдир, нокулай, эгилган ишчи ҳолатда “оёқда тикка туриб” ишлаганда эса бу кўрсаткич яна бир неча марта қўпаяди. Шунинг учун меҳнат физиологлари ҳар хил турдаги иш ёки хизматни

бажариш учун ишчи ҳолат (поза)ларини танлашда қуйидагиларни тавсия этадилар:

- жисмоний нагрузка 5 кг.гача бўлганда, “ўтириб” ишчи ҳолати (позаси)да ишлаш мақсадга мувофиқдир;
- жисмоний нагрузка 5 кг.дан юқори ва 10 кг.гача бўлганда, ўзгарувчан “ўтириб — оёқда тикка туриб” фаолият кўрсатиш ишчи ҳолати (позаси)да ишлаган маъкул;
- жисмоний нагрузка 10 кг. ва ундан ортиқ бўлганда, “оёқда тикка туриб” ишлаш ишчи ҳолати (позаси)да ишлаган яхши.

Кўп йиллик физиологик илмий кузатишлар шуни кўрсатадики, ходим мускулларининг таранглиги ўтириб ишлагандагига нисбатан тикка туриб ишлаганда 15-10 фоиз, тикка туриб, эгилган ҳолда иш бажарганида эса икки марта ортар экан.

5.3. Иш жойларини меҳнат шароитлари бўйича аттестациядан ўтказишнинг аҳамияти

Ходимга меҳнат фаолияти жараённада таъсир кўрсатилиши мумкин бўлған барча заарли ва хавфли ишлаб чиқарishi омилларини баҳолаш (аттестация қилиши) корхонада меҳнатни муҳофаза этишини бошқаришининг энг муҳим таркибий қисмидир.

Иш ўринларини меҳнат шароитлари бўйича аттестация қилиши — соғломлаштириш тадбирларини ўтказиш, ходимларни меҳнат шароитлари билан таништириш, оғир ишларда банд бўлған ходимларга имтиёз ва компенсациялар беришни тасдиқлаш ёки бекор қилиш юзасидан иш жойларидаги меҳнат шароитларини таҳлил этиш тизимиdir.

Меҳнат шароитлари ва асбоб-ускуналарнинг жароҳатлаш хавфлилиги юзасидан иш ўринларини аттестациядан ўтказиш (аттестация) — иш жойларида меҳнат шароитларини, меҳнат жараённининг оғирлиги ва тифизлигини ҳамда асбоб-ускуналарнинг жароҳатлаш хавфлилигини баҳолаш, заарли ҳамда хавфли ишлаб чиқарish омилларини баҳолаш, шунингдек, меҳнат шароитларини, меҳнат жараённининг оғирлиги ва тифизлигини қонун хужжатларида белгиланган талабларга мувофиқлаштириш мақсадида ўтказиладиган комплекс тадбирлар;

Аттестация комиссияси — аттестациянинг барча босқичида меҳнат шароитлари ва асбоб-ускуналарнинг жароҳатлаш хавфлилиги бўйича иш ўринларини аттестациядан ўтказишни ташкил этиш, унга раҳбарлик қилиш ва уни назорат қилиш билан боғлиқ бўлган

масалаларнинг бутун комплексини амалга ошириш учун корхона раҳбарининг карори билан ташкил этиладиган комиссия;

Аттестациядан ўтказувчи ташкилот — қонун хужжатларида белгиланган меҳнат шароитлари ва асбоб-ускуналарнинг жароҳатлаш хавфлилиги юзасидан иш ўринларини аттестациядан ўтказиш соҳасида фаолиятни амалга ошириш учун талабларга жавоб берадиган ҳамда фуқаролик-хукуқий тусдаги шартнома асосида ишлаб чиқариш муҳити ва меҳнат жараёни омилларини ўлчайдиган ҳамда меҳнат шароитларининг меҳнатни муҳофаза килиш талабларига мувофиқлигини баҳолайдиган юридик шахс.

Аттестация фуқароларнинг меҳнатни муҳофаза килиш бўйича нормалар, қоидалар ва йўриқномалар талабларига жавоб берадиган соғлиғи ҳамда меҳнатнинг хавфсиз шарт-шароитларига бўлган конституциявий ҳуқуқларини амалга ошириш мақсадида иш ўринларидағи меҳнат шароитларини баҳолаш ва нокулай, зарарли ҳамда (ёки) хавфли ишлаб чиқариш омилларини аниқлаш учун ўтказилади.

Аттестация натижаларидан қуидаги мақсадларда
фойдаланилади ва:

— мөхнат шароитларини мөхнаттни муҳофаза қилиш бўйича нормалар, қоидалар ҳамда йўриқномалар талабларига мувофиқлаштириш тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

— оғир ишларда, нокулай, заарли ҳамда (ёки) хавфли ишларда ва меҳнатнинг бошқа алоҳида шарт-шароитларида банд бўлган ходимларга қонун ҳужжатларида назарда тутилган имтиёзлар ва компенсацияларни белгилаш;

— ходимларни иш жойларидағи меҳнат шароитлари, соғлиққа шикаст етказишнинг мавжуд ҳавфи, заарарлы ҳамда (ёки) ҳавфли ишлаб чиқариш омиллари таъсиридан ҳимоя қилиш чора-тадбирлари ва оғир ишларда, нокулай, заарарлы ҳамда (ёки) ҳавфли ишларда ва бошқа алоҳида меҳнат шароитларида ишловчи ходимларга берилниши керак бўлган компенсациялардан хабардор қилиш;

— иш жойларида меҳнат шароитларини назорат қилиш;

— касбий хавфни баҳолаш;

— ходимларни якка тартибдаги ҳамда жамоавий химоя воситалари билан таъминлаш;

— меҳнат шароитларининг ҳолати түғрисида статистика хисоботини тайёрланып:

- мөхнатни муҳофаза қилиш ишларини ташкил этишнинг мөхнатни муҳофаза қилиш талабларига мувофиқлигини тасдиқлаш;
 - касб касаллигига шубҳа туғилганда, касалликнинг касб билан боғлиқлиги тўғрисидаги масалани ҳал этиш, шунингдек, касб касаллиги ташхисини аниқлаш;
 - ходимлар мөхнатининг хавфсиз шарт-шароитларини таъминлаш билан боғлиқ масалалар ва келишмовчиликларни кўриб чиқиш;
 - мөхнатни муҳофаза қилиш бўйича нормалар, қоидалар ҳамда йўриқномалар талабларига мувофиқ ходимларни санитария-маиший ва тиббий таъминлаш;
 - ходимларнинг айрим тоифалари учун мөхнатни чеклашларни асослаш, ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар, лавозимлар ҳамда кўрсаткичларни имтиёзли пенсия таъминоти хукуқини берувчиларга тегишли деб топиш;
 - шу жумладан, мөхнатни муҳофаза қилиш фонди маблағлари ҳисобига корхонада мөхнат шароитлари ва муҳофазасини яхшилаш тадбирларини режалаштириш ҳамда молиялаштириш;
 - хизматчилар ва ишчи касблари лавозимлари номларини Хизматчилар ва ишчи касблари асосий лавозимлари классификаторида ҳамда хизматчилар лавозимлари ва ишчи касбларининг тармоқ тариф-малака маълумотномаларида кўрсатилган номларга мувофиқлаштириш;
 - корхонада мөхнат шароитлари ҳамда муҳофазасиниң ҳолати тўғрисидаги аҳборотларни тўплаш ва қайта ишлаш учун асос ҳисобланади.
- Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг Мөхнат кодекси ҳамда конунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари, Хизматчилар ва ишчи касбларнинг асосий лавозимлари классификатори, шунингдек санитария нормалари, қоидалари ҳамда гигиена нормативлари, қурилиш нормалари ва қоидалари, мөхнатни муҳофаза қилиш стандартлари тизими, мөхнатни муҳофаза қилиш бўйича нормалар, қоидалар ҳамда йўриқномалар, бошқа қонун хужжатлари аттестацияни ўтказишнинг хукуқий асоси ҳисобланади.

Аттестацияни ўтказиш даврийлигини корхонанинг ўзи белгилайди, бироқ у ҳар 5 йилда камида бир марта ўтказилади. Аттестациянинг ўз вақтида ўтказилиши юзасидан масъулият корхона раҳбарига юкландади. Аттестация материаллари қатъий ҳисобот бериладиган материаллар ҳисобланади ва 50 йил сақланади.

5.4. Иш жойларини меҳнат шароитлари бўйича аттестациядан ўтказиш тартиби

Иш жойларини аттестация қилиш бир нечта асосий босқичлардан иборат бўлган жараёндир.

1-босқич. Иш жойларини аттестация қилиш бўйича тайёргарлик ишларини амалга ошириш:

- барча иш жойлари рўйхатини тузиш;
- хавфли ва зарарли ишлаб чиқариш омилларини аниқлаш;
- аттестация комиссияси таркибини шакллантириш;
- зарур бирламчи материалларни тўплаш.

2-босқич. Кўйидаги омилларни ўлчаш ва баҳолаш:

- ишлаб чиқариш мухитининг зарарли ва хавфли омилларини;
- меҳнат жараёнининг оғирлиги ва тифизлигини;
- иш жойларининг шикастланишдан хавфсизлигини;
- шахсий химоя воситалари билан таъминланганликни.

3-босқич. Иш жойларини аттестация қилиш бўйича ҳужжатларни тайёрлаш ва расмийлаштириш:

- меҳнат шароитлари бўйича иш жойларини аттестация қилиш хариталарини;
- бўлинмалар бўйича ва умуман, корхона бўйича йиғма ведомостларни;
- меҳнат шароитларини яхшилаш бўйича тадбирлар режаси лойихасини;
- иш жойларини аттестация қилиш бўйича хулосалар лойихасини тайёрлаш.

Аттестацияни ўтказишга тайёргарлик кўриш тартиби.

Аттестацияни ташкил этиш ва ўтказиш учун иш ўринларида аттестация ўтказиладиган корхона раҳбарининг ёзма қарори билан доимий ишловчи аттестация комиссияси (кейинги ўринларда аттестация комиссияси деб аталади) ташкил этилади ҳамда аттестация бўйича ишларни амалга ошириш жадвали белгиланади.

Зарурат бўлганда, корхонанинг таркибий бўлинмалари бўйича аттестация комиссиялари ташкил этилишига йўл кўйилади.

Аттестация комиссияси таркиби мажбурий тартибда бош муҳандис (бор бўлганда), меҳнатни муҳофаза қилиш хизматлари раҳбарлари ва ходимлари, касаба уюшмаси ёки корхона ходимларининг бошқа вакиллик органи вакиллари, аттестациядан ўтказувчи ташкилот вакиллари киритилади. Конун хужжатларига мувофиқ, кичик тадбиркорлик субъектларига тегишли деб топилган корхоналарда аттестацияни ўтказишда аттестацияни ўтказувчи ташкилотнинг раҳбари, вакиллари, шунингдек, бор бўлган тақдирда, меҳнатни муҳофаза қилиш хизматлари раҳбарлари ва ходимлари, касаба уюшмаси ёки корхона ходимларининг бошқа вакиллик органи раҳбарлари аттестация комиссияси таркиби мажбурий тартибда киритилади.

Аттестация комиссиясига иш ўринларида аттестация ўтказилаётган корхонанинг раҳбари ёхуд корхона раҳбарининг тегишли ёзма қарори билан вакил қилинган шахс бошчилик қиласди. Аттестация комиссиясининг таркиби, шунингдек, аттестация бўйича ишлар жадвали корхона раҳбарининг ёзма қарори билан тасдиқланади.

Аттестация комиссияси (корхонанинг таркибий бўлинмалари бўйича аттестация комиссияси):

- аттестациянинг барча босқичида унинг ўтказилишини, унга раҳбарлик қилиш ва уни назорат қилишни ташкил этади;
- аттестацияни ўтказиш учун зарур бўлган норматив-хукукий хужжатлар ва бошқа хужжатлар комплектини, ташкилий-фармойиш берувчи ва методик хужжатларни шакллантиради ҳамда уларни ўрганишни ташкил этади;

- хизматчилар ва ишчи касблари лавозимлари номларини Хизматчилар ва ишчи касбларининг асосий лавозимлари классификаторида кўрсатилган номларга мувофиқлаштириш бўйича таклифларни шакллантиради;

- иш ўрнининг меҳнат шароитлари харитаси билан танишади ва уни имзолайди;

- ходимни ЯТҲВ билан таъминлаш, меҳнат қилиш ва дам олишнинг тегишли режимини, шунингдек, заарорли ҳамда (ёки) хавфли меҳнат шароитларидағи иш учун конун хужжатларида белгиланган бошқа кафолатлар ва преференцияларни белгилап

юзасидан корхоналарнинг мажбуриятларига оид меҳнат шартномасига ўзгаришишлар ҳамда (ёки) қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритади (зарурат бўлганда);

— аттестация натижалари бўйича меҳнат шароитларини меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича нормалар, қоидалар ва йўрикномалар талабларига мувофиқлаштириш тадбирлари режасини ишлаб чиқади.

Корхонанинг меҳнат муҳофазаси хизмати 1-иловага мувофиқ шакл бўйича аттестациядан ўтказилиши керак бўлган иш ўринлари рўйхати лойиҳасини тайёрлайди. Аттестациядан ўтказилиши керак бўлган иш ўринлари рўйхатини тузишда:

— ўхшаш иш ўринлари алоҳида ажратиб кўрсатилади;

— технологик жараён тавсифларидан, ишлаб чиқариш асбоб-ускуналари таркибидан, кўлланиладиган хом ашё ва материаллардан, зарарли ва (ёки) хавфли ишлаб чиқариш омиллари кўрсаткичларининг олдин ўтказилган ўлчашлари натижаларидан, норматив-хукукий хужжатлар ҳамда бошқа хужжатлар талабларидан, шунингдек, ушбу ўлчашларни амалга ошириш жойларидан келиб чиқиб ўлчаниши ва баҳоланиши керак бўлган ишлаб чиқариш муҳити ҳамда меҳнат жараёни омиллари, жароҳат етказиш хавфи ва ходимнинг ЯТҲВ билан таъминланганилиги кўрсатилади.

Аттестациядан ўтказилиши керак бўлган иш ўринлари рўйхати корхонанинг таркибий бўлинмалари бўйича тузилиши лозим. Аттестациядан ўтказилиши керак бўлган иш ўринлари рўйхати корхона раҳбари томонидан тасдиқланади.

Ҳар бир иш ўрни бўйича:

— аттестация комиссияси томонидан бериладиган ноёб тартиб рақами (кўпи билан 6 та белгидан иборат: 000 001 дан 999 999 гача) кўрсатилади. Ўхшаш иш ўринлари “а” ҳарфи билан белгиланади (берилган рақамнинг охирига “а” ҳарфи кўшилади);

— хизматчи ёки ишли касби лавозимининг номи ҳамда Хизматчилар ва ишли касбларининг асосий лавозимлари классификаторига мувофиқ тегишли код;

— ушбу иш ўрнида ишловчи ходимлар, шу жумладан, ногирон ходимлар сони;

— ишлаб чиқариш муҳити ва меҳнат жараёнининг тегишли омили таъсир кўрсатишининг давомийлиги (фоизларда ёки соатларда) кўрсатилади ёхуд иш ўрнида ишлаб чиқариш муҳити ва

мехнат жараёнининг ушбу омили мавжуд бўлмаган тақдирда “—” белгиси кўйилади.

Бунда заарарли моддалар (кимёвий омиллар) ва (ёки) устун даражада фиброген таъсир кўрсатувчи аэрозоллар мавжуд бўлган ҳамда уларни ўлчаш зарур бўлган тақдирда, тегишли равишда “П1а” ва (ёки) “П1б” белгиси кўйилади, кўшимча маълумот эса 1а ва 1б-илловаларига мувофиқ шакл бўйича алоҳида варақларда қайд этилади.

Кўйида келтирилган 2-иловага мувофиқ шакл бўйича тўлдирилган иш ўрнининг меҳнат шароитлари харитаси (кейинги ўринларда Мехнат шароитлари харитаси деб аталади) меҳнат шароитларининг меҳнатни муҳофаза қилиш талабларига мувофиқлигини баҳолаш учун асосий механизм ва ахборот манбай ҳисобланади. Меҳнат шароитлари харитаси иш ўрнида меҳнатнинг амалдаги шароитлари, белгиланган кафолатлар ҳамда преференциялар тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек, ушбу иш ўрнида ёки ўхаш иш ўринлари гурухида меҳнат шароитларини яхшилаш ва соғломлаштириш бўйича тавсиялар мавжуд бўлган ҳужжат ҳисобланади.

Меҳнат шароитлари харитаси аттестациядан ўтказилиши керак бўлган иш ўринлари рўйхатига киритилган ҳар бир иш ўрни бўйича тўлдирилади. Бир номдаги барча ўхаш иш ўринларига ўхаш иш ўринлари рўйхатидан биринчи иш ўрни учун битта харита тўлдирилади. Меҳнат шароитларининг меҳнатни муҳофаза қилиш талабларига мувофиқлигини баҳолаш:

- меҳнат шароитларининг гигиена нормативларига мувофиқлигини баҳолашни;
- иш ўринларининг жароҳатлаш хавфлилигини баҳолашни;
- ходимларнинг якка тартибдаги ҳимоя воситалари билан таъминланганлигини баҳолашни;
- иш ўринларида меҳнат шароитларини комплекс баҳолашни ўз ичига олади.

Меҳнат шароитларининг гигиена нормативларига мувофиқлигини баҳолаш. Меҳнат шароитларининг гигиена нормативларига мувофиқлигини баҳолаш аттестациядан ўтказувчи ташкилотнинг мутахассислари томонидан амалга оширилади. Аттестациядан ўтказишида ушбу иш ўрнида қўлланиладиган технологик жараён ва асбоб-ускуналар учун хос бўлган ишлаб

чиқариш мұхити ҳамда мәхнат жараёнининг иш ўрнидаги барча мавжуд омиллари баҳоланиши керак.

Баҳоланиши керак бўлган ишлаб чиқариш мұхити ва мәхнат жараёнининг омиллари рўйхати мәхнатни мухофаза қилиш талабларидан, технологик жараён ҳамда ишлаб чиқариш асбоб-ускуналарининг тавсифларидан, кўлланиладиган хом ашё ва материаллардан, зарарли ҳамда (ёки) хавфли ишлаб чиқариш омиллари кўрсаткичларининг олдин ўтказилган ўлчашлари натижаларидан, шунингдек, ходимларнинг таклифларидан келиб чиқиб шакллантирилади.

Мәхнат шароитларининг гигиена нормативларига мувофиқлигини баҳолаш штатли ишлаб чиқариш (технологик) жараёнлар ва (ёки) корхонанинг штатли фаолияти амалга оширилиши давомида ишлаб чиқариш ҳамда мәхнат жараёни омиллари даражаларини асбоблар билан ўлчаш ва баҳолаш йўли билан амалга оширилади. Баҳолашда норматив-хукуқий хужжатларда ҳамда бошқа хужжатларда назарда тутилган усууллардан, шунингдек, белгиланган тартибда текширилган ўлчов воситаларидан фойдаланилиши керак.

Мәхнат шароитларининг гигиена нормативларига мувофиқлигини баҳолаш ишлаб чиқариш мұхити омилларининг зарарлилиги ва хавфлилиги кўрсаткичлари, мәхнат жараёнининг оғирлиги ҳамда жиддийлиги бўйича Мәхнат шароитлари гигиена класификацияси билан белгиланадиган мезонларга мувофиқ ўтказилади.

Мәхнат шароитларининг гигиена нормативларига мувофиқлигини ўлчаш ва баҳолаш натижалари Мәхнат шароитлари харитаси I бўлимининг “Мәхнат шароитлари даражаси” устунининг тегишли сатрига (ишлаб чиқариш мұхити ва мәхнат жараёни омилларининг кичик даражасига) киритилади. Жумладан:

а) ишлаб чиқариш мұхити ва мәхнат жараёни омилларининг хар бир кичик даражасининг берилган мәхнат шароитлари даражалари асосида ишлаб чиқариш мұхити ҳамда мәхнат жараёни омиллага баҳо берилади:

— энг юкори даража ва зарарлилик даражаси бўйича;

— агар З та ва ундан ортиқ омил 3.1 даражага мансуб бўлса, мәхнат шароитларини умумий баҳолаш 3.2 даражага мувофиқ бўлади;

— икки ва ундан ортиқ 3.2, 3.3, 3.4 даражалар омиллари мавжуд бўлса, меҳнат шароитлари тегишли равишда бир босқич юқори баҳоланади;

б) ишлаб чиқариш муҳити ва меҳнат жараёни ҳар бир омилиниңг меҳнат шароитларининг берилган даражалари асосида меҳнат шароитларининг гигиена нормативларига мувофиқлигининг умумий баҳоси берилади:

— энг юқори даражада заарарлилик даражаси бўйича;

— агар 3 та ва ундан ортиқ омил 3.1 даражага тегишли бўлса меҳнат шароитларини умумий баҳолаш 3.2 даражага мувофиқ бўлади;

— икки ва ундан ортиқ 3.2, 3.3, 3.4 даражалар омиллари мавжуд бўлса меҳнат шароитлари тегишли равишда бир босқич юқори баҳоланади;

в) заарарли ишлаб чиқариш омиллари билан муносабатда бўлиш вақти кисқарганда (вақт билан ҳимоя қилиш) меҳнат шароитлари камрок заарарли сифатида, бироқ 3.1 даражадан паст бўлмаган ҳолда баҳоланиши мумкин;

г) аттестациядан ўтказилаётган иш ўрнида бўлмаган ишлаб чиқариш муҳити ва меҳнат жараёни омилларини (кичик даражалар) Меҳнат шароитлари харитасида акс эттирмасликка йўл қўйилади. Бунда ушбу Низомда белгиланган ишлаб чиқариш муҳити ва меҳнат жараёни (кичик даражалар)нинг тартиби рақамлари сакланиши керак.

Меҳнат шароитларининг гигиеник нормативларга мувофиқлигини баҳолаш доирасида аттестациядан ўтказувчи ташкилот томонидан амалга ошириладиган ўлчашлар ўлчашлар протоколлари билан расмийлаштирилиши керак. Ўлчашлар протоколлари ишлаб чиқариш муҳити ва меҳнат жараёнининг ҳар бир омили бўйича расмийлаштирилади ҳамда баҳоланиши керак бўлган меҳнат шароитлари харитасининг ажралмас қисми ҳисобланади. Жумладан:

а) протоколда қўйидаги маълумотлар бўлиши керак:

— иш ўринларида аттестация ўтказилаётган корхонанинг тўлиқ ёки кисқартирилган номи;

— бевосита аттестация ўтказилаётган, иш ўринларида аттестация ўтказилаётган корхонанинг ёки унинг тегишли таркибий бўлинмасининг амалдаги жойлашган манзили;

— ушбу иш ўрни учун ноёб бўлиши керак бўлган протоколнинг идентификация рақами. Протоколларни кодлаштириши тизими аттестациядан ўтказувчи ташкилот томонидан белгиланади;

— Хизматчилар ва ишчи касбларининг асосий лавозимлари классификаторига мувофиқ иш ўрнининг, шунингдек, ушбу иш ўрнида банд бўлган ходим касбининг номи;

— ўлчашлар ва баҳолашлар ўтказилган сана (уларнинг алоҳида кўрсаткичлари);

— иш ўринларида аттестация ўтказилаётган корхона таркибий бўлинмасининг номи;

— аттестациядан ўтказувчи ташкилотнинг номи;

— аттестациядан ўтказувчи ташкилотнинг синов лабораторияси аккредитацияси тўғрисидаги маълумотлар (аккредитация аттестациясининг санаси ва тартиб рақами);

— ўлчанаётган омилнинг номи;

— ўлчашларнинг қўлланиладиган воситалари тўғрисидаги маълумотлар (прибор, асбобнинг номи, завод рақами, амал қилиш муддати ва текшириш тўғрисидаги гувоҳноманинг рақами);

— улар асосида ушбу ўлчашлар ҳамда баҳолашлар ўтказиладиган норматив ҳужжатлар кўрсатилган ҳолда ўлчашлар ва баҳолашларни ўтказиш усуслари;

— рухсат этилган йўл қўйиладиган концентрацияларни (РЭЧК), рухсат этилган чекланган даражани (РЭЧД) тартибга солувчи норматив-хуқуқий ҳужжатлар ҳамда бошқа ҳужжатларнинг реквизитлари (хужжатнинг тури, уни чиқарган органнинг номи, рақами ва имзолаш санаси), шунингдек, ўлчанадиган омилнинг норматив даражалари;

— зарурат бўлганда, ўлчаш ўтказилаётган хонанинг эскизини илова қилиб, асбоб-ускунанинг жойлашишини кўрсатган ҳамда унда ўлчашлар (намуналар олиш) нуқтасини (нукталарини) тушириб, эскизни илова қилиб аттестациядан ўтказилиши керак бўлган иш ўринлари рўйхатига мувофиқ иш ўрни номини кўрсатган ҳолда ўлчашларни ўтказиш жойи;

— ўлчанаётган омил даражасининг норматив ва амалдаги қиймати ҳамда ўлчашлар ўтказиладиган барча жойларда уннинг таъсири қанча давом этиши;

— ушбу омил бўйича меҳнат шароитлари даражаси;

— ўлчашлар ўтказиладиган барча жойларда омилнинг амалдаги даражаси бўйича хуроса, ушбу омил бўйича меҳнат шароитларининг якуний даражаси;

б) иш ўринлари гурухи учун битта йигма протоколда ишлаб чиқариш муҳити ва меҳнат жараёнининг битта аниқ омили бўйича ўлчашлар натижаларини расмийлаштиришга йўл қўйилади;

в) ўлчашлар ва баҳолашлар баённомаси уларни ўтказган аттестациядан ўтказувчи ташкилотнинг мутахассислари, шунингдек, аттестациядан ўтказувчи ташкилотнинг масъул мансабдор шахси томонидан имзоланади ҳамда аттестациядан ўтказувчи ташкилотнинг муҳри билан тасдиқланади.

Иш ўринларининг жароҳатлаш хавфлилигини баҳолаш. Иш ўринларининг жароҳатлаш хавфлилигини баҳолаш аттестациядан ўтказувчи ташкилот мутахассислари томонидан корхона ходимлари билан биргалиқда амалга оширилади.

Ишлаб чиқариш ускунаси, технологик жараёнларни амалга оширишда фойдаланиладиган мосламалар ва асблор, меҳнат муҳофазаси масалалари бўйича ходимларни тайёрлашнинг белгиланган талабларга мувофиқлиги иш ўринларининг жароҳатлаш хавфлилигини баҳолаш обьектлари ҳисобланади.

Иш ўринларининг жароҳатлаш хавфлилигини баҳолаш меҳнат муҳофазаси бўйича нормалар, қоидалар ва йўриқномалар талабларига мувофиқлиги юзасидан ўтказилади, ушбу ҳамда куйидаги талабларни бажармаслик ходимларнинг жароҳатланишига олиб келиши мумкин:

- механик таъсиrlардан химоя қилиш бўйича талаблар;
- электр токи таъсиридан химоя қилиш бўйича талаблар;
- юқори ёки паст ҳароратлар таъсиридан химоя қилиш бўйича талаблар;
- кимёвий моддаларнинг заҳарли таъсиридан химоя қилиш бўйича талаблар.

Ишлаб чиқариш ускунасининг жароҳатлаш хавфлилигини баҳолашда:

- фойдаланиш хужжатлари комплекти;
- ишлаб чиқариш ускунасининг ҳаракатланадиган қисмлари, шунингдек, сочилиб кетадиган буюмлар таъсиридан ходимларни химоя қилиш воситалари;

— хавф юзага келиши билан боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш ускунаси элементлари тўсиқларининг мавжудлиги, шу жумладан,

фиксаторлар, блокировкалар, герметизацияловчи ва бошқа элементлар мавжудлиги;

— сигнал бўёқлари ҳамда хавфсизлик белгилари;

— ишлаб чиқариш ускунасининг нормал ишлаши бузилишларининг сигнализаторлари, авария билан боғлик тўхтатиш воситаларининг мавжудлиги, шу жумладан, электр таъминоти тўлиқ ёки қисман тўхтатилганда ва кейинчалик у тикланганда хавфли вазиятлар юзага келишини истисно этишга имкон берадиган қурилмаларнинг мавжудлиги, шунингдек, энергия таъминотини бошқариш ҳалқасининг шикастланиши (энергия таъминотини тиклашда ўзбошимчалик билан ишга тушириш, тўхтатиш учун берилган бўйруқни бажармаслик);

— электр ускуналарини, электр симларини ҳар хил таъсиrlардан ҳимоя қилишнинг мавжудлиги ва норматив талабларга мувофиқлиги текширилади.

Ишлаб чиқариш ускунасининг жароҳатлаш хавфлилигини баҳолаш ишларни бажаришда хавфсизлик талаблари мавжуд бўлган техник ҳужжатларни таҳлил қилиш, штатдаги иш давомида ишлаб чиқариш ускунасини унинг ҳолати меҳнат муҳофазаси соҳасидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқлигини ташки кўздан кечириш йўли билан ўтказилади.

Асбоблар ва мосламаларнинг жароҳатлаш хавфлилигини баҳолаш ташки кўздан кечириш ва улар ҳолатининг меҳнат муҳофазаси соҳасидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқлигини текшириш йўли билан ўтказилади.

Ишлаб чиқариш ускунасининг, шунингдек, асбоблар ва мосламаларнинг жароҳатлаш хавфлилигини баҳолашда хавфсизлик талабларига мувофиқлик сертификатлари (декларациялар) мавжудлиги ҳам текширилиши мумкин.

Жароҳатлаш хавфлилигини баҳолаш натижалари бўйича меҳнат шароитлари куйидаги тарзда таснифланади:

— жароҳатлаш хавфлилигининг 1-даражаси — мақбул (иш ўрнида меҳнат муҳофазаси бўйича нормалар, қоидалар ҳамда йўриқномалар талабларининг биронта ҳам номувофиқлиги аниқланмаган; ишлаб чиқарни ускунасини, бинолар ва иншоотларни таъмирлаш билан боғлик ишлар, хавфлилиги юкори бўлган ишлар ҳамда меҳнат муҳофазаси бўйича маҳсус ўқитишини талаб қиласиган

бошқа ишлар амалга оширилмайды ёки ишлаб чиқариш ускунаси ва асбоб мавжуд эмас);

— жароҳатлаш хавфилигининг 2-даражаси — йўл кўйиладиган (иш ўрнида меҳнат муҳофазаси бўйича нормалар, қоидалар ҳамда йўрикномалар талабларининг биронта ҳам номувофиқлиги аниқланмаган; ишлаб чиқариш ускунасини, бинолар ва иншоотларни таъмирлаш билан боғлиқ ишлар, хавфилиги юқори бўлган ишлар ҳамда меҳнат муҳофазаси бўйича маҳсус ўқитишни талааб киладиган бошқа ишлар амалга оширилади; хизмат муддати ошиб кетган (ресурси ишлатиб бўлинган) ишлаб чиқариш ускунасидан фойдаланилади, бирок бу ушбу ускунага хавфсизликнинг маҳсус талаблари билан тақиқланмаган; ҳимоя воситаларининг уларнинг ҳимоя функцияларини пасайтирумайдиган шикастланишлари ва (ёки) носозликлари аниқланган);

— жароҳатлаш хавфилигининг 3-даражаси — хавфли (иш ўрнида меҳнат муҳофазаси бўйича нормалар, қоидалар ҳамда йўрикномалар талабларига бир ёки ундан ортиқ номувофиқлик аниқланган).

Иш ўринларининг жароҳатлаш хавфилигини баҳолаш натижалари Меҳнат шароитлари харитасининг тегишли бўлимига (II бўлимга) киритилади.

Ходимларнинг ЯТҲВ билан таъминланганлигини баҳолаш. Ходимларнинг ЯТҲВ билан таъминланганлигини баҳолаш аттестациядан ўтказувчи ташкилотлар мутахассислари томонидан амалга оширилади. Ходимларнинг ЯТҲВ билан таъминланганлигини баҳолаш меҳнат шароитларининг гигиена нормативларига мувофиқлигини баҳолаш ҳамда иш ўрнининг жароҳатлаш хавфилигини баҳолаш натижалари мавжуд бўлганда ўтказилади.

Ходимларнинг ЯТҲВ билан таъминланганлигини баҳолаш куйидаги тартиботларни изчил амалга ошириш йўли билан ўтказилади:

— амалда берилган ЯТҲВ номенклатурасини ходимларга бенул берилган ЯТҲВнинг тегишли намунавий нормалари билан солнишириш;

— ходимларга берилган ЯТҲВ мувофиқлик сертификатлари (декларациялари) мавжудлигини текшириш;

— ходимларни ЯТҲВ билан таъминлашнинг белгиланган тартибини текшириш;

— берилган ЯТҲВнинг иш ўрнидаги меҳнат шароитларининг амалдаги ҳолатига мувофиқлигини баҳолаш.

Ходимларнинг ЯТҲВ билан таъминланганлигини баҳолашда кўшимча равишда ходимларга берилган ЯТҲВ самарадорлиги баҳоланиши мумкин.

Қонун ҳужжатларда келтирилган талабларга риоя қилиш шарти билан иш ўрни ходимларнинг ЯТҲВ билан таъминланганлиги талабларига мувофиқ, деб ҳисобланади. Битта ва ундан ортиқ номувофиқлик мавжуд бўлган тақдирда, иш ўрни ходимларнинг ЯТҲВ билан таъминланганлиги талабларига мувофиқ эмас, деб ҳисобланади.

Иш ўрнида ходимларнинг ЯТҲВ билан таъминланганлиги натижалари Меҳнат шароитлари харитасининг тегишли бўлимiga (III бўлимга) киритилади. ЯТҲВни бериш ходимларга ЯТҲВни бепул беришнинг намунавий нормаларида назарда тутилмаган ҳамда меҳнат шароитларининг амалдаги ҳолати бўйича талаб этилмайдиган ҳоллар бундан мустасно.

Иш ўринларида меҳнат шароитлари ҳолатини комплекс баҳолаш. Аттестациядан ўтказувчи ташкилот қонун ҳужжатлари талаблари, шунингдек, иш ўринлари аттестациядан ўтказилаётган ходимлардан сўраб чиқиш асосида қонун ҳужжатларида белгиланган ҳамда ноқулай, зарарли ва (ёки) хавфли меҳнат шароитларида ишлаганлик учун аттестациядан ўтказиладиган иш ўрнига мос бўлган кафолатлар ва преференциялар тўғрисидаги ахборотни тайёрлайди.

Бунда ноқулай меҳнат шароитларида ишлаганлик учун ҳар йилги кўшимча таътилнинг қанча вақт давом этиши ва ишнинг алоҳида хусусияти З-иловага мувофиқ белгиланади. Ходимларнинг айрим тоифалари учун кўшимча таътил 33 кунгача белгиланиши мумкин. Имтиёзли пенсия таъминотига бўлган хуқуқни баҳолаш За-иловага мувофиқ белгиланади.

Тайёрланган ахборот Меҳнат шароитлари харитасининг тегишли бўлимiga (IV бўлимга) киритилади.

Иш ўрнида меҳнат шароитлари ҳолатини комплекс баҳолани:

— меҳнат шароитларининг гигисна нормативларига мувофиқлигини баҳолаш натижалари бўйича белгиланган меҳнат шароитлари даражасини;

— жароҳатлаш хавфлилиги бўйича меҳнат шароитлари даражасини;

— ходимларнинг ЯТҲВ билан таъминланганлигини баҳолаш натижаларини ўз ичига олади.

Иш ўрнида меҳнат шароитлари ҳолатини комплекс баҳолаш аттестация комиссиясининг хulosаси шаклида расмийлаштирилади. У Меҳнат шароитлари харитасининг тегишли бўлимидаги (V бўлимда) акс эттирилади.

Иш ўрнида меҳнат шароитлари гигиена нормативларига мувофиқ бўлганда, иш ўрнининг жароҳатлаш хавфлилигини баҳолашда меҳнат муҳофазаси бўйича нормалар, коидалар ва йўриқномалар талабларига номувофиқлик аникланмаганда ҳамда иш ўрни ходимларнинг ЯТҲВ билан таъминланганлиги талабларига мувофиқ бўлганда, иш ўрни меҳнат шароитлари комплекс баҳоланган ҳолда, “Меҳнат муҳофазаси бўйича нормалар, коидалар ва йўриқномалар талабларига мувофиқ”, деб аттестациядан ўтказилган ҳисобланади.

Иш ўрнида меҳнат шароитлари гигиена нормативларига номувофиқ бўлганда ва (ёки) иш ўрнининг жароҳатлаш хавфлилигини баҳолашда иш ўрнининг меҳнат муҳофазаси бўйича нормалар, коидалар ҳамда йўриқномалар талабларига номувофиқлиги аникланганда ва (ёки) ходимларнинг ЯТҲВ билан таъминланганлиги талабларига номувофиқ бўлганда, иш ўрни меҳнат шароитлари комплекс баҳоланган ҳолда, “Меҳнат муҳофазаси бўйича нормалар, коидалар ва йўриқномалар талабларига мувофиқ эмас”, деб аттестациядан ўтказилган ҳисобланади.

Иш ўрнидаги меҳнат шароитлари иш ўринларида аттестация ўтказилаётган корхонанинг хавфли меҳнат шароитларига тегишли деб топилганда, дарҳол ишлаб чиқариш мухити ҳамда меҳнат жараёнининг хавфли омиллари таъсири даражасини пасайтиришга ёхуд уларнинг таъсир кўрсатиш вақтини камайтиришга йўналтирилган комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқилади ва амалга оширилади.

Аттестация комиссияси ўтказилган аттестация натижалари бўйича:

а) 4-иловага мувофиқ шакл бўйича иш ўринларини меҳнат шароитлари бўйича аттестациядан ўтказиш натижаларининг йигма ведомостини тузади. Иш ўринларини меҳнат шароитлари бўйича аттестациядан ўтказиш натижаларининг йигма ведомости корхонанинг таркибий бўлинмалари бўйича тузилади;

б) 5-иловага мувофиқ шакл бўйича иш ўринларини меҳнат шароитлари бўйича аттестациядан ўтказиш натижалари бўйича белгиланган меҳнат шароитлари даражаларининг йиғма жадвалини ва шу муносабат билан ходимларга белгилаш зарур бўлган кафолатлар ва преференцияларни тузади. Иш ўринларини меҳнат шароитлари бўйича аттестациядан ўтказиш натижалари бўйича белгиланган меҳнат шароитлари даражаларининг йиғма жадвали ва шу муносабат билан ходимларга белгилаш зарур бўлган кафолатлар ва преференциялар корхонанинг таркибий бўлинмалари бўйича тузилади.

Агар ишлаб чиқариш муҳити ва меҳнат жараёни омилини ўлчаш иш ўрнида ўтказилмаган тақдирда, ушбу омилга мувофиқ бўлган устун ва унда ўлчаш ва баҳолаш ўтказилган иш ўрни рақамига мос бўлган сатр бўш колади (бунда ушбу омил бўйича мазкур иш ўрнидаги меҳнат шароитлари мақбул даражага мувофиқ деб хисобланади).

Аттестация натижалари бўйича аттестация комиссияси 6-иловага мувофиқ шакл бўйича меҳнат шароитларини меҳнат муҳофазаси бўйича нормалар, қоидалар ва йўрикномалар талабларига мувофиқлаштириш тадбирлари режасини ишлаб чиқади.

Меҳнат шароитларини меҳнат муҳофазаси бўйича нормалар, қоидалар ва йўрикномалар талабларига мувофиқлаштириш тадбирлари режаси корхонанинг таркибий бўлинмалари бўйича ишлаб чиқиласди. Меҳнат шароитларини меҳнат муҳофазаси бўйича нормалар, қоидалар ва йўрикномалар талабларига мувофиқлаштириш тадбирлари режаси касаба уюшма кўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишилган ҳолда, корхона раҳбари томонидан тасдиқланади.

Иш ўринларида аттестация ўтказилган корхонанинг аттестация материаллари меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органларида давлат экспертизасидан ўтказилиши керак. Аттестация материаллари аттестациядан ўтказувчи ташкилот томонидан меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органларига киритиласди. Давлат экспертизаси тегишили ариза киритилган санадан бошлиб 30 календарь кун мобайнида амалга ошириласди ва бепул хисобланади. Кўриб чиқиши якунлари бўйича меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органи ижобий хулоса беради ёки киритилган аттестация материалларини аниқ норматив-хуқуқий хужжатларига

асосланган ҳолда рад этиш сабабларини кўрсатиб қайтаради. Аттестацияни ўтказувчи ташкилот рад қилиш сабабларини бартараф этишга ёзма хабарнома олинган кундан бошлаб ўн иш кунидан кейин такроран кўриб чикиш учун тақдим этишга ҳақлидир.

Давлат экспертизасини ўтказиш ва хулоса бериш тартиби Ўзбекистон Республикаси Мехнат ва ахолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан белгиланади. Давлат экспертизаси ҳамда хулоса бериш Ўзбекистон Республикаси Мехнат ва ахолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг Мехнат муҳофазаси бошкармаси томонидан амалга оширилади.

Агар аттестация ходимларнинг умумий сони 100 кишидан кам бўйган корхоналарда ўтказилган бўлса, давлат экспертизасидан ўтказиш ҳамда хулоса бериш Қорақалпогистон Республикаси Мехнат ва ахолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар меҳнат ва ахолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармалари томонидан амалга оширилишига йўл қўйилади.

Хулоса 7-иловага мувофиқ шакл бўйича тегишли ҳимоя даражасига эга бўлган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Мехнат ва ахолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг Республика ахоли бандлиги, меҳнатни муҳофаза қилиш ва ахолини ижтимоий муҳофаза қилиш илмий маркази томонидан марказлаштирилган тартибда тайёрланадиган маҳсус бланкада расмийлаштирилади.

Хулоса бланкаси қатъий ҳисобот бериладиган ҳужжат ҳисобланади, ҳисобга олиш сериясига, тартиб рақамига ва ҳимояланганлик даражасига эга бўлади. Бланкалар буюртма бўйича “Давлат белгиси” давлат ишлаб чиқариш бирлашмасида матбаа усулида тайёрланади.

Мехнат ва ахолини ижтимоий муҳофаза қилиш органларининг ижобий хуносаси олинган тақдирда, аттестация комиссияси раиси аттестация комиссиясининг якуний мажлисини ўтказиш тўғрисида карор кабул қилади. Корхонанинг алоҳида таркибий бўлинмаларида аттестация натижаларини расмийлаштириш учун аттестация комиссиясининг оралиқ-якуний мажлисларини ўтказишга йўл қўйилади. Аттестация комиссиясининг якуний (оралиқ-якуний) мажлиси 8-иловага мувофиқ шакл бўйича аттестация комиссияси мажлисининг протоколи шаклида расмийлаштирилади. Аттестация комиссиясининг якуний (оралиқ-якуний) мажлиси протоколи корхона раҳбари томонидан тасдиқланиши керак.

Иш ўринларининг айрим турларини аттестациядан ўтказиш хусусиятлари. Ухашаш иш ўринларидаги заарли ва (ёки) хавфли ишлаб чиқариш омилларини баҳолаш ўхашаш иш ўринлари умумий сонининг 20 фоизини, бирок камида иккитасини аттестациядан ўтказишида олинган маълумотлар асосида амалга оширилади. Ҳатто битта ўхашашлик белгиларига жавоб бермайдиган иш ўрни аниқланганда ушбу иш ўринларининг 100 фоизи баҳоланади. Шундай баҳолашдан кейин ўлчашлар ва баҳолашлар натижалари ҳисобга олинган ҳолда иш ўринларининг янги рўйхати аниқланади. Ухашаш иш ўринлари учун битта Мехнат шароитлари харитаси тўлдирилади.

20 фоиз ўхашаш иш ўринларидан битта иш ўрни учун белгиланган меҳнат шароитлари ҳамда уларни яхшилаш тадбирлари барча ўхашаш иш ўринлари учун ягона ҳисобланади.

Ногиронлар банд бўлган иш ўринларини аттестациядан ўтказиш ҳам шундай тартибда ўтказилиади. Бунда аттестациядан ўтказилиши керак бўлган Иш ўринлари рўйхатига қўшимча равишда аттестациядан ўтказилиши керак бўлган ногиронларнинг иш ўринлари рўйхати тузилади.

Ногиронларнинг иш ўринларини аттестациядан ўтказиш доирасида:

— ногиронларнинг ишлаши учун маҳсус мосламалар мавжудлиги, ишлаб чиқариш хоналари ногиронлар аравачаларидан фойдаланувчи шахслар, кўриш кобилияти хиралашган ва эшитиш қобилияти бузилган шахслар учун тегишли курилмалар билан жиҳозланганлиги, шунингдек, иш мебелининг антропометрик талабларга мувофиқлиги баҳоланади;

— аттестация комиссияси ҳар бир ногирон ходимга гурухлар ва ногиронлик сабаблари бўйича белгиланган тартибда (тиббий-меҳнат эксперт комиссияси томонидан) берилган ҳужжатлар ва маълумотномаларни тайёрлаши шарт.

Ногиронларнинг меҳнатидан фойдаланувчи корхона ўтказилган аттестация натижалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза килиш вазирлиги томонидан белгиланадиган тартибда санитария-техник ҳолатни паспортлаштириши шарт.

Турғун бўлмаган иш ўринларини аттестациядан ўтказиш барқарор танлаш ҳамда заарли ва (ёки) хавфли ишлаб чиқариш омилларининг миқдори билан биргаликда типик технологик

операцияларни олдиндан аниқлаш ҳамда кейинчалик ушбу операцияларни баҳолаш йўли билан ўтказилади. Ҳар бир операцияни бажариш вақти эксперт йўли билан, ходимларни ва уларнинг бевосита раҳбарларини сўраб чиқиш йўли билан аниқланади.

Иш ўрнида аниқ касб (лавозим)нинг малака тавсифида мавжуд бўлмаган, бироқ корхона раҳбарининг ёзма қарори ёки меҳнат шартномаси билан ушбу касб (лавозим) ходимининг лавозим мажбуриятларига киритилган ишларни бажаришда ушбу иш ўрнида ходим томонидан бажариладиган ишларнинг барча турлари баҳоланиши керак.

Иш ўринларини меҳнат шароитлари бўйича аттестациядан ўтказилиши натижаларини расмийлаштириш тартиби. Аттестация натижалари аттестациядан ўтказувчи ташкилот томонидан аттестация тўғрисидаги ҳисобот шаклида расмийлаштирилади ҳамда унга:

- аттестация комиссиясини ташкил этиш ва аттестация бўйича ишларни бажариш жадвалини тасдиқлаш тўғрисидаги буйруқ;
- аттестациядан ўтказилиши керак бўлган иш ўринлари рўйхати;
- ўлчашлар протоколлари билан биргалиқда меҳнат шароитлари хариталари;
- иш ўринларининг меҳнат шароитлари бўйича аттестацияси натижалари йиғма ведомости;
- аттестация натижалари бўйича белгиланган меҳнат шароитлари даражаларининг йиғма жадвали ҳамда шу муносабат билан ходимларга белгиланиши зарур бўлган кафолатлар ва преференциялар;
- меҳнат шароитларини яхшилаш ҳамда соғломлаштириш тадбирлари режаси;
- меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органларининг ижобий хулосаси;
- аттестация комиссиясининг якуний (оралиқ-якуний) мажлиси (мажлислари) протоколи (протоколлари);
- аттестациядан ўтказувчи ташкилот тўғрисидаги маълумотлар, шу жумладан, синов лабораториясининг аккредитация аттестати нусхаси киради.

Аттестация комиссияси аттестация тўғрисидаги ҳисобот тушган санадан бошлаб ўн календарь кун мобайнида:

— аттестация тўғрисидаги ҳисоботни кўриб чиқади ва уни тасдиқлаш учун корхона раҳбарига киритади;

— иш ўринларида аттестация ўтказилган ходимларни тилхат остида иш ўринлари аттестациясининг натижалари билан таништиради;

— жамоа шартномаси ҳамда жамоа битимиға тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш юзасидан таклифлар тайёрлайди.

Корхона раҳбари аттестация тўғрисидаги ҳисобот тушган санадан бошлаб ўн иш куни мобайнида аттестациянинг тугаганлиги ва аттестация тўғрисидаги ҳисоботни тасдиқлаш тўғрисида ёзма қарор қабул қиласди.

Қисқача хуносалар

Мехнат қандай шаклда бўлмасин, доим ходимнинг иш жойида қиласдиган харакатлар йигиндисидан иборат бўлади. Демак, меҳнат самарадорлиги иш жойини ташкил этиш ва унга хизмат кўрсатиш ҳозирги замон талабларига тўла-тўкис жавоб беришига ҳам боғлик.

Иш жойини ташкил этишда куйидаги асосий талабларга эътибор бериш лозим: иш жойида зарур ускуналар, курол-асбоблар, хом ашёлар, зарур бўлганда жиҳоз ҳам ходимлар ўз вазифасини бажариши учун етарли миқдорда бўлиши керак.

Иш жойларининг барқарор ихтисослаштирилиши юқори унумли, ихтисослаштирилган асбоб-ускуналарни ва куролларни, ишлаб чиқаришнинг самарадор, узлуксиз услубини жорий қилиш, ходимларнинг иш кучи ва ҳ.к.лардан яхшироқ фойдаланиши учун энг кулагай шароит яратилади.

Иш жойларининг энг мукаммал меҳнат воситалари билан куроллаштирилиши меҳнат самарадорлигини муттасил ўстириб, ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш самарадорлигини ошириб, маҳсулот ва хизмат сифатини яхшилаб, таннархини пасайтира боришининг энг муҳим шартидир.

Иш жойларига хизмат кўрсатиш профилактик характерда бўлиши учун хом ашёларни графикка биноан етказиб беришни ташкил қилиш, асбоб-ускуналарни тозалаш, профилактик кўрикдан ўтказиш, ўрта ва капитал таъмирлаш графиги ишлаб чиқилиши ва унга тўла риоя қилиниши керак.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Иш жойларини ташкил этишда қўйиладиган талаблар нимадан иборат?

2. Иш жойининг режалаштиришга кўйиладиган талабларчи?
3. Иш жойининг ички режалаштиришга кўйиладиган талабларни айтинг.
4. Иш жойларида ишлатиладиган ускуналар биргаликда ишловчи ишчилар сонига ва ихтисослаштирилганлик даражасига, кўчиш ва кўчмаслигига қараб қандай турларга бўлинади?

Тавсия этилаётган адабиётлар

1. Адамчук В.В. Экономика и социология труда / В.В. Адамчук, О.В.Ромашов, М.Е.Сорокина- М: ЮНИТИ, 2001.
2. Абдурахманов О.К. Ўзбекистон Республикасида меҳнатни муҳофаза қилиш тизимини бошқариш самарадорлитини ошириш. Т.: Фан., 2010. – 326 б.
3. Абдураҳмонов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти ва социологияси. Дарслик. – Т.: Фан ва технология, 2012. – 388 б.
4. Андреев С.В. Охрана труда от “А” до “Я”. Практическое пособие. Вкъл 2. М.: Альфа-пресс, 2004. С. 49.
5. Баранов Н.И. Охрана труда. Учебное пособие. Клин.ОЛС Комплект, 2002.
6. Беляров Ю.А., Хлопков В.В. Охрана труда в организации. Практические рекомендации. М.: Книжный мир, 2009. – 176 с.
7. Михайлов Ю.М. Корпоративная система охраны труда. Функционирование. Аттестация. Сертификация. Экспертиза. М.: Альфа – Пресс, 2009. С.7-11.
8. Попова Н.А. Организация, нормирование и оплата труда на предприятии: Учебное пособие. – М.: Финпресс, 2011. - 176 с.

Иш ўринларини меҳнат шароитлари ва асбоб-ускуналарнинг жароҳатлаш хавфлилиги юасидан аттестациядан ўтказиш тартиби

«ГАСДИҚЛАЙМАІ» Корхона раҳбари тағвизимининг номи

(имзо, фамилияси, отасининг
исми)

20 йил «_____»

| | | | | |
|--------------------------|-------|--|------|--|
| Корхонанинг номи | | | | |
| Юкори турувчи корхона | | | | |
| Юридик манзили | | | | |
| Асосий маҳсулот тuri | | | | |
| СТИР | ХХТУТ | | МХБТ | |

МЕХНАТ ШАРОИГЛАРИ ЮЗАСИДАН АТТЕСТАЦИЯДАН ЎТКАЗИЛАДИГАН ИШ ЎРИНЛАРИ РЎЙХАТИ

Аттестация комиссияси раиси

(завозим) (имзо) (ФИО) (сана)

Аттестация комиссияси аъзолари:

() () () ()

(лавозим) (имзо) (Ф.И.О.) (сана)

(лавозим) (имзо) (Ф.И.О.) (сана)

la-ИЮВА

Зааралы моддалар ва устувор фиброгенли таъсирга эга аэрозоллар РҮЙХАТИ*

Аттестация комиссияси раиси

(лавозим) (имзо) (Ф. И.О.) (сана)

Аттестация комиссияси аъзодари:

(давозим) (имзо) (Ф.И.О.) (сана)

(лавозим) (имзо) (Ф. И. О.) (сана)

(доказум) (имзо) (Ф.И.О.) (сана)

* Мехнат шараптлары юзасидан шаҳодатланадиган иш ўринлари рўйхатининг ажралмас кисми бўлиб хисобланади.

Жадвал Ўзбекистон Республикаси Согликни саклаш вазирлиги томонидан тасдиқланадиган Ишлар зонаси хавосида зарарли моддаларнинг «Чегаравий рухсат этилган концентрация миқдорлариси» гигиеника мъсъёллари асосида тұйдірилади.

Үлчамли кимёвий моддалар ва устувор фиброгенли таъсирга эга аэрозолларнинг иш ўринлари бўйича ТАҚСИМОГИ

| Иш ўринининг т/р | Модданинг номи | Таъсир килиш давомийлиги, соатларда (смена давомийлигига нишбатин фонзда) |
|---------------------|----------------|---|
| | | |
| | | |
| | | |
| | | |
| | | |
| | | |
| | | |
| | | |

Аттестация комиссияси раиси

| | | | |
|-----------|--------|------------|--------|
| (лавозим) | (имзо) | (Ф. И. О.) | (сана) |
|-----------|--------|------------|--------|

Аттестация комиссияси аъзолари:

| | | | |
|-----------|--------|------------|--------|
| (лавозим) | (имзо) | (Ф. И. О.) | (сана) |
| (лавозим) | (имзо) | (Ф. И. О.) | (сана) |
| (лавозим) | (имзо) | (Ф. И. О.) | (сана) |

* Мехнат шароитлари юзасидан аттестациядан ўтказиладиган иш ўринлари рўйхатининг ажралмас кисми хисобланади.

Жадвал Ўзбекистон Республикаси Соглиқни саклаш вазирлиги томонидан тасдиқланадиган Ишлаш зонаси хавосида зарарли моддаларнинг «Чегаравий руҳсат этилган концентрация миқдорлари» гигиеник месъёрлари асосида тўлдирилади.

**Иш ўринларини меҳнат шароитлари ва асбоб-ускуналарнинг жароҳатлаш хавфлилиги
юзасидан аттестациядан ўтказиш тартиби**

| | |
|-------------------------|-------|
| Корхонанинг номи | |
| Юкори ташкилотнинг номи | |
| Юридик манзили | |
| Асосий маҳсулот турни | |
| СТИР | ХХТУТ |
| | МХВТ |

-сон ИШ ЖОЙИННИНГ
МЕҲНАТ ШАРОИТЛАРИ ХАРИТАСИ*

| | |
|---|--|
| Таркибий бўлинма номи | |
| Аналогик иш жойларининг сони ва раками | |
| Ишловчилар сони | |

иши жойинида

бирча аналогик
иши жойларида

аёллар

**I. МЕХНАТ ШАРОИТЛАРИНИНГ ГИГИЕНИК МЕЪЁРЛАРГА МУВОФИҚЛИГИНИ
БАҲОЛАШ**

| T/P | Мехнат жараби ва ишлаб чиқарни мухитининг омиллари | Гигиеник меъёр (РЭЧК, РЭЧД) | Ҳакикий даражаси (ўлчами) | Таъсир этия давомийлиги (coat/%) | Мехнат шароитлари класси |
|--|---|-----------------------------|---------------------------|----------------------------------|--------------------------|
| 1. 1. Зараарли моддалар, мг/куб. м | | | | | |
| 1. 1. 1 | 1-2 класс хавфлиликка эга зарарли моддалар, қўйида кўрсатилганлардан ташқари | | | | |
| 1. 1. 2 | 3-4 класс хавфлиликка эга зарарли моддалар, қўйида кўрсатилганлардан ташқари | | | | |
| 1. 1. 3 | Кўзгатиш таъсир кучига эга, ўтқир йўналтирилган механизмили таъсир отувчи, ўтқир заҳарланишининг ривожланишига олиб келувчи хавфли маддалар | | | | |
| 1. 1. 4 | Аллергенлар | | | | |
| 1. 1. 5 | Ўзайтирилган таъсир кучига эга канцерогенлар, мутагенлар ва бошқалар | | | | |
| 1. 1. 6 | Аэрозоллар, асосан, фиброген таъсиринга эга | | | | |
| 1. 1. 7 | Ўсмага қарши доривор воситалар, гормонлар (эстрогенлар) | | | | |
| 1. 1. 8 | Наркотик анальгетиклар | | | | |
| 1. 2. Биологик омиллар | | | | | |
| 1. 2. 1 | Ўта хавфли инфекцияларнинг патоген микроорганизмлари | | | | |
| 1. 2. 2 | Бошкаюмли касалликларни кўзғатувчи патоген микроорганизмлар | | | | |
| 1. 2. 3 | Гаркибила тирик ҳужайра ва микроорганизмлар споралари бор микроорганизмлар — продуктлар, препаратлар; (РЭЧКдан ошиб кетини, маротаба) | | | | |
| 1. 2. 4 | Оксил препаратлари (РЭЧКдан ошиб кетини, марта) | | | | |
| 1. 2. 5 | Диагностика ва илмий-тадқикот мақсадларида одамлар ва хайвонлардан материалларни, шунингдек, ўлимтиқ материалларни ўрганиш ишларида | | | | |
| 1. 3. Шовкин, инфратовуш, ультратовуш, тебранинг даражаси | | | | | |
| 1. 3. 1 | Хар кандай оқтава чизигидаги товуш босимининг РЭЧД максимал ошиб кетган шовкин, | | | | |

| | | | | |
|---|--|--|--|--|
| | дБ | | | |
| 1. 3. 2 | Шовкин товуш даражаси, эквивалент товуш даражаси, дБА | | | |
| 1. 3. 3 | Частоталари 1/3 октава чизикларидаги РЭЧД ошиб кетган хаволи ультраттовуш, дБ | | | |
| 1. 3. 4 | Контактли ультраттовуш: вибротезлик, м/сек; вибротезликнинг логарифмик даражаси, дБ | | | |
| 1. 3. 5. 1 | Вибротезлик бўйича ҳар қандай октава чизигидаги РЭЧД максимал ошиб кетган локал тебраниш, дБ | | | |
| 1. 3. 5. 2 | Локал тебраниш вибротезликнинг эквивалент тўғриланган даражаси, дБ | | | |
| 1. 3. 6. 1 | Вибротезлик бўйича ҳар қандай октава чизигидаги РЭЧД максимал ошиб кетган умумий тебраниш, дБ | | | |
| 1. 3. 6. 2 | Умумий тебраниш вибротезликнинг эквивалент тўғриланган даражаси, дБ | | | |
| 1. 3. 7 | Аэроионлар (1 куб. см ҳаводаги ионлар сони) минимал зарурий даражада ёки максимал рухсат этилган даражада | | | |
| 1. 4. Ионланимаган электромагнит майдонлари ва нурланишларнинг таъсири | | | | |
| 1. 4. 1 | Доимий магнит майдони, кА/м | | | |
| 1. 4. 2 | Электростатик майдон, кВ/м | | | |
| 1. 4. 3 | Саноат частотали (50 Гц) электр майдонлари, кВ/м | | | |
| 1. 4. 4 | Саноат частотали (50 Гц) магнит майдонлари, кА/м | | | |
| 1. 4. 5 | 0.01-0.03 МГц радиочастотали диапазонда электромагнитли нурланишлар, В/м | | | |
| 1. 4. 6 | 0.03-3.0 МГц радиочастотали диапазонда электромагнитли нурланишлар, В/м | | | |
| 1. 4. 7 | 3.0-30.0 МГц радиочастотали диапазонда электромагнитли нурланишлар, В/м | | | |
| 1. 4. 8 | 30.0 — 300.0 МГц радиочастотали диапазонда электромагнитли нурланишлар, В/м | | | |
| 1. 4. 9 | 300.0 МГц — 300.01 Гц радиочастотали диапазонда электромагнитли нурланишлар, мкВт/кв. см | | | |
| 1. 4. | Радиочастотали диапазонда ВДГ | | | |

| | | | | | |
|--|---|--|--|--|--|
| 10 | ва ГЭХМ юзага келтирадиган электромагнити нурлаништар. В/м | | | | |
| 1. 5. Оптик диапазонда ионтанмаган электромагнит нурланишлар | | | | | |
| 1. 5. 1 | Лазер нурланиш | | | | |
| 1. 5. 2 | Ультрабинафа нурланиш: УБ-А, УБ-В, УБ-С нурланиш спектрлари доиралари учун, Вт/кв м | | | | |
| 1. 6. Йилнинг илик давридаги ишлаб чикариш хоналари ва очик худудлар учун микроклимат | | | | | |
| 1. 6. 1 | Хаво харорати, °C | | | | |
| 1. 6. 2 | Хаво харакати тезлиги, м/с | | | | |
| 1. 6. 3 | Хавонинг нисбий намлиги, % | | | | |
| 1. 6. 4 | Иссиклик тарқалиши, Вт/кв. м | | | | |
| 1. 7. Йилнинг илик давридаги ишлаб чикариш хоналари ва очик худудлар учун WBGT-индекси (°C) | | | | | |
| 1. 7. 1 | Ia — 68(58-77), Вт/м | | | | |
| 1. 7. 2 | І6 — 88(78-97), Вт/м | | | | |
| 1. 7. 3 | ІІa — 113(98-129), Вт/м | | | | |
| 1. 7. 4 | ІІб — 145(130-160), Вт/м | | | | |
| 1. 7. 5 | ІІІ — 177(161-193), Вт/м | | | | |
| 1. 8. Йилнинг илик давридаги ишлаб чикариш хоналари учун микроклимат | | | | | |
| 1. 8. 1 | Хаво харорати, °C. Ia — категорияли ишлар учун | | | | |
| 1. 8. 2 | Хаво харорати °C, І6 — категорияли ишлар учун | | | | |
| 1. 8. 3 | Хаво харорати, °C. ІІa — категорияли ишлар учун | | | | |
| 1. 8. 4 | Хаво харорати, °C. ІІб — категорияли ишлар учун | | | | |
| 1. 8. 5 | Хаво харорати, °C. ІІІ — категорияли ишлар учун | | | | |
| 1. 8. 6 | Иссиклик тарқалиши, Вт/кв. м | | | | |
| 1. 8. 7 | Хаво харакати тезлиги, м/с | | | | |
| 1. 8. 8 | Хавонинг нисбий намлиги, % | | | | |
| 1. 9. Йилнинг союз давридаги ишлаб чикариш хоналари учун микроклимат | | | | | |
| 1. 9. 1 | Хаво харорати, °C, Ia — категорияли ишлар учун | | | | |
| 1. 9. 2 | Хаво харорати °C, І6 — категорияли ишлар учун | | | | |
| 1. 9. 3 | Хаво харорати, °C. ІІa — категорияли ишлар учун | | | | |
| 1. 9. 4 | Хаво харорати, °C. ІІб — категорияли ишлар учун | | | | |
| 1. 9. 5 | Хаво харорати, °C. ІІІ — категорияли ишлар учун | | | | |
| 1. 9. 6 | Иссиклик тарқалиши, Вт/кв. м | | | | |
| 1. 9. 7 | Хаво харакати тезлиги, м/с | | | | |
| 1. 9. 8 | Хавонинг нисбий намлиги, % | | | | |
| 1. 10. Йилнинг союз давридаги (кини) очик худудлар, иситилмайдиган ва технологик меъёрлар бўйича совутлагандиган хоналар учун микроклимат | | | | | |
| 1. 10. | Хаво харорати, °C | | | | |

| | | | | | |
|-----------------------------------|--|--|--|--|--|
| 1 | 1. 11. Ишлаб чыкарып хоналарининг ёргулук мухити | | | | |
| 1. 11. 1 | Табиий ёргулук (КЕО, %) | | | | |
| 1. 11. 2 | Күтүшмича ёргулук (КЕО, %) | | | | |
| 1. 11. 3 | Сунтый ёрткилишида иш жойи юзасидаги ёргуллик, (Е, лк) | | | | |
| 1. 11. 4 | Ёргулук манбанинг кўзни камаштирадиган яркирапи (кўзни камаштириш кўрсаткичи, Р, нисбий бирлиқ) | | | | |
| 1. 11. 5 | Қайтарилган яркирашлик | | | | |
| 1. 11. 6 | Ёритилганлик пульсацияси (ёритилганлик пульсацияси коэффициенти, Кп, %) | | | | |
| 1. 12. Ионланган нурланиш | | | | | |
| 1. 12. 1 | Ионланган нурланиш, эфектли доза | | | | |
| 1. 13. Атмосфера босими даражаси | | | | | |
| 1. 13. 1 | Кўтарилиган (атм)/ГПа | | | | |
| 1. 13. 2 | Пасайган (м денгиз сатхидан)/ГПа | | | | |
| 1. 14. Мехнат жарёйининг оғирлиги | | | | | |
| 1. 14. 1 | Бир сменадаги ташки механик иш бирликларида ифодаланган жисмоний динамик оғирлик, кг. м. | | | | |
| 1. 14. 2 | Бир сменадаги ташки механик иш бирликларида ифодаланган жисмоний динамик оғирлик, кг. м., минтақаний оғирлигда (асосан, кўл мушаклари ва елка пояси иштирокида), юкни 1 метргача олиб борилида | | | | |
| 1. 14. 3 | Бир сменадаги ташки механик иш бирликларида ифодаланган жисмоний динамик оғирлик, кг. м., умумий оғирлигда (асосан, кўл мушаклари, корпус, оёқ иштирокида), юкни 5 метрдан 5 метргача олиб борилиша | | | | |
| 1. 14. 4 | Бир сменадаги ташки механик иш бирликларида ифодаланган жисмоний динамик оғирлик, кг. м., умумий оғирлигда (асосан, кўл мушаклари, корпус, оёқ иштирокида), юкни 5 метрдан кўп массага олиб борилида | | | | |
| 1. 14. 5 | Кўлда кўтариладиган ва ташиб ўтиладиган юқнинг оғирлиги (массаси), кг. Бонқа иши билан | | | | |

| | | | | |
|--------------|---|--|--|--|
| | алмашған холда (маротабали) юкни күтариш ва ташиб ўтиш (соатига 2 мартагача) | | | |
| 1. 14. 6 | Кўлда кўтариладиган ва ташиб ўтиладиган юкнинг оғирлиги (массаси), кг: Доимий иш сменасида (маротабали) юкни кўтариш ва ташиб ўтиши. | | | |
| 1. 14. 7 | Кўлда кўтариладиган ва ташиб ўтиладиган юкнинг оғирлиги (массаси), кг: Сменанинг хар соати давомида пол;дан, иш жойининг юзасидан ташиб ўтиладиган юкларнинг жами оғирлиги (массаси). | | | |
| 1. 14. 8 | Қолипли (стереотип) иш харакатлари (сменадаги миқдори). Локал оғирлиқдаги (кўл панжаси ва бармоқлар мушаклари иштирокида) | | | |
| 1. 14. 9 | Қолипли (стереотип) иш харакатлари (сменадаги миқдори). Регионал оғирлиқдаги (асосан, елка ва кўн мушаклари иштирокидаги ишларда). | | | |
| 1. 14. 10 | Статик оғирлик. Сменада юкни кўтариб турган холатда статик оғирликнинг ўлчами, зўр бериш, кгс — бир кўл билан | | | |
| 1. 14. 11 | Статик оғирлик. Сменада юкни кўтариб турган холатда статик оғирликнинг ўлчами, зўр бериш, кгс — икки кўл билан | | | |
| 1. 14. 12 | Статик оғирлик. Сменада юкни кўтариб турган холатда статик оғирликнинг ўлчами, зўр бериш, кгс — гавда ва оёқлар мушаклари иштирокида | | | |
| 1. 14. 13 | Ишлаш холати | | | |
| 1. 14. 14 | Гавдан энгаштириши (сменада маротаба) | | | |
| 1. 14. 15 | Горизонтал чизик бўйлаб кенг сатҳда харакатланиш (смена давомида технологик жараён билан боғлик холда), км | | | |
| 1. 14. 16 | Вертикаль чизик бўйлаб кенг сатҳда харакатланиш (смена давомида технологик жараён билан боғлик холда), км | | | |

1. 15. Мехнат жараёнининг диккат талаблиги

| | | | | |
|-------------|---|--|--|--|
| 1. 15. 1 | Интеллектуал оғирлик: ишнинг мазмуни | | | |
| 1. 15. 2 | Интеллектуал оғирлик: сигналларни (маълумотларни) | | | |

| | | | | |
|--------------|--|--|--|--|
| | кабул килиш (идрок килиш) ва уларни баҳолаш | | | |
| 1. 15. 3 | Интеллектуал оғирлик: топшириқнинг мураккаблик даражаси | | | |
| 1. 15. 4 | Интеллектуал оғирлик: бажарайтган ишнинг характеристи | | | |
| 1. 15. 5 | Сенсор оғирлик: эътиборни жамлаш давомийлиги (сменадаги вактнинг фоизи) | | | |
| 1. 15. 6 | Сенсор оғирлик: 1 соат иш вактидаги сигналларнинг ва хабарларнинг зичлиги (ёргелик, товушли) | | | |
| 1. 15. 7 | Сенсор оғирлик: баравар кузатиб турадиган ишлаб чиқариш обьектларининг сони | | | |
| 1. 15. 8 | Сенсор оғирлик: кўриш анализаторига тушадиган оғирлик: фарқлаш обьектининг фарқлаш ўлчами (ишлаёттанинг кўзларидан фарқлаш обьектигача бўлган кўпли билан 0,5 м масофадаги), мм кузатувга эътиборнинг жамланган холдаги давомийлиги (сменадаги вактнинг фоизи) | | | |
| 1. 15. 9 | Сенсор оғирлик: кўриш анализаторига тушадиган оғирлик: оптик асблолар билан ишланиша (микроскоплар, лупалар ва бошқалар) кузатувга эътиборни жамлаш давомийлиги (сменадаги вактнинг фоизи) | | | |
| 1. 15. 10 | Сенсор оғирлик: кўриш анализаторига тушадиган оғирлик: видеотерминаллар экранлари орқали узлуксиз кузатиш (сменада, соат) | | | |
| 1. 15. 11 | Сенсор оғирлик: эшиятии анализаторига оғирлик (ишлаб чиқариш зарурати туфайли сўзлашиш ёки фарқ килинган (лифференцияланган) сигналларни идрок этиш) | | | |
| 1. 15. 12 | Сенсор оғирлик: товушлагич апаратига оғирлик (соатларнинг жамланган холдаги миқдори, хафтадаги гапиргандлик) | | | |
| 1. 15. 13 | Эмоционал оғирлик: масъуллият даражаси; хатонинг мухимлиги | | | |
| 1. 15. 14 | Эмоционал оғирлик: шахсий хаётта хавф-хатар ларражаси | | | |
| 1. 15. | Эмоционал оғирлик: бошқа шахс | | | |

| | | | | |
|--------|--|--|--|--|
| 15 | хаёги учун ҳавфсизлик даражаси | | | |
| 1. 15. | Оғирликниң бир хиллиги (монотонлиги): оддий топшириктар ёки күп маротаба кайтарыладынан операцияларнинг бажарылышыда зарур бўладиган элементлар сони | | | |
| 17 | Оғирликниң бир хиллиги (монотонлиги): оддий ишлаб чиқариш топшириктарини ёки кайтарыладынан операцияларни бажариш давомийлиги (секунд) | | | |
| 1. 15. | Оғирликниң бир хиллиги (монотонлиги): фоат ҳаракатлар вакти (смена давомийлигига нисбатан, %). Қолган вактда — ишлаб чиқариш жараёнининг боришини кузатиш | | | |
| 1. 15. | Оғирликниң бир хиллиги (монотонлиги): ишлаб чиқариш ахволининг бир хиллиги (монотонлиги) (технологик жараённи суст кузатув вакти, смена вактига нисбатан, %) | | | |
| 20 | Иш режими: иш күнининг хакиций давомийлиги, соат | | | |
| 21 | Иш режими: ишнинг сменалигиги | | | |
| 22 | Иш режими: катъий белгиланган танаффулар ва уларнинг давомийлиги | | | |

Мехнат шароитларининг гигиеник мөъёлларга мослигининг умумий баҳоси

Иш жойининг меҳнат шароитлари харитаси раками Мехнат шароитлари юзасидан аттестациядан ўтказилидаган иш ўринлари рўйхатидаги ракамга мос келиши керак.

II. ИШ ЖОЙЛАРИНИНГ ЖАРОХАТЛАШ ХАВФЛИЛИГИНИ БАҲОЛАШ

2. 1. Иш жойининг шикастлаш хавфлилигини баҳолаш натижалари

| Хукукий-мөъёрий хужжатлар | Хукукий-мөъёрий хужжатларнинг таъаблари | Иш жойидаги шикастлаш хавфлилиги бўйича баҳоланаётган объектларининг хақиқий холати | Иш жойидаги шикастлаш хавфлилиги бўйича баҳоланаётган объектларининг хақиқий холати | Зарурий чора-тадбирлар |
|---------------------------|---|---|---|------------------------|
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |

2. 2. Бахолаш натижалари бүйича хулоса:

| | |
|--------------------------------|---|
| хулош объекті: | Хулоса мезерий талабларға мос (мос әмас) (аннеланған, талабларға мос бұлмаган бандлар күрсатилады) |
| Ишлаб чиқарни асбоб-ускуналари | |
| Мослама ва асбоблар | |
| Үкітиш ва йўл-йўриклар | |

2. 3. Иш жойидати меңнат шароитлари шикастлаш хавфлилиги бүйича _____ классга мансуб.

III. ХОДИМЛАРНИҢ ЯТХВ БИЛАН ТАЪМИНЛАНГАНЛИГИПИ БАХОЛАП

3. 1. Ходимга якка тартибдаги ҳимоя воситаларини (ЯТХВ) беріш асосы:

Мажбурий түсдаги

Зарарлы ва (ёки) хавфли меңнат шароитларыда банд бұлған ходимларға, шунингдек, жұтқа хос ҳаво ҳарораты ва ифлосланыши билан болғып иншарда, сертификаттанған маҳсус кийим, маҳсус поінабзап ва боиқа якка тартибдаги ҳимоя воситаларини белуп беріши намунашын мезерлерининг номи

Күшимишча

Меңнат шароитлари бүйича иши жойлары аттестациясы ва ускуналарни шикастлаш хавфлилиги натижаларини бағылап бүйича

3. 2. ЯТХВни баҳолаш натижалари:

| T/P | Амалдаги мезерларға мувоффик ходимга белгіланаған ЯТХВ рүйхати | Ходимда ЯТХВ мавжудлігі (бор, йўк) | ЯТХВнинг меңнат шароитларига мөслиги (мос, мос әмас) | Сертификат ёки декларация мавжудлігі (раками ва амал килиш мүддати) |
|-----|--|------------------------------------|--|---|
| 1. | Мажбурий түсдаги: | | | |
| ... | | | | |
| ... | | | | |
| ... | | | | |
| 2. | Күшимишча: | | | |
| ... | | | | |
| ... | | | | |
| ... | | | | |
| ... | | | | |

3. 3. Иш жойи ЯТХВ билан таъминланғанлик талабларига жағоб _____

(беради, бермайди)

IV. КАФОЛАТ ВА ПРЕФЕРЕНЦИЯЛАР

4. 1. Зааралы ва (ёки) хавфли шароитларда ишлаш учун имтиёз ва компенсациялар

| Т/Р | Преференциялар түрлари | Харакатда мавжудлуги (ха, жооп) | Мехнат шароитларини бағолаш нәтижесін бүйічі: | |
|-----|--|---------------------------------|---|------|
| | | | Үрнәтиш зарурлігі (ха, жооп) | ақос |
| 1. | Йиғылмак күшімчалар тұлападынан таътил | | | |
| 2. | Иш вактінинг давомийлігі | | | |
| 3. | Даволащи-профилактика, овқатланиш | | | |
| | | | | |

4. 2. Имтиёзли пенсия таъминотига хуқуқнинг _____ мавжудлігі (агар «ха» бўлса — асослаб берилсин).

4. 3. Тиббий кўрикдан ўтказиш зарурати _____ мавжудлігі (агар «ха» бўлса — асослаб берилсин).

V. АТТЕСТАЦИЯ КОМИССИЯСИННИГ ХУЛОСАСИ

Мехнат шароитлари комплексе бағолаш бүйічі маҳиятни мухофаза килиш талабларига

(мос келади, мос келмайди)

Аттестация комиссияси раиси

_____ (лавозим) (имзо) (Ф. И. О.) (сана)

Аттестация комиссияси яъзолари:

_____ (лавозим) (имзо) (Ф. И. О.) (сана)

Баҳоланған мехнат шароитлари нәтижелари билан
тапшишдим

_____ (лавозим) (имзо) (Ф. И. О.) (сана)

3-ИЛОВА

Мехнат шароити нокулай ва ўзига хос бўлган ишларда башд бўлганилик учун йиллик кўшимча таътилларнинг ДАВОМИЙЛИГИ

| Омиллар | Мехнат шароитлари класслари | | | | | | |
|---|-----------------------------|----------------------|---------------------|-----------------|-----------------|-----------------|-----------------|
| | 1 класс макбул | 2 класс ўйл кўйилган | З класс зарарли | | | | 4 класс хавфли |
| | | | 3.1 1- даражা | 3.2 2-даражা | 3.3 3-даражা | 3.4 4-даражা | |
| Кўшимча таътилнинг давомийлиги, кунлар хисобида | 0 | 0 | 3 | 4 — 6 кунгача | 7 — 12 кунгача | 13 — 18 кунгача | 19 — 24 кунгача |

За-ИЛОВА

Имтиёли пенсия таъминотига ҳукукни БАХОЛАШ

| Рўйхатлар | Мехнат шароитлари класслари |
|--|-----------------------------|
| Талаб килинадиган умумий ва маҳсус иш стажи бўлгандан, ёшидан катъи назар, пенсияга чиқиш ҳукукни берувчи ишлаб чикаришлар, муассасалар, ишлар, касблар ва лавозимларнинг 1-РЎЙХАТИ | 4 |
| Талаб килинадиган умумий ва маҳсус иш стажи бўлгандан умумий белгиланган ёшдан 10 йил оддин пенсияга чиқиш ҳукукни берувчи ишлаб чикаришлар, муассасалар, ишлар, касблар, лавозимлар ва кўрсаткачларнинг 2-РЎЙХАТИ | 3.4 |
| Талаб килинадиган умумий ва маҳсус иш стажи бўлгандан умумий белгиланган ёшдан 5 йил оддин пенсияга чиқиш ҳукукни берувчи ишлаб чикаришлар, муассасалар, ишлар, касблар, лавозимлар ва кўрсаткачларнинг 3-РЎЙХАТИ | 3.3 |

4-ИЛОВА

| | | | | | |
|-----------------------|--|---------------|--|------|--|
| Корхонанинг номи | | | | | |
| Юкори турувчи корхона | | | | | |
| Юридик манзили | | | | | |
| Асосий маҳсулот турни | | | | | |
| СТИР | | ХХ ТУ Т | | МХБТ | |

ИШ ЎРИНЛАРИНИ МЕХНАТ ШАРОИТЛАРИ ЮЗАСИДАН АГТЕСТАЦИЯДАН ЎТКАЗИШ НАТИЖАЛАРИНИНГ ЙИГМА ҚАЙДНОМАСИ

| Номи | Аттестациядан ўтган иш ўринлари сони, жами | Улардан: | | | | | | | | | |
|----------------------------|--|------------------------------------|---|---|---|---------------------------------------|---|---|-----|---|------------------------|
| | | Мехнат шароитлари класслари бўйича | | | | Шикастлаш хавфлилиги класслари бўйича | | | | ЯТҲВ билан таъминлангангалик талабларига мослигининг баҳоси | |
| | | 1 | 2 | 3 | 4 | 1 | 2 | 3 | МОС | ЭМСАС | ЯТҲВ кўзда тутилмагани |
| Корхона бўйича жами | | | | | | | | | | | |
| Иш ўринлари, бирлик | | | | | | | | | | | |
| Мазкур иш | | | | | | | | | | | |

| | | | | | | | | |
|---|--|--|--|--|--|--|--|--|
| ўринларида банд бўлган ходимлар, нафар | | | | | | | | |
| Шу жумладан, аёллар | | | | | | | | |
| (таркибий бўлинманинг номи кўрсатиласади) | | | | | | | | |
| Иш ўринлари, бирик | | | | | | | | |
| Мазкур иш ўринларида банд бўлган ходимлар, нафар | | | | | | | | |
| Шу жумладан, аёллар | | | | | | | | |

Аттестация комиссияси раиси

| | | | |
|-----------|--------|----------|--------|
| (лавозим) | (имзо) | (Ф.И.О.) | (сана) |
|-----------|--------|----------|--------|

Аттестация комиссияси аъзолари:

| | | | |
|-----------|--------|----------|--------|
| (лавозим) | (имзо) | (Ф.И.О.) | (сана) |
| (лавозим) | (имзо) | (Ф.И.О.) | (сана) |
| (лавозим) | (имзо) | (Ф.И.О.) | (сана) |

5-ИЛОВА

| | | | | |
|--------------------------|--|-------|--|------|
| Корхонанинг номи | | | | |
| Юкори турувчи корхона | | | | |
| Юридик манзили | | | | |
| Асосий маҳсулот тури | | | | |
| СТИР | | ХХГУТ | | МХБТ |

Иш ўринларини меҳнат шароитлари юзасидан аттестациядан ўтказиш натижалари бўйича
белгиланган меҳнат шароитлари класслари ҳамда шу муносабат
бидан ходимларга белгиланиши лозим бўлган кафолатлар ва преференцияларнинг
ЙИГМА ЖАДВАЛИ

| Мехнат шароитлари класслари | |
|---|---|
| Иш үррин-нинг тұр Касб, әдебий коди кимесінің (зарарлы мөдделар) | Биология Устуңор физиологияның тасырылаға эти әзізшілдік шовқан |
| Инфраточууд Хандығын ультраточууд Умумайын выбрации Маладай выбрации | Ион хосил колмайдын нурланыш Ион хосил күлгүвчін нурланыш Микронклини Ертүрлік мұхаты Мехнат отырлігі |
| (лавозим) | (имзо) |
| (Ф. И. О.) | (сана) |

(таркибий бүлинма номи күрсөткіледі)

Аттестация
комиссияси раисы

| | | | |
|--|--------|------------|--------|
| (лавозим) | (имзо) | (Ф. И. О.) | (сана) |
| Аттестация комиссияси айзолапы: | | | |
| (лавозим) | (имзо) | (Ф. И. О.) | (сана) |
| (лавозим) | (имзо) | (Ф. И. О.) | (сана) |
| (лавозим) | (имзо) | (Ф. И. О.) | (сана) |

6-ИЛОВА
«ТАСДИКЛАЙМАН»
 Корхона раҳбары
 лавозимининг номи

(имзоси, фамилияси, исми,
 отасининг исми)
 20 йил «___»

| | |
|--------------------------|--|
| Корхонанинг номи | |
| Юкори турувчи корхона | |

| | | | | |
|------------------------|-------|--|------|--|
| Юридик маңызда | | | | |
| Ассоций маңсаудот түри | | | | |
| СТИР | ХХТУТ | | МХБТ | |

Мехнат шароитларини месхнат муҳофазаси мөттөллари, кондадари ва йўриқномалари талабларига мослаштириш бўйича **ТАДБИРЛАР РЕЖАСИ**

| Иш ўрнининг номи | Талбиrlа р номи | Амалга ошириш механизми | Молиялаштирии манбай | Тадбирл и амалга ошириш учун масъул | Ижро этиш муддати | Тадбирни амалга ошириш учун жалб этиладиган бўлинмалар | Амалга оширилганли к тўгрисила белги |
|---|-----------------|-------------------------|----------------------|-------------------------------------|-------------------|--|--------------------------------------|
| (маркийиб ёюннама номи кўрсатилади) | | | | | | | |
| | | | | | | | |

Аттестация комиссияси раиси

(лавозим) (имзо) (Ф. И. О.) (сана)

Аттестация комиссияси аъзолари:

(лавозим) (имзо) (Ф. И. О.) (сана)

(лавозим) (имзо) (Ф. И. О.) (сана)

(лавозим) (измо) (Ф. И. О.) (сана)

7-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Герби

Ўзбекистон Республикаси
Мехнат ва ахолини ижтимоий мухофаза килиш вазирлиги

ДАВЛАТ ЭКСПЕРТИЗАСИ ХУЛОСАСИ

XXNº00000000

20 йил « »

Иш ўриниларини меңнат шаронитлари ва асбоб-ускунаштариннан жарохатлаш хавфлилiği юзасидан аттестациядан үтказынан материаллари асосида күйидагилар аникланып:

1. Иш ўринилари мекнат шароитлари ва асбоб-ускунналарнинг жароҳатлаш хавфилилиги юзасидан аттестациядан ўтказилган корхона тўғрисида маълумоглар:

| | |
|-----------------------|------------|
| Корхонанинг номи | |
| Юкори турувчи корхона | |
| Юридик манзили | |
| СТИР | ХХТУТ МХБТ |

2. Аттестациядан ўтказилган иш ўринлари сони

| | |
|---|------------|
| Ташкилот номи | |
| Юридик манзили | |
| Синов лабораториясининг аккредитация аттестатининг раками ва санаси | |
| СТИР | ХХТУТ МХБТ |

3. Иш ўринларини меҳнат шароитлари ва асбоб-ускуналарниң жароҳатлаш хавфлилиги юзасидан аттестациядан ўтказиш давомида мазкур иш бўйича амалдаги нормалар ва нормативлардан четга чиқилмаган.

4. Иш ўринларини меҳнат шароитлари ва асбоб-ускуналарниң жароҳатлаш хавфлилиги юзасидан аттестациядан ўтказиш бўйича ишлар Иш ўринларини меҳнат шароитлари ва асбоб-ускуналарниң жароҳатлаш хавфлилиги юзасидан аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом талабларига мувоғик амалга оширилган.

Меҳнатни муҳофаза килиш бошқармаси бошлиғи
(Коракалпогистон Республикаси Меҳнат ва ахолини ижтимоий муҳофаза килиш вазири, вилоят (Тошкент шаҳар) меҳнат ва ахолини ижтимоий муҳофаза килиш бош бошқармаси бошлиғи)

М. Ў.

(имзо)

Ф.И.О.

8-ИЛОВА

«ГАСДИҚЛАЙМАН»

Корхона раҳбари
лавозимининг номи

(имзо, фамилияси, исми, отасининг исми)

20 йил «__»

Аттестация комиссияси якуний (оралик-якуний) мажлисининг ПРОТОКОЛИ

| | | | | | |
|-----------------------|-------|--|------|--|--|
| Корхонанинг номи | | | | | |
| Юкори турувчи корхона | | | | | |
| Юридик манзили | | | | | |
| Асосий маҳсулот турни | | | | | |
| СТИР | ХХТУТ | | МХБТ | | |

20 йил «__» даги __-сон буйрукка мувоғик аттестация комиссияси 20 йил «__»
дан 20 йил «__» __ гача иш ўринларини меҳнат шароитлари ва асбоб-
ускуналарниң жароҳатлаш хавфлилиги юзасидан аттестациядан ўтказишни амалга ошириди.
Аттестациядан ўтказиш

(корхона раҳбари лавозимининг номи, Ф.И.О.)

томунидан 20 йил «__» __ да
тасдиқланган меҳнат шароитлари юзасидан аттестациядан ўтказиладиган иш ўринлари рўйхати
асосида амалга оширилди.

Аттестация натижалари құйыладыларда үз аксини топған:
мехнат шароитлари хариталари (үлчаш бағылары билан бирга);
иш үрнеларини меңнат шароитлари қозасидан аттестациядан үтказыш натижаларининг йигма
кайдиомаси;
иш үрнеларини меңнат шароитлари қозасидан аттестациядан үтказыш натижалари бүйіча
белгиланған меңнат шароитлари класслари хамда шу муносабат билан ходимлар үчүн белгиләниши
лозим бўлган кафолатлар ва преференцияларининг йигма жадвали.
Аттестациядан үтказыш натижалари бүйіча Мехнат шароитларини меңнат мухофазаси нормалари,
кошаллары ва инструкциялари талабларига мослаштириши бүйіча чора-тадбирлар дастури ишлаб
чиқилиб ва касаба үшлесиси билан келишилиб,

(корхона раҳбари лавозимининг номи, Ф.И.О.)

томонидан 20__ йил «___» ____ да тасдикланди.

Аттестациядан үтказыш материаллари давлат экспертизасидан үтди, улар бүйіча 20__ йил «___»
даги ___-сон хулоса олинди.

Аттестациядан үтказыш натижаларини күриб чиқынб, аттестация комиссияси карор қылди:

1. Аттестациядан үтказыш бүйіча ишлар якуланған деб ҳисоблансин.
- 2 ...
- 3 ...

Аттестация комиссиясынан

| | | | |
|--|--------|------------|--------|
| (лавозим) | (имзо) | (Ф. И. О.) | (сана) |
| Аттестация комиссиясы аъзолари: | | | |
| (лавозим) | (имзо) | (Ф. И. О.) | (сана) |
| (лавозим) | (имзо) | (Ф. И. О.) | (сана) |

6-боб. МЕХНАТНИ МУХОФАЗА ҚИЛИШ ТИЗИМИНИНГ ИҚТИСОДИЙ ТАЪМИНОТИ ВА УНИНГ ИЖТИМОИЙ- ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИ

6.1. Мехнат шароитларини муҳофаза қилиш харажатларини молиялаштириш

Мехнатни муҳофаза қилишнинг иқтисодий услублари меҳнат шароитларини ҳамда меҳнатни муҳофаза қилишни яхшилашга қаратилган тадбирларни амалга оширишда, шунингдек, зарарли ва (ёки) оғир меҳнат шароитида ишлаганлик учун компенсация тўловларига пул маблағлари сарф этилишини назарда тутади. Бозор муносабатлари ривожлантирилиши билан иш берувчиларнинг меҳнат шароитларини яхшилаш бўйича фаолиятларини рағбатлантириш иқтисодий усусларининг роли ортиб боради. Лекин ана шу усусларни кўллашда шуни назарда тутиш керакки, тадбиркорлик фаолияти фойда олишга қаратилган. Шунинг учун рағбатлантириш усуслари тадбиркорнинг иқтисодий манфаатларига зид келмаслиги керак.

Бошқарувнинг иқтисодий усуслари сарф-харажатларни бошқаришни ҳам кўзда тутади. Меҳнатни муҳофаза қилишни бошқаришда меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича барча тадбирлар, шу жумладан, зарарли меҳнат шароитларида ишлаганлик учун компенсация тўловларига харажатларни ҳам қатъий назорат остига олиш талаб этилади.

Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида сарф-харажатларни бошқариш деганда харажатларни хисобга олиш, таҳлил этиш, режалаштириш ва назорат қилиш жараёни тушунилади. Бунинг натижасида меҳнат шароитларини яхшилашнинг иқтисодий жиҳатдан энг асосланган ҳамда мақбул вариантини танлашга қаратилган бошқарув қарори ишлаб чиқилади.

Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида сарф-харажатларни бошқариш бўйича ҳал этиладиган энг муҳим вазифалар куйидагилардан иборат:

- сарф-харажатларни таҳлил этиш ва назорат қилиш;
- меҳнат шароитларини яхшилаш бўйича аниқ натижаларга эришиш нуқтаи назаридан сарф-харажатлар самарадорлигини баҳолаш.

Корхоналарда меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича тадбирлар — тегишли конун ҳамда бошқа норматив ҳужжатлар асосида амал

қилувчи, инсоннинг меҳнат жараёнидаги хавфсизлиги, сиҳатсаломатлиги ва иш қобилияти сақланишига қаратилган ижтимоий-иктисодий, ташкилий, техникавий, санитария-гигиена ҳамда даволаш-профилактика тадбирлари ва воситалари тизимидан иборат. Мазкур тадбирлар Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг “Меҳнатни муҳофаза қилиш” деб номланувчи XIII боби моддалари ҳамда Ўзбекистон Республикасининг “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонуни қоидаларини амалга ошириш мақсадларида режалаштирилади ва ҳаётга татбиқ этилади.

Иш берувчилар, касаба уюшмалари ҳамда бошқа ваколатли органларга меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича тадбирлар режасини ишлаб чиқиш ва уларни жамоа шартномаларига киритишда ёрдам кўрсатиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан “Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ишларни ташкил этиш тўғрисида намунавий Низом” (вазирликнинг 1996 йил 29 июнданги буйруғи) тасдиқланган.

Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича тадбирлар режасини тузишда ахборот манбалари сифатида иш ўринларини меҳнат шароитлари бўйича аттестация қилишнинг куйидаги натижаларидан фойдаланилади:

- ишлаб чиқаришдаги баҳтсиз ҳодисалар ва касб касалликларини текшириш бўйича актлар;
- давлат текшириш ва назорат қилиш органлари ўтказган текширишларнинг материаллари;
- меҳнат шароитларининг давлат экспертизаси органларининг тақдимномалари ва хulosалари;
- иктисодий фаолиятнинг тегишли соҳасида бошқариш функцияларини амалга ошираётган республика ижро этувчи ҳокимият органларининг меҳнат шароитлари ва меҳнатни муҳофаза қилишнинг аҳволини текширишлари натижалари;
- корхона(ташкилот)да чиқарилган буйруқ ва фармойишлар;
- меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича комиссия (кўмита) материаллари;
- касаба уюшма ташкилотлари ва ходимларнинг бошқа вакиллик органларининг таклифлари;
- ходимларнинг таклифлари.

Корхона ҳамда ташкилотлар, ташкилий тузилиши ва мулкчилик шаклидан қатъи назар, меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича жорий

хусусиятга эга тадбирлар учун харажатларни белгиланган нормативлар доирасида солик базасини камайтирадиган харажатлар таркибида ҳисобга оладилар. Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича тадбирлар нормативларида белгилангандан ортиқча жорий харажатлар солик базасини камайтирумайди ҳамда корхона (ташкилот) фойдаси ҳисобидан тўланади.

Ишлаб чиқаришни реконструкция қилиш, техник жиҳатдан қайта куроллантириш, технологик жараёнларни такомиллаштириш, ишлаб чиқаришни механизациялаш, автоматлаштириш ва ҳоказолар билан боғлиқ меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича тадбирлар, одатда, кўп мақсадли хусусиятга эга капитал қўйилмалар ҳисобидан амалга оширилади. Капитал харажатлар асосий ишлаб чиқариш фонdlарининг қийматини оширади. Узок муддатли (инвестиция) ва ишлаб чиқариш хусусиятига эга капитал харажатлар амортизация орқали соликқа тортиш мақсадларида ҳисобга олинади.

Харажатларнинг асосий тури — ишлаб чиқаришдаги баҳтсиз ҳодисалар ва касб касалликларини суғурта қилишдир. Бу Ўзбекистон Республикасининг Ижтимоий суғурта фонди зиммасига юклangan. У қуйидаги вазифаларни ҳал этишга қаратилган:

- суғурта қилувчиларни ижтимоий муҳофаза этишни ҳамда суғурталовчиларнинг касб хавфларини камайтиришдан иқтисодий манфаатдорлигини таъминлаш;
- суғурта қилинган шахс меҳнат шартномаси бўйича ўз мажбуриятини бажариши пайтида ҳаёти ва соғлиғига етказилиган зарарни қоплаш;
- ишлаб чиқаришда шикастланишлар ва касб касалликларини кисқартириш бўйича профилактика тадбирларини таъминлаш.

Бугунги кунда мажбурий суғурта қилиш бозор иқтисодиёти тамойили асосида аҳолининг айрим қатламлари, шу жумладан, ишлаб чиқаришда банд ҳодимлар учун ҳам ижтимоий ҳимоя қилишнинг энг самарали воситаси ҳисобланади. Шунинг учун Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Ўзбекистон Республикасида 2007 — 2010 йилларда суғурта қилиш бозорини ислоҳ этиш ва ривожлантириш дастури тасдиқланган эди. Бу дастурга мувофиқ, мамлакатда суғурта қилишнинг ижтимоий йўналтирилган тизимини ташкил этиш кўзда тутилган.

2009 йил 17 апрелда Ўзбекистон Республикасининг “Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиши

тўғрисида"ги Қонуни кучга кирди. Бу мамлакатда сұғурта қилиш бозорини ислоҳ этиш ва ривожлантириш дастурида қўзда тутилган иккинчи мажбурий сұғурта қилиш турининг жорий этилишидир. Мазкур Қонуннинг асосий мақсади иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сұғурта қилиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш, ходимларни ишлаб чиқаришда майиб бўлиш, касб касаллигига чалиниш ёки меҳнат мажбуриятларини бажариш билан боғлик тарзда саломатлигига зарар етказилганлигини сұғурта килишdir.

Шуни таъкидлаш керакки, Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексида ўз меҳнат вазифаларини бажариши муносабати билан ходимга етказилган зарарни коплаш кўрсатилган. Жумладан, Меҳнат кодексининг 189-моддасида ходимнинг соғлигига меҳнатда майиб бўлиши, касб касаллигига чалиниши ёки у ўз меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлик ҳолда соғлигининг бошқача шикастланиши сабабли етказилган зарарни иш берувчи тўлиқ ҳажмда тўлаши шартлиги белгилаб кўйилган. Мазкур хужжатнинг 192-моддасида эса ишлаб чиқаришдаги баҳтсиз ҳодиса оқибатида ходим вафот этган такдирда, иш берувчи томонидан етказилган зарар тўланиши шартлиги қайд этилади. Бу қоидалардан ходимга унинг ўз меҳнат вазифаларини бажариши муносабати билан соғлигига етказилган зарар учун иш берувчи жавобгар эканлиги яққол кўриниб турибди.

Ходимнинг иш берувчиининг ҳудудида ҳам, унинг ташкарисида ҳам меҳнатда майиб бўлиши, шунингдек, иш берувчи томонидан ажратилган транспортда иш жойига келаётган ёки ишдан қайтаётган вақтда шикастланиши натижасида етказилган зарар учун иш берувчи мөддий жавобгар бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 11 февралдаги 60-сонли қарори билан тасдиқланган "Ходимларга уларнинг меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлик ҳолда жароҳатланиши, касб касалликларига чалиниши ёки саломатликнинг бошқа хил шикастланиши туфайли зарарни тўлаш қоидалари"да ишлаб чиқаришдаги баҳтсиз ҳодисалар учун иш берувчининг айборлиги ёки жавобгарлигига қуйидагилар исботловчي далил бўла олади:

- баҳтсиз ҳодисани маҳсус текшириш далолатномаси;

- баҳтсиз ҳодиса ва ишлаб чиқаришда соғлиққа етказилган бошқа хил шикастлар түғрисида далолатнома;
- суд қарори;
- мәхнатни муҳофаза қилиш ва мәхнат түғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини, соглиққа етказилган зарар сабабларини, назоратни амалга оширувчи давлат мәхнат техник инспектори ёхуд бошқа мансабдор шахслар (органдар)нинг хулюсаси;
- касб қасаллиги түғрисида тиббий хулоса;
- айбдор шахсларга маъмурий ёки интизомий жазо бериш түғрисидаги қарор;
- қасаба уюшмаси қўмитаси ёки корхона ходимларининг бошқа ваколатли органи қарори.

Мәхнат кодексининг 190-моддасида ходимнинг соғлиғига шикаст етказилганлиги муносабати билан тўланиши лозим бўлган зарар миқдори жабрланувчининг мәхнатда майиб бўлишига қадар олган ўртача ойлик иш ҳақига нисбатан фоиз ҳисобида, унинг қасбга оид қобилиятини йўқотганлик даражасига мувофиқ белгиланадиган ҳар ойлик тўловдан, соғлиғига шикаст етиши билан боғлиқ қўшимча харажатларнинг компенсациясидан, шунингдек, айрим ҳолларда эса, бир йўла бериладиган нафака тўлашдан иборат эканлиги белгилаб қўйилган. Бунда ходимнинг соғлиғига шикаст етказилганлиги муносабати билан бир йўла бериладиган нафақанинг миқдори жабрланувчининг йиллик иш ҳақидан, ходимнинг вафоти муносабати билан бир йўла бериладиган нафақанинг миқдори эса мархумнинг б йиллик ўртача иш ҳақидан кам бўлиши мумкин эмаслиги кўрсатилган (194- модда).

Жабрланувчига етказилган зарар қўйидаги манбалардан тўланиши белгилаб қўйилган:


- бюджет ташкилотлари ва муассасаларида — қонун ҳужжатларига мувофиқ, давлат бюджети маблағларидан;
- бошқа иш берувчилар томонидан — уларнинг ўз маблағларидан.

Аммо иш берувчининг ҳамиша ҳам ходимнинг соғлиғига шикаст етказилганлиги ёки унинг вафоти муносабати билан бериладиган нафақани тўлашга қурби етмаслиги ёхуд ана шундай харажатлар иш берувчи фаолиятига жиддий равишда таъсир кўрсатиши мумкин. Шунинг учун ҳам “Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш түғрисида”ги Қонунда барча ишлар

берувчиларга ходимнинг ўз меҳнат вазифаларини бажариши билан боғлиқ ҳолда меҳнатда майиб бўлиши, касб касаллигига чалиниши ёки соғлигининг бошқача тарзда шикастланиши муносабати билан сугурта ҳодисаси юз берганда, сугурта муҳофазаси тақдим этиш кўзда тутилади. Бу ўринда:

Сугурта ҳодисаси — иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта килиш шартномасининг амал килиши даврида ходим ўз меҳнат вазифаларини бажариши билан боғлиқ ҳолда меҳнатда майиб бўлиши, касб касаллигига чалиниши ёки соғлигининг бошқача тарзда шикастланиши муносабати билан ходимнинг ҳаёти ёхуд соғлигига етказилган зарарнинг ўрнини коплаш бўйича иш берувчининг фуқаролик жавобгарлиги вужудга келганлиги белгиланган тартибда тасдиқланган фактдир.

Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта килиш субъектлари — иш берувчи, иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта килиш бўйича сугурталовчи, аниуитетлар шартномаси бўйича сугурталовчи, жабрланувчи ва наф олувчидир (6.1-расм).



6.1-расм. Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта килиш субъектлари

Аниуитетлар шартномаси бўйича сугурталовчи — ҳаётни сугурта килиш соҳасида фаолиятни амалга оширувчи юридик шахс хисобланади.

Жабрланувчи — ўз меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда меҳнатда майиб бўлиши, касб касаллигига чалиниши ёки соғлигининг бошқача тарзда шикастланиши муносабати билан соғлигига зарар етказилган, суғурта товонини олиш хуқуқига эга бўлган ходим ҳисобланади.

Наф оловчи — ходим ўз меҳнат вазифаларини бажариши билан боғлиқ ҳолда вафот этган тақдирда, суғурта товонини олиш хуқуқига эга бўлган шахсdir²⁷.

Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш жараёнини шартли равишда икки босқичга бўлиш мумкин. Унинг биринчи босқичи мажбурий суғурта қилиш шартномаси тузилгандан бошлаб суғурта ҳодисаси рўй бергунча ёки мажбурий суғурта қилиш шартномаси муддати тугагунча давом этади. Иккинчи босқич мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурта ҳодисаси рўй берган вактдан бошланади.

Биринчи босқичда суғурта қилиш муносабатларида фақат мазкур суғуртани амалга оширадиган суғурталовчи ва иш берувчи иштирок этади. Ушбу босқичда мажбурий суғурта қилиш тўғрисидаги шартнома имзоланади ҳамда мазкур шартнома бўйича шартлашилган ҳақ (суғурта мукофоти) тўланади. Шартномага мувофиқ суғурталовчи суғурта ҳодисаси юз берганда иш берувчига ва (ёки) жабрланувчига ёхуд наф оловчига ходим ўз меҳнат вазифаларини бажариши билан боғлиқ ҳолда меҳнатда майиб бўлиши, касб касаллигига чалиниши ёки соғлигининг бошқача тарзда шикастланиши муносабати билан унинг ҳаёти ёки соғлигига етказилган зарарнинг ўрнини шартлашилган иш ҳаки (суғурта мукофоти) эвазига суғурта пули доирасида коплаш мажбуриятини олади.

Қонунда иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномаси бир йил муддатга тузилиши, агар иш берувчининг фаолияти бир йилдан кам бўлган муддатда амалга ошириладиган бўлса, мазкур фаолиятни амалга оширадиган муддат учун тузилиши белгилаб қўйилган.

Юқорида қайд этилганидек, иккинчи босқич иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномасига мувофиқ суғурта ҳодисаси рўй берган вактдан бошланади. Бу босқичда мажбурий суғурта қилиш бўйича ўзаро муносабатлар

²⁷ Ўзбекистон Республикасининг “Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиши тўғрисида”ги Конуни (З-модда).

субъектлари қаторига жабрланувчи, аннуитетлар шартномаси бўйича сұғарталовчи ва наф оловчи кўшилади.

Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлиги бўйича мажбурий сұғурта қилиш бўйича сұғурта товони:

— жабрланувчи меҳнатда майиб бўлгунига қадар олган ўртача ойлик иш ҳақига нисбатан фоиз ҳисобида, унинг касбга оид меҳнат қобилиятини йўқотганлик даражасига мувофиқ белгиланадиган ҳар ойлик тўлови ёки касб касаллиги аниқлангунига қадар олган ўртача ойлик иш ҳақига нисбатан фоиз ҳисобида белгиланадиган ҳар ойлик тўлови;

— мархумнинг ўртача ойлик иш ҳақи миқдоридаги, унинг ўзига ва қарамоғида бўлган, лекин етказилган зарарнинг ўрни қопланишига ҳакли бўлмаган, меҳнатга қобилиятли шахсларга тўғри келадиган улуш чегириб ташланган ҳолдаги ҳар ойлик тўлови;

— қонун хужжатларида белгиланган ҳолатларда жабрланувчига ёки наф оловчига бир йўла бериладиган нафақа тўлови;

— ходим вафот этган тақдирда, иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сұғурта қилиш шартномасида белгиланган миқдорда дағн этиш харажатлари;

— иш берувчининг кўшимча харажатларни қонун хужжатларига мувофиқ компенсация қилиш тарзида амалга оширилади.

Меҳнатни муҳофаза қилиш, энг аввало, ходимлар ҳаёти ва соғлигини саклашдир. Афсуски, бугунги кунда меҳнат хавфсизлиги таъминланмаётганлиги, иш ўринларининг қоникарсиз ахволда эканлиги оқибатида ишлаб чиқаришда шикастланиш, касб касалликларига чалиниш, ҳалок бўлиш ҳолатлари юқори даражада сакланиб турибди.

Мамлакатда меҳнат фаолияти оқибатида касб касалликларидан вафот этиш ҳолатлари рўйхатга олинмайди. Ҳалқаро меҳнат ташкилоти эксперталарининг ҳисоблаб чиқишлиарича, ишлаб чиқаришда касб касалликларига чалиниш ва унинг оқибатида вафот этиш 1:20 нисбатига тенг, яъни ишлаб чиқаришда баҳтсиз ҳодиса оқибатида рўйхатга олинган ҳар бир вафот этиш ҳолатига ишлаб чиқариш омиллари билан боғлиқ яна 20 та вафот этиш ҳолатлари тўғри келади.

Халқаро мәхнат ташкилоти экспер特ларининг маълумотларига қараганда, ишлаб чиқаришдаги шикастланишлар ва касб касалликларидан иқтисодий йўқотишлар жаҳон ялпи маҳсулоти ҳажмининг 4 фоизини ташкил этади. Бу жаҳон ялпи маҳсулоти ҳажмининг ҳар йиллик ўсиши миқдорига tengdir. Ривожланаётган мамлакатларда эса ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар оқибатидаги йўқотиш ялпи ички маҳсулот ҳажмининг 10 фоизига teng.

Бироқ мәхнатни муҳофаза қилишдаги камчиликлар оқибати фақат иқтисодий йўқотишларгагина олиб келмайди. Ана шу муаммонинг ижтимоий оқибатлари янада аянчлидир.

Ноқулай мәхнат шароитлари сабабли ходим мәхнат жараёнида кучли зўриқишига дучор бўлади. Бунинг оқибатида ходимда умуман мәхнат фаолиятига салбий муносабат шакллана бошлайди. Ноқулай мәхнат шароитлари ходимнинг иш қобилияти, демак мәхнат унумдорлигига ҳам жиддий салбий таъсир кўрсатади.

Заарли ва хавфли мәхнат шароитлари иш вақтининг кўплаб йўқотилишига ҳам сабаб бўлади. Ана шундай шароитларда мәхнат фаолияти билан шуғулланиш кўшимча танаффуслар бериш, дам олишга кўпроқ вакт ажратиш заруратини туғдиради. Шу сабабли мәхнат қонунчилигига заарли ва хавфли мәхнат шароитларида банд бўлган ходимларнинг иш ҳақи сақлангани холда уларга қисқартирилган иш куни белгилаб кўйилган.

Шу билан бирга, мәхнат жараёнида майиб бўлиш ва касалланиш ходимларга кўшимча таътиллар бериш заруратини ҳам туғдиради.

Ноқулай мәхнат шароитлари кўп ҳолларда сифатсиз маҳсулот ишлаб чиқаришга, шунингдек, кадрлар қўнимсизлиги ортишига олиб келади. Бу ҳам пировард натижада иш вакти йўқотилишининг ортиши ва мәхнат унумдорлиги пасайишидан далолат беради. Хавфли мәхнат шароитларида ишлаганлик учун мәхнатга ҳақ тўлаш даражаси оширилиши, кўшимча таътиллар, касалланиш учун ҳақ тўланиши, мажбурий ижтимоий суғурта учун тўловлар ва ҳоказолар ҳам иқтисодий йўқотишлардир.

Бундан ташқари, мәхнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги талабларига риоя этилмаганлик учун жарималар тўлаши, авария оқибатларини бартараф қилиш, судлар томонидан жабрланувчиларга етказилган маънавий зарарни қоплаш тўғрисидаги қарорлар ижроси юзасидан тўловларни амалга ошириш ҳам кўшимча

харажатлар килишга мажбур этади. Буларнинг ҳаммаси эса маҳсулот таннархи ортишига, фойда камайишига ҳамда ишлаб чиқариш реитабеллиги пасайишига олиб келади.

Халқаро меҳнат ташкилоти бу жиддий салбий оқибатларни хисобга олган ҳолда, 2003 йилда “Меҳнатни муҳофаза қилиш глобал стратегияси” алоҳида ҳужжатини қабул килди. Унинг моҳияти миллий даражада меҳнатни муҳофаза қилишни, бевосита техника ҳавфсизлигини бошқаришни такомиллаштириш йўли билан ишлаб чиқаришда баҳтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш (қисқартириш)га каратилган профилактика тадбирларини жорий этишга кўмаклашишдир.

Халқаро меҳнат ташкилоти мазкур ташкилотга аъзо мамлакатларга меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида миллий дастурларни ишлаб чиқиши тавсия этган. Бу дастурлар куйидагиларни камраб олиши мумкин:

— энг олий даражада эътироф этилган меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича миллий сиёsat;

— меҳнатни муҳофаза килиш соҳасидаги муаммолар, вазифалар, уларни бажариш муддатлари ва ижро учун масъуллар, тегишли молиялаштириш манбалари ҳамда бошқалар аниқ белгилаб кўйилган миллий стратегияни ишлаб чиқиш;

— миллий режа ёки харакат дастурларини қабул килиш, улар шунингдек, тармок ва минтақавий бўлимлардан иборат бўлиши мумкин.

Мазкур масалаларни ҳал этиш жуда катта саъй-харакат, янада кўпроқ моддий ва молиявий ресурсларни талаб қиласи. Масалан, Европа Иттифоки эксперtlарининг тадқиқотларига кўра, бу минтақавий ҳамжамиятга аъзо 15 мамлакатда ишлаб чиқаришдаги баҳтсиз ҳодисалар сабабли тўланган компенсациялар миқдори йилига 55,0 млрд. евродан кўпроқни ташкил этмоқда.

Ҳар бир корхонада ҳам меҳнат шароитларининг аҳволи ва уларнинг иш билан банд ҳодимларга таъсири даражасига қараб муайян сарф-харажатлар қилинади. Уларни уч гурухга таснифлаш мумкин:

1. Меҳнатни муҳофаза қилишни яхшилаш, техника ҳавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ тадбирларни жорий этиш учун сарф-харажатлар.

2. Ноқулай меңнат шароитларининг олдини олиш ҳамда уларнинг ходимларга етказган заарини коплаш билан боғлиқ харажатлар.

3. Ноқулай меңнат шароитлари оқибатларини бартараф этиш билан боғлиқ харажатлар.

Корхонада ана шу мақсадларга сарфланаётган харажатлар таркиби ва миқдорининг таҳлили кўп ҳолларда жорий сарф-харажатлар жамоа шартномасида кўзда тутилган тадбирлар учун белгиланган харажатлар миқдоридан деярли икки баробар кўп бўлишини кўрсатади. Бунинг асосий сабаби жамоа шартномаларида, асосан, ноқулай меңнат шароитлари манбаларини бартараф этиш тадбирлари белгиланганидир.

Бундан ташқари, айрим корхоналарда катта миқдордаги маблағлар ишлаб чиқаришга санитария-гигиена соҳасидаги энг сўнгги фан ва техника ютуқларини жорий килишга эмас, балки ишлаб чиқариш обьектлари, технологик жиҳозлар ҳамда машина-ускуналарини лойиҳалаш пайтида йўл кўйилган камчилик ва нуқсонларни бартараф этишга сарф қилинади.

Молиялаштиришдаги яна бир жиддий камчилик — меңнат шароитларини яхшилаш учун сарф-харажатлар миқдорининг кўп ҳолатларда иш ўринларини аттестация қилиш, комиссиялар текширишлари натижалари, меңнатни муҳофаза қилиш хизматлари таклифларидан келиб чиқадиган эҳтиёжга қараб эмас, балки аввалги йиллардаги даражада белгиланишидир.

Меңнат шароитларини яхшилаш учун харажатлар таркибида ноқулай меңнат шароитларида ишлаганлик ва бунинг оқибатида етказилган заарни қоплаш учун харажатлар жами харажатларининг 75 фоизини ташкил этади. Ҳолбуки, меңнат шароитларини яхшилаш учун харажатлар эса мазкур мақсадга сарфланадиган барча маблағнинг атиги 25 фоизига тенгdir.

Меңнат шароитларини яхшилаш ва меңнатни муҳофаза қилишни молиялаштириш қонунчиликда белгиланган тартибда республика бюджети, маҳаллий бюджетлар ҳамда бюджетдан ташқари манбалар ҳисобидан молиялаштирилади. Корхоналар эса меңнатни муҳофаза қилиш учун меңнат шартномасида белгиланган миқдорда маблағ ажратишлари керак. Агар бундай шартнома тузилмаган бўлса, бу маблағ миқдори иш берувчи билан касаба уюшмаси ташкилоти ёки ходимларнинг бошка вакиллик органи ўртасидаги келишувга мувофиқ белгиланади. Корхоналар хўжалик, тижорат, ташки

иқтисодий фаолиятдан, шунингдек, бошқа манбалардан олган фойдалари (даромадлари) хисобидан меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича марказлаштирилган фондлар ташкил этишлари мумкин. Бунда корхона фойдасидан меҳнатни муҳофаза қилиш фондига йўналтирилаётган маблағ солиқка тортилмайди.

Корхона меҳнатни муҳофаза қилиш талаблари бажарилмаганлиги учун ишлаб чиқаришда баҳтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан ижтимоий суғурта қилиш мақсадларига оширилган тарифлар бўйича тўловларни амалга оширадилар. Бу тарифлар корхонадаги меҳнат шароити, унинг хавфлилиги, заарарлилиги ва оғирлигига қараб вақти-вақти билан қайта кўриб чиқлади.

6.2. Меҳнатни муҳофаза қилиш тадбирларининг ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини баҳолаш.

Меҳнат шароитлари ва меҳнатни муҳофаза қилишни яхшилашга қаратилган тадбирларнинг иқтисодий самарадорлиги бўйича турли нуқтаи назарлар мавжуд. Бу қарашларнинг айримларида инсон саломатлигини баҳолашда иқтисодий кўрсаткичларни асос қилиб олиш нотўғри эканлиги уқтирилади. Ана шуғоя тарафдорлари мазкур масалада факат ижтимоий самара тўғрисида гап бориши мумкин, инсон саломатлиги учун қанча маблағ талаб этилса, шунча сарф қилиш керак, деб хисоблайдилар.

Тараққий этган давлатларда ҳозирги пайтда “Иш берувчи меҳнат хавфсизлиги учун сарфланаётган харажатларини тежаш даражасида бой эмас”, деган фикр устувор. Бу иш берувчиларни баҳтсиз ҳодисалар оқибатларини бартараф қилиш билан боғлиқ бевосита харажатлар эмас, балки компания ҳамда фирма нуфузига етказиладиган зарар кўпроқ ташвишга солади, деган нуқтаи назарга асосланади. Табиийки, ушбу мамлакатлардаги иш берувчиларни ҳам фойда олиш қизиқтиради, албатта. Лекин улар фойда олишни меҳнат шароитларини яхшилаш ҳисобига кўпайтириш мумкин, деган қарашга эгалар.

Агар бу нуқтаи назар қабул қилинадиган бўлса, меҳнат шароитларини яхшилаш ҳисобига эришиладиган иқтисодий самарадорликни ҳисоблаб ўтиришнинг хожати йўқ. Чунки ушбу мақсадлар учун сарф-харажатлар ходимлар саломатлигини сақлаш,

улар иш қобилиятыни ошириш, меңнат жараёнида уларга энг кулай шарт-шароитларни яратиб беришга йўналтирилган.

Албатта, меңнатни муҳофаза қилиш бўйича тадбирларнинг асосийси — меңнат кишиси тўғрисида ғамхўрлик қилиш, ижтимоий самарага эришишдир.

Ҳақиқатан ҳам, ижтимоий мақсад меңнат самарадорлигига ижобий таъсир кўрсатади, ишлаб чиқаришда шикастланиш ва касалланиш камаяди. Демак, ишлаб чиқариш самарадорлиги ортиши билан бир каторда, иш берувчиларнинг хавфли меңнат шароитида ишлаганлиги учун ходимларга имтиёзлар бериш ҳамда компенсациялар тўлашга сарф-харажатлари камаяди. Яъни иқтисодий самарадорлик ижтимоий самара билан узвий боғлиқдир.

Меңнатни муҳофаза қилиш тадбирлари иқтисодий самарадорлигини ҳисоблашнинг асосий мақсади энг кам моддий, меңнат, молиявий ресурслар сарф қилингани ҳолда, энг кўп ижтимоий самара олишдир. Бундан меңнат шароитларини ва меңнатни муҳофаза қилишни яхшилаш натижасида икки тарафлама — ҳам ижтимоий, ҳам иқтисодий самара олинади, деган хулоса чиқариш мумкин. Шунинг учун меңнатни муҳофаза қилиш билан боғлиқ иқтисодий чиқимларни фақат бундай харажатларни тежаш ходимларнинг ижтимоий аҳволини ёмонлаштиришга олиб келмайдиган ҳолатлардагина ҳисоб-китоб қилиш мумкин.

Фан ва амалиёт томонидан ишлаб чиқариш муҳитининг ҳолати ҳамда унинг ходим саломатлигига таъсирини сифат ва миқдор жиҳатидан баҳолашнинг турли усул ва мезонлари ишлаб чиқилган ҳамда улар бошқарув фаолиятида қўлланиб келинмоқда. Шу муносабат билан ушбу усул ҳамда мезонларнинг энг муҳимларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

1. Меңнат шароитларини ходимнинг меңнат жараёнидаги иш қобилияти ва зўриқиши динамикаси кўрсаткичлари бўйича баҳолаи. Мазкур услуб Меңнат илмий тадқиқот институти томонидан ишлаб чиқилган ҳамда меңнат шароитининг аҳволини таҳлил этишда фойдаланишга тавсия қилинган. Унинг моҳияти шундан иборатки, ходим иш қобилиятынинг ҳолати ва унинг ўзгаришини марказий асаб тизими ўзгаришига қараб баҳолаш мумкин. Чунки марказий асаб тизими инсоннинг меңнат жараёнидаги событқадамлик фаолиятини амалга оширишда интеграл функция вазифасини бажаради.

Ушбу усул ҳодимларнинг зўриқиши даражаси бўйича уларни уч гурухга ажратиш имконини беради:

- кичик зўриқиши — унча катта бўлмаган жисмоний ва руҳий-психологик босимлар;
- мўътадил зўриқиши — буни меҳнат ҳамда дам олишини оқилона қўшиб олиб бориш орқали бартараф этиш мумкин;
- кучли зўриқиши — инсон организми учун хавфли бўлган ҳаддан ташқари зўриқишидир.

2. *Меҳнат шароитларини омиллар таҳлили асосида таснифлаш*. Мазкур усул меҳнат шароитлари омилларининг белгиланган стандарт ва нормативларга мувофиқлиги, бу омилларнинг хавфли ҳамда заарли таъсирини ҳисобга олган ҳолда баҳолашга асосланган. Бунда қатор кўрсаткичлар асосида оғир ишларнинг олти гурӯҳи аниқланади. Уларга энг қулай шароитлардан тортиб, энг ноқулай, фавқулодда шароитларгача бўлган меҳнат шароитларининг олти гурӯҳи мос бўлади. Ана шу усулдан иш ўринларини меҳнат шароитлари бўйича аттестация қилишда, ноқулай меҳнат шароитларида ишлаганлик учун компенсация ҳуқуқини беришда фойдаланиш керак. Ушбу усул ҳам Меҳнат илмий тадқиқот институти томонидан ишлаб чиқилган.

3. *Касб ҳатарларини ноқулай меҳнат шароитларининг ҳодимга салбий таъсири оқибатлари бўйича баҳолаш*. Мазкур усул меҳнат қобилияти йўқотилиши давомийлиги ва оғирлигини (вақтинчалик ҳамда турғун), касб касалликларига чалиниш, шунингдек, ўлим кўрсаткичларини ҳисобга олишга асосланган. Бунда касб хавфларини таҳлил этиш ва баҳолаш Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган расмий статистика-хисобот ҳужжатлари асосида амалга оширилади.

Ишлаб чиқаришдаги шикастланиш ҳамда касб касалликларини баҳолаш усули ишлаб чиқаришда баҳтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий ижтимоий суғурта қилиш тизимида касб хавфларини баҳолашда, шунингдек, меҳнат шароитларини яхшилаш бўйича тадбирларни ишлаб чиқишида қўлланилади.

Мазкур йўналишдаги муаммоларни ҳал этишда илмий тадқиқот, конструкторлик, лойиҳа ташкилотлари муҳим роль ўйнашлари керак. Улар меҳнат фаолияти билан боғлиқ лойиҳа ҳамда ҳужжатлар ишлаб чиқилаётган пайтдаёқ фан-техника тараққиёти ютуқларини жорий

қилиш билан бирга, меҳнат шароитлари нормативлари ва талаблари ҳисобга олинишига алоҳида эътибор беришлари зарур.

Умуман олганда, санитария нормативларини ишлаб чиқиш XX асрнинг 20-йилларидан бошланган ва улар муттасил такомиллаштирилиб борилмоқда. Бу нормативларни ишлаб чиқиши учун кенг кўламли ишлар: тажриба ўтказишлар, клиника-статистика тадқиқотлари, иқтисодий ҳисоб-китоблар ва бошқа вазифалар амалга оширилади. Шу сабабли, жумладан, Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқилган ҳамда тасдиқланган санитария нормативлари замонавий талабларга тўлиқ жавоб беради. Улар кўпгина чет эл мамлакатларида қабул қилинган ана шундай санитария нормалари ва талабларидан меҳнат шароитларига кўйилган талабларнинг қатъйлиги билан фарқланади. Масалан, мамлакатимизда ҳамда АҚШда қабул қилинган санитария нормативларининг таққослама таҳлили 212 та кимёвий моддаларнинг 40 фоизи бўйича АҚШда бу моддаларнинг йўл қўйилиши мумкин бўлган концентрацияси мамлакатимиздагига қараганда 10 баравар ва ундан ҳам кўпроқ эканлигини, 15 фоизида эса бу 50 баравар ҳамда ундан ҳам кўпроқни ташкил этишини кўрсатди.

Шу билан бирга, лойиҳа ва конструкторлик ташкилотлари ишлаб чиқариш объектлари, машина-ускуналар ҳамда технологик жараёнларни лойиҳалашда меҳнатни ташкил этишни такомиллаштиришга қаратилган тадбирларни кўзда тутишга етарли даражада аҳамият бермайдилар. Бунинг сабаби, биринчидан, лойиҳалар қийматини оширмасликка интилиш бўлса, иккинчидан, меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги нормативлар ва талаблар умуман ҳисобга олинмаслигидир.

Шу сабабли кўпгина лойиҳалар экспертизасининг натижалари лойиҳа-техникавий хужжатларда машина-ускуналарни эргономика нуқтаи назаридан оқилона жойлаштириш, ходимнинг жисмоний ҳамда психологик зўриқиши кўрсаткичлари ҳисобга олинмаганлигидан далолат беради.

Меҳнат шароитларини яхшилаш тадбирлари иқтисодий самарадорлигининг асосий кўрсаткичлари қўйидагилардан иборат:

а) меҳнат унумдорлигининг ортиши. Бу маҳсулот ишлаб чиқариш учун меҳнат сарфининг камайиши, ходимлар сонининг нисбатан камайиши, ишлаб чиқариш ҳажми ортиши, иш вақтини тежаш каби кўрсаткичлар орқали аниқланади;

б) йиллик иқтисодий самара (харажатларни тежаш). Бу маҳсулот таннархини арzonлаштириш, сарф этилган маблағ бирлигига олинган фойданинг ортиши, бир йўла қилинган харажатлар қопланишининг муддати орқали аниқланади.

Меҳнат шароитларини яхшилаш бўйича тадбирлардан иқтисодий самара олишнинг асосий манбалари куйидагилардан иборат:

1. *Меҳнат унумдорлигини қуйидагилар ҳисобига ошириш:*

— ходимнинг иш қобилиятини нокулай меҳнат шароитлари оқибатидаги зўрикишини камайтириш ҳисобига ошириш, иш куни давомида бўш туриб қолиш вақтини қисқартириш ёки тўла бартараф этиш;

— маҳсулот ишлаб чиқаришга сарфланадиган меҳнатни нокулай меҳнат шароитлари оқибатидаги унумсиз меҳнат сарфини бартараф этиш ҳисобига камайтириш;

— иш вақти фонди самарадорлигини нокулай меҳнат шароитлари оқибатидаги шикастланишлар, касалланишлар сабабли вақтингчалик меҳнатга қобилиятсизликни камайтириш ҳисобига кўпайтириш;

— машина-ускуналардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш.

2. *Нокулай меҳнат шароитлари билан боғлиқ ўйқотишларни қуйидагилар ҳисобига камайтириши натижасида тежсанкорликка эришиш:*

— нокулай меҳнат шароитларида ишлаганлик учун имтиёз ва компенсацияларга харажатларни тежаш;

— нокулай меҳнат шароитлари сабабли иш кучи кўнимсизлигидан келтирилаётган заарни камайтириш;

— нокулай меҳнат шароитлари сабабли сифатсиз маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини камайтириш ҳисобига харажатларни қисқартириш.

Тежашнинг барча турларини ҳисоблаб чиқиш учун меҳнат шароитларини яхшилаш бўйича тадбирлар жорий этилгунга қадар ҳамда жорий этилгандан сўтіг кўрсаткичларни баҳолаш имконини берадиган формуулалар ишлаб чиқилган. Мехнат шароитларини яхшилаш бўйича тадбирлар иқтисодий самарадорлигини аниқлаш услугиёти ишлаб чиқилганлиги, улар эълон қилинганлиги ва кенг муҳокамадап ўтганлигига қарамасдан, корхоналар амалий

фаолиятида бундай ҳисоб-китоблар амалга оширилмай келинмоқда. Бунинг қатор сабаблари бор:

— биринчидан, меңнат қонунчилигига мувофиқ, меңнат шароитлари даражаси давлат норматив талабларига жавоб бермайдыган корхоналарда бу шароитларни яхшилаш тадбирлари мазкур тадбирлар самарадорлигини дастлаб ҳисоб-китоб қилмасдан амалга оширилиши керак;

— иккинчидан, услугбий тавсияларда турли тадбирлар орасидан иқтисодий жиҳатдан энг самарадорини танлаб олиш кўзда тутилади. Амалиётда эса, одатда, бундай танлаш амалга оширилмайди;

— учинчидан, кенг кўламли бўлган тадбирларни жорий харажатлар ҳисобига амалга ошириш хўжалик фаолияти кўрсаткичларига умуман сезиларли таъсир кўрсатмайди ёки жуда кам таъсир кўрсатади.

Аксарият ҳолларда катта меңнат талаб қиласидан бундай ҳисоб-китобларни олиб бориш амалий аҳамиятга эга эмас. Чунки амалга оширилган тадбирларнинг меңнат унумдорлигини юксалтиришга таъсирини аниқлаш жуда мураккабdir. Бунинг учун маҳсус тадқиқотлар ва ўлчовлар олиб борилиши талаб этилади. Бундан ташқари, профилактика хусусиятига эга тадбирлар дархол ҳамда аниқ намоён бўладиган самара бермайди — уларнинг натижаси муайян муддат ўтгандан сўнг сезила бошланади.

Сўнгги вактларда меңнат шароитларини баҳолашда иқтисодий ёндашувга эътибор сезиларли даражада ортди. Мазкур мавзуга доир эълон қилинган қатор илмий ишларда меңнат шароитларининг корхона иқтисодиётига таъсири таҳлил этилган, бу таъсирининг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш усууллари таклиф қилинган. Аммо бу услугларнинг аксарияти муаммонинг ижтимоий моҳиятини четда колдириб, иқтисодий жиҳатларинигина ҳисобга олади. Иқтисодий самарадорлик харажатларни — нокулай меңнат шароитлари, қисқартирилган иш куни, қўшимча таътиллар учун устамалар ва бошқа устамалар миқдори, бу устамалар тўланадиган ходимлар сонини камайтиришни кўзлади.

Меңнат шароитларини яхшилашга қаратилган тадбирларнинг иқтисодий самараси билвосита хусусиятга эга. Чунки бу самара ходимлар учун кулай меңнат шароити яратилгандан сўнг намоён бўлади. Ижтимоий самара эса меңнат жараёнини амалга ошираётган ходимга кулайлик яратишга бевосита алоқадордир.

Меҳнат шароитлари ва меҳнатни муҳофаза қилишини яхшилаш бўйича тадбирларни жорий этишининг ижтимоий самарасини баҳолаш учун қўйидағи ижтимоий-иктисодий кўрсаткичлардан фойдаланиши мумкин:

1. Гигиена норматив талабларига мувофиқ бўлмаган иш ўринлари сонини қисқартириш:

$$\Delta K_{\text{ср}} = E_{\text{сгм}} / Ч_{\text{рм}},$$

бу ерда Эсгм — барча кўрсаткич бўйича меҳнатнинг гигиеник шароитларини яхшилашнинг ижтимоий самараси (тадбирлар жорий этилгандан сўнг гигиеник талабларга жавоб берадиган қанча иш ўринлари кўпайганлигини билдиради); Чрм — умумий иш ўринлари сони.

2) Гигиеник нормативларга мувофиқ бўлмаган шароитларда меҳнат қилаётган ходимлар сонини қисқартириш:

$$\Delta C_{\text{ср}} = E_{\text{ср}} / Ч_{\text{р}},$$

бу ерда Эср — барча кўрсаткич бўйича меҳнатнинг гигиеник шароитларини яхшилашнинг ижтимоий самараси (у тадбирлар жорий этилгандан сўнг гигиеник талабларга жавоб берадиган қанча ходимлар сони кўпайганлигини билдиради); Чр — ходимларнинг умумий сони.

3) Стандартлар ва норматив-техникавий талабларга мувофиқ ҳолга келтирилган машина-ускуналар, механизmlар ҳамда ишлаб чиқариш бинолари сонининг кўпайтирилиши:

$$\Delta K_{\text{мп}} = E_{\text{мп}} / Ч_{\text{мп}},$$

бу ерда Эмп — норматив талабларга мувофиқ ҳолга келтирилган машина-ускуналар, механизmlар, ишлаб чиқариш биноларининг сони ва салмоғи кўпайтирилишидан кўрилган ижтимоий самара; Чмп — машина-ускуналар, механизmlар, биноларнинг умумий сони.

4) Ишлаб чиқаришдаги шикастланишни камайтириш:

$$\Delta K_{\text{ч}} = \mathcal{E}_{\text{ч}} / Ч_{\text{р}}; \quad \Delta K_{\text{т}} = \mathcal{E}_{\text{т}} / N_{\text{т}},$$

бу ерда $\Delta K_{\text{ч}}$ — шикастланиш сонини камайтириш; $\Delta K_{\text{т}}$ — шикастланиш оғирлигини камайтириш; Эч, Эт — шикастланиш сони ва оғирлигини ўзгартиришдан кўрилган ижтимоий самара (у мазкур тадбирлар жорий этилишидан аввал бўлган аҳвол ҳамда жорий этилгандан кейинги ҳолат ўртасидаги фарқ сифатида хисоблаб чиқилади); Nт — хисобот йилидаги шикастланишлар сони.

1) Касалланишни камайтириш:

$$\Delta K_{\text{сз}} = \mathcal{E}_{\text{з}} / Ч_{\text{р}}; \quad \Delta K_{\text{тз}} = \mathcal{E}_{\text{тз}} / N_{\text{тз}}$$

бу ерда ΔK_3 — нокулай меңнат шароитлари сабабли вактингчалик меңнат қобилиятыни йүқотишга олиб келган касалланишлар сонини камайтириш; ΔK_3 — касалланиш давомийлигини камайтириш; Эз, Этз — касалланиш ҳолатлари сони ва давомийлигини камайтиришдан күрилган ижтимоий самара; N_3 — ҳисобот даврида касалланишлар сони.

6) Шикастланиш ёки касалланиш оқибатида ногирон бўлиш ҳолатлари сонини камайтириш:

$\Delta C_i = E_i / C_p$,

Бу ерда ΔC_i — ногирон бўлган шахслар сони; E_i — ногиронликни камайтириш ҳисобига күрилган ижтимоий самара (тадбирлар жорий бўлгунга қадар ҳамда жорий этилгандан сўнг ногирон бўлган ходимлар сони ўртасидаги фарқ орқали аниқланади).

7) Нокулай меңнат шароити сабабли кадрлар кўнимсизлигини камайтириш:

$\Delta K_{tek} = E_{tek} / C_p$,

бу ерда Этек — нокулай меңнат шароитлари оқибатида ўз ихтиёрига кўра ишдан бўшаш ҳолатларини камайтириш ҳисобига күрилган ижтимоий самара.

8) Кадрлар кўнимсизлигини камайтириш ҳисобига ҳар бир ходим ҳисобига иш вактини тежаш:

$\Delta K_{pt} = E_{sak} / C_p$,

бу ерда Эсак — кадрлар кўнимсизлиги оқибатидаги иш вакти йўқотилишини қисқартириш ҳисобига күрилган ижтимоий-иктисодий самара.

Моддий ишлаб чиқарши соҳалари корхоналари учун меңнат шароитлари ва меңнатни муҳофаза қилишини яхшилашнинг ижтимоий натижалари қўйидаги кўрсаткичлар бўйича иктисодий жиҳатдан баҳоланади.

1. Нокулай меңнат шароитлари оқибатидаги шикастланиш, касалланиш, кадрлар кўнимсизлиги билан боғлиқ ижтимоий йўқотишларни камайтириш ҳисобига норматив соғ маҳсулот ҳажмининг ўсиши:

$$E_1^M = \sum_{M=1}^H \Delta B_m N_C P_m$$

бу ерда ΔB_m — маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ўсиши; $N_C P_m$ — соғ маҳсулот нормативи.

$$\Delta B_m = (D_1 - D_2) V_p$$

бу ерда D_1 , D_2 — тадбирлар ўтказилгунга қадар ва ўтказилгандан сүнг нокулай мәхнат шароитлари оқибатида шикастланиш, касалланиш ҳамда кадрлар күнимсизлиги сабабли йўқотилган умумий иш кунлари; V_p — ҳар бир ходимнинг ўртача мәхнат унумдорлиги, P — натурал бирликлар.

2) Ишлаб чиқаришдаги нокулай мәхнат шароитлари оқибатида шикастланиш, касалланиш ва кадрлар күнимсизлиги туфайли мәхнат фаолиятини тўхтатган ходимларни алмаштириш билан боғлик бўлган янги кадрларни тайёрлаш ҳамда қайта тайёрлашни тежаш ҳисобига маҳсулот таннархининг арzonлаштирилиши ва фойданинг ортиши:

$$\mathcal{E}_2^M = C_{pp} Q_{np} + \chi_o Q_o,$$

бу ерда C_{pp} — шикастланиш ва касалланиш сабабли мәхнат фаолиятини тўхтатган ходимлар ўрнида ишлайдиганларни қайта тайёрлаш талаб этилган шахслар сонининг камайиши; Q_{np} — ходимларнинг малакасини ошириш учун тармоқ бўйича ўртача сарф-харажатлар; χ_o — мәхнат фаолиятини тўхтатганлар ўрнига қабул килинадиган ва ўқитилиши керак бўлган шахслар сонининг камайиши; Q_o — янги қабул қилинган ходимни ўқитиш учун тармоқ бўйича ўртача сарф-харажатлар.

3) Мәхнат шароитлари яхшиланиши натижасида мәхнат унумдорлиги ортиши билан боғлик равища норматив соғ маҳсулотнинг кўпайиши:


$$\mathcal{E}_3^M = \sum_{M=1}^H \Delta B_m^P HCP_m$$

бу ерда ΔB_m^P — мәхнат шароитлари яхшиланиши натижасида мәхнат унумдорлиги ортиши билан боғлик равища маҳсулот ҳажмининг кўпайиши.

$$\Delta B_m^P = C_{sp} V \Delta P,$$

бу ерда C_{sp} — ходимларнинг рўйхатдаги ўртача сони; V — брак чегириб ташланган ҳолда йил давомида ишлаб чиқилган маҳсулот; ΔP — мәхнат шароитларини яхшилаш ҳисобига мәхнат унумдорлигининг ортиши.

Иқтисодиёт ҳамиша сарфланган маблағ миқдори билан боғлик бўлади. Шунинг учун иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларига куйидагилар ҳам тааллуклидир:



6.2-расм. Мехнатни мухофаза қилиш бўйича тадбирлардан ижтимоий ва иқтисодий самаранинг шаклланиши

- авариялар, ёнгин чиқишлиари, шикастланиш ва касалланиш оқибатида меҳнат қобилиятини йўқотиш билан боғлиқ харажатларни камайтириш;
- меҳнат шароитларини яхшилаш натижасида меҳнат унумдорлиги ўсиши ҳисобига олинган фойда;
- нокулай меҳнат шароитлари билан боғлиқ кадрлар қўнимсизлигини камайтириш ҳисобига харажатларни қисқартириш;
- машина-ускуналардан фойдаланиш жараёнида жамоавий ҳимоя воситалари сифатида ишлатиладиган хом ашё, материаллар, электр энергиясини тежаш;

— заарли меҳнат шароитларида ишлаганлик учун ходимларга имтиёз ва компенсациялар бериш билан боғлиқ харажатларни камайтириш ва ҳоказолар.

Мамлакатда меҳнат шароитларини яхшилаш, ишлаб чиқаришда шикастланиш ҳамда касб касалликларини камайтиришга қаратилган тадбирларни амалга ошириш учун ажратилаётган маблағлардан фойдаланиш катта ижтимоий самара бериши билан бир қаторда, иктиносий самарадорликни ҳам таъминлайди. Бу ходимларнинг ишлаб чиқаришдаги фаоллиги ва ташаббускорлиги, меҳнат унумдорлиги ортишини таъминлайди, ишлаб чиқаришдаги шикастланиш, касб касалликлари ҳамда нокулай меҳнат шароитлари сабабли кадрлар қўнимсизлигини камайтириш билан боғлиқ, шунингдек, имтиёз ва компенсациялар харажатларини қисқартириш имконини беради (6.2-расм).

Эксперталарнинг ҳисоблаб чиқишларига кўра меҳнат шароитларини яхшилашга йўналтирилаётган тадбирлар меҳнат унумдорлигини ўртacha 6-25 фоиз ва ундан ҳам кўпроқка ошириш имконини беради. Масалан, иш ўринларини қуёш орқали ёритиш меҳнат унумдорлигини 10 фоиз, оқилона сунъий ёритиш эса 6-13 фоиз оширади. Бунда айрим ишлаб чиқаришларда брак маҳсулот тайёрлаш 25 фоиз камаяди. Иш ўринларини тўғри ташкил этиш меҳнат унумдорлигини 25 фоиз, мусикадан тўғри фойдаланиш 12-14 фоиз, хоналарнинг тўғри бўялиши эса 25 фоизгача кўплайтиради.

Аксинча, йўл кўйиш мумкин бўлган даражадан ортиқча бўлган шовкин меҳнат унумдорлигининг 20 фоиз, ҳароратнинг юкорилиги эса иш кобилиятининг 40 фоиз камайишига сабаб бўлади.

Ходимларнинг шикастланиш ва касалланиш оқибатидаги вактинча меҳнатга қобилиятсизлиги ҳам катта йўқотишларга олиб келиши ҳисоблаб чиқилган. Улар ишлаб чиқаришдаги умумий иш вакти йўқотилишининг ўртacha 60-80 фоизини ташкил этади.

Нокулай меҳнат шароитлари ходимларни ўз ихтиёрлари бўйича ишдан бўшаашларига олиб келади. Социологик тадқиқотлар натижалари кадрларнинг бундай қўнимсизлиги саноатда ўртacha 20 фоизга, қурилишда эса 25 фоизга етишини кўрсатди.

Зарарли меҳнат шароитларида ишлагани учун ходимларга бериладиган имтиёзлар ва компенсация тўловларини камайтириш меҳнатни муҳофаза килишга сарфланаётган маблағларни тежашнинг энг муҳим моддасидир. Амалдаги конунчиликда белгилаб қўйилган

бу имтиёз ва компенсациялар турлари ана шундан яққол далолат беради.

Нокулай меңнат шароитида ишлагани учун:

- тариф ставкалари ва хизмат маошлари 4-24 фойз оширилади;
- иш куни б соат қилиб белгиланади;
- 6-36 кунгача қўшимча таътил берилади;
- пенсияга чиқиш ёши 5 ва 10 йилга камайтирилади;
- аёллар ҳамда ўсмирларга алоҳида имтиёзлар берилади;
- бепул сут ва озиқ-овқат берилади;
- ходимлар шахсий ҳамда жамоавий ҳимоя воситалари билан таъминланади.

Меңнат шароитларини яхшилаш ижтимоий таъминот фонди ҳисобидан сарф-харажатларни ҳам қуидагилар ҳисобига камайтириш имконини беради:

- касалланиш даври учун ҳак тўлаш;
- касалхоналар ва санаторий-курортларда даволаниш учун харажатлар;
- биринчи тиббий ёрдам кўрсатишида бериладиган доридармонлар;
- жабрланувчиларга ёки уларнинг оиласларига бир йўла нафақа бериш, бепул протез қилиш, дағн этиши харажатлари ва ҳоказолар.

Энг асосий иқтисодий самара эса корхона барқарор фаолият кўрсатишини таъминлашdir. Ходимларга қулай меңнат шароити яратилган бўлса, қуидаги чиқимларга барҳам бериш ёки уларни жиддий равишда камайтириш мумкин:

- ходимлар меңнат қобилиятини йўқотганликлари сабабли машина-ускуналарнинг бекор туриб қолиши;
- брак маҳсулот ишлаб чиқаришнинг камайиши;
- меңнат унумдорлигининг ортиши;
- нокулай меңнат шароитларида ишлаганликлари учун ходимларга турли тўловларни камайтириш.

Шунинг учун корхоналарда меңнат шароитини ва меңнатни муҳофаза қилишни тубдан яхшилаш ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий самара беради. Иш берувчи учун бу маҳсулот таннархини арzonлаштириш, қўшимча фойда олиш, мажбурий ижтимоий сугурта қилиш тўловлари харажатларини қисқартириш бўлса, энг асосийси —

ходимлар саломатлиги ҳамда меҳнат қобилиятини сақлаш, иш кучи самарали тақрор ҳосил қилинишига эришишдир.

6.3. Иш берувчиларни хавфсиз меҳнат шароитлари яратиши учун иктиносидий жиҳатдан рағбатлантириш

Амалдаги қонуңчиликда ходимларга норматив талабларга мос иш ўринларини яратиш масъулияти тўла-тўқис иш берувчи зиммасига юклатилган. Бу, жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси, Жиноят кодекси, “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонун ва бошқа қонун хужжатларида белгилаб кўйилган.

Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги қонунбузарликлар учун иш берувчи ҳамда мансабдор шахслар интизомий, маъмурий, моддий ва жиноий жавобгарликка тортилишлари мумкин.

Интизомий жавобгарлик дейилганда айбор шахсга огоҳлантириш, ҳайфсан бериш ҳамда уни ишдан бўшатиш тушунилади. *Маъмурий жавобгарлик* айбор шахсга энг кам иш ҳақининг 50 баробаридан 100 баробаригача бўлган миқдорида жарима солишини кўзда тутади. *Жиноий жавобгарликда* айбор шахс бир йил муддатгача озодликдан маҳрум этилиши, ана шу муддатга меҳнат-тузатиш ишларига жалб этилиши, энг кам иш ҳақининг 500 баробаригача бўлган миқдорда жарима тўлаши ёки эгаллаб турган лавозимидан озод этилиши мумкин.

Ишлаб чиқаришдаги баҳтсиз ҳодисалар ёки касалликларига чалиниш натижасида етказилган моддий зарар *моддий жавобгарликни* келтириб чиқаради. Бу моддий зарар айбор шахслардан сугурта қилиш органлари томонидан муайян миқдорда пул ундириб олиш тарзида амалга оширилади.

Мазкур чораларнинг ҳаммаси меҳнатни муҳофаза қилиш самарали тизимини ташкил этиш учун зарур бўлса-да, мажбурий-жазоловчи хусусиятга эга. Иш берувчи иш ўрнида ҳамиша ҳам хавфсиз меҳнат шароитларини яратиш имкониятига эга эмас ёки бундай шароитларни мустакил яратишни хоҳламайди. Шу сабабли тегишли органлар томонидан улар устидан қўшимча назорат талаб этилади. Ушбу органлар ҳар бир иш ўрнидаги аҳвол тўғрисида аник тасаввур ҳосил қилиши учун барча ҳуқуқقا эга бўлиши керак. Улар иш берувчи (муайян ҳолатларда маҳсулот ишлаб чиқарувчи ёки импорт қилиувчи)ни ўз мажбуриятларини бажаришга мажбур этиш

учун тегишли чоралар кўришлари талаб этилади. Аксарият ҳолларда бу маъмурӣ жарима белгилаш чораси билан чегараланади.

Бироқ ана шундай мажбурий чоралар қаторида иқтисодий жиҳатдан разбатлантирувчи чоралар ҳам бўлиши шарт. Рағбатлантирувчи чоралар иш берувчининг ўз хўжалик субъектида хавфсиз меҳнат тизимини ташкил этишдан манфаатдорлигини оширишга хизмат қилиши керак.

Меҳнатни муҳофаза қилиш муаммолари билан шуғулланувчи тадқиқотчиларнинг аксарияти рағбатлантирувчи омилларнинг аҳамияти катта эканлигига эътиборни каратадилар. Ҳақиқатан ҳам, меҳнатни муҳофаза қилиш ва ҳодим саломатлигини таъминлашнинг бутун тизими жазолаш мақсадларига эмас, балки ишлаб чиқаришдаги баҳтсиз ходисаларнинг олдини олишга йўналтирилган бўлиши зарур. Жазо эса мавжуд тизим нотўғри ишлаётганини кўрсатади.

Меҳнатни муҳофаза қилишни молиялаштириш, сарф-харажатларнинг самараదорлиги кўп жиҳатдан корхона раҳбарлари ва иш берувчиларни иқтисодий жиҳатдан рағбатлантиришга боғлик. Иш берувчини меҳнат шароитларини яхшилаш учун маблағ ажратишга мажбуrlаш эмас, балки рағбатлантириш мухим. Лекин бу мақсадларга маблағ ажратишнинг ўзи етарли эмас. Шу билан бирга, иш берувчи меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича фаол иш олиб бориши, мазкур тизимни такомиллаштиришдан манфаатдор бўлиши керак.

Бозор иқтисодиёти шароитида меҳнат шароитлари ва меҳнатни муҳофаза қилишни яхшилаш учун иқтисодий рағбатлантириш омилларини шакллантиришга ҳам янгича ёндашувлар талаб этилади. Бугунги кунда иқтисодий рағбатлантириш масаласи тадбиркор манфаатларини ифода этишга қаратилиши керак. Шундагина иш берувчи меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги ишларни яхшилаш унга иқтисодий фойда келтиришини билган ҳолда, бу йўналишда фаол иш олиб боради. Буни жўнгина килиб айтганда, иш берувчи ўзи томонидан меҳнатни муҳофаза қилиш мақсадларига сарф килгани харажатлари у оладиган фойдадан кам бўлиши зарур.

Корхоналарга меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги қонунчилик ва норматив-хуқуқий ҳужжатлар талабларини бажариш, меҳнат хавфсизлигини таъминлаш манфаатли бўлиши даркор. Аммо иш берувчилар, корхоналар раҳбарлари оддий ҳақиқат хисобланган бу масалага қуйидаги сабабларга кўра зарур даражада аҳамият бермаяптилар:

- бахтсиз ҳодисалар статистикаси таҳлил этилмайди;
- бахтсиз ҳодисаларга сарф-харажатлар хисоб-китоб килинмайди;
- факат кўрилган моддий заар (бино, иншоотлар, машина-ускуналар, асбоб-ускуналар ва ҳоказоларга етказилган заар) хисобга олинади;
- билвосита харажатлар ва бой берилган фойда хисобга олинмайди;

— бахтсиз ҳодисалар билан боғлик харажатлар хўжалик юритувчи субъектнинг бошқа кўрсаткичлари билан такқосланмайди.

Бахтсиз ҳодисалар билан боғлик харажатлар корхонага қимматга тушади. Агар ишлаб чиқаришда хавфсизлик таъминланса, уларни жиддий равишда қисқартириш ёки умуман бундай харажатларга йўл кўймаслик мумкин.

Ишлаб чиқаришдаги ҳар бир бахтсиз ҳодиса бевосита ва билвосита харажатларга олиб келади.

Бевосита харажатларга куйидагилар киради:

- жабрланувчининг бахтсиз ҳодиса рўй берган кундаги иш ҳақи;
- бахтсиз ҳодиса сабабларини текшириш бўйича комиссия аъзолари меҳнатига ҳақ тўлаш;
- жарималар тўлаш билан боғлик харажатлар ва бошқалар.

Билвосита харажатлар куйидагилардан иборат:

- персонал иш вақтининг йўқотилиши;
- машина-ускуналар, асбоб-ускуналар, хом ашё, тайёр маҳсулотга етказилган заар, ишлаб чиқаришнинг тўхтаб қолиши;
- ҳодиса рўй берган жойда хавфсизликни таъминлаш учун харажатлар;
- бахтсиз ҳодиса муносабати билан ўз меҳнат фаолиятини тўхтатган бошқа ходимларнинг иш вақти;
- бой берилган фойда;
- ижтимоий сугурта килиш фонди сугурта тарифи (бадал) миқдорининг кўпайтирилиши ва ҳоказолар.

Шуни таъкидлаш керакки, билвосита харажатлар бевосита харажатларга қараганда анча кўп. Иш берувчи буни ҳамиша ёдда тутиши зарур.

Меҳнатни муҳофаза килиш соҳасида давлатнинг ўрни нимадан иборат?

Айрим мутахассислар бу масалада Ғарб мамлакатлари амалиётига риоя этиш тарафдорларидир. Маълумки, бу давлатларда иш берувчилар билан ходимлар ўртасидаги муносабатларда ўзаро келишув қарор топган. Шунинг учун, юқоридаги гоя тарафдорларининг ҳисоблашларича, меҳнатни муҳофаза қилиш фақат давлат зиммасида бўлса, иш берувчилар, умуман олганда, ходимларнинг ўzlари ҳам хавфсиз меҳнат шароитларини яратишдан бирор манфаатдорлик сезмайдилар.

Давлат меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида ходимларнинг меҳнат хавфсизлиги ва меҳнат гигиенасига жавоб берадиган шароитларда ишлаш конституциявий ҳуқукининг кафолати эканлиги иқтисодий рагбатлантириш усусларини шакллантиришнинг энг муҳим услубий воситаси ҳисобланади. Бу давлат ўз қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият органлари тимсолида кафолатланган конституциявий ҳуқукка риоя этилиши учун тарғибга солишнинг турли: ҳуқукий, маъмурий, молиявий-иктисодий шаклларидан фойдаланиши лозимлигини англатади.

Ҳозирги вақтда иқтисодчи олимлар ўртасида бозор иқтисодиёти механизмлари билан давлатнинг тартибга солиш механизми орасидаги зиддият масалалари бўйича қизғин баҳс-мунозаралар давом этмоқда. Бозор иқтисодиёти тўла эркинликни хоҳлаши табиий. Давлат эса жамият манфаатларини кўзлаган ҳолда, бу эркинликни муайян чегарада сақлаб туришга интилади. Мазкур зиддият меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида ҳам кўзга ташланади. Мамлакат иқтисодиётининг турли тармоқларида меҳнат шароитлари ҳозирча талаф даражасида эмаслиги, жумладан, шу билан ҳам изоҳланади.

Бундай зиддият амалиётда учрайди, ҳатто, қонунчиликда ҳам ўз ифодасини топган. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси ва “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонунда хавфсиз меҳнат шароитлари ва меҳнатни муҳофаза қилишни таъминлаш бўйича мажбурият иш берувчи зиммасида эканлиги белгилаб кўйилган. Давлат бу билан хавфсизлик ва гигиена талабларига жавоб берадиган шароитларда меҳнат қилиш ҳуқукини таъминлаш бўйича ўз мажбуриятларини иш берувчи зиммасига юклаган. Иш берувчи эса ўз тадбиркорлик мақсади — фойда олишини кўзлади.

Юқорида кайд этилган мамлакат қонун ҳужжатларида иш берувчига қулай меҳнат шароитларини таъминлаш вазифаси

юқлатилған 20 тадан күпроқ моддани учратиш мумкин. Лекин уларда буни иқтисодий жиҳатдан таъминлаш имконияти кўрсатилмаган. Шу сабабли иш берувчидан ҳам ўз ишлаб чиқаришининг самарадорлиги (фойда келтириши)ни таъминлаш билан меҳнатни муҳофаза қилиш мақсадларига маблағ ажратиш ўртасидаги зиддият юзага чиқади. Яъни амалдаги қонунлар ва норматив-хуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни ҳал этишни молиявий жиҳатдан таъминлаш масалалари очиқ қолган.

Шундай экан, доимо фойдани кўзлайдиган бозор механизми кила олмайдиган ишни давлат бажариши керак. “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 4-моддасида “корхоналарда меҳнатнинг соғлом ва хавфсиз шарт-шароитларини яратишга кўмаклашувчи солиқ сиёсатини юритиши” қайд этилади.

Афсуски, амалиётда меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат сиёсатининг бу йўналиши эътибордан четда қолмоқда. Давлат иш берувчининг заарли меҳнат шароитларини бартараф этиш асосида меҳнат шароитларини тубдан яхшилаш имконини берадиган янги ишлаб чиқариш ва иш ўринларини ташкил этиш учун олинган фойда хисобидан киритилган инвестицияларни солиқдан озод қилиши мумкин эди. Шунингдек, фақат нормалаштирилган тадбирларга эмас, шунингдек, жамоа шартномасида белгиланган барча тадбирларни амалга ошириш учун сарф қилинган харажатларни ҳам солиқка тортиш базасидан чиқариб ташлаш мумкин эди. Шу билан бирга, нокулай меҳнат шароитлари мавжуд бўлган иш ўринларини йўқотиш учун бюджетдан молия маблағларини мақсадли йўналтириш вазифасини ҳал этиш ҳам долзарбdir.

Фикримизча, меҳнатни муҳофаза қилиш тадбирларини амалга ошириш учун капитал кўйилмалар талаб қилинадиган кичик бизнес субъектларида иш берувчиларга молиявий ёрдам сифатида субсидиялар ва кредитлар ажратиш ҳам мақсадга мувофиқdir. Иқтисодий жиҳатдан тараққий этган мамлакатларда, масалан, Германияда кичик корхоналарга меҳнат шароитларини яхшилаш тадбирлари учун маблағлар мақсадли равишда сугурта компаниялари ҳисобидан ажратилади. Ўзбекистон Республикасида Ижтимоий сугурта фондининг бюджетидан ана шундай маблағларни ажратиш кўзда тутилмаган.

Давлат ижтимоий манфаат ифодачиси сифатида бугунги кунда соғлиқни сақлаш, таълим, маданиятни ривожлантиришга нақадар катта эътибор беряётганидек, ишлаб чиқаришда кулай меҳнат шароитларини таъминлаш соҳасида ҳам фаол сиёсат олиб бориши лозим, деб ҳисоблаймиз. Умуман олганда, кулай меҳнат шароитларини яратиш учун харажатлар жамият нуқтаи назаридан йўқотиш ҳисобланмайди.

Тўғри, Ўзбекистон Республикасида биринчи навбатда ҳал қилиниши талаб этилаётган жуда муҳим ижтимоий эҳтиёжлар кўп. Табиийки, уларга бюджетдан тегишли равищда маблағ ажратилиб келинмоқда. Аммо ишлаб чиқаришда хавфсиз меҳнат шароитларини яратиш иш берувчилар вазифаси деб ҳисобланиб, бу мақсадларга давлат томонидан муайян миқдорда маблағ ажратишни режалаштирмаслик ҳам тўғри эмас. Бу ҳолда меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида ижобий ўзгаришларни анча вақт кутишга тўғри келади.

Давлатнинг меҳнат шароитлари ҳамда меҳнатни муҳофаза қилишни яхшилашга самарали таъсири бевосита молиялаштиришни амалга ошириш билан бир қаторда, таъсир кўрсатишнинг билвосита воситаларидан фойдаланишда ҳам акс этиши лозим. Давлат бу йўл билан иш берувчиларни кўзланган мақсадга эришишга рағбатлантиради.

Фарбнинг тарақкий этган мамлакатларида меҳнатни муҳофаза қилиш масалаларини ҳал этишда иқтисодий воситалардан фойдаланиш давлат сиёсатининг асосий принципларини амалга оширишнинг ҳал қилувчи омили ҳисобланади. Бу воситалар куйидагилардан иборат:

— суғурта тарифининг корхонадаги хавфсизлик даражасига боғлиқлиги;

— меҳнат хавфсизлиги ва меҳнат гигиенаси талабларига риоя этмаслик учун жарималар солиш тизими;

— меҳнатни муҳофаза қилиш тадбирларига йўналтирилаётган маблағларни солиқдан озод қилиш;

— ишлаб чиқаришдаги баҳтсиз ҳодисалар оқибатида етказилган зарарни қоплаш учун иш берувчилар хисобидан юқори даражадаги тўловларни амалга ошириш.

Иқтисодий жиҳатдан ривожланган мамлакатларда меҳнатни муҳофаза қилишни ташкил этишининг хусусияти шундан иборатки,

давлат меҳнат шароитларини нормаллаштиради ва назорат қиласи, меҳнат шароитлари ҳамда меҳнатни муҳофаза этишнинг аҳволи учун бутун масъулият эса иш берувчи зиммасига юклатилган. Айни пайтда технологиялар, машина ва усқуналар, механизациялаштириш ҳамда автоматлаштириш воситалари техник синовларини ўтказиш, материал ва хом ашёларнинг инсон учун хавфсиз эканлигини аниқлашда нодавлат ташкилотларининг кенг иштирок этиши таъминланади.

Шу билан бир қаторда, давлат ва давлатлараро даражада меҳнатни муҳофаза қилиш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш чоралари кўрилади. Бу дастурларга баҳтсиз ҳодисалар, ишлаб чиқаришнинг заарли омиллари, касб хавфларини баҳолаш, ифлосланишларни назорат қилиш, касб касалликларига чалиниш ҳолатларини аниқлаш ва ҳоказолар киритилади.

Иш берувчиларни меҳнат шароитларини яхшилаш учун рағбатлантириш соҳасидаги энг муҳим муаммолардан бири — нокулай меҳнат шароитларида ишлаганлик учун имтиёз ва компенсацияларни белгилаш тизимиdir. Меҳнат инспекцияларининг статистик маълумотлари ва ахборотларини таҳлил этиш натижалари заарли ёки хавфли меҳнат шароитлари учун компенсациялар белгиланган ходимлар сонининг нисбатан кўпайиб бориши корхоналарда меҳнат шароитлари ҳамда меҳнатни муҳофаза қилишни яхшилаш тизимили ишини у ёки бу компенсациялар, кўп ҳолатларда таътилга кўшимча қунлар кўшиб бериш билан алмаштириш оқибатида рўй бераётганлигини кўрсатмоқда. Ходимларга компенсация тўловлари йилдан-йилга ортиб бораётганлиги меҳнат шароитлари жиддий равишда ўзгармаётганлиги, шунингдек, иш берувчилар томонидан ходимларга уларнинг заарли ва хавфли меҳнат шароитларида иш билан машғул эканликлари ёки машғул эмасликларидан қатъи назар, компенсациялар бераётганликларини кўрсатади. Ана шу хulosани компенсациянинг ҳеч бўлмаганда битта тури белгиланган ходимларнинг сони (умумий ходимлар сонининг 40 фоизидан кўпроғи) амалда заарли ёки хавфли меҳнат шароитларида иш билан бандларнинг сонидан кўпdir.

Халқаро меҳнат ташкилоти эксперталарининг фикрича, Ўзбекистон Республикасида таркиб топган компенсациялар тизими иш жойларида меҳнат хавфсизлигини яхшилаш йўлидаги жиддий

муаммолардан биридир. Ходимлар ҳам ўзларига берилаетган имтиёзлар бекор қилиниши мумкинлигини хисобга олган ҳолда, ҳамиша ҳам меҳнат шароитлари яхшиланишини истамаётгандикларини кўпгина иш берувчилар ҳамда илмий тадқиқотлар натижалари тасдиқлаб турибди.

Бундай аҳволни яхшилаш учун Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий суғурта фонди билан иш берувчилар ўртасида баҳтсиз ҳодисалардан мажбурий суғурта қилиш учун ажратилаётган маблағларни тақсимлаш, шунингдек, корхоналарнинг суғурта бадаллари масаласидаги ўзаро муносабатларига ўзгартишлар киритиш мақсадга мувофиқдир.

Иш берувчи бугунги кунда меҳнат хавфсизлигини ошириш ҳамда оғир, зарарли ва хавфли меҳнат шароитларида ишлаганлик учун қўшимча компенсациялар беришга қўшимча маблағ ажратишдан манфаатдор эмас. Чунки ишлаб чиқаришдаги баҳтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан ижтимоий суғурта килиш тизими, уни мазкур вазифалар учун масъулиятдан халос этди. Маълумки, ишлаб чиқариш хатарларининг суғурталовчиси сифатида давлат Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий суғурта фонди тимсолида бу вазифани бажаради.

Корхоналарнинг мазкур фонд бюджетига суғурта бадаллари ишлаб чиқариш хавфлари тоифаларига қараб аниқланади. Бу тоифалар корхонада меҳнатни мухофаза қилишни ташкил этиш даражаси ва меҳнат шароитларининг аҳволига қараб эмас, балки хўжалик юритувчи субъектнинг иқтисодиётнинг қайси тармоғига тааллуқлилигига қараб белгиланади. Ривожланган мамлакатлар, масалан, Германияда касб хавфлари тоифаси жуда кўп. Бу эса суғурта тарифларига табақалаштирилган ҳолда ёндашиш имконини беради. Корхона учун умумий тармоқ тарифига қараганда унинг ҳусусиятларидан келиб чиқкан ҳолда белгиланадиган тариф манфаатлироқдир. Бу ходимнинг меҳнат шароитини яхшилашдан иқтисодий манфаатдорлигини оширадиган мухим восита ҳисобланади.

Ишлаб чиқаришдаги шикастланишлар ва касб касалликлари профилактикаси мақсадларига маҳсус ажратиладиган маблағлардан фойдаланиш тартибини ҳам қайта кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Бунда, фикримизча, иш берувчига ажратилаётган маблағнинг 20 фоизини бевосита кўзланган мақсадга, яъни меҳнат

шароитларини яхшилаш ва меңнат хавфсизлигини таъминлаш тадбирларини бажаришга, шу жумладан, қўшимча кийим-бош, пойабзал ҳамда бошқа шахсий ҳимоя воситалари харид қилишга ишлатиш ҳукуқини бериш лозим. Бу маблағ қўшимча солиққа тортилмаслиги ҳам керак.

Айни пайтда иш берувчи заарли ва хавфли меңнат шароитларида иш билан банд ходимларни дастлабки ҳамда даврий тиббий кўриқдан ўтказиш, иш ўринларини меңнат шароитлари бўйича аттестация қилишни амалдаги меңнат қонунчилигига мувофик ўз ҳисобидан амалга ошириши керак. Заарли ва хавфли меңнат шароитларида иш билан банд ходимларнинг санаторий ҳамда курортларда даволаниши учун йўлланмалар ҳам худди шу тартибда харид қилиниши керак. Чунки иш ўринларида бундай шароит сақлаб қолинаётганилигига иш берувчининг айби катта. Фикримизча, бундай ёндашув ишлаб чиқаришдаги шикастланиш ва касб касалликлари хавфини камайтиришга каратилган профилактик тадбирлар самарадорлигини оширишга хизмат қиласди.

Шунингдек, мазкур йўналишда, фикримизча, куйидаги чораларни ҳам тавсия этиш мумкин:

— банк муассасалари томонидан корхоналар, тадбиркорлик тузилмаларига қулай меңнат шароитлари яратишга қаратилган тадбирларни амалга ошириш учун имтиёзли кредитлар ва субсидиялар беришни йўлга қўйиш;

— корхоналар томонидан меңнат шароитларини яхшилаш учун фойдадан ажратилаётган маблағни солиққа тортиладиган фойда умумий миқдоридан чегириш;

— жамоавий ҳамда шахсий ҳимоя воситалари, меңнат шароитларини яхшилаш учун бевосита қўлланиладиган машина-ускуналар ва материалларни импорт қилишда солиқ божлари тўлашда имтиёзлар бериш;

— нокулай меңнат шароитларида ишлаганлик учун бериладиган имтиёз ва компенсацияларнинг иктисадий асосланганлигини таъминлаш. Чунки компенсациялар бериш меңнат хавфсизлигини оширишга хизмат қилмайди. Ходим компенсация олар экан, заарли меңнат шароитларида ишлашдан манфаатдор бўлади.

Шу билан бир қаторда, бозор иқтисодиёти шароитларида ишлаб чиқарилган маҳсулотни сотиш, бажарилган иш, кўрсатилган хизматдан олинган даромадлар корхона хўжалик фаолиятининг

натижаси эканлигини ҳам эслатиб ўтиш жоиз. Бу даромадлар ишлаб чиқариш учун харажатларни, шу жумладан, иш кучи учун харажатларни қоплаш манбаи ҳисобланади. Хўжалик фаолиятининг натижаси ва пировард мақсади сифатида эса соф фойда намоён бўлади. Шундан келиб чиққан ҳолда, меҳнат шароитлари ҳамда меҳнатни муҳофаза қилишни яхшилаш бўйича олиб борилётган фаолиятни иқтисодий рағбатлантириш ана шу тадбирлар корхона хўжалик фаолиятининг пировард натижасига қанчалик таъсир этишига боғлиқ, деган хulosса чиқариш мумкин.

Қисқача хulosалар

Бозор муносабатлари ривожлантирилиши билан иш берувчиларнинг меҳнат шароитларини яхшилаш бўйича фаолиятларини рағбатлантириш иқтисодий усулларининг роли ортиб боради. Лекин ана шу усулларни кўллашда шуни назарда тутиш керакки, тадбиркорлик фаолияти фойда олишга қаратилган. Шунинг учун рағбатлантириш усуллари тадбиркорнинг иқтисодий манфаатларига зид келмаслиги керак.

Харажатларнинг асосий тури — ишлаб чиқарищдаги баҳтсиз ҳодисалар ва касб касалликларини суғурта қилишдир. Бу Ўзбекистон Республикасининг Ижтимоий суғурта фонди зиммасига юкланган.

Меҳнат шароитлари ва меҳнатни муҳофаза қилишни яхшилашга қаратилган тадбирларнинг иқтисодий самарадорлиги бўйича турли нұқтаи назарлар мавжуд.

Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги қонунбузарликлар учун иш берувчи ҳамда мансабдор шахслар интизомий, маъмурий, моддий ва жиноий жавобгарликка тортилишлари мумкин.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида сарф-харажатларни бошқариш деганда нима тушунилади?

2. Корхоналарда меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича қандай тадбирлар амалга оширилиши зарур?

3. Ўзбекистон Республикасининг “Иш берувчининг фукаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида”ги Қонуни қаҷон кучга кирган ва унинг мазмуни нимада?

4. Меҳнат фаолиятида зўриқиши нима ва унинг турларини санаб ўтинг.

5. Меҳнат шароитларини яхшилаш тадбирлари иқтисодий

самарадорлигининг асосий кўрсаткичлари қандай?

6. Ноқулай меҳнат шароитларида ишлаганлиги учун қандай қулийликлар яратилади?

7. Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги қонунбузарликлар учун иш берувчи ҳамда мансабдор шахслар қандай жавобгарликларга тортиласди?

8. Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида давлатнинг ўрни нимадан изборат?

Тавсия этилаётган адабиётлар

1. Адамчук В.В. Экономика и социология труда / В.В. Адамчук, О.В.Ромашов, М.Е.Сорокина- М: ЮНИТИ, 2001.

2. Абдурахманов О.К. Ўзбекистон Республикасида меҳнатни муҳофаза қилиш тизимини бошқариш самарадорлигини ошириш. Т.: Фан., 2010. – 326 б.

3. Абдурахмонов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти ва социологияси. Дарслик. – Т.: Фан ва технология, 2012. – 388 б.

4. Андреев С.В. Охрана труда от “А” до “Я”. Практическое пособие. Вкї 2. М.: Альфа-пресс, 2004. С. 49.

5. Баранов Н.И. Охрана труда. Учебное пособие. Клин.ОЛС Комплект, 2002.

6. Беляров Ю.А., Хлопков В.В. Охрана труда в организации. Практические рекомендации. М.: Книжный мир, 2009. – 176 с.

7. Михайлов Ю.М. Корпоративная система охраны труда. Функционирование. Аттестация. Сертификация. Экспертиза. М.: Альфа – Пресс, 2009. С.7-11.

8. Попова Н.А. Организация, нормирование и оплата труда на предприятии: Учебное пособие. – М.: Финпресс, 2011. - 176 с.

7-боб. ХАВФСИЗЛИК ТЕХНИКАСИ

7.1. Хавфсизлик техникаси хизмати ва унинг вазифалари

Корхона ва ташкилотларда меҳнат шароитларини яхшилаш ҳамда хавфсизликни таъминлаш мақсадида хавфсизлик техникаси хизмати кўзда тутилган. Хавфсизлик техникаси хизматининг асосий вазифалари корхоналарда ишлаб чиқариша жароҳатланишнинг сабабларини бартараф этиш ишларини бажариш, меҳнат шароитларини яхшилаш, хавфсизлик техникаси ва ҳимоя воситаларини такомиллаштириш, ишлаб чиқариш маданиятини юксалтириш, ташкилий-техник ҳамда санитария-гигиена тадбирларини ишлаб чиқариш ва амалга ошириш бўйича ишлаб чиқариш ҳамда техник хизматларнинг ишини назорат қилишдан иборат. Хавфсизлик техникаси хизмати ўз иш фаолиятида касаба уюшма органлари ва уларнинг меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича комиссиялари билан доимий алоқада бўлади.

Ишлаб чиқариш жараёнида хавфсизлик техникасининг ҳолатига жавобгарлик ўзларига топширилган иш участкаси чегарасида иш юритувчиларга юкланди.

Ташкилот ҳамда корхоналарда меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ишлар ҳукумат қарорлари ва кўрсатмаларига амал қилган ҳолда амалга оширилади.

Корхонада меҳнатни муҳофаза қилиш ҳолатини, меҳнатни муҳофаза қилиш ва шароитларини яхшилаш бўйича чорак ҳамда йиллик режалар тузишни кузатиб бориш, мухандис-техник ходимларнинг амалдаги қонунчилик, буйруклар ва бошқа норматив актларга риоя этишини назорат қилиш каби кундалик ишларни хавфсизлик техникаси бўйича бўлим (муҳандис) бажаради. Хавфсизлик техникаси бўйича муҳандис кириш инструктажи ўtkazadi, ишларни бажариш лойихаларини кўришда қатнашади. меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича буйруклар лойиҳасини тайёрлайди, хавфсизлик техникаси ҳамда ишлаб чиқариш санитарияси бўйича хона, бурчаклар, деворий кўргазмаларни жиҳозлайди.

Ҳар бир корхона ўз имкониятидан келиб чиқсан ҳолда меҳнатни муҳофаза қилиш бўлимини ёки **хавфсизлик техникаси муҳандиси** лавозимидағи штат бирлигини ташкил қилиши шарт. Хавфсизлик

техникаси хизмати ишига ташкилотнинг бош муҳандиси раҳбарлик қиласи.

Хавфсизлик техникаси муҳандисининг асосий вазифаси корхонада меҳнат қилаётган ходимларнинг меҳнатни муҳофаза этиш қоидаси талабларини қандай бажараётганликларини назорат қилишдан иборат.

Хавфсизлик техникаси муҳандисининг асосий вазифалари

Бўлым бошликлари томонидан меҳнатни муҳофаза килиш конуцларини ва бошқарувчи ташкилотларнинг хавфсизлик техникаси, салитарини мебъёр ҳамда қопалаларини бажарини тўғрисидаги карорлариништ бажарилашини кузаниб боради, шунингдек, меҳнатни муҳофаза килиш давлат ташкилоти кўрсатмалари тўғри бажарилётганинг текширади

Корхона ҳаво мухи пешин тоза бўлишига эътибор беради ва шамоллапиш тизимлариниң тўғри ишлайтигини кузаниб боради.

Корхонага замонавий хавфсизлик техникаси восьиталарини жорий килиш чорарапарини кўради.

Бўлим бошликлари томонидан "Корхонада шилаб чиқариш билан боғлик бўлган бахтсиз ҳодисаларни текшириш ва хисобга олшиш" ҳақидаги карорнинг бажарилётшишиш кузатиб боради.

Корхонанинг ҳамма бўйымларида хавфсизлик техникаси тавсияномасини ўз вактида ҳамда сифатли ўтказиши чора-тадбирларини амалга оширади.

7.1-расм. Хавфсизлик техникаси муҳандисининг асосий вазифалари

Хавфсизлик техникаси муҳандисининг асосий эътибор бериши зарур бўлган обьектларидан бири — техник ечимларнинг лойиҳа хужжатларида тўғри ҳал этилишини назорат қилишдан иборат. Чунки муҳофаза қилиш асосий чора-тадбирлари ва хавфсизлик техникаси инг умумий масалалари ана шу хужжатларда ҳал этилади. Мазкур хужжатларни қабул қилиш вактида хавфсизлик техникаси муҳандисининг катнашиши шарт ва бу корхона раҳбари томонидан буйруқ билан асосланади. Умуман, хавфсизлик техникаси муҳандиси

корхоналарни режалаштириш, қайта ташкил қилишда, санитария-маший хоналар ташкил этиш ишларида, турли машина ҳамда механизмларни ўрнатишида, янги технологик машина ва механизмлар, технологик тармоқларни йиғиши ҳамда ўрнатиши ишларида қатнашиши керак. Хавфсизлик техникаси мұхандиси назоратчи сифатида корхонада тузилган ҳар хил комиссиялар аъзоси сифатида қатнашиши лозим. Масалан, янги қурилган ёки қайта жиҳозланган объектларни, янги ўрнатилган ёки таъмирланган жиҳозларни қабул қилишда, мұхандис-техник ходимларнинг меҳнатни мұхофаза этиш соҳасидаги билимларини текширишда, ходимларни аттестациядан ўтказиш ва бошқаларда қатнашиши зарур.

Бундан ташқари, хавфсизлик техникаси мұхандиси меҳнатни мұхофаза қилишга қаратилған масалаларни мұхокама этишида қатнашибгина қолмасдан, қабул қилинган қарорларни режалаштириб, амалға ошириш чора-тадбирларини күради.

Унинг бажариши зарур бўлган вазифалари қаторига яна куйидагиларни киритиш мумкин:

— ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган баҳтсиз ҳодисаларни ҳисобга олиш, уларни келтириб чиқарған сабабларни таҳлил қилиш ва баҳтсиз ҳодисанинг қайтарилмаслиги чора-тадбирларини кўриш;

— баҳтсиз ҳодисалар ва касб касалликларини камайтириш шароитларини яхшилаш учун ажратилған маблағларнинг ўзлаштирилиши ҳақида ҳисбот тузиш;

— корхонадаги меҳнатни мұхофаза қилиш масалаларини таҳлил қилиш ва раҳбар ходимларга ўз мулоҳазаларини билдириш;

— тегишли бўлим ҳамда хизматчилар олдига ходимларни ҳавфли ва заарали омиллар таъсиридан мұхофаза қилиш талабларини кўйиш;

— бўлимларга меҳнатни мұхофаза этиш масалаларида ва иш шароитини яхшилаш чора-тадбирларини ишлаб чиқишида ёрдам кўрсатиш;

— бўлимларда ишлаб чиқилған меҳнатни мұхофаза қилиш режаларини умумий корхона режасига киритиб, умумлаштириш ҳамда уларни амалға ошириш чора-тадбирларини кўриш.

Хавфсизлик техникаси мұхандиси ходимлар хавфсизлигини таъминлаш бўйича уларни ўқитади ва йўрикномалардан ўтказади. Шунинг учун у кадрлар тайёрлаш бўлими билан биргаликда ходимларни мақсадли курсларда ўқитиши ишларини

ташкиллаштиради, меҳнатни муҳофаза қилиш хоналари, бурчаклари ҳамда витриналарини ташкил қиласи. Хавфсизлик техникаси қоидава мөъёрларини ташвиқ этиш мақсадида маърузалар уюштиради, плакатлар сотиб олади ҳамда уларни тарқатади, хавфсизлик техникасининг огоҳлантирувчи ёзувларини ва белгиларини керакли ерларга ўрнатади.

Иш берувчи ходимларнинг меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ўкишини таъминлаши ҳамда уларнинг билимларини текшириб туриши шарт.

Меҳнатни муҳофаза этиш бўйича ўқувдан, йўл-йўриқдан ўтмаган ва билимлари текширилмаган ходимларни ишга кўйиш тақиқланади.

Меҳнатни муҳофаза килиш мутахассиси сифатида хавфсизлик техникаси муҳандиси янги ишга кираётганларни кириш йўрикномасидан ўтказади ва уларга меҳнатни муҳофаза этиш қоидаги нормаларини тушунтиради.

Меҳнат муҳофазаси хонаси. Меҳнат муҳофазаси соҳасида муҳандис-техник ходимлар, ишчи ва хизматчиларнинг билимларини ошириш, уларни хавфсизлик техникаси қоидаларининг ҳамма талабларини онгли равишда бажариш руҳида тарбиялашнинг ўқув-услубий маркази бўлиб корхонадаги **меҳнат муҳофазаси кабинети** хизмат қиласи. Бу кабинетга меҳнат муҳофазаси бўйича бош муҳандис бевосита раҳбарлик қиласи. ММК —курилиш мөъёр ҳамда қоидаларга мувофиқ, хавфсизлик техникаси кабинети ишчиларнинг рўйхатдаги сонига боғлиқ: улар 1000 нафар бўлганида, майдони 24 м.²; 1001 нафардан 3000 нафаргача — 48 м.²; 3000 нафардан 5000 нафаргача бўлганда — майдони 72м.² бўлади. Кабинетда ўқув, ахборот-услубий ҳамда кўргазма бўлимлари жиҳозланади. Кабинетни яратиш ва ундаги ишларни йўлга кўйиш, унинг иш режасини тасдиқлаш корхона бош муҳандисига юклатилади.

Кабинетда кириш йўрикномаси ўтказилади, ишчи, хизматчи ва муҳандис ходимлар меҳнат муҳофазаси бўйича ўқитилади. Бунда кабинет ўқув максадлари учун макетлар, кўргазмали қуроллар, плакатлар, йўрикномалар, коржома ҳамда маҳсус пойабзал ва ҳимоя воситалари, ишга ярокли ҳамда яроқсиз асбоб-ускуналар намуналари тўлиқ билан жиҳозланган бўлиши керак.

7.2. Саноат корхоналаридаги хавфсизликнинг техник асослари ва умумий талаблари

Ускуна ва механизмларнинг ҳамма ҳаракатланувчи қисмлари; бир-бирига томон айланадиган валлар, тишли ғилдираклар илашмаси, ускуналарнинг вертикал узатмалари ва киркувчи қисмлари; қайтма-илгарида ҳаракатланувчи пишанг ишловчиларнинг соглиғи ҳамда ҳаёти учун яширин хавф түғдиради.



7.2 -расм. Хавфсизликнинг махсус техник воситалари

Ускуналардан фойдаланиш хавфсизлигини ошириш ва ишлаб чиқарышда шикастланишиннің олдини олиш учун хавфсизликнинг махсус техник воситалари қўлланилади.

Агар технологик ҳамда умумфабрика ускуналарининг барча ҳаракатланувчи қисми шикастланиш манбаи ва инсон организми учун хавф манбаи бўлса, улар тўсиққа эга бўлиши керак. Масалан: ҳамма валларнинг чиқиб турадиган учлари, тишли шестерня ҳамда

сегментлар, маховикли фильтрлар, тасмали, тишли ва понасмон тасмали узатмалар, илашиш муфтлари, тұхтатиш (стопорлаш) болтлари, шпонкалар ҳамда технологик ва умумфабрика ускуналарининг барча ҳаракатланувчи қисми түсіб күйилиши шарт.

Үрнатыладиган түсіклар фойдаланишга курай бўлиши, айланувчи қисмлар билан кўзгалмас деталлар орасидаги тиркишларни беркитиб туриши ва кийимни, оёқ-кўлларни ҳамда сочни тортиб кетиб, ишловчиларни шикастлаш эҳтимолининг олдини олиш керак. Ишлаб чиқариш зарурати туфайли технологик жараённи кўз билан кузатиб туриш ва айни пайтда ишловчиларнинг отилаётган кириндилардан, абразив тошларнинг майда бўлаклари ҳамда ишлаб чиқариш чиқиндиларидан ҳимояланishi учун түсіклар органик шиша, сталининг ва бошка шаффоф ашёлардан экранлар ёки ойналар кўринишида тайёрланади.

Тўсувчи тузилмалар, асосан, икки гурухга: муваққат ҳамда доимий тузилмаларга бўлинади.

Муваққат (кўчма) тузилмалар курилиш-монтаж ва тузатиш ишларини бажаришда кўлланилади. Доимий (кўчмас) түсіклар технологик ҳамда умумфабрика ускуналарнинг хавфли жойларини түсіб туриш учун хизмат қиласи. Доимий түсікларга циркуляр, тебранма (маятниксимон) ва тасмали арралар, абразив доиралар, машиналардаги механик узатмалари ҳамда ҳар хил тузилишдаги металли түсіклар мисол бўла олади.

Электр қурилмаларининг ҳамма ток ўтказувчи қисмлари (магнитли туширгичлар, шилтлари, бошқариш тугмалари, калитлари) ҳам доимий түсіклар билан ҳимояланган бўлиши зарур. Конструктив ижросига кўра, доимий түсіклар ускуналарнинг ажралмас қисми каби тайёрланади. Уларнинг ташки сирти ускунанинг рангидаги, ички сирти эса түсікни олиб ёки очиб кўйиб ишлаш хавфли эканлигидан огохлантирувчи кизил рангга бўялади. Ҳамма түсікларнинг ташки сирти силлиқ бўлиши ва уларда жароҳатланишга олиб келувчи ўткир бурчаклари бўлмаслиги керак. Баъзи ҳолларда түсікни аввал иш холатига ўрнатмасдан туриб ускунани ишга тушириш мумкин бўлмаслиги учун түсіклар ускунанинг ишга туширгичи билан блокировка қилинади.

Доимий түсіклар кўзгалмас (олинмайдиган) ва олинадиган бўлади. Олинадиган түсіклар ростлаш ҳамда мойлаш ишларини бажариш, шунигдек, вакти-вакти билан кўздан кечириш учун

ускунанинг ҳаракатланувчи қисмларига қўлни олиб бориш зарур бўлган ҳолларда қўлланилади.

Очилганда қўл ёки кийим ускунанинг ҳаракатланувчи қисмларига тушиб қолиши эҳтимоли бўлган олинадиган, суримла ва қайтарма тўсиқлар ишга тушириш ҳамда тўхтатиш механизми билан блокировкаланган бўлиши лозим.

Қайтарма, олинадиган ва сўрилма тўсиқлар ўлчамлари ҳамда шакли жиҳатидан қулай скоба ва тўсқичларга эга бўлиши керак. Ускуналардаги ҳаракатланувчи қисмларнинг ҳалқалардан ўрнатилган ва юқорига очиладиган тўсиқлари (қопқоклар, олинадиган тўсиқчалар ғилофлар ва б.) очилганда кимирламайдиган бўлиши зарур. Тўсиқнинг тузилишига нисбатан қўлланиладиган мажбурий талаб шундан иборатки, ускунага хизмат кўрсатадиган киши тўсиқни оча олмаслиги ҳамда у бўлмагандан, технологик жараённи амалга ошириш мумкин бўлмаслиги керак. Бир неча киши хизмат кўрсатадиган ёки анча узун бўлган машиналар, аппаратлар ва бошқа технологик ёхул умумфабрикаларнинг ишга тушириш тузилмаси факат бир жойда — бошқариш пультида, бу ҳар бир иш ўрнига ҳамда ҳар 4 м. оралиқда ўрнатилиши лозим. Ускуналарнинг заарарли газлар, буғлар ва чанг чиқадиган жойлари ёпиқ бўлиши ҳамда ҳавонинг тозалигини таъминлаш учун маҳаллий сурувчи тузилмалар билан жиҳозланиши зарур. Технологик ва умумфабрика ускуналарининг кўйдирини мумкин бўлган қайнот сиртлари иссиқликни ўтказмайдиган қилиб ихоталаниши керак. Ишлаб чиқариш жараёнини бошқариш постлари ҳамда пультлари доимий иш ўрнидан кўли билан 1,2 м. нарида бўлиши лозим. Бошқариш тузилмалари (тумалар, пишангли ва буралма дастаклар, тешиклар ҳамда ҳоказо) ускуналар ва қувурларнинг очиқ иш механизmlари ҳамда қиздириш элементларини камиди 200 мм. масофа оралиғида жойлаштириш керак.

Технологик ва умумфабрика ускуналари ишини блокировкалашдан мақсад улардан хавфсиз фойдаланишини таъминлашдан иборат. Блокировкалаш тузилмалари куйидаги мақсадлар учун хизмат қиласи:

— технологик жараённи ҳамда умумфабрика ускуналарини нотўғри бошқаришга барҳам бериш учун;

— хавф пайдо бўлганда ишлаётган ускунани дарҳол тўхтатиш учун;

— айрим механизм ва деталларнинг хавфли минтақадан ташкарида харакатланишига имконият яратиш учун.

Меъёрдаги иш шароитининг бузилиши оқибатида мазкур курилмага хизмат кўрсатадиган кишининг соғлиги учун хавф туғилишига айрим механизмларнинг ишламай қолиши сабаб бўлади.

Блокировкалаш учун кўпинча релелардан фойдаланилади. Улар агрегат ёки технологик жараённинг айрим параметрлари катталиги ёки йўналиши ўзгарганини сезиб, ижрочи тузилмага тегишлича таъсир кўрсатади, у эса электр токи, суюқ ёки газсимон мухит таъсирида ишлаб кетади. Реленинг ишлаш принципини у қабул қиласидан параметрнинг тури, куч, ёруғлик, босим, кучланиш, намлик ва хоказо ҳамда ёрдамчи энергиянинг — механик, электр, гидравлик ёки пневматик хили белгилайди.

Лампалар ёки яримўтказгичлар асосида йигилган кучайтиргичлардан иборат бўлган электрон релелар кенг қўлланилади.

Блокировкаловчи тузилма ҳимоя тузилмасидан фарқ қилиб, унинг вазифаси хавфли минтақанинг тўсиғи олинганда ёки очилганда, ускунанинг оператив занжирини ўчириб ва узиб қўйишдан, иш бошланишидан олдин уни ёпишдан ҳамда ускунани ёпилган ҳолатда тутиб туришдан иборат.

Чеклагичлар ишлаб чиқаришда шикастланишларнинг, ускуналарнинг синиши ва фалокат тартиботида ишлашнинг олдини олиш мақсадида қўлланилади.

Сакловчи тузилмалар ўз-ўзидан ишлаб ускунани тўхтатади ҳамда шу орқали унинг синиши ва ишдан чиқишининг олдини олади.

Сакловчи тузилмалар ишлаб кетганидан кейин ускунанинг ишлаш қобилиятини тиклаш усулига қараб улар икки гурӯхга ажратилади:

— назорат килинаётган параметр меъеридағи қийматга етганидан сўнг ускунанинг ишлаш қобилияти ўз-ўзидан тикланадиган тузилмалар;

— сакловчи тузилманинг ишдан чиққан деталлари (эрувчан қўйилмалари) кўлда алмаштириш йўли билан тикланадиган тузилмалар.

Портлашни олдини олиш мақсадида, атмосфера босимидан юкори босим остида ишлайдиган аппаратлар, баллонлар, қувурлар ва идишлар ўз-ўзидан (автоматик) ишлаб кетадиган сакловчи клапанлар

ҳамда сакловчи пластиналар билан жиҳозланади. Аппаратда босим кўтарилигандан сакловчи клапанлар очилиб (узилиб) ортиқча буғ ёки газни чиқариб юборади ва аппаратда рухсат этилган босим юзага келгандан кейин ўз-ўзидан ёпилади.

Электр курилмаларидан ток кучи ошиб кетганда уларда ўта юкланиш ёки қисқа туташув ҳамда ёнгин содир бўлиши мумкин. Бу ҳолда эрувчан сақлагичлар ёки узиб кўювчи автоматлар ўрнатилади. Блокировка системалари ва сакловчи тузилмалар товуш ҳамда ёруғлик сигнализацияси билан биргаликда қўлланилади.

Ишловчиларни хавф тўғрисида огоҳлантириш учун хавфсизлик сигнализацияси хизмат қиласди. Шу мақсадда ёруғлик ранг ва товуш сигналлари ҳар хил шартли белгилардан ҳамда босимни, ҳароратни, суюқлик сатҳини аниқлайдиган кўрсатгичлардан фойдаланилади.

Хавфсизлик масофалари ва габаритлари. Технологик ускуналарга хизмат кўрсатишда меҳнат хавфсизлигини таъминлаш, фалокатларнинг олдини олиш, бино ҳамда иншоотларнинг ёнгин хавфсизлигини таъминлаш учун машиналар билан тузилмалар, бинолар билан иншоотлар орасидаги хавфсизлик масофалари ва габаритлари катта роль ўйнайди. Хавфсизлик масофалари ҳамда габаритлари деганда, ускуналар ёки обьектлар ўртасидаги рухсат этилган энг кичик масофалар тушунилади. Бу масофалар қисқартирилганда, шикастланиш хавфи лайдо бўлади.

Ассобларнинг энг кўп чиқиб турадиган қисмлари орасидаги, ускуналар билан деворлар, устунлар орасидаги масофалар меъёрлари одамлар моддий бойликларининг ёнгин хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек, технологик ускуналарга хизмат кўрсатиш қуай бўлишини таъминлаш учун қолдирилади. Бу ускуналарнинг турига, оралиқ масофаларда иш ўринлари ёрдамчи тузилмалари, одамлар юрадиган йўлаклар, цехнинг ички транспорти бор-йўқлигига боғлиқдир. Технологик ускуналарнинг цехлардаги жойлашуви, ускуналар ёнидаги иш ўринларининг ташқи ўлчамлари билан аниқланиши керак. Коммуникациялардан ўтиш жойларида хавфсиз йўлаклар ёки ўтиш кўприкчалари курилиши зарур.

Рангли сигналлар ва хавфсизлик белгилари. Корхоналарда фалокатлар ҳамда кўнгилсиз ҳодисаларнинг олдини мақсадида рангли плакатлар ва хавфсизлик белгиларидан фойдаланиш меҳнат хавфсизлиги нуктаи назаридан катта аҳамиятга эга. Рангли сигналлар ҳамда хавфсизлик белгилари ишловчиларнинг дикқат-эътиборини

бевосита хавфга жалб этишга, мумкин бўлган хавф хақида огоҳлантиришга, хавфсизликни таъминлаш мақсадида муайян ишларни бажариш учун кўрсатмалар бериш ва рухсат этишга, шунингдек, ахборот беришга мўлжалланган.

Хавфсизлик белгилари корхоналар, курилиш майдонларининг худудларига, ишлаб чиқариш хоналари, иш ўринлари ҳамда ишлаб чиқариш ускуналарига ўрнатилиши керак.

Хавфсизлик белгилари, асосан, тўрт: тақиқловчи, огоҳлантирувчи, рухсат этувчи ва кўрсатувчи гурухларга бўлинади.

“Рангли сигналлар ва хавфсизлик белгилари”га мувофиқ, рангли сигналлар ҳамда хавфсизлик белгиларининг ушбу тўрт тури белгиланган:

- Қизил — тақиқлаш бевосита хавф, ёнғинга қарши техниканинг белгиланиши;
- Сарик — огоҳлантириш, мумкин бўлган хавф белгиси;
- Яшил — хавфсизлик, “шу ердан чиқилсин” белгиси;
- Кўк — кўрсатма, ёнгин хавфсизлиги белгилари, ахборот.

Корхона худудида, ишлаб чиқариш хоналари ва иш ўринларида хавфсизлик белгиларини ўрнатиш жойлари, улар ўлчамларининг тартиб рақамини, шунингдек, хавфсизлик белгиларига доир тушунтириш ёзувларини кўллаш тартибини корхона маъмурияти касаба уюшмаси кўмитаси ҳамда тегишли давлат назорат ташкилотлари билан келишган ҳолда белгилайди.

Хавфли минтақа деб, ишлабётган ускуналар ва ҳаракатланувчи узел ҳамда деталлар ёки иш асбоби ҳаракатининг чекка нуқталари яқинидаги бўшлиққа айтилади. Хавфли минтақа ишлов берилаётган ашёлардан отилиб чиқаётган майда зарраларининг ҳамда ускуналардаги ёмон маҳкамланган ёки синган деталларининг отилиб бориш масофаси билан, шунингдек, иш ўрнида тўпланган буғлар, газлар ва чанг миқдори билан белгиланиши мумкин.

Ишловчилар хавф-хатардан холи бўлиш учун коржома, сочни яхши беркитиб турадиган бош кийими кийиб олишлари керак. Тўғри лойихаланган ҳамда замонавийлаштирилган ускуналардан қўл-оёқ ва кийимнинг хавфли минтақаларга тушиб қолиш эҳтимоли бўлмайди. Ускуналардан фойдаланишдаги хавфсизликни ошириш мақсадида маҳсус сақловчи тизимлар қўлланилади.

Жароҳатловчи омиллар ва хавфли зоналар. Ишлаб чиқаришда жароҳатланиш ҳодисалари мавжуд бўлиши куйидаги омилларга

боғлиқ: машина ҳамда дастгоҳларнинг ҳаракатланувчи қисмлари, қайишлар, барабанлар, шкивлар, шнеклар, тишли иш шестернялари ва бошқалар, иссиқ юзалар, электр токи, мато тукларини куидириш машинаси, заарли кимёвий моддалар, матоларни пардозлашда ишлатиладиган кислота, ишқор ва бошқа ўювчи моддаларнинг бехосдан тушиб кетиши, юкоридаги иш жойларида тўсиқларсиз ишлаш ва х.к.

Инсон ҳаётига, соғлиғига доимий ёки вақти-вақти билан хавф туғдирувчи жой **хавфли зона** деб аталади. Бундай зоналар саноат корхоналарида талайгинадир. Машина ҳамда дастгоҳларнинг ҳар қандай айланувчи қисми хавфлидир. Масалан: тикувчилик ва пойабзал корхоналарининг барча машиналари тез айланувчи қисмларга эга. Бу катта инерция ҳосил қилиб, хавфли зонани вужудга келтиради.

Юк кўтариш ва ташиш ускуналарида ишлаганда хавфсизлик техникаси. Юк кўтариш ҳамда ташиш ускуналарини ишлатишда хавфсизлик техникаси қоидалари шу ускуналарни лойиҳаловчи ташкилот томонидан ёки корхона бош механизги томонидан белгилаб берилади. Бу ускуналар тузилиши оддий ва тезлиги юқори бўлмаса ҳам, ишловчиларга маълум хавф-хатар туғдиради. Ишчиларнинг қўллари, соchlари ҳамда кийимлари машина қисмларига тортилиб кетмаслиги учун маҳсус аниқ йўналтирилган чора-тадбирлар ишлаб чикиш керак бўлади.

Бу ускуналарда хавфсизлик техникасининг асосий талаби барча ҳаракатга келтирувчи қисмларини ишончли қилиб тўсиқлар билан таъминлашдир. Айниқса, тишли ғилдираклар, занжирли ва тасмали ҳаракат узаткичлар, муфталар ҳамда бошқа ҳаракатланувчи ва айланувчи қисмлар хавфлидир.

Конвейерларнинг барабанларини, роликларини ва тасмаларини ҳаракатланиб турганда тозалаш, тасма сирпаниб юрмай қолганда, тасма ҳамда барабан тагига бирор материални ташлаб юргизиб юбориш тақиқланади. Конвейернинг узунлиги 20 м дан кам бўлганда, уни тўхтатиш тугмалари унинг бош ва оёқ қисмларига, ундан катта бўлган ҳолларда эса, ҳар 20 м. да ўрнатилади. Бу ускунада бирор носозлик сезилганда, тезлик билан тўхтатиш имконини беради.

Юк ташиш ускуналарини (занжирли, тасмали конвейерларни) юриб турган ҳолда мойлаш мумкин эмас. Уларни созлаш вақтида двигатели албатта ўчирилган ва юргизиш тугмаси устига “Ишга

туширманг — конвеер созланаяпты” деган ёзувли тахтача осиб қўйилиши шарт.

Конвейернинг хавфсиз ишлашини қўйидаги мосламалар таъминлайди:

— харакатга келтирувчи ва таранглаштирувчи станцияларнинг тўсиқлари (тўсиқларни шундай ўрнатиш керакки улар занжир, тишли филдираклар, шкивлар ва тасмаларга тегмасин);

— тезлиги 0,2 м/с. дан ортиқ бўлган конвейерларни бутун узунлиги бўйича тўсиқлар билан таъминлаш;

— конвейернинг қия қисмларида ушлаб қолувчи илгичлар билан таъминлаш (конвейер орқага кетиб қолмаслиги учун);

— товушли сигнал берувчи мослама (конвейернинг ишга туширилишидан 1-2 дақиқа олдин хабар бериш учун);

— “Тўхтатиш” тумасининг қизил рангда бўлиши (улар бирбиридан ҳар 20 м. да кўринарли ва қулагай жойларга ўрнатилади);

— конвейерлар устидан ўтиладиган йўлак — кўприкчалар яхлит таглик ва ёnlари баландлиги 15 см. бўлган ҳамда тахтачалар билан қокилган, баландлиги 1 м. бўлган ушлагич — дастаклар билан таъминланади. Бундай кўприкчалар конвейер узун бўлган ҳолларда ҳар 30-40 м. да ўрнатилади.

Корхонада хавфсизлик техникаси — бу бахтсиз ҳодисалардан огоҳлантириш, хавфсиз меҳнат шароитларини яратиш ҳамда ишчиларни хавфсиз иш усуllibарига ўқитиш билан боғлиқ бўлган тадбирлар мажмуудир.

Одатда ишлаб чиқаришда бахтсиз ҳодисаларнинг асосий сабаблари ишчиларнинг зарур иш малакаларини етарли ўзлаштирганикликлари, асбоб-ускуналар билан ишлашда тажрибасиз эканлиги ва хавфсизлик техникаси йўриқномаларига тўлиқ риоя қилмасликлариdir.

Ишлаб чиқариш ускуналарини бошқаришга тиббий кўрикдан ўтган ҳамда ўз касби ҳажмида хавфсизлик техникаси қоидаларини биладиганлар кўйилади.

Ускунада устки кийимда, шарф, галстук таққан ҳолда, кенг, узун ва тор, тумалари тақилмаган иш кийимларида, соchlари дуррача остига яширилмаган ҳолда ишлаш тақиқланади.

Ишни бошлашдан аввал ускунанинг харакатдаги қисмлари тўсиқлар билан таъминланганлиги, қопқоқ ҳамда эшиклари блокировкаловчи мосламалар билан таъминланганлиги ва электр

симларининг ишончли ихоталанганлиги синчиклаб текшириб чиқилиши керак. Агар машинада иш ўтириб бажарилса, ўриндикларнинг ҳамда оёқ остидаги тагликларнинг ҳолати қуладай бўлишига эътибор бериш керак.

Ускуналарни бошқариш катта куч талаб қилмаслиги лозим. Белгиланган меъёрларга биноан, бошқарув тұгмаларини босиш ва турли электр асбоблари дастакларини бураш 2-3 Н дан ортиқ куч талаб қилмаслиги керак. Мунтазам ишлатиладиган ричаглар, штурвал ҳамда маховиклар 40 Н дан кам бўлмаган куч билан ишга туширилиши зарур. Тепкиларни босиш учун туриб ишлаганда 35 Н дан ва ўтириб ишлаганда 27 Н дан ошмаган куч талаб қилинади.

Ускунани тозалаш, мойлаш ҳамда устки қисмини ёпиш ишлари факат электр двигатели ўчирилган ҳолдагина бажарилиши мумкин. Мойланган латталарни иш жойларида ёки дуч келган жойларга ташлаб кетиш мумкин эмас. Уларни металдан ясалган қопқоқли маҳсус яшикларда йиғиш керак. Ускунада қандайдир носозлик сезилиши билан дарҳол устага хабар бериш лозим. Носоз ускунада ишлаш тақиқланади. Ускунадан узоқлашганда унинг электр двигателини ўчириш эсдан чиқмаслиги керак.

Цехдаги барча ишчилар ёнгин хавфсизлиги бўйича йўрикнома ўтган бўлишлари ва ёнгин бошланган ҳолларда ўз вазифаларини билишлари керак.

Деталларни қирқиши прессларида хавфсизлик техникаси. Пресснинг созлигига ишонч ҳосил қилиш учун аввал уни пичноқсиз бир неча маротаба салт юргазиб кўрилади, сўнгра пичок ўрнатиб, материалсиз юргизиб кўрилади. Деталларни қирқишида ишчининг иккала қўлининг банд бўлиши уни жароҳатланишдан ҳимоя қиласди. Сигнал лампочкаси пресс электр ускуналари кучланиш остида эканлигини кўрсатади. Пресс электр схемаси шундай тузиладики, унинг қирқувчи плитасига 12 В кучланиш келтирилади, бу эса ишчини ток уришидан муҳофаза қиласди.

Прессда ишлаш вақтида стол ёки қирқувчи плита устига ёт нарсаларни қўйиш, деформацияланган, тиги бузилган пичноқлардан фойдаланиш, периметри белгилангандан катта пичок ўрнатиш, носоз сигнал аппаратларидан фойдаланиш, гидроузаткич, электр ускуналарининг тўсиклари ечиб қўйилган ёки электр шкафининг эшиклари очик ҳолда ишлаши, носоз ёки нотўғри ўрнатилган

технологик контактлар, яхши маҳкамланмаган қирқувчи плита, носоз ёки ифлосланган мойлаш системаси билан ишлаш тақиқланади.

Пресс ишида носозлик сезилиши билан унинг электр двигатели зудлик билан тўхтатилиб, бу ҳақда устага хабар бериш ва созловчини чакириш керак.

Пресслар доимо тоза ҳолда сақланиши лозим. Унинг қобиги ичидаги жойлашган механизмларини тозалашга фақат электр двигатели тўлиқ ўчирилгандан кейингина йўл қўйилади. Электр двигатели ишлаб турган прессни назоратсиз қолдириб бўлмайди.

7.3. Ходимларнинг шахсий ҳимоя воситалари ва уларга қўйиладиган талаблар

Ўзбекистон Республикасининг меҳнат ҳақидаги қонунчилик асосларига биноан, корхона маъмурияти ишчи ва хизматчиларни бепул шахсий ҳимоя воситалари билан таъминлаши, уларни сақлаш, ювиш, қутиши, дезинфекциялаш ҳамда таъмирлаш ишларини бажариши керак. Бошқа тармоқлар сингари енгил саноат корхоналари ишчиларини ҳам махсус коржома, пойабзал ва ҳимоя воситалари билан таъминлаш кўзда тутилган.

Барча ҳимоя воситалари ишлатилишига қараб жамоа ҳимоя воситалари ҳамда шахсий ҳимоя воситаларига бўлинади. Агар ишнинг хавфсизлигини машиналарнинг конструкцияси, ишлаб чиқариш жараёнини ташкил қилиш, архитектура-режалаштириш ечимлари ва колектив ҳимоя воситаларини қўллаш билан таъминлашнинг иложи бўлмаган тақдирда, шахсий ҳимоя воситалари қўлланилади.

Ҳимоя воситалари техник эстетика, эргономика талабларига жавоб бериши, ҳимоя самарадорлиги юқори бўлиши, ишлатилишда кулагай бўлиши керак. Улар технологик жараёнда бажарилаётган иш турига мос бўлиши лозим. Шу иш учун мўлжалланган ва қабул қилинган тартибда тасдиқланган техник хужжатлари бўлмаган шахсий ҳимоя воситаларини қўллаш тақиқланади. Улар вазифаси, ишлаш муддати кўрсатилган йўрикнома ҳамда сақлаш ва ишлатиш коидалари билан таъминланади.

Шахсий ҳимоя воситалари (ШХВ) вазифаларига қараб қуйидагиларга бўлинади:

- ихоталовчи костюмлар (пневмокостюмлар, намдан ихоталовчи костюмлар, скафандрлар);
 - нафас аъзоларини ҳимоя қилиш воситалари (газ никоблар, респераторлар, ҳаво шлемлари, ҳаво маскалари);
 - коржомалар (комбинезонлар, яримкомбинезонлар, курткалар, шимлар, костюмлар, халатлар, плашлар, пўстинлар, фартуклар, нимчалар);
 - маҳсус пойабзал (этиклар, қўнжи калта этиклар, ботинкалар, қўнжли ботинкалар, туфлилар, калишлар, ботилар);
 - қўлларни ҳимоя қилиш воситалари (кўлкоплар);
 - бошни ҳимоя қилиш воситалари (каскалар, шлемлар, шапкалар, береткалар, шляпалар);
 - юзни ҳимоя қилиш воситалари (ҳимоя никоблари);
 - кўзни ҳимоя қилиш воситалари (ҳимоя кўзойнаклари);
 - эшитиш аъзоларини ҳимоя қилиш;
 - эҳтиёт мосламалари (эҳтиёт камарлари, диэлектрик гиламчалар, қўл чангаклари, манипуляторлар, тиззани, тирсакни ҳамда елкани эҳтиёт қилиш мосламалари);
 - ҳимояловчи дермотологик воситалар (ювиладиган пасталар, кремлар, мойлар).
- Шахсий ҳимоя воситалари билан таъминлаш, уларни ўз вақтида алмаштириш, таъмирлаш, шунингдек, уларни вазифалари бўйича ишлатиш юзасидан корхона маъмуриятига куйидаги талаблар юкланади:
1. Ишчи ва хизматчиларга шахсий ҳимоя воситаларини бериш бўйича назорат ҳамда ҳисбот ишларини ташкил қилиш, улардан иш пайтида тўғри фойдаланишни, бузилган, ифлосланган ҳолларда эса уларни қўллашни тақиқлашни назорат қилиш.
 2. Шахсий ҳимоя воситаларини белгиланган муддатларда мунтазам равишда синовдан ўтказиш, уларнинг созлигини текшириб турish ҳамда уларнинг ҳимоя хоссалари пасайган фильтрлари, ойналари ва бошқа қисмларини ўз вақтида алмаштириш ҳамда текширилган воситаларга келгуси синов муддати ҳақида тамға қўйиш.
 3. Тозалаш, ювиш, таъмирлаш, дегазациялаш, дезактивациялаш, зарарсизлантириш ва чангсизлантириш ишларини ўз вақтида амалга ошириш, ишчи ҳамда хизматчиларни шахсий ҳимоя воситалари

билин ўз вақтида таъминлаш корхона маъмуриятига, назорат қилиш эса касаба уюшмаси қўмитасига юклатилади.

Махсус коржома ва пойабзалларга қўйиладиган талаблар. Махсус коржома ишловчиларни ташки муҳитнинг салбий таъсиридан сақлашга мўлжалланади. Бунда киши танасининг ҳаво алмашиш функцияси бузилмаслиги керак. У шундай бичиладики, унда одам ўзини қулай ҳис қилиши ва иш шароитида хавфсиз бўлиши керак; у кишининг эркин ҳаракатига тўскинлик қилмаслиги ҳамда айланиб турувчи қисмларга ўралиб кетиши мумкин бўлган осилиб ёки чиқиб турувчи қисмлари бўлмаслиги керак. Махсус коржома пишик, енгил тозаланадиган ва баданни қичитмайдиган матолардан тикилади.

Ҳаракатланиб турувчи механизмлар яқинида туриб ишловчиларга (операторлар, мойловчилар, таъмирчи-чилангарлар ва ш.к.) пахта ипидан тўқилган белбогсиз ички чўнтакли комбинезонлар берилади.

Қўлларни жароҳатланишдан сақлаш мақсадида ишчилар қўлқоплар билан таъминланади. Сочни ҳаракатдаги механизмлар ўраб кетмаслиги учун аёллар учбуручак рўмол ўрашлари, эркаклар эса беретка кийишлари керак.

Пойабзал фабрикаларининг кислота билан ишлайдиган ишчилари дағал жундан ёки пахта ипидан тўқилган, кислота таъсирига қарши модда шимдирилган матолардан тўқилган шим ҳамда курткалар билан таъминланадилар. Шу мақсадда дағал жун ва хлорин толаси аралашмасидан тўқилган, кислота таъсирига чидамли мовутдан махсус коржомалар тикилади.

Ҳозирги пайтда кислота ҳамда ишқорлар таъсирига чидамли синтетик толалар (лавсан, нитрон) ва жун толалари билан аралаштирилиб ёки фақат синтетик толалардан тўқилган матолар кент қўлланилади.

Кислота билан бевосита ишловчиларга резина шимдирилган кўкрак фартуклари, қўлларига кийиш учун дағал жун қўлқоп берилади.

Ишқор билан ишловчиларга пахта ипидан ёки брезентдан тикилган костюм ҳамда кўкрак фартуклари берилади. Шуни айтиш керакки, ишқорлар жундан тўқилган матоларни снгил парчалайди, шунинг учун уларни ишқор билан ишлашда қўллаб бўлмайди.

Ўта нам хоналарда ишловчи ишчиларга пахта толасидан тўқилган ва намикмайдиган (сувни ўзига тортмайдиган) костюм

ҳамда күкрак фартуклари, құлға кийиш учун эса резина құлқоплар берилади.

Махсус пойабзал ишчининг оёқларини ҳар хил заарли модда ва хавфлардан сақлашга мүлжалланган.

Ишлаб чиқаришдаги заарларнинг характеристига мос slab шахсий ҳимоя воситалари тикилади ҳамда материал танланади.

Нафас олишдаги ҳаво орқали таъсир қилувчи хавфли ва заарли ишлаб чиқариш омилларидан киши нафас олиш аъзоларини ҳимоя қилувчи мосламалар тўрт хил бўлади:

- газ ниқоблар;
- респираторлар;
- ҳаво шлемлари;
- ҳаво никоблари.

Булар кишини иш жойидаги ҳавода аралашган ҳар хил ифлосликлардан (буғ, газ, аэрозоллар, чанглар) ҳамда кислород етишмаслигидан самарали ҳимоя қилиши керак. Уларни танланада цехдаги ҳаво мухитининг таркиби ва ҳолатини, ишлаб чиқариш жараёнини ҳамда бошқа меҳнат шароитларини ҳисобга олиш лозим. Нафас аъзоларининг шахсий ҳимоя воситалари ишлаш принципи бўйича икки турда — фильтровчи (Φ) ва иҳоталовчи (I) бўлади. Фильтровчи турлари цех ҳавосида кислород микдори етарли (18 фоиздан күп) бўлганда ва заарли моддалар микдори кам бўлганда кўлланилади. Иҳоталовчи ҳимоя воситалари эса заарли моддалар цех ҳавосида чегараланмаган ҳамда кислород егарли микдорда бўлмаган ҳолларда ишлатилади. Ўз навбатида, фильтровчи ҳимоя воситалари ўз вазифасига кўра, аэрозоллардан ҳимояловчи ва универсал турларига бўлинади. Иҳоталовчи ҳимоя воситалари конструкцияси бўйича — ичакли, нафас олиш учун ҳавони тоза зонадан олиб берувчи ва автоном — нафас олиш учун шахсий манбай бўлган турларга бўлинади.

Фильтровчи респираторлар ҳам газ ниқоблар сингари цех ҳавосидаги аэрозол, буғ ва газларда кислород микдори 18 фоиздан кам бўлмаган ҳолларда ишлатилиб, улар уч турда бўлади: аэрозоллардан ҳимояловчи, газлардан ҳимояловчи ва универсал. Саноат корхоналарида, асосан, чанглардан ҳимояловчи турлари ишлатилади. Саноат фильтровчи газ ниқоблари нафас олиш органларини, шунингдек, кўзлар ва юз терисини газлар, буғлар ҳамда чангдан ҳимоялайди. Улар фильтровчи қутичадан, эгилувчан

шлангнинг юзга кийиладиган кисмидан ташкил топган. Саноат газ никобларининг қутичалари муайян заарли моддалардан ҳимоялаш учун юткичлар билан тўлдирилади ва вазифасига караб ҳар хил рангларга бўлинади ҳамда муайян хизмат муддатига эга бўлади. Фильтрловчи респираторлар вазифасига кўра чангга қарши, газга қарши ва универсал хилларга бўлинади.

Иҳоталовчи газ никоблар нафас олиш аъзоларини атроф-муҳитдан бутунлай ажратиб қўяди. Бундай воситаларга ичакли газ никоблар, кислородли ва ҳаволи нафас олиш аппаратлари киради. Ичакли газ никобларнинг ичагининг узунлиги 9-10 м бўлган ўзиюрар ҳамда ичагининг узунлиги 20 м гача бўлган, ҳаво мажбурий ҳайдаладиган хиллари мавжуддир. Кислородни ўтказмайдиган газ никоблар нафас олиш аъзоларини атроф-муҳитдан батамом ажратиб қўяди.

Кулоқларни шовқин таъсиридан ҳимоялаш учун қулоқ тикинлари (вкладишлар), қулоққопқоқ (наушник) ва шлемлардан фойдаланилади. Қулоқ тикинлари ғовакдор ёки қўйма резинадан, пластмасса, қайишкоқ пластинкалар, ҳар хил толали матолардан тайёрланади. Қулоққопқоклар қулоқнинг ташки қисмига кийилади. Шовқиндан ҳимояловчи шлемлар фақат шовқин ва совуқдан эмас, балки лат ейиш ҳамда бошқа шикастланишлардан ҳам сақлайди. Шовқинга қарши темир қалпоқ (каска)дан бошни механик шикастланиш ва юкори частотали ток таъсиридан ҳимояланиш учун фойдаланилади. Қўл, юз ҳамда бўйин терисини ҳимоялаш учун маҳсус ҳимоя суртмалари, пасталари ва кремлари ишлатилади.

7.4. Мехнатни муҳофаза қилиш бўйича тадбирлар белгилаш ва хавфсизлик усулларини ўқитиш

Ҳозирги замон фан ва техникасининг ўсиши, янгидан-янги технология ҳамда машина-механизмларнинг жорий этилиши ишлаб чиқаришда фаолият кўрсатаётган ҳар бир ходимнинг юкори малакали, техниканинг тартиб-қоидаларини чукур тушунадиган ва унга амал қиласиган бўлишларини тақозо қиласиди. Ҳозирги вактда хавфсизликни таъминлаш борасида қанчадан-қанча тавсияномалар, коида ҳамда меъёrlар ишлаб чиқилганлигига қарамасдан, корхоналарда баҳтсиз ходисаларнинг бутунлай бартараф бўлишини таъминловчи шароит мавжуд эмас. Шу сабабдан юкори малакали

мутахассислар тайёрлаш ва корхоналарда касб касалликлари ҳамда жароҳатланишга олиб келадиган омилларни бутунлай йўқотиш корхоналар раҳбарлари олдига қўйилган асосий вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Бундан ташқари, корхоналарнинг хилма-хиллиги, ҳаттоки, маълум бир корхонада иш шароити бир-бирига ўхшиш иккита бўлимни топиш амримаҳол эканлиги туфайли корхоналар умумий хавфсизлигини таъминловчи, тартибга солинган қоида ишлаб чиқиш мумкин эмас. Шунинг учун ҳам ҳар бир корхонада меҳнатни муҳофаза килиш ва меҳнат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган инструктаж (йўриқнома)лар тизими ташкил килинган ҳамда бу тизимлар ходимларнинг хавфсизлигини таъминловчи иш усусларини ўргатиш билан ходимнинг меҳнат жараёнидаги хавфсизлигини сақлаш чора-тадбирларини ҳам ўз ичига олади.

Инструктаж (йўриқнома)ларни, асосан, тўрт гурухга бўлиб ўрганиш мумкин:

- кириш инструктажи;
- иш жойидаги инструктаж;
- вақти-вақти билан ўтказиладиган инструктаж;
- режадан ташқари инструктаж.

Ташкилот ва корхоналарга ишга янги қабул қилинган барча ишчилар иш ўринларида кириш инструктажи ҳамда бирламчи инструктаждан ўтгандаридан кейингина ишга қўйилишлари мумкин.

Кириш инструктажи ишга янги кираётганлар учун ўтказилади. Бу инструктажнинг **асосий мақсади** — ишга кираётган кишига меҳнатни муҳофаза қилиш, хавфсизлик техникаси ҳамда санитарияси тўғрисида маълумот бериш, уни корхона майдонларидаги тартиб-қоидалардан хабардор қилишdir. Кириш инструктажи яхши жиҳозланган ва кўргазмали қуроллар ўрнатилган меҳнатни муҳофаза қилиш хонасида хавфсизлик техникаси мухандиси томонидан ўтказилади. Ушбу инструктаж вақтида ишга кираётган ходим қуидагилар билан таништирилиши шарт: Ўзбекистон Республикасида меҳнатни муҳофаза қилиш қонунчилиги асослари, корхонада йўлга қўйилган ички тартиб-қоидалар, корхона майдонида ҳамда бўлимларда ўзини тутиш қоидалари, корхонадаги хавфсизлик техникасининг умумий талаблари, иш жойини тўғри ташкил қилиш, топширилган машина ва механизmlарни саранжом ҳамда озода сақлаш қоидалари, маҳсус иш шароити ташкил этилган бўлимлар

билин таништириш, баҳтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш қоидаларини тушунтириш, енгил аланга оловчи суюқликлар, сикилган ҳаво, электр токи ҳавфи мавжуд бўлган бўлимларга дикқат каратишини тушунтириш.

Мехнатни муҳофаза қилиш, ҳавфсизлик техникаси ва корхона санитарияси қоида, меъёр ҳамда йўрикномаларининг бузилиши натижасида вужудга келган баҳтсиз ҳодисалар ҳақида маълумотлар берилиши, баҳтсиз ҳодиса рўй берганда ўзини қандай тутиш ва баҳтсиз ҳодисага учраган кишига шифокорлар келгунга қадар ёрдам кўрсатиш усувлари ҳақида маълумот берилади. Алкоголли ичимликлар баҳтсиз ҳодисага олиб келиши ҳақида огоҳлантирилади.

Инструктаж ўтказган шахс ҳамда ундан ўтган шахслар маҳсус китобга имзо кўяди.

Иш ўрнида ҳавфсизлик техникаси бўйича бирламчи инструктажни бўлим раҳбари ўтказади. Бирламчи инструктажга ишчини ўз ихтисослиги бўйича вазифалари, иш ўрнини ҳавфсиз ташкил қилиш тартиби билан таништириш, курилма ва механизмларнинг тузилиши ҳамда уларга хизмат кўрсатиш (ишга тушириш, тўхтатиш ва х.к.), асбоб-ускуна ҳамда мосламаларни, ҳимоя воситалари ва тўсиқларни ишлатиш ҳамда улардан фойдаланиш қоидалари, тайёр маҳсулотларни жойлаш қоидалари, юк кўтариш ҳамда транспорт воситаларини ишлатишнинг ҳавфсизлик қоидалари, шунингдек, ҳавф туғилган тақдирда, ўзини қандай тутиш кераклиги билан таништирилади. Инструктаж ўтказилгандан сўнг мастер ўз касби ёки бажараётган ишнинг тури бўйича ҳавфсизлик техникасига оид инструкция ёки эслатма топшириши керак.

Иш ўрнида бериладиган инструктаж, шунингдек, ҳар сафар бошка ишга ўтганда ёки иш шароитлари ўзгарганда ҳам ўтказилади; бригада ишчилари ўзлари бажарадиган барча иш турлари бўйича ҳавфсизлик техникасидан инструктаж ўтишлари шарт.

Ҳавфсизлик техникаси қоидаларини, ишлаб чиқариш санитарияси ҳамда ёнғинга қарши техника нормаларини маъмурий-техник ходимлар ва ишчилар яхши ўрганиб, билиб олган ҳамда уларга катъий риоя қилган тақдирдагина, бу қоида ҳамда нормалар яхши натижа беради.

Ташкилотларда ва корхоналарда ҳавфсизлик техникаси ҳамда ишлаб чиқариш санитариясини тарғиб қилиш бўйича ўқув-услубий маркази сифатида ҳавфсизлик техникаси хоналари ва бурчаклари

ташкил этилиб, улар тегишли ўкув қўлланмалари билан таъминланади.

Амалдаги тартиб-қоидаларга биноан, ишга кираётган ишчиларнинг ҳаммаси хавфсизлик техникаси бўйича таҳсил олиши керак.

Асосан, ишчиларни хавф-хатарсиз ишлашга ўргатиш мақсадида дастлабки (умумий) инструктаж, иш ўрнининг ўзида ишлаб чиқариш инструктажи ўтказилади ва курсда таълим берилади.

Ишчиларга таълим беришининг бу тизими мажбурий бўлиб, хавфсизлик техникаси қоидаларининг ўз вақтида, тўла-тўқис ҳамда тўғри ўргатилиши учун корхона раҳбари жавобгардир.

Корхонага ишга кирган ишчиларнинг ҳаммаси (ихтисосидан ва бажарадиган ишидан қатъи назар), шунингдек, ишга йўллашдан олдин ишлаб чиқариш тажрибасини ўташ учун ишлаб чиқариш амалга оширилаётган жойга юборилади ҳамда ўқувчилар ишга тушишларидан олдин дастлабки (умумий) инструктаж ва иш ўрнининг ўзида ташкил этиладиган инструктаждан ўтишлари шарт.

Дастлабки инструктаж журналга ёзилгани сингари, иш ўрнида хавфсизлик техникасидан ўтказилган инструктаж хам маҳсус журналга ёзиб кўйилади.

Вақти-вақти билан ўтказиладиган инструктаж. Бу инструктажни ўтказиш вақтини корхона касаба уюшмаси қўмиталари билан келишган ҳолда корхонанинг раҳбари белгилайди. Унбу инструктажнинг мазмуни иш жойидаги инструктаж мазмуни билан бир хил. Мазкур инструктаж кириш инструктажи сингари иш стажи, малакаси, тоифасидан қатъи назар, ҳамма ходимлар билан ўтказилиши шарт.

Режадан ташқари инструктаж. Бу инструктаж технологик жараённинг ўзгариши, янги машиналар киритилиши ва янги материаллардан фойдаланиш натижасида иш шароитининг ўзгариши муносабати билан ходимларнинг меҳнат хавфсизлигини саклаш борасидаги билимлари етишмаган ҳолларда ўтказилади. Бундан ташқари, бавъзи бир ходимлар томонидан хавфли иш усусларидан фойдаланилса, меҳнат интизоми ёки хавфсизлик техникаси қоидалари бузилса ёхуд ишчи ишлаётган жойидан бирор сабаб билан (масалан, касаллик, таътил) узилиш рўй берса, шунингдек, иш жойларида касб касалликлари ҳамда баҳтсиз ҳодисалар содир бўлса, инструктаж ўтказилади. Ўхшащ корхонада ҳалокат сабабли баҳтсиз ҳодиса рўй

берганлиги ҳакида хабар эшиитилгандан кейин ҳам режадан ташқари инструктаж ўтказилиши керак.

Кундалик инструктаж. Кундалик рухсатнома билан бажариладиган ҳавфли ишлар учун иш бошлишдан олдин ўтказилади. Бу инструктаж ўтказилганини ҳақидаги маълумот кундалик рухсатномага ёзиб қўйилади.

Корхоналарда меҳнатни муҳофаза қилиш масалаларини тарғиб этиш ва ҳавфсизлик техникаси инструктажларини ўтказиш мақсадида меҳнатни муҳофаза қилиш маҳсус хонаси ташкил этилади.

Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича маҳсус жиҳозланган хоналардан қўйидаги ҳолларда фойдаланилади:

— ишга янги кираётган ишчи ва хизматчиларни ҳавфсизлик техникаси ҳамда санитария бўйича инструктажлардан ўтказиш;

— ҳавфсизлик техникаси бўйича маҳсус билим талаб киладиган юмушларда меҳнат қилаётган ходимлар билан суҳбатлар ўтказиш, корхона бош мухандиси томонидан тасдиқланган дастур бўйича мухандис-техник ходимлар ва касаба уюшмаси фаоллари билан меҳнатни муҳофаза қилиш масалаларида семинарлар ташкиллаштириш;

— меҳнатни муҳофаза қилиш ҳақидаги ҳужжатли фильмлар намойиш қилиш, суҳбатлар ўтказиш ва маърузалар уюштириш.

Ишчиларнинг ҳавфсизлик техникаси бўйича инструктаждан ўтиши ҳамда ўқитилиши қандай ташкил этилаётганини ва уларнинг сифатини доимий назорат қилиб туриш касаба уюшмаларининг корхона ҳамда вилоят қўмиталарига юкланди.

Ихтисосига кўра, аввало, тиббий қўриқдан ўтишлари лозим бўлган ишчилар маъмуриятга тегишли тиббий хulosани топширишлари лозим, ана шундан кейингина уларни ишга қабул қилиш ҳамда инструктаждан ўтказиш мумкин. Масалан, қурилиш ташкилотларида баландда ишлайдиган монтажчилар ишга кираётгандарига дастлабки қўриқдан ўтишлари, кейин иилига бир марта тиббий қўриқдан ўтиб туришлари керак. Комплекс бригаданинг аъзоларига эса бригада бажарадиган барча турдаги ишларни бехатар бажариш усуллари ўргатилади.

Ҳавфсизлик техникаси курсини ўтмаган ва шундай курсда таълим олганлиги ҳақида гувоҳномаси бўлмаган ишчига маъмуриятнинг жуда ҳавфли ёки маъсулиятли ишларни, шунингдек,

бошқа ишчиларнинг вазифалариға кирадиган ишларни топширишга ҳаки йўқ.

Қисқача хуносалар

Корхона ва ташкилотларда меҳнат шароитларини яхшилаш ҳамда хавфсизликни таъминлаш мақсадида хавфсизлик техникаси хизмати кўзда тутилган. Хавфсизлик техникаси хизматининг асосий вазифалари корхоналарда ишлаб чиқариш травматизми (шикастланиш) сабабларини бартараф этиш ишларини бажариш, меҳнат шароитларини яхшилаш, хавфсизлик техникаси ва ҳимоя воситаларини такомиллаштириш, ишлаб чиқариш маданиятини юксалтириш, ташкилий-техник ҳамда санитария-гигиена тадбирларини ишлаб чииш ва амалга ошириш бўйича ишлаб чиқариш ҳамда техник хизматларнинг ишини назорат қилишдан иборат. Хавфсизлик техникаси хизмати ўз иш фаолиятида касаба уюшма органлари ва уларнинг меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича комиссиялари билан доимий алоқада бўлади.

Хавфсизлик техникаси қоидаларини, ишлаб чиқариш санитарияси ҳамда ёнғинга қарши техника нормаларини маъмурий-техник ходимлар ва ишчилар яхши ўрганиб, билиб олган ҳамда уларга қатъий риоя қилган тақдирдагина, бу қоида ва нормалар яхши натижা беради.

Хавфсизлик техникаси бўйича дастлабки (умумий) инструктажни хавфсизлик техникаси бўйича мухандис ёки бош мухандис ўтказади.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Хавфсизлик техникаси хизмати қандай ташкил этилади?
2. Хавфсизлик техникаси хизматининг асосий вазифалари нималардан иборат?
3. Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича қандай тадбирлар белгиланади?
4. Хавфсизлик техникаси инструктажи қандай ўтказилади?
5. Ускуналарда хавфсизликни таъминловчи техник воситалар нималардан иборат?
6. Тўсувчи тузилмалар ҳакида нима биласиз?
7. Сақловчи тузилмаларнинг ишлаш принципи нимага асосланган?
8. Хавфсизликни масофа билан таъминлаш.

9. Сигналлар, ранги сигналлар, хавфсизлик белгилари нима учун зарур?
10. Иш жойини тўғри ташкил қилиш хавфсизликни оширадими?

Тавсия этилаётган адабиётлар

1. Адамчук В.В. Экономика и социология труда / В.В. Адамчук, О.В.Ромашов, М.Е.Сорокина- М: ЮНИТИ, 2001.
2. Абдурахманов О.К. Ўзбекистон Республикасида меҳнатни муҳофаза қилиш тизимини бошқариш самарадорлигини ошириш. Т.: Фан., 2010. – 326 б.
3. Абдурахмонов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти ва социологияси. Дарслик. – Т.: Фан ва технология, 2012. – 388 б.
4. Андреев С.В. Охрана труда от “А” до “Я”. Практическое пособие. Вкл 2. М.: Альфа-пресс, 2004. С. 49.
5. Баранов Н.И. Охрана труда. Учебное пособие. Клин.ОЛС Комплект, 2002.
6. Беляров Ю.А., Хлопков В.В. Охрана труда в организации. Практические рекомендации. М.: Книжный мир, 2009. – 176 с.
7. Михайлов Ю.М. Корпоративная система охраны труда. Функционирование. Аттестация. Сертификация. Экспертиза. М.: Альфа – Пресс, 2009. С.7-11.
8. Попова Н.А. Организация, нормирование и оплата труда на предприятии: Учебное пособие. – М.: Финпресс, 2011. - 176 с.

8-боб. ИШЛАБ ЧИҚАРИШДАГИ БАХТСИЗ ҲОДИСАЛАРНИ ТЕКШИРИШ ВА ҲИСОБГА ОЛИШ

8.1. Бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш бўйича умумий қоидалар

“Мехнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини, Ўзбекистон Республикасининг Мехнат кодексини бажариш ва республика ҳудудида мулкчиликнинг барча шаклидаги корхоналар, муассасалар, ташкилотларда, шунингдек, меҳнат шартномаси бўйича ишлаётган айрим фуқароларда меҳнат фаолияти билан боғлик ҳолда юз берган бахтсиз ҳодисаларни ва ходимлар саломатлигининг бошқа хил заарланишини текшириш ва ҳисобга олишнинг ягона тартибини белгилаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси 1997 йил 6 июндаги 286-сон қарори билан “Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни ҳамда ходимлар саломатлигининг бошқа хил заарланишини текшириш ва ҳисобга олиш тўғрисида”ги Низом тасдиқланган. Мазкур низом 1997 йил 1 июлдан бошлаб амалга киритилган.

Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси ҳудудида мулкчиликнинг барча шаклидаги корхоналар, муассасалар, ташкилотларда, шунингдек, меҳнат шартномаси бўйича ишлаётган айрим фуқароларда меҳнат фаолияти билан боғлик ҳолда юз берган ҳодисаларни ҳамда ходимлар саломатлигининг бошқа хил заарланишини текшириш ва ҳисобга олишнинг ягона тартибини белгилайди.

Мазкур тартиб:

- ишлаб чиқаришда ишлаётган даврида суд ҳукми бўйича жазони ўтаётган фуқароларга;
- иш берувчиларга;
- пудрат ва топширикларга кўра фуқаролик-ҳукукий контрактлар бўйича ишларни бажараётган шахсларга;
- табиий ва техноген тусдаги фавқулодда вазиятларни бартараф этишда қатнашаётган фуқароларга;
- агар маҳсус давлатлараро битимда ўзгача қоида кўрсатилмаган бўлса, ёлланиб ишлаётган чет эл фуқароларига;
- курилиш, қишлоқ хўжалиги ва ҳарбий хизматни ўташ билан боғлик бўлмаган ўзга ишларни бажариш учун корхонага юборилган ҳарбий хизматчиларга;

— корхонада ишлаб чиқариш амалиётини ўтаётган талабалар ва ўкувчиларга ҳам татбиқ этилади.

Ўкувчилар ҳамда талабалар билан ўкув-тарбия жараёнида юз берган баҳтсиз ҳодисалар Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан келишилган ҳолда, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими маркази томонидан белгиланган тартибда текширилади ҳамда ҳисобга олинади.

Корхона ҳудудида ва унинг ташқарисида:

— меҳнат вазифаларини бажараётганда (шунингдек, хизмат сафарларида) юз берган жароҳатланиш, заҳарланиш, иссиқлик таъсири, портлаш, фалокатлар, иморатлар, иншоотлар ҳамда конструкциялар бузилиши, куйиш, музлаш, қизиш, электр токи ва яшин уриши, ҳайвонлар, ҳашаротлар ҳамда судралиб юрувчилар томонидан, террористик ҳаракатлар натижасида шикастланишлар, шунингдек, табиий оғатлар (зилзилалар, ўпирилишлар, сув тошқинлари, тўфонлар ва бошқалар) туфайли саломатликнинг бошқа хил шикастланишлари;

— ўз функционал вазифаларини бажариш юзасидан, шунингдек, аварияларнинг, одамлар ҳалок бўлишининг олдини олиш ҳамда корхонанинг мулкини сақлаш мақсадида, иш берувчи топшириқ бермаган бўлса ҳам, корхона манфаатларини кўзлаб қандайдир хатти-ҳаракатларни амалга ошираётгандаги;

— ходим хизмат сафарида бўлган ёки ўз функционал вазифаларини бажариш вақтида — йўл-транспорт ҳодисасидаги, темир йўл, ҳаво йўлларидағи, денгиз ва дарё транспортидағи, электр транспортидағи ҳодиса натижасидаги;

— иш берувчи томонидан буйруқ билан маҳсус ажратилган уйдан ишга ва/ёки ишдан уйга ходимларни ташиш учун мўлжалланган транспортда, шунингдек, ушбу мақсадлар учун шартнома (буюртма)га мувофиқ ўзга ташкилот транспортида ишга кетаётган ёки ишдан қайтаётгандаги;

— иш вақтида шахсий транспортда, уни хизматга оид сафарлар учун ишлатишга рухсат берилганлик ҳақида иш берувчининг ёзма буйруғи мавжуд бўлгандаги;

— иш берувчининг топшириғини бажариш учун транспортда ёки пиёда ҳаракатланаётганда, шунингдек, меҳнат фаолияти хизмат

кўрсатиш объектлари орасида юриш билан боғлиқ ходимлар билан иш вақтида транспортда ёки пиёда кетаётгандаги;

— тадбирларнинг ўтказилиши ёки ишлар бажарилиши жойидан қатъи назар, шанбалик (якшанбалик), фуқаро мудофааси бўйича ўкув машғулотлари, кўнгилли ёнғин муҳофазаси мусобақалари ўтказилаётгандаги, қишлоқ хўжалиги ишларига жалб этилгандаги, иш берувчининг ёзма фармойиши бўйича корхона томонидан оталиқ ёрдами кўрсатилаётгандаги;

— ички ишлар органларининг маълумотлари асосида — иш вақтида меҳнат вазифаларини бажараётгандан бошқа шахс томонидан тан жароҳати етказилгандаги;

— сменали дам олишда бўлган ходим билан транспорт воситасидаги вахта шаҳарчаси худудидаги ёки ижарага олинган хонадаги (кузатиб борувчи, рефрижератор бригадаси ходими, сменали ҳайдовчи, денгиз ва дарё кемалари ходимлари, шунингдек, вахта-экспедиция усулида ишлаётгандар ҳамда бошқалар) баҳтсиз ҳодисалар текширилади ва ҳисобга олинади.

Табиий ўлим, ўзини ўзи ўлдириш, жабрланувчининг ўз саломатлигига қасдан шикаст етказиши, шунингдек, жабрланувчининг жиноят содир килиш чоғида шикастланиши ҳолатлари (суд-тиббий экспертиза хulosаси ёки тергов органларининг маълумотларига кўра) текширилмайди ҳамда ҳисобга олинмайди.

Ишлаб чиқаришдаги баҳтсиз ҳодиса натижасида ходимнинг меҳнат қобилияти камидан бир кунга йўқотилса ёки тиббий хulosага мувофиқ енгилроқ бошқа ишга ўтиши зарур бўлса, Н-1 шаклидаги далолатнома билан расмийлаштирилади (1-илова).

Иш берувчи текшириш тугаганидан сўнг 3 суткадан кечиктирмай жабрланувчига ёки унинг манфаатларини ҳимоя килувчи шахсга давлат тилида ёки бошқа мақбул тилда расмийлаштирилган баҳтсиз ҳодиса тўғрисидаги Н-1 шаклидаги далолатномани бериши керак.

Иш берувчи ишлаб чиқаришдаги баҳтсиз ҳодисаларни тўғри ва ўз вақтида текшириш ҳамда ҳисобга олиш, Н-1 шаклидаги далолатномани тузиш, баҳтсиз ҳодиса сабабларини бартараф этиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун жавобгардир.

Ишлаб чиқаришдаги баҳтсиз ҳодисаларни тўғри ҳамда ўз вақтида текшириш ва ҳисобга олишни, шунингдек, баҳтсиз ҳодиса келиб

чиқиши сабабларини бартараф этишга оид чора-тадбирларнинг бажарилишини корхонанинг юқори турувчи хўжалик органи, касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи, давлат меҳнат техника назоратчиси, Ўзбекистон Республикаси “Саноатгеоконтехназорат” давлат инспекцияси ва “Ўзэнергоназорат” агентлиги органлари назоратдаги тегишли объектларда назорат қиласди.

Иш берувчи Н-1 шаклидаги далолатномани тузишдан бош тортса, жабрланувчи ёки унинг манфаатларини ҳимоя қилувчи шахс Н-1 шаклидаги далолатнома мазмунидан норози бўлса, жабрланувчи ёки унинг манфаатларини ҳимоя қилувчи шахс корхона касаба уюшмаси қўмитасига ёки корхона ходимларининг бошқа вакиллик органига мурожаат қиласди.

Касаба уюшмаси қўмитаси ёки корхона ходимларининг бошқа вакиллик органи 10 кун муддат ичидаги бахтсиз ҳодисасининг келиб чиқиши сабабларини ўрганиб чиқади, меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари ва меъёрлари, меҳнат хавфсизлиги андозалари бузилишини аниқлайди, зарур деб ҳисобласа, иш берувчидан Н-1 шаклидаги далолатномани тузишни ёки қайта тузишни талаб қиласди. Иш берувчи бу талабларни бажармаса, корхона касаба уюшмаси қўмитаси ёки бошқа вакиллик органи, шунингдек, жабрланувчи ёки бошқа манфаатдор шахс давлат меҳнат техника назоратчисига мурожаат қиласди.

Н-1 шаклидаги далолатнома тузилмаганлиги ёки нотўғри тузилганлиги аниқланган ҳолларда, давлат меҳнат техника назоратчиси иш берувчидан Н-1 шаклидаги далолатномани тузишни ёки бошқатдан тузишни талаб қилиш ҳуқуқига эгадир. Иш берувчи давлат меҳнат техника назоратчиси хулосасини бажаришга мажбур.

Иш берувчи билан давлат меҳнат техника назоратчиси ўртасидаги англашилмовчиликни бош давлат меҳнат техника назоратчиси ҳал қиласди.

8.2. Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисани ва ходимлар саломатлигининг бошқача тарзда заарланишини текшириш ҳамда ҳисобга олиш тартиби

Ишлаб чиқаришдаги ҳар бир бахтсиз ҳодиса ҳақида жабрланувчи ёки гувоҳ дарҳол бўлинма (цех) раҳбарига хабар бериши керак, у эса:

— жабрланувчига зудлик билан биринчи ёрдам кўрсатиши ва уни тиббий-санитария қисмига ёки бошқа даволаш муассасасига етказиши ташкил этиши;

— текшириш комиссияси иш бошланишига кадар иш жойидаги вазиятни ва жиҳозлар ҳолатини ҳодиса юз берган дақиқада қандай бўлса, шундайлигича (агар бу атрофдаги ходимлар ҳаёти, саломатлигига таҳлика солмаётган бўлса ва ҳалокатга олиб келмас) сақлаб қолиши;

— дархол ҳодиса тўғрисида иш берувчига ҳамда касаба уюшмасига ёки корхона ходимларининг бошқа вакиллик органига хабар қилиши керак.

Корхона тиббий-санитария қисми (шифохона, поликлиника) бир сутка ичida ёрдам сўраб мурожаат қилган ходимлар, шу жумладан, хизмат сафаридағи ва корхона ишлаб чиқариш обьектларида иш бажараётган хорижий ташкилот ходимлари билан юз берган ҳар бир баҳтсиз ҳодиса ҳакида иш берувчига ва касаба уюшмасига ёки ходимларининг бошқа вакиллик органига хабар беради.

Иш берувчининг буйруғига кўра, иш берувчи ва касаба уюшмаси қўмитаси вакиллари ёки ходимларининг бошқа вакиллик органи таркибида комиссия тузилади.

Ишлаб чиқаришдаги меҳнат хавфсизлигига бевосита жавоб берувчи раҳбар баҳтсиз ҳодисани текширишда иштирок этмайди.

Комиссия:

— уч сутка ичida баҳтсиз ҳодисани текшириб чиқиши, гувоҳлар ва меҳнат муҳофазаси қоидалари, меҳнат хавфсизлиги андозаларини бузишга йўл кўйган шахсларни аниклаб сўрек қилиши, имкони бўлса, жабрланувчидан тушунтириш хати олиши;

— баҳтсиз ҳодиса сабабларини йўқотиш чора-тадбирлари кўрсатилган Н-1 шаклидаги далолатномани уч нусхада тузиши ва имзо чекиб, уларни тасдиқлаш учун иш берувчига тақдим этиши керак.

Иш берувчи ишлаб чиқаришда баҳтсиз ҳодисани келтириб чиқарган сабабларни бартараф қилиш чораларини кўради ва текшириш тамом бўлгандан сўнг уч сутка давомида тасдиқланган Н-1 шаклидаги далолатномаларни:

— жабрланувчига ёки унинг манфаатларини ҳимоя қилувчи шахсга, текшириш материаллари билан бирга, корхона меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати раҳбари (муҳандиси, мутахассиси)га, давлат

мөхнат техника назоратчисига юборади.

Н-1 шаклидаги далолатнома билан расмийлаштирилган баҳтсиз ҳодисалар корхона томонидан ҳисобга олинади ва маҳсус дафтарда қайд этилади (2-илова).

Иш берувчи Н-1 шаклидаги далолатнома нусхаларини касаба уюшмаси қўмитасига ёки корхона ходимларининг бошқа вакиллик органларига, Ўзбекистон Республикаси “Саноатгеоконтехназорат” давлат инспекцияси ёки “Ўзэнергоназорат” агентлиги вакилига, агар баҳтсиз ҳодиса назоратдаги тегишли корхоналар (объектлар)да юз берган бўлса, юқори турувчи хўжалик органига, тегишли вазирлик (хўжалик бошқаруви органлари)га ҳам уларнинг талабларига мувофиқ юбориши шарт.

Н-1 шаклидаги далолатнома тўрт нусхада тузилади ва тасдиқланади. Мехнатни муҳофаза қилиш хизмати раҳбари (муҳандиси, мутахассиси)га текшириш материаллари билан юборилган Н-1 шаклидаги далолатнома 45 йил давомида сақланиши лозим. Бошқа жойларга юборилган Н-1 шаклидаги далолатномалар ва унинг нусхалари эҳтиёж йўқолгунча сақланади.

Агар корхона қайта ташкил этилса, Н-1 шаклидаги далолатнома хукукий ворисга корхонанинг бошқа қимматли қоғозларини топшириш тартибида берилади. Агар корхона тугатилса, Н-1 шаклидаги далолатнома корхонанинг юқори турувчи хўжалик органига берилади. Агар корхонада юқори турувчи хўжалик органи бўлмаса, унда Н-1 шаклидаги далолатнома туман (шаҳар) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси бўлимига топширилади.

Жабрланувчи ёки гувоҳлар иш вақти давомида иш берувчига хабар бермаганлиги ёки иш қобилияти дарҳол йўқолмаганлиги тўғрисидаги баҳтсиз ҳодисалар жабрланувчининг ёки унинг манфаатларини ҳимоя қилувчи шахснинг аризасига, шунингдек, (бош) давлат мөхнат техника назоратчисининг талабига биноан ариза берилган ёки кўрсатма олинган кундан бошлаб бир ой муддат ичida текширилади. Н-1 шаклидаги далолатномани тузиш масаласи баҳтсиз ҳодиса тўғрисидаги ариза ҳар томонлама, барча шарт-шароитлар, гувоҳларнинг кўрсатмалари ва бошқа далиллар ҳисобга олинган холда текширилганидан сўнг ҳал этилади.

Бошқа ташкилот томонидан ўша ташкилот топширигини бажариш учун ёки хизмат вазифасини адо этиш учун мазкур

корхонага жўнатилган ходим билан юз берган бахтсиз ҳодиса шу бахтсиз ҳодиса юз берган корхона иш берувчиси томонидан тузилган комиссия томонидан жабрланувчи ишлайдиган ташкилот вакили иштирокида текширилади.

H-1 шаклидаги далолатноманинг З-бандида ходимни йўллаган ташкилот номи кўрсатилади. Бахтсиз ҳодиса жабрланувчи қайси ташкилот ходими бўлса, ўша ташкилот томонидан хисобга олинади.

Ўзбекистон Республикаси “Саноатгеоконтехназорат” давлат инспекцияси органи тизимида бошқа корхона ходими билан юз берган бахтсиз ҳодиса, бахтсиз ҳодиса юз берган корхона (объект) қайси орган назорати остида бўлса, шу орган томонидан хисобга олинади.

Бахтсиз ҳодиса юз берган корхона H-1 шаклидаги далолатноманинг бир нусхасини бахтсиз ҳодиса сабабларини бартараф этиш учун ўзида олиб қолади, қолган З та тасдиқланган нусхасини жабрланувчи ходими бўлган ташкилотга, хисобга олиш, сақлаш ва 4-бандда кўрсатиб ўтилган манзилларга жўнатиш учун юборади.

Иш берувчининг ёзма фармойиши билан вактинча бошқа ташкилотга ишга ўтказилган ёхуд ўриндошлик бўйича ишлаётган ходим билан бахтсиз ҳодиса юз берса, бахтсиз ҳодиса содир бўлган ташкилот томонидан текширилади ва хисобга олинади.

Бошқа корхонанинг ажратилган участкасида иш олиб бораётган корхона ходими билан бахтсиз ҳодиса юз берса, у иш олиб бораётган корхона томонидан текширилади ва хисобга олинади.

Ҳарбий кисм билан корхона ўртасидаги шартнома, битим бўйича халқ хўжалиги объекtlарига ишга жалб қилинган ва унинг маъмурий-техник ходими бошлилигида иш олиб бораётган ҳарбий қурилиш отряди (қисми) шахсий таркиби билан юз берган бахтсиз ҳодиса иш берувчи томонидан ҳарбий қурилиш отряди (қисми) қўмондонлиги иштирокида текширилади. Бахтсиз ҳодиса корхона томонидан хисобга олинади.

Ҳарбийлаштирилган кон ва газ кутқарувчилари қисмлари шахсий таркиби билан юз берган бахтсиз ҳодиса иш берувчи томонидан Ўзбекистон Республикаси “Саноатгеоконтехназорат” давлат инспекцияси ёки “Ўзэнергоназорат” агентлиги вакили иштирокида текширилади.

Корхонадаги мөхнатга жалб қилиниб, ишни унинг маъмурий-техник ходими бошчилигига бажараётган ахлоқ тузатиш-мөхнат муассасаси (АТММ)да, даволаш-мөхнат ва тарбия-мөхнат профилакториялари (ДМП ва ТМП)да сақланаётган шахслар билан баҳтсиз ҳодиса юз берса, у АТММ, ДМП ва ТМП вакили иштирокида иш берувчи томонидан текширилади. Баҳтсиз ҳодиса корхона томонидан ҳисобга олинади.

АТММ, ДМП ва ТМПларда хўжалик ишларини бажараётган шахс билан, шунингдек, ўзининг ишлаб чиқаришида баҳтсиз ҳодиса юз берса, у Ички ишлар вазирлиги ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги белгилаган тартибда текширилади ва ҳисобга олинади.

Автокорхона ёки бошқа корхона томонидан тузилган йиғма автоколонна таркибида қишлоқ хўжалиги ишларига юборилган автомобиль ҳайдовчиси билан юз берган баҳтсиз ҳодиса шу корхона томонидан текширилади ҳамда ҳисобга олинади. Текширишда ходимни юборган корхона вакили қатнашади.

Корхона ходими раҳбарлигига ишлаб чиқариш амалиёти ўтаётган ёки иш бажараётган ўқувчилар, талабалар билан юз берган баҳтсиз ҳодиса корхона томонидан таълим муассасаси вакили билан биргаликда текширилади ва корхона томонидан ҳисобга олинади.

Корхона томонидан ишлаб чиқариш амалиёти учун ажратилган участкада ўқитувчилари раҳбарлигига ишлаб чиқариш амалиётини ўтаётган ёки иш бажараётган ўқувчилар, талабалар билан юз берган баҳтсиз ҳодисалар таълим муассасалари томонидан корхона вакили билан биргаликда текширилади ҳамда таълим муассасаси томонидан ҳисобга олинади.

Тасдиқланган Н-1 шаклидаги далолатноманинг бир нусхаси жабрланувчинининг доимий иш, хизмат ёки ўқиш жойига юборилади.

8.3. Баҳтсиз ҳодисаларни маҳсус текшириш

Куйидаги баҳтсиз ҳодисалар маҳсус текширилади:

— бир вактнинг ўзида икки ва ундан зиёд ходимлар билан саломатликка етказилган зарарнинг оғирлиги даражасидан қатъи назар, юз берган гуруҳий баҳтсиз ҳодисалар;

— ўлим билан тугаган баҳтсиз ҳодисалар;

— оқибати оғир баҳтсиз ҳодисалар.

Саломатликка етказилган зарарнинг оғирлиги даражаси тўғрисидаги тиббий хулосани даволаш муассасаси беради.

Гурухий, ўлим билан тугаган ва оқибати оғир бахтсиз ҳодиса түгрисида иш берувчи дархол схемага биноан (З-илова) куйидагиларга хабар бериши керак:

- давлат мөхнат техника назоратчисига;
- юкори турувчи хўжалик органига;

— Ўзбекистон Республикаси Мөхнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигига, вилоят (Тошкент шаҳар) мөхнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармасига;

— бахтсиз ҳодиса юз берган жойдаги ҳудудий ички ишлар органига;

- бахтсиз ҳодисага учраган ходимни юборган ташкилотга;

— Ўзбекистон Республикаси Мөхнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигига;

— Ўзбекистон Республикаси “Саноатгеоконтехназорат” давлат инспекциясининг маҳаллий органига ва “Ўзэнергоназорат” агентлигининг ҳудудий органига, агар бахтсиз ҳодиса назорати остидаги корхона (объект)да юз берган бўлса;

— иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурталовчига.

Гурухий, ўлим билан тугаган ва оқибати оғир бахтсиз ҳодисани Қорақалпоғистон Республикаси Мөхнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, вилоят (Тошкент шаҳар) мөхнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси буйруғига асосан, куйидаги таркибдаги комиссия маҳсус текширади:

— раис — Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят (Тошкент шаҳар) (бош) давлат мөхнат техника назоратчиси ёки Ўзбекистон Республикаси “Саноатгеоконтехназорат” давлат инспекцияси вакили ёхуд “Ўзэнергоназорат” агентлиги вакили назорати остидаги корхона (объект);

— аъзолар — юкори турувчи хўжалик органи вакили, иш берувчи, кўзда тутилган маҳсус ҳолларда жабрланувчининг асосий иш жойи касаба уюшмаси қўмитаси ёки корхона ходимлариининг бошқа вакиллик органи раиси ва иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурталовчининг вакили.

Ўзбекистон Республикаси “Саноатгеоконтехназорат” давлат инспекцияси ёки “Ўзэнергоназорат” агентлиги органлари назорати остидаги корхона (объект)ларда юз берган гурухий, ўлим билан

тугаган ва оқибати оғир баҳтсиз ҳодисани тегишли Давлат меҳнат техника назорати билан келишилган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси “Саноатгеоконтехназорат” давлат инспекцияси ёки “Ўзэнергоназорат” агентлиги республика ёхуд маҳаллий органлари буйруғи асосида тузилган комиссия, юкори турувчи хўжалик органи вакили иштирокида текширади. Комиссия раиси қилиб шу орган вакили тайинланади. Комиссия таркибига (бош) давлат меҳнат техника назоратчиси киради.

Гурӯхий, ўлим билан тугаган ва оқибати оғир баҳтсиз ҳодисалар юз берганида, иш берувчи ҳамда касаба уюшмаси қўмитаси ёки ҳодимларнинг бошқа вакиллик органи вакиллари таркибида иш берувчининг буйруғи билан ташкил этилган комиссия томонидан Н-1 шаклидаги далолатнома комиссия томонидан маҳсус текшириш далолатномаси тузилгандан сўнг бир сутка ичida комиссия хуносаларига мувоғик расмийлаштирилади.

Икки — тўрт кишининг ўлими билан тугаган баҳтсиз ҳодисаларни маҳсус текшириш Ўзбекистон Республикаси Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги буйруғига асосан, қўйидаги таркибдаги комиссия томонидан олиб борилади:

— раис — Ўзбекистон Республикаси (бош) давлат меҳнат техника назоратчиси;

— аъзолар — юкори турувчи хўжалик органи раҳбарларидан бири, иш берувчи, касаба уюшмаси қўмитаси ёки корхона ҳодимларнинг бошқа вакиллик органи раиси.

Ўзбекистон Республикаси “Саноатгеоконтехназорат” давлат инспекцияси ёки “Ўзэнергоназорат” агентлиги органлари назорати остида бўлган корхона (объект)даги шунга ўхшаш баҳтсиз ҳодиса Ўзбекистон Республикаси Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг Мехнатни муҳофаза қилиш бошқармаси билан келишилган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси “Саноатгеоконтехназорат” давлат инспекцияси ёки “Ўзэнергоназорат” агентлиги органининг буйруғи асосида тузилган комиссия томонидан юкори турувчи хўжалик органи раҳбари иштирокида текширилади. Комиссия раиси қилиб, Ўзбекистон Республикаси “Саноатгеоконтехназорат” давлат инспекцияси ёки “Ўзэнергоназорат” агентлиги органларининг раҳбарларидан бири тайинланади. Ўзбекистон Республикаси (бош) давлат меҳнат техника назоратчиси комиссия таркибига киради.

Беш ва ундан зиёд киши ўлган баҳтсиз ҳодисалар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида тузилган комиссия томонидан текширилади.

Махсус текшириш комиссияси 15 кун мобайнида баҳтсиз ҳодисани текшириб чиқади, корхона (бўлинма, цех)даги меҳнатни муҳофаза қилиш аҳволини, агар зарур бўлса, тармоқнинг бошқа корхоналарида ҳам текширишни ташкил этади, махсус текшириш далолатномасини тузади (4-илова) ҳамда кўзда тутилган бошқа ҳужжатларни расмийлаштиради.

Комиссия аъзолари жабрланувчилар ёки уларнинг оила аъзолари билан учрашувлар ташкил этадилар, зарур бўлса, тегишли органларга таклифлар киритадилар ёки ижтимоий тусдаги ёрдам масалаларини жойида ҳал қиласидилар, жабрланувчига ёки ўлганнинг оила аъзоларига уларнинг хукуқларини тушунтирадилар.

(Бош) давлат меҳнат техника назоратчиси махсус текшириш комиссияси чиқарган хulosалардан норози бўлса, шунингдек, у зарур деб ҳисоблаган бошқа ҳолларда ўз хulosасини чиқаради (5-илова).

Комиссия аъзоси махсус текшириш ўтказаётган комиссия хulosасидан норози бўлганда, ўзининг алоҳида фикрини билдириши мумкин.

Махсус текшириш комиссияси талабига кўра, иш берувчи:

- баҳтсиз ҳодисани текширишда иштирок этиш учун ўзларининг ораларидан эксперт гурухи тузиш мумкин бўлган эксперт-мутахассисларни таклиф қилиши;

- техник ҳисоблашлар, лаборатория тадқиқотлари, синовдан ўтказиш ва бошқа ишларни амалга ошириши;

- баҳтсиз ҳодиса юз берган жойни суратга олиши ва бошқа зарур ҳужжатларни тақдим этиши;

- текшириш учун зарур бўлган транспорт ҳамда алоқа воситалари, махсус кийим-бош, махсус пойабзал ва бонка шахсий ҳимоя воситалари билан таъминлаши;

- комиссия аъзолари ишлаши учун уларга жиҳозланган алоҳида хона ажратиб бериши;

- баҳтсиз ҳодисани махсус текшириш материалларини компььютерда ёзишни ва етарли микдорда кўпайтиришни таъминланши шарт.

Техник ҳисоблашлар, лаборатория тадқиқотлари, синовдан ўтказиш ва таклиф қилинган мутахассислар амалга ошираётган

бошқа ишлар, шунингдек, транспорт ҳамда алоқа воситалари ҳаражатларини баҳтсиз ҳодиса юз берган корхона тұлайди.

Комиссия аъзолари текшириш давомида иш берувчидан, корхона ва унинг таркибий бўлинмалари раҳбарлари, гувоҳлар ҳамда бошқа шахслардан ёзма ва оғзаки тушунтиришлар олишга ҳаклидир.

Эксперт гурухи текшириш комиссияси раисининг фармойишига мувофик тузилади. Эксперт холосасини талаб килувчи масалалар ва эксперт гурухи холосаси бўлган материаллар ёзма равишда расмийлаштирилади.

Махсус текшириш материалларига қуидагилар киради:

- махсус текшириш далолатномаси;
- ҳар бир жабрланувчига алоҳида тузилган Н-1 шаклидаги далолатнома;
- режалар, схемалар, текшириш протоколи ва баҳтсиз ҳодиса юз берган жойнинг фотосуратлари;
- йўл-транспорт ҳодисаси юз берган жой схемаси;
- сўроклар протоколи, жабрланувчининг ҳамда баҳтсиз ҳодисани кўрган гувоҳлар ва бошқа алоқадор шахсларнинг, шунингдек, ГОСТ, ССБТ стандартлари, меҳнатни муҳофаза қилиш коидалари ҳамда меъёрларига риоя қилинишига масъул бўлган мансабдор шахсларнинг тушунтиришлари, эксперт гурухи тузиш тўғрисидаги фармойиш ва бошқалар;
- жабрланувчиларнинг хавфсизлик техникаси бўйича ўқитилганлиги ҳамда йўрикномалар олганлиги ҳақидаги қайд дафтарларидан кўчирмалар;
- жабрланувчига етказилган жароҳатнинг хусусияти ва оғирлиги, ўлими сабаблар тўғрисидаги тиббий холоса;
- эксперт гурухининг (зарур бўлганда) баҳтсиз ҳодиса сабаблари ҳақидаги холосаси, лаборатория ва бошқа тадқиқотлар, тажрибалар, таҳлиллар ҳамда хоказоларнинг натижалари;
- авария туфайли кўрилган моддий зарар ҳақидаги маълумотнома;
- махсус текшириш комиссияси тузиш ҳақидаги буйруқ ёки карор;
- йўрикномалар, низомлар, буйруқлардан ва меҳнат хавфсизлиги меъёрларини ҳамда унга масъул бўлган шахсларни белгиловчи бошка далолатномалардан кўчирмалар;

— корхона (бўлинма, цех)да меҳнатни муҳофаза қилиш ҳолатини текшириш тўғрисидаги маҳсус текшириш комиссиясининг далолатномаси;

— зарур бўлган ҳолларда (бош) давлат меҳнат техника назоратчисининг хуносаси;

— ўртача ойлик иш ҳақи тўғрисида маълумотнома — етказилган зарарни қоплаш суммасини ҳисоблаб чиқиш учун;

— бокувчинини йўқотганлиги муносабати билан етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги буйруқ нусхаси — ўлим билан тугаган баҳтсиз ҳодиса юз берганда.

Маҳсус текшириш тугаганидан сўнг 15 кун мобайнида (бош) давлат меҳнат техника назоратчиси (Ўзбекистон Республикаси “Саноатгеоконтехназорат” давлат инспекцияси органи ёки “Ўзэнергоназорат” агентлиги назоратчиси) текшириш материалларини:

1) гурӯҳий, ўлим билан тугаган ва оқибати оғир баҳтсиз ҳодиса юз берган жойдаги ҳудудий ички ишлар органига юборади;

2) маҳсус текширишнинг барча материаллари нусхаларини вилоят (Тошкент шаҳар) меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармасига, Қорақалпогистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигига, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигига, шунингдек, тегишли вазирликка (хўжалик бошқаруви органига), корхонага ҳамда унинг юқори турувчи хўжалик органига, жабрланган ходимни юборган ташкилотга юборади;

3) Маҳсус текшириш материаллари нусхалари Ўзбекистон Республикаси “Саноатгеоконтехназорат” давлат инспекциясига ёки “Ўзэнергоназорат” агентлигига, агар баҳтсиз ҳодиса назорати остидаги корхона (объект)да юз берган бўлса, юборилади.

Баҳтсиз ҳодиса юз берган корхона иш берувчиси (юқори турувчи хўжалик органи раҳбари) маҳсус текшириш материалларини зудлик билан кўриб чиқишига, баҳтсиз ҳодиса келиб чиқиши сабабларини бартараф этиш тўғрисида комиссия таклиф қилган чора-тадбирларни бажариш ҳақида, меҳнатни муҳофаза этиш ва хавфсизлик техникини бўйича лавозими ҳамда қасбига оид вазифаларнинг бажарилмаслиги (бузилиши)га йўл қўйган шахсларни жавобгарликка тортиш ҳақида буйруқ чиқаришга мажбурдир.

Иш берувчи маҳсус текшириш комиссияси таклиф килган чоратадбирларнинг бажарилганлиги ҳакида маҳсус текшириш ўтказишни бошкарған (бош) давлат мөхнат техника назоратчисига, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси “Саноатгеоконтехназорат” давлат инспекцияси ёки “Ўздавэнергоназорат” агентлигининг обьектлар назорати остида бўлган маҳаллий органларига ёзма равища ахборот беради.

Агар жабрланувчи баҳтсиз ҳодиса оқибатида вақтинча иш кобилиятини йўқотган даврда шу баҳтсиз ҳодиса сабабли ўлиб қолса, иш берувчи бу ҳақда дарҳол давлат мөхнат техника назоратчисига ва юкорида кўрсатилган ташкилотларга хабар беришга мажбурдир.

Ушбу баҳтсиз ҳодиса ўлим содир бўлган вақтдан бошлаб ўлим билан тугаган баҳтсиз ҳодиса сифатида ҳисобга олиниши керак.

8.4. Баҳтсиз ҳодисалар тўғрисида ҳисобот ва уларнинг келибчиқиши сабаблари таҳлили

Н-1 шаклидаги далолатнома бўйича расмийлаштирилган барча баҳтсиз ҳодисалар ҳисоботга киритилади.

Н-1 шаклидаги далолатномалар асосида иш берувчи ишлаб чиқаришдаги баҳтсиз ҳодисалар чоғида жабрланувчилар тўғрисида статистика органи тасдиқлаган шаклларда ҳисобот тайёрлайди ва уни тегишли ташкилотларга белгиланган тартибда тақдим этади.

Иш берувчи ишлаб чиқаришдаги баҳтсиз ҳодисалар сабабларини таҳлил қилиши, уларнинг мөхнат жамоасида кўриб чиқилишини таъминлаши ва ишлаб чиқаришда жароҳатланишнинг олдини олишга оид чора-тадбирларни амалга ошириши шартдир.

Вазирлик, корпорация, уюшма, концерн барча баҳтсиз ҳодисаларнинг ҳисобини ҳамда таҳлилини юритади, уни ўзига қарашли корхоналар ва ташкилотларга маълумот учун юборади. Тегишли касаба уюшмаси ёки бошқа вакиллик органи билан келишилган ҳолда, баҳтсиз ҳодисаларнинг олдини олишга оид чора-тадбирлар ишлаб чиқади ҳамда уларнинг бажарилишини назорат килади.

Ўлим билан тугаган баҳтсиз ҳодиса юкори турувчи касаба уюшмаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан биргалиқда юкори турувчи хўжалик органларида ва Ўзбекистон Республикаси “Саноатгеоконтехназорат” давлат инспекцияси ҳамда “Ўзэнергоназорат” агентлиги хайъатида (агар баҳтсиз ҳодиса шу

орган назорати остидаги объектда юз берган бўлса) (бош) давлат меҳнат техника назоратчиси иштирокида муҳокама қилинади.

Икки ва ундан зиёд киши ҳалок бўлган баҳтсиз ҳодиса Қорақалпогистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳайъатида, вилоят (Тошкент шаҳар) меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси кенгашида ҳамда Ўзбекистон Республикаси “Саноатгеоконтехназорат” давлат инспекцияси ва “Ўзэнергоназорат” агентлиги ҳайъатида, баҳтсиз ҳодиса шу орган назорати остидаги корхона (объект)да юз берган бўлса, (бош) давлат меҳнат техника назоратчиси иштирокида кўриб чиқилади. Қорақалпогистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳайъати, вилоят (Тошкент шаҳар) меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси кенгаши чиқарған қарор бажарилиши шартдир.

Баҳтсиз ҳодиса юзасидан маҳсус текшириш олиб бораётган (бош) давлат меҳнат техника назоратчиси талабига биноан, худудий ички ишлар органлари, соғлиқни сақлаш органлари (суд-тиббий экспертиза), йўл ҳаракати хавфсизлиги давлат хизмати, ёнғин хавфсизлиги давлат хизмати З суткадан кечиктирмай, баҳтсиз ҳодисага тааллукли ҳужжатлар ва материаллар нусхаларини тақдим этишлари шарт.

Худудий ички ишлар органлари Меҳнатни муҳофаза қилиш ва меҳнат шароитлари экспертизаси давлат инспекциясига, Ўзбекистон Республикаси “Саноатгеоконтехназорат” давлат инспекцияси ва “Ўзэнергоназорат” агентлиги органига ишнинг бориши тўғрисида ахборот бериб турадилар.

8.5. Касб ҳавфини аниқлаш ва баҳтсиз ҳодисаларни ижтимоий суғурталаш

Ҳар қандай фаолият турли кутилмаган табиий оғатлар оқибатида ёки инсонни ташқи ва ишлаб чиқариш омиллари таъсиридан ҳимоя қилиш бўйича чоралар кўрилмаганлиги ёхуд кимнингдир хатти-харакати туфайли пайдо бўладиган хавфлардан сокит қила олмайди, яъни *касбий ҳавф* — ишлаб чиқариш муҳити омиллари ҳамда меҳнат жараёнининг ноқулай таъсири натижасида ходим соглиғига зарар этиши ёки унинг ўлиши эҳтимоли мавжуд.

Касбий ҳавф куйидаги ҳолатларда пайдо бўлади:

— ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар оқибатида ёки иш жойига транспортта бораётганда ва корхонадан кайтаётганда соғлиққа зарар етиши (майиб бўлиш, заҳарланишлар, офтоб уриши, куйиш, электр токи уриши ҳамда ҳоказолар) хатари;

— ишлаб чиқаришнинг заҳарли ва хавфли омиллари таъсири остида касб касалликларига чалиниш (шу сабабларга кўра ўткир ҳамда сурункали касалланиш) оқибатида вақтингчалик ёки доимий меҳнат қобилиятини йўқотишга олиб келадиган хавф;

— ишлаб чиқаришнинг зарарли омиллари, меҳнат жараёнининг оғирлиги ва тифизлиги оқибатида соғлиққа зарар етказадиган, ҳаёт давомийлигини қисқартириш хусусиятига эга яширии хавф.

Иқтисодиёти тараккий этган мамлакатларнинг тажрибаси ходимларни касб хавфларидан муҳофаза килиш муаммосини ҳал этиш меҳнатни муҳофаза қилиш, тиббиёт, ижтимоий суғурта тизимларининг ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш, меҳнат муносабатларини шартнома асосида тартибга солишига қаратилган фаолиятларини мужассамлаштиришни талаб этади. Ушбу биргалиқдаги фаолиятнинг асосий йўналишлари куидагилардан иборат:

1. *Даволаш-профилактика*: касб касалликлари нокулай омиллар таъсири пайдо бўлишини аниглаш; тиббий-профилактика ва зарар кўрганларни даволаш; зарар кўрганларни тиббий, ижтимоий ҳамда касбий реабилитация қилиш; алоҳида белгилаб кўйилган ходимлар гурӯҳини доимий тиббий назорат остига олиш;

2. *Таҳтилий-профилактика*: юқори даражадаги касб хавфи мавжуд бўлган шароитларда ишлаётган ходимлар меҳнат шароитларини назорат килиш; ишлатилаётган техника, машина-ускуналар, кўлланилаётган технологияларнинг санитария-гигиена нормативларига мувофиқлигини текшириш; ходимларни касбий хавфлар даражаси ва унинг эҳтимолдаги ижтимоий оқибатларидан тўлиқ хабардор қилиш;

3. *Таҳтилий-статистика*: касб касалликлари ва ишлаб чиқариш билан боғлиқ касалланишлар даражаси динамикаси сабаблари; ишлаб чиқаришдаги шикастланишларнинг, улар оқибатида меҳнат қобилиятини йўқотиш даражаси ҳамда унинг оғирлигини; ногиронликни, ўлим ҳолатларини таҳлил этиш;

4. Касбий хавфни баҳолаш ва уни камайтириши бўйича чоралар белгилаши: ташкилий-техникавий, санитария-гигиена, улар етарли бўлмаса, қисқартирилган иш куни. Кўшимча таътил ўрнатиш, иш стажини чегаралаш, муддатидан илгари пенсияга чиқариш;

5. Ходимларни муҳофаза этиши бўйича чораларни шартнома асосида тартибга солиш: касбий хавфлардан муҳофаза қилиш тадбирларини жамоа шартномаларига киритиш, меҳнатни муҳофаза этиш бўйича битимларни ишлаб чиқиш, меҳнат шартномалари (контрактлар)да меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ходим ва иш берувчилар мажбуриятлари ҳамда хуқуқларини аниқ-равshan расмийлаштириш;

6. Касб хавфларини суғурталаш ва суғурта ходисаси рўй берганда, ходимга етказилган зарарни белгиланган тартибда компенсация тарзида амалга ошириш;

7. Иш берувчиларни ходимларни касб хавфидан муҳофаза қилишлари учун иқтисодий жиҳатдан рағбатлантириш.

Ўзбекистон Республикасида 2008 йил 10 сентябрда қабул қилинган “Ишлаб чиқаришда баҳтсиз ҳодисалардан ва касб касалликларидан мажбурий давлат ижтимоий суғурталаш тўғрисида”ги Конун амал қилмоқда. Мазкур Конун умумий ижтимоий суғурталаш бўйича конун хужжатларининг таркибий қисми бўлиб, куйидаги асосий йўналишларни кўзда тутади:

— биринчиси, ишлаб чиқаришда баҳтсиз ҳодисалар ва касб касалликлари натижасида зарар кўрганларга етказилган зиённинг давлат томонидан қопланишини таъминлаш кафолати. Бунинг учун суғурта маблаглари манбалари белгилаб кўйилган. Улар:

- а) суғурталовчиларнинг суғурта бадаллари;
- б) олинадиган жарима ва тўланадиган пенялар;
- в) қонунчиликда ман этилмаган бошқа тушумлар.

Бу ўринда суғурталовчи сифатида ходимни қонунчиликда белгиланган тартибда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ёллаган юридик ёки жисмоний шахс англаради;

— иккинчи йўналиш — ишлаб чиқаришдаги шикастланиш ва касб касалликларини профилактика қилиш. Ушбу мақсад меҳнатни муҳофаза этиш борасидаги тадбирларга суғурталашнинг мазкур тури бўйича ажратилаётган маблаглардан, шунингдек, хўжалик юритувчи субъектларни иқтисодий жиҳатдан рағбатлантиришга қаратилган механизмдан фойдаланиш ҳисобига амалга оширилади.

Касб хавфларини баҳолаш ходимлар саломатлиги ҳолати күрсаткичлари динамикасини уларнинг меҳнат шароитлари билан боғлиқ ҳолда таҳлил этиш ҳам демакдир. Хавф муайян ҳар бир ходим, мазкур иш жойида ёки технологик жараёнда иш билан банд ҳар бир гурӯҳ, умуман, корхона учун ҳисоблаб чиқилиши мумкин. Касб хавфларини таҳлил этиш муайян корхона ходимларида ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган ва бошланғич босқичда кузатилаётган касб касалликларини аниқлаш имконини беради. Бундай хавфлар ихтисосликлар ҳамда хизмат вазифаларининг алоҳида гуруҳлари учун, айниқса, хавфли эканлигини ҳам аниқлаб олиш керак.

Йўл қўйиш мумкин бўлган хавф — бу корхона, иқтисодиёт тармоқлари ёки давлат иқтисодий кўрсаткичларига таъсир кўрсатмайдиган инсонларнинг ўлими, шикастланиши ва ногиронликка учрашининг қуи даражасидир. У техникавий, иқтисодий, ижтимоий ҳамда сиёсий хусусиятларга эга бўлиб, хавфсизлик даражаси билан унга эришиш ўртасида муайян муросачиликни назарда тутади. Техника воситалари хавфсизлигини оширишнинг иқтисодий имкониятлари чегарасиз эмас. Жумладан, ишлаб чиқаришда техника тизимларининг хавфсизлигини ошириш учун ҳаддан ташқари кўп маблағ сарфлаб, ишлаб чиқаришнинг ижтимоий соҳасига зарар етказиш (тиббий, профилактика хизмати кўрсатиш, маҳсус кийим-бош олиш ва ҳоказолар учун харажатларни қисқартириш) мумкин.

Ишлаб чиқаришдаги шикастланишларни таҳлил этиш меҳнатни муҳофаза қилишни бошқариш воситаларидан биридир. Мазкур таҳлилларни амалга оширишнинг қўйидаги усуллари мавжуд:

— *статистика усули* — баҳтсиз ҳодисалар тўғрисидаги маълумотларни тўплаш, уларни умумлаштириш, таҳлил этиш ва шу асосда хулоса ҳамда тавсиялар тайёрлашни кўзда тутади;

— *гуруҳли усул* — баҳтсиз ҳодисалар хусусиятлари — ишлар турлари, ускуналарнинг турдошлиги, иқлим шароити ҳамда ҳоказоларни гуруҳлаштириш асосида таҳлил этиш;

— *монографик усул* — энг мукаммал ва самарали ҳисобланиб, корхонада аниқ бир иш бажарилаётганида юзага келиши мумкин бўлган техникавий, ташкилий-ижтимоий, психофизиологик, санитария-гиgiene билан боғлиқ омилларнинг ўзаро таъсири аниқланади. Бу усул юз берган баҳтсиз ҳодисанинг сабабларинигина эмас, шунингдек, ходимга меҳнат жараёнида салбий таъсир

кўрсатиши мумкин бўлган омилларни ҳам аниқлаш имконини яратади;

— топографик усул — баҳтсиз ҳодисалар сабабларини улар юз берган жоюда корхона харитаси ёки меҳнат шароитлари хавфли бўлган қурилмаларнинг жойлашув схемаси асосида таҳлил этиш;

Меҳнатни муҳофаза қилиш ахволларининг мезонлари сифатида (Кч)- шикастланиш тезлиги кўрсаткичи;

(Km) — шикастланиш оғирлиги кўрсаткичи;

(Kn) — меҳнат қобилиятини йўқотиш кўрсаткичи;

(Kл) — инсон ҳалок бўлишига олиб келган баҳтсиз ҳодисалар тезлиги кўрсаткичини келтириш мумкин.

Кч кўрсаткичи ишлаб чиқаришда иш билан банд бўлган ҳар бир минг ходим ҳисобига муайян вақт давомида (одатда, бир йилда) рўй берган баҳтсиз ҳодисаларни ифодалайди:

$$K_{\text{ч}} = \frac{T * 1000}{C}$$

K_т кўрсаткичи ҳар бир баҳтсиз ҳодиса оқибатида меҳнат қобилиятини йўқотиш ўртача давомийлигини ифода этади:

$$K_{\text{т}} = \frac{d}{t}$$

K_н кўрсаткичи шикастланиш тезлиги ва оғирлигини комплекс равишда ифода этади:

$$K_{\text{n}} = K_{\text{ч}} K_{\text{т}} \frac{d * 1000}{C}$$

K_д кўрсаткичи ишлаб чиқаришда ҳар 1000 нафар ходим ҳисобига тўғри келадиган ҳалок бўлиш даражасини ифода этади:

$$K_{\text{д}} = \frac{N_d * 1000}{C}$$

Юқорида қайд этилган формулаларда T - шикастланган одамлар сони;

C — рўйхатдаги ўртача ходимлар сони;

D — барча баҳтсиз ҳодисалар бўйича меҳнат қобилиятини йўқотиш кунлари умумий миқдори;

N_д — ишлаб чиқаришда баҳтсиз ҳодисалар оқибатидаги ўлимлар сони.

Шикастланиш ва меҳнат қобилиятини йўқотиш кўрсаткичларининг динамикаси корхонада меҳнат шароитлари ҳамда меҳнатни муҳофаза қилишдаги ўзгаришлар тенденциясини ифода этади ва иш берувчилар ҳамда юқори бошқарув органлари учун

мехнатни мухофаза қилиш соҳасида бошқарув қарорларини ишлаб чикишда асос вазифасини ўтайди.

Касб хавфлари тоифаси ҳам ана шундай мезонлардан бири ҳисобланади, унинг ёрдамида тармоқ (тармоқ ичида) мехнат шароитлари аҳволи аниқланади. Касб хавфлари тоифаси унинг интеграл кўрсаткичлари даражаси бўйича қуидаги формулага мувофиқ аниқланади:

$$Ип = (\Sigma_{вв} / \Sigma_{фот}) * 100$$

бу ерда $Ип$ — иқтисодиёт тармоғи (тармоқ ичида) касб хавфларининг фоизда ифода этилган интеграл кўрсаткичи;

$\Sigma_{вв}$ — тармоқ (тармоқ ичида) жорий йилда зарарни қоплаш учун сарф қилингандан тўловлар йигиндиши;

$\Sigma_{фот}$ — иқтисодиёт тармоғи (тармоқ ичида) ижтимоий сугурта фондига бадал тўлаш учун асос бўлган меҳнатга ҳақ тўлаш фондига;

Шундай килиб, баҳтсиз ҳодисалардан ижтимоий сугурта қилишда касб хавфларини баҳолаш учун баҳтсиз ҳодиса ёки касб касалланиши оқибатидаги барча моддий сарф-харажатлар, ижтимоий, тиббий ва касб реабилитацияси учун харажатлар, иш ҳаки миқдори, йўқотилган иш ҳақини қоплаш учун тўловлар миқдори ҳамда давомийлиги ҳисобга олинади.

Мехнатнинг санитария-гигиена шароитларини баҳолаш учун иш жойида йўл қўйилиши мумкин бўлган даража ёки йўл қўйилиши мумкин бўлган концентрациядан чекланиш ҳисоблаб чиқлади. Бу чекланиш коэффициентларини ифода этувчи кўрсаткичлар, деб ҳам аталади:

$$a = \Phi_n / C_n \text{ ёки } a = C_n / \Phi_n$$

бу ерда a — ишлаб чиқариш омилларидан бирининг санитария нормативларига мувофиқлиги коэффициенти;

Φ_n — асбоблар ёрдамида ўлчангандан кўрсаткичларнинг тегишли бирликдаги миқдори;

C_n — ана шу ўлчов бирликларидағи санитария нормативлари.

Юқоридаги ҳисоб-китоблардан жуда оддий хулоса чиқариш мумкин. Агар амалдаги кўрсаткичлар санитария нормативлари даражасида бўлса, коэффициент 1,0 га teng бўлади, демак бу ҳолда меҳнат шароитларини нормал, деб ҳисоблаш мумкин. Агар санитария нормаси таҳлил этилаётган кўрсаткичлар, масалан, шовкин, чангланиш даражаси йўл қўйиладиган энг юқори кўрсаткичда бўлса, у ҳолда касрнинг суратида бўлади. Агар у,

масалан, иш жойи ёритилиши бўйича йўл қўйилиши мумкин бўлган даражанинг куйи қисмида бўлса, касрнинг маҳражида бўлади.

Ана шу услубиёт асосида иш жойининг санитария-гиёна шароитлари бўйича ўртacha санитария нормативларига мослигини қўйидаги формула асосида аниқлаш мумкин:

$$A = \sqrt[n]{a_1 \cdot a_2 \cdot a_3 \dots a_n}$$

бу ерда A — мосликнинг ортача коэффициенти;

$a_1, a_2 \dots a_n$ — ишлаб чиқариш мухитининг алоҳида омиллари бўйича коэффициентлар.

Мехнат шароитларининг умумий хусусиятлари учун турли усуллардан, масалан, меҳнат шароитлари коэффициентини статистика кўрсаткичлари асосида аниқлашдан фойдаланиш мумкин.

1. Таҳлил этилаётган кўрсаткичлар умумий миқдорида санитария нормативларига мос бўлган санитария меҳнат шароитларининг улуси:

$$K_1 = \Phi_{n(n)} / \Phi_{n\text{общ}}$$

бу ерда $\Phi_{n(n)}$ — санитария нормалари доирасида бўлган санитария-гиёна кўрсаткичлари миқдори;

$\Phi_{n\text{общ}}$ — таҳлил этилаётган умумий кўрсаткичлар сони.

2. Ноқулай меҳнат шароитларини ҳисобга олган ҳолда иш вақтидан фойдаланиш:

$$K_2 = T / T + \Pi$$

бу ерда T — таҳлил этилаётган даврда иш бажарилган умумий вақт (инсон/соат);

Π — шикастланиш, касалланиш оқибатида иш вақтининг ўйқотилиши (инсон/соат).

3. Умумий иш ўринларига нисбатан хавфсиз меҳнат шароитларига эга иш ўринлари салмоғи:

$$K_3 = M_6 / M_{\text{общ}}$$

бу ерда M_6 — қулай меҳнат шароитларига эга иш ўринларининг ўртacha йиллик миқдори;

$M_{\text{общ}}$ — ўртacha йиллик иш ўринларининг умумий миқдори.

4. Мехнат шароитларининг умумлаштирувчи кўрсаткичи:

$$K_{y.t.} = \sqrt[3]{k_1 \cdot k_2 \cdot k_3}$$

бу ерда $K_{y.t.}$ — меҳнат шароитларининг коэффициенти;

Шундай қилиб, меҳнат шароитлари ҳолатини баҳолаш ва касб хавфларини аниқлаш турли услублардан фойдаланган ҳолда таҳлиллар ўтказиш ҳамда ҳисоб-китоблар олиб боришни

талаб этади. Мазкур барча ишларни иш ўринларини аттестациялаш пайтида амалга ошириш кўзда тутилади. Бунда ана шу аттестация натижаларига кўра, корхона (ташкилот)да меҳнатни муҳофаза этиш бўйича ишлар сертификация қилинади. Бу ишлаб чиқаришнинг хавфли ва зарапли омиллари таъсирини камайтириш ҳамда ходимлар саломатлиги ва ҳаёти учун касб хатарлари пайдо бўлишини камайтириш кафолати ҳисобланади.

Лекин бу чоралар амалга оширилишига қарамасдан, касб хавфлари сақланиб қоладиган бўлса, меҳнатни муҳофаза қилишни бошқаришнинг бошқа тизимлари кучга киритилади:

— “Ишлаб чиқаришда баҳтсиз ҳодисалар ва касб касалликларини мажбурий ижтимоий суғурталаш тўғрисида”ти Конун доирасида суғурталовчи (Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий суғурта фонди) томонидан ҳар бир корхона (ташкилот)га иқтисодиёт тармоқлари (тармоқ тузилмалари) таснифига мувофиқ, касб хатарлари гурухлари асосида суғурта тарифига чегирмалар ёки устамалар ўрнатилади;

— корхона (иш берувчи) томонидан меҳнатни муҳофаза қилиш талаблари ижросини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими ҳамда ижро бажарилиши (бажарилмаслиги)ни баҳолаш тизими ишлаб чиқлади;

— жамоа шартномаларини амалга ошириш доирасида хавфсиз меҳнат шароитларини таъминлаш учун масъул бўлган мутахассислар ҳамда ходимларнинг меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича кўзда тутилган тадбирларни тўла ва сифатли бажаришларини иқтисодий мотивациялаш тизими жорий этилади.

Меҳнатни муҳофаза қилиш ҳамда ишлаб чиқаришда баҳтсиз ҳодисалар ва касб касалликларини мажбурий ижтимоий суғурта қилиш бўйича ишларини ташкил этиш миллий шаклларининг умумжаҳон хусусияти шундан иборатки, улар тизимли равиша ўзаро боғлиқ ҳамда ушбу ишларда асосий эътибор баҳтсиз ҳодисаларнинг профилактикаси ва олдини олишга, зарар кўрганларнинг соғлигини тиклашга қаратилади. Бу меҳнат қобилиятини турғун йўқотиш натижасида пенсиялар ёки зарар кўрганнинг ўлими учун тўловларга харажатларни жиддий равища қисқартириш имконини беради.

Юқорида қайд этилганлардан шакллантирилаётган касб хавфларини ижтимоий суғурта қилиш тизими самарадорлигини сифат жиҳатидан юқори даражага кўтариш имконини берадиган илмий, ташкилий ҳамда амалий чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқиш ва ҳаётга жорий этиш вакти келганлиги аёнлашади. Ана шу

чора-тадбирлар тизимини шакллантиришда мамлакатда таркиб топған ахволни, шунингдек, жағонда ишлаб чиқаришда бағтсиз ҳодисалар ҳамда касб хавфларидан сұгурта қилиш соҳасидаги жуда бой тажрибани хисобга олиш мақсадға мувофиқдір. Бу улкан ижтимоий, қолаверса, иқтисодий самара келтириши, шубҳасиз.

Қисқача хulosалар

Ишлаб чиқаришдаги бағтсиз ҳодиса натижасыда ходимнинг меҳнат қобилияти камида бир кунга йўқотилса ёки тиббий хulosага мувофиқ енгилроқ бошқа ишга ўтиши зарур бўлса, Н-1 шаклидаги далолатнома билан расмийлаштирилади. Н-1 шаклидаги далолатнома билан расмийлаштирилган бағтсиз ҳодисалар корхона томонидан хисобга олинади ва маҳсус дафтарда қайд этилади.

Иш берувчи Н-1 шаклидаги далолатнома нусхаларини касаба уюшмаси кўмитасига ёки корхона ходимларининг бошқа вакиллик органларига, Ўзбекистон Республикаси “Саноатгеоконтехназорат” давлат инспекцияси ёки “Ўзэнергоназорат” агентлиги вакилига, агар бағтсиз ҳодиса назоратдаги тегишли корхоналар (объектлар)да юз берган бўлса, юқори турувчи хўжалик органига, тегишли вазирлик (хўжалик бошқаруви органлари)га ҳам уларнинг талабларига мувофиқ юбориши шарт.

Н-1 шаклидаги далолатнома бўйича расмийлаштирилган барча бағтсиз ҳодисалар хисоботга киритилади. Н-1 шаклидаги далолатномалар асосида иш берувчи ишлаб чиқаришдаги бағтсиз ҳодисалар чоғида жабрланувчилар тўғрисида статистика органи тасдиклаган шаклларда хисобот тайёрлайди

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Бағтсиз ҳодисалар қандай расмийлаштирилади?
2. Қандай ҳолларда бағтсиз ҳодисалар маҳсус текширилади?
3. Жароҳатлар, касбий касаллiliklar ва заарланишнинг асосий сабабларини айтиб ўting
4. Бағтсиз ҳодисалар сабаблари қайси усуllар ёрдамида аниқланади?
5. Иш берувчи Н-1 шаклидаги далолатнома нусхаларини қайси ташкилотларга юборади?
6. Ишлаб чиқаришдаги шикастланишларни баҳолаш усуllарини санаб ўting.

Тавсия этилаётган адабиётлар

1. “Ишлаб чиқаришда бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларини мажбурий давлат ижтимоий суғурталаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. //www.lex.uz
2. “Хавфли ишлаб чиқариш объектларининг саноат хавфсизлиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. //www.lex.uz
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 6 июнданги “Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни ва ходимлар саломатлигини бошқа хил заарланишини текшириш ва ҳисобга олиш тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 286-сонли Қарори. //www.lex.uz
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 11 февралдаги “Ходимларга уларнинг меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда жароҳатланиши, касб касалликларига чалиниши ёки саломатликнинг бошқа хил шикастланиши туфайли зарарни тўлаш қоидалари тўғрисида”ги 60-сонли Қарори. //www.lex.uz
5. Адамчук В.В. Экономика и социология труда / В.В. Адамчук, О.В.Ромашов, М.Е.Сорокина- М: ЮНИТИ, 2001.
6. Абдурахманов О.К. Ўзбекистон Республикасида меҳнатни муҳофаза қилиш тизимини бошқариш самарадорлигини ошириш. Т.: Фан., 2010. – 326 б.
7. Абдураҳмонов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти ва социологияси. Дарслик. – Т.: Фан ва технология, 2012. – 388 б.
8. Андреев С.В. Охрана труда от “А” до “Я”. Практическое пособие. Вкл 2. М.: Альфа-пресс, 2004. С. 49.
9. Баранов Н.И. Охрана труда. Учебное пособие. Клин.ОЛС Комплект, 2002.
10. Беляров Ю.А., Хлопков В.В. Охрана труда в организации. Практические рекомендации. М.: Книжный мир, 2009. – 176 с.
11. Михайлов Ю.М. Корпоративная система охраны труда. Функционирование. Аттестация. Сертификация. Экспертиза. М.: Альфа – Пресс, 2009. С.7-11.
12. Попова Н.А. Организация, нормирование и оплата труда на предприятии: Учебное пособие. – М.: Финпресс, 2011. - 176 с.

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

Н-1 шакли

Иш берувчи

(имзо, имзо ёйилмаси)

20 ____ йил _____

корхона мухри

Бир нусхадан юборилади:

- жабрланувчига (үлгап бўлса, оиласига);
- меҳнатни муҳофаза килиш хизмати раҳбари (муҳандиси, мутахассиси)га;
- бош давлат меҳнат техника назоратчисига

ДАЛОЛАТИНОМА №

Ишлаб чиқарилдаги баҳтсиз ходиса ва саломатликка бошқа хил зарар етказилиши тўғрисида

1. Корхонанинг номи _____

1.1. Корхонанинг манзили _____
(вилоят, шаҳар, туман, кӯча, уй)1.2. Мулкчилик шакли _____
(давлат, акциядорлик, ҳусусий ва ҳоказо)1.3. Баҳтсиз ходиса юз берган жой _____
(бўлинма, цех)

2. Вазирлик, хўжалик бопкаруви органи _____

3. Ходимни йўллаган корхона _____
(номи, манзили, вазирлик
хўжалик бопкаруви органи)

4. Жабрланувчининг фамилияси, исми ва отасининг исми _____

5. Жинси: эркак, аёл (тагига чизилсин)

6. Ёни (тўлиқ йиллар сони кўрсатилисин) _____

7. Касби, лавозими _____

7.1. Разряди, класси _____

8. Баҳтсиз ходиса юз берганда бажарилаётган иш бўйича иш стажи

9. Меҳнат хавфсизлиги бўйича йўрикнома, ўқитиш:

9.1. Кириш йўрикномаси (сана) _____

9.2. Меҳнат хавфсизлиги бўйича ўқитиш (сана) _____

9.3. Дастлабки (лаврий) йўрикнома (сана) _____

9.4. Ўта хавфли ишлар учун билимларни текшириш (сана)
_____9.5. Ишга кираётганида ва даврий тиббий кўрикдан ўтганилиги

10. Баҳтсиз ходиса юз берган сана ва вакт _____

(йил, күн, ой)

(иши бошлашдан тұлғық соаттар сони)

11. Бахтсиз ходиса ҳолати

11.1. Бахтсиз ходиса сабаблари

11.2. Жарохат етказилишта сабаб бўйгани асбоб-ускуна

11.3. Жабрланувчининг хушёrlиги (алкоголь ёки наркотиклар таъсиридалиги)

(тиббий хуносага биноан)

11.4. Ташхис

(дастлабки, охирги)

12. Бахтсиз ходиса сабабларини бартараф этиш тадбирлари:

13. Мехнат тұрғысидаги конунчилік, мекнантны мухофаза килиш қоидалари ва месъерлари бузилишига йўл қўйган шахслар

(Ф.И.Ш., лавозими, корхона номи)

(улар томонидан бузилган қонунлар, қоидалар ва

меъериј ҳужжатларнинг моддалари, бандлари)

14. Бахтсиз ходиса гувохлари

Далолатнома ғузилиди

(йил, күн, ой)

Комиссия раиси

(Ф.И.Ш., имзо)

Комиссия аъзолари

(Ф.И.Ш., имзо)

II-1 шакидаги далолатномани тұлдыриш

7-банд. Агар жабрланувчи бир неча касб әгаси бўлса, унда бахтсиз ходиса юз бергандай бажараптган касби кўрсатилади.

8-банд. Иш стажининг тұлғык йиллар сони кўрсатилади, агар иш стажи бир йилдан кам бўлса, унда ой ва кунлар сон кўрсатилади.

11.1-банд. Бахтсиз ходисанинг асосий техник ва ташкилий сабаблари — асосийси биринчи бўлиб, колгашлари ахамиятига яраша тартибда кўрсатилади.

11.2-банд. Жарохатта сабаб бўлган асбоб-ускунанинг номи, тури, русуми. чиқарилган йили, тайёрланган корхона номи.

11.3-банд. Суд-тиббий муассаса маълумотномаси (хуласаси)га асосан, жабрланувчиликнинг хушёрглиги (алкоголь ёки наркотиклар таъсиридалиги) кўрсатилади.

2-ИЛОВА

Ишлаб чиқаришдаги баҳтсиз ҳодисаларни қайд килиши ДАФТАРИ

(корхона, муассаса, ташкилот номи)

3-ИЛОВА

Ишлаб чиқаришдаги баҳтсиз ҳодиса тўғрисида ҳабар берини СХЕМАСИ

1. Корхона, юқори турувчи хўжалик органи, вазирлик, хўжалик бошқаруви органи номи.

2. Ҳодиса юз берган сана, вакт, жой, бажарилётган иш ва баҳтсиз ҳодиса юз бергандаги ҳолатнинг кисқача тавсифи.

3. Жабрланувчилар, шу жумладан, ҳалок бўлғанлар сони.

4. Жабрланувчи (ҳалок бўлған)нинг фамилияси, исми, отасининг исми, ёни, қасби, лавозими.

5. Ҳабар юборилган сана, вакт, ҳабарни имзолаган шахснинг фамилияси, лавозими.

4-ИЛОВА

Баҳтсиз ҳодиса (ҳалокат)ни маҳсус текшириш ДАЛОЛАТНОМАСИ

20 ____ йил « ____ » _____ соат _____ минутда

(жабрланувчининг фамилияси, исми, отасининг исми)

билин юз берган _____

(гуруҳий, ўлим билан тұғасан, оқибати оғир)

(қасби, лавозими, иш жойи,

корхона, юқори турувчи хўжалик органи, вазирлик,

хўжалик бошқаруви органи номи)

(бүйрүқ)

асосан, қўйидаги таркибда тузилган комиссия:

раис _____

(Ф.И.Ш., лавозими, иш жойи)

комиссия аъзолари: _____

(Ф.И.Ш., лавозими, иш жойи)

таклиф этилган мутахассислар интироқида

(Ф.И.Ш., лавозими, иш жойи)

20 ____ й. « ____ » _____ да 20 ____ й. « ____ » гача мазкур баҳтсиз ҳодисани маҳсус текшириди ва ушбу далолатномаги тузди.

Гурухий бахтсиз ходисалар текширилгандында хар бир жабрланувчи хакида алохидан маълумотлар күрсатилади. Оила аязолари хакидаги маълумотлар факат ўлим билан тугаган бахтсиз ходисалар текширилгандында күрсатилади.

1. ЖАБРЛАНУВЧИ (ЖАБРЛАНУВЧИЛАР) ХАКИДА МАЪЛУМОТЛАР

Фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган йили, касби, лавозими, умумий ва касб бўйича (шу жумладан, ушбу корхонадаги) иш стажи, меҳнатни муҳофаза килиш бўйича ўқитиш, йўрикномалар берни, билимларни текшириш вақти, жабрланувчичининг оиласиий ахнои, карамогидаги оита аязолари хакидаги маълумотлар (фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган йили, жабрланувчи билан карнилошлик муносабатлари).

2. КОРХОНА, БЎЛИНМА, ЦЕХ, ИШ ЖОЙИНИГ ТАВСИФИ

Бахтсиз ходиса юз берган жойини кисқача тавсифлаб, жабрланувчига кайси хавфли ва зарарли ишлаб чикариш омиллари таъсир килган бўлиши мумкинлигини кўрсатиш керак.

Агар бахтсиз ходиса обьектдаги халокат натижасида юз берган бўлса, далолатномага кўйидагилар кўшимча килиб киритилади:

объект тавсифи (козонлар ва кўттарма ишоотлар обьектлари учун обьект номи ва хили, унинг асосий ўлчовлари, завод берган тартиб раками, тайёрловчи завод, тайёрланган ва ўрнатилган йили, сўнгги текширувдан ўтгани, шунингдек, тайнинланган текширувдан ўтиш муддати);

халокат тоифаси ва тавсифи хакида маълумотлар;

нубуд бўлган маҳсулотлар (натура ифодасида ва сўм хисобида), халокат натижасида етказилган зарар (сўм хисобида).

3. БАХТСИЗ ХОДИСАНИНГ ШАРТ-ШАРОИЛЛАРИ

Бахтсиз ходиса юз беришинага нималар бўлгани, меҳнат жараёни қандай кечгани, бу жараёнга ким бошчилик киlgанини кўрсагиш, жабрланувчи (жабрланувчилар) ва бахтсиз ходисага алоқадор бўлган бошқа шахсларнинг хатти-харакатларини тавсифлаш, воқеалар изчилигини баён килиш, жароҳатланишга сабаб бўлган хавфли (зарарли) ишлаб чикариш омили, машина, асбоб ёки ускунани кўрсатиш зарур.

4. БАХТСИЗ ХОДИСА САБАБЛАРИ

Бахтсиз ходисанинг асосий техник ва ташкилий сабабларини кўрсатиш, меҳнат конунчилиги, меҳнатни муҳофаза килиш коидалари ва меъсрлари, лавозим йўрикномалари, ишларни бехатар олиб бориши бўйича месъёр ва йўрикномаларнинг аник кайси талаблари бузилишларини (тегишли моддалар, бандларга хавола килинган холда), шунингдек, давлат андоузлари бузилишнинг баён килиш, кайси хавфли ва зарарли ишлаб чикариш омили бешинанган месъёр ва даражалардан ониб кеттанишини кўрсатиш керак.

5. БАХТСИЗ ХОДИСА САБАБЛАРИНИ, АНИҚЛАНГАН МЕҲНАТНИ МУҲОФАЗА КИЛИШ КОИДАЛАРИ ВА МЕЬЁРЛАРИ БУЗИЛИШЛАРИНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ

Комиссия тақтиф ўтган чора-тадбирлар кўйидагилардан иборат бўлиши керак:

бахтсиз ходисали халокат оқибатларини йўқотиш чоралари;

бахтсиз ходиса сабабларини бартараф этиш ва яна шундай ходиса юз беришининг олдини олиш чоралари;

улар излова килинаётган шаклдаги жадвал ёки матида чора-тадбирлар мазмуни, бажарни муддати ва масъул шахслар кўрсатилган холда баён килиниши мумкин.

| | | |
|----------------|-----------------|---------------------|
| Чора-тадбирлар | Бажарни муддати | Бажарилишига масъул |
|----------------|-----------------|---------------------|

6. КОМИССИЯНИНГ МЕҲНАТ КОНУНЧИЛИГИ ВА МЕҲНАТНИ МУҲОФАЗА КИЛИШ КОИДАЛАРИ ВА МЕЬЁРЛАРИ БУЗИЛИШИГА ЙЎЛ ҚЎЙГАН ШАХСЛАР ТЎҒРИСИДАГИ ХУЛОСАСИ

Бу бўлимда хатти-харакатлари ёки харакатсизликлари бахтсиз ходиса (бахтсиз ходисали халокат)га олиб келган жавобгар шахслар номини кўрсатиш, улар риоя килмаган, белгиланган тартибда тасдиқланган конунчилик, меҳнатни муҳофаза килиш бўйича коидалар

ва мөърий хужжатлар, лавозим йўрикномалари ва бошка мөърий хужжатлар моддалари. Бандлари кўрсатилиши керак. Текшириш комиссияси томонидан жавобгар шахсларга нисбатан жазо чоралари юзасидан таклифлар килинади. Таклиф этилган жазо чоралари жиноий жавобгарликдан (вужудга келган тақдирда) озод килимайди. Махсус текшириш далолатномасида комиссия аъзолари жабрланувчи(лар) ёки уларнинг оила аъзолари билан учрашганини, моддий ёрдам кўрсатиш ва ижтимоий тусдаги масалаларни жойида кўриб чиқканлари, мавжуд конунчилликка мувофиқ уларнинг конуний ҳукукларини тушунириб берганилари ёзилиши керак.

Махсус текшириш далолатномасининг якуний кисмида Низомнинг III бўлими 7-бандига мувофиқ илова килинаётган материаллар рўйхати берилади.

Комиссия раиси _____

(Ф.И.Ш., сана, имзо)

Комиссия аъзолари _____

(Ф.И.Ш., сана, имзо)

5-ЧЛОВА

**(Бош) давлат меҳнат техника назоратчисининг
ХУЛОСАСИ**

20 ____ йил «____» ____ соат ____ минутдаги

(жабрланувчининг фамилияси, исми, отасининг исми)

(жабрланувчининг лавозими ёки касби, корхона, юқори турувчи ҳўжалик

органи, вазирлик, ҳўжалик бошқаруви органи номи)

Комиссия томонидан _____ йилдан _____ йилгача ўтказилган маҳсус текшириш материаллари асосида кўйидаги хulosага келдим. Яъни _____

Бундан кейин (бош) давлат меҳнат техника назоратчиси маҳсус текшириш олиб берган комиссиянинг қандай хulosалари билан келиша олмаслигини кўйилагиларга мувофиқ асослаб беради:

комиссия сўрок килмаган ёхуд ўзининг дастлабки кўрсагасига ўзгартериш киригмоқчи бўлган баҳтсиз ҳодиса гувоҳларидан олинган кўпимча тушуниришлар;

жабрланувчига етказилган жароҳатлар тавсифи, ўлим сабаблари тўғрисида тиббий хulosas;

меҳнатни муҳофаза килиш бўйича коидалар ва мөърий хужжатларниң кайси талабларига амал қилинмагани учун баҳтсиз ҳодиса юз беришига шароит яратилганини;

бошка эксперт гурухларининг хulosаси;

мазкур баҳтсиз ҳодисага алоқаси бўлган бошка хужжатлар.

Асослаб берганидан сўнг (бош) давлат меҳнат техника назоратчиси маҳсус текшириш далолатномасининг кайси бўлими (бўлимлари) учибу баҳтсиз ҳодисага алоқаси бўлган кўпимча ахборот (хужжатлар) хисобга олинмаган ҳолда баён этилган деб хисобласа: ту бўлим (бўлимлар)ни ифодалаб бериши керак.

(Бош) давлат меҳнат техника назоратчиси хulosasi, зарур ҳолларда, II-1 тақсилаги далолатнома мазмунини баҳтсиз ҳодисани кўпимча текшириш натижасида белгиланган маълумотларга мувофиқлаштириб, қайта тузилиш тўғрисида иш берувчига кўйилгандан таълаб билан тутатилиди.

Хulosas (бом) давлат меҳнат техника назоратчиси бланкасида тузилади ва унбу Низомнинг III бўлими 8-бандига кўрсатилган инстанцияларга юборилади.

9-боб. МЕХНАТ ГИГИЕНАСИ ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ САНИТАРИЯСИ

9.1. Мехнат гигиенаси ва ишлаб чиқариш санитариясининг моҳияти

Мехнат шароитларини яхшилашда санитария-гигиена талаблари муҳим ўрин тутади. Мехнатнинг санитария-гигиена шароитларига меҳнат жараённида қатнашадиган ишлаб чиқариш мухитининг барча элементи киради. Жумладан, метеорологик шароитлар, ҳаво мухитининг тозалиги, ҳар хил ишлаб чиқариш нурларининг ажралиши, корхонанинг ёритилиши, шовқин ҳамда тебраниш каби ишлаб чиқариш мухитининг қатор элементлари меҳнат санитариясининг асосий мазмунини ташкил этади. Қулай меҳнат шароитини яратиш учун юкоридаги ишлаб чиқариш мухити элементларини мунтазам текшириб бориш ва уларни тегишли ҳамда нуғузли ҳалқаро ташкилотлар томонидан ишлаб чиқилган норма даражасида саклаш зарур.

Ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналарида меҳнатни ташкил этишнинг санитария-гигиена шароитларини тартибга солиш ҳамда норма даражасини аниқлаб бориш учун “Корхоналарни лойиҳалашда санитария нормалари”, “Қурилиш нормалари ва коидаси”, “Мехнатни муҳофаза килиш ва меҳнат гигиенаси” масалалари ҳамда муаммолари бўйича ҳар хил санитария нормаларидан асосий ва меъёрий хужжат сифатида фойдаланиш керак.

Иш жараёнининг ҳамда атроф-муҳитнинг ишчилар организмига таъсирини ўрганадиган фан **мехнат гигиенаси** дейилади. Мехнат гигиенасини қўллаш натижасида қулай иш шароитларни яратадиган, меҳнат унумдорлигини ошира оладиган, касбий касалликларни камайтира оладиган ёки бутунлай йўқ қила оладиган санитария, гигиена ва даволаш-профилактик тадбирлари ишлаб чиқилади.

Ташкилот хоналари иш ҳудудидаги харорат, нисбий намлик, ҳавонинг ҳаракатланиш тезлиги ва бошқалар ГОСТ 12.1.005-88 “Иш ҳудудининг ҳавоси. Умумий санитария-гигиеник талаблари”га мувофиқ бўлиши керак.

Ташкилотнинг ишлаб чиқариш хоналари қўйидаги санитария коидаларига мувофиқ сакланиши лозим:

— хоналарнинг ҳарорати, нисбий намлик ва ҳавонинг ҳаракатланиш тезлиги, иш жойларидағи ортиқча иссиқлик, бажарилаётган ишнинг оғирлик даражасига кўра тоифаси йил мавсуми ҳисобга олинган ҳолда белгиланиши;

— ишлаб чиқариш, санитария-маиший, хом ашё ва тайёр маҳсулотни сақлаш хоналарининг ёруғлиги ҚМҚ 3.01.05-98 “Табиий ва сунъий ёритиш. Лойиҳалаштириш меъёрлари”га мувофиқ бўлиши ҳамда меҳнат шароитларини яратиш учун етарли ёруғлик кучини таъминлаши;

— хоналарда ёритиш асбоблари чанг тўпланишига имконият бермайдиган конструкцияга эга бўлиши, шунингдек, синган тақдирда, унинг парчалари сочилиб кетмаслиги учун ёпиқ бўлиши.

Нокулай омиллар таъсирига қарши химоя тадбирларини тузишда самараали ҳаво алмашинуви тизимини ҚМҚ 2.04.05-97 — “Иситиш, вентиляция ва кондициялаш” талабларига мувофиқ ташкил қилиш лозим.

Ишлаб чиқариш, санитария-маиший, хом ашё ва тайёр маҳсулотни сақлаш хоналарини гигиеник жиҳатдан тоза сақлаш ҳамда ходимларнинг шахсий гигиенасига қўйиладиган талаблар қонун ҳужжатларида белгиланган қоидаларга мувофиқ бўлиши лозим.

Иш жойларидағи микроклимат омилларини — ҳарорат, нисбий намлик, ҳавонинг тезлиги ҳамда атмосфера босими ташкил этади. Берилган иш тури учун комфорт (энг мақбул) шароит иссиқлик баланси таъмин этилгандагина бўлиши мумкин. Иссиқлик баланси қўйидаги формула билан ифодаланади:

$$Q = Q_y + Q_k + Q_n + Q_b + Q_x.$$

Бу сарда: Q_y — кийимнинг иссиқлик ўтказувчанлиги;

Q_k — бадан атрофидаги конвекция;

Q_n — атроф юзаларига нурланиш;

Q_b — бадандан чиқаётган намликтарнинг бугланиши;

Q_x — нафас олаётган ҳавони иситиш.

Иш жойларида ҳаво ҳарорати енгил жисмоний ишда 21^0 С, ўртача оғир ишда 17^0 С ва оғир ишда 16^0 С дан паст бўлмаслиги керак. Ходимларнинг исиниши учун хоналардаги ҳарорат 22^0 С дан кам бўлмаслиги керак. Исиниш хоналаригача бўлган масофа биноларда жойлашган иш жойларидан 75 м.дан, бино таипкарисидаги иш жойларидан эса 150 м.дан кўп бўлмаслиги лозим.

Хона ҳавосининг харорати юкори бўлганда, қон томирлар кенгайиб, терига қон меъёrlаридан кўп кела бошлайди ва атроф-мухитга иссиқлик узатиш бирмунча кўпаяди. Бу ҳол хона ҳавосининг харорати $30-35^{\circ}\text{C}$ дан юкори бўлганда тўхтайди. Киши терлайди, бунинг натижасида организм учун зарур бўлган тузлар ҳам тер билан чиқиб кетади. Шунинг учун иссиқ хоналарда сал шўрланган газ сувлар берилади.

Хонадаги ҳаво харорати пасайганда, кон томирлар торайиб, терига коннинг келиши сусаяди ҳамда тананинг ташки муҳитга иссиқлик бериши камаяди. Шундай килиб, киши ўзини иш шароитида яхши хис қилиши учун харорат, нисбий намлик ва ҳаво харакати тезлигининг маълум уйғунлиги зарур экан.

Тананинг ҳароратини ростлашда хона ҳавосининг намлиги катта таъсир кўрсатади. Юкори нисбий намлик ($\phi > 85\%$) тер бугланишининг камайишига олиб келса, жуда паст нисбий намлик ($\phi < 20\%$) нафас йўллари шиллик пардасининг куриб қолишига олиб келади. Намликнинг энг мақбул киймати 40-60 фоиз деб қабул қилинган. Айни пайтда ҳар қандай шароитда ҳам, биринчи навбатда, инсон саломатлиги, унинг меҳнатини муҳофаза қилиш муаммоси кўйилиши керак. Иш жойларида ҳавонинг харакати иш шароитини яхшилашнинг муҳим омилларидан ҳисобланади. Иссиқлик юкори бўлган хоналарда ҳавонинг харакати организмдан чиқадиган иссиқликнинг атроф-мухитга берилишини яхшилади ва, аксинча, совук хоналарда организмга салбий таъсир қиласди.

9.1-жадвал

| Иш жойидаги харорат, $^{\circ}\text{C}$ | Иш жойида йўл қўйиш мумкин бўлган ҳавонинг харакат тезлиги, м/с |
|---|---|
| 16-20 | 0,25 гача |
| 22-23 | 0,25-0,3 |
| 24-25 | 0,4-0,6 |
| 26-27 | 0,7-1,0 |
| 28-30 | 1,1-1,3 |

Ҳавонинг одам учун сезиларли минимал тезлиги 0,2 м/с ҳисобланади. Йилнинг совук пайтларида ҳавонинг тезлиги 0,2-0,5 м/с, иссиқ кунларида эса 0,2-1,0 м/с бўлиши тавсия этилган. Иссиқ хоналарда бу тезлик 3,5 м/с гача оширилиши мумкин. Хонада ҳаво

тезлигини танлашда унинг технологик жараёнга халақит бермаслигини ва зарарли моддаларни учирив, тарқатмаслигини ҳам хисобга олиш керак.

Давлат санитария назоратининг тавсиясига кўра, иш жойларида йўл қўйиш мумкин бўлган ҳаво харакатининг тезлиги иш жойининг ҳароратига куйидагича боғланади.

9.2-жадвал

Йилнинг иссиқ даври учун иш минтакасидаги рухсат этиладиган метеорологик шароитлар

| Ишлар тоифаси | Очиқ иссиқликнинг ортиклиги куйидагича бўлганда ҳавонинг харакатланиш тезлиги, м/с | | Очиқ иссиқликнинг ортиклиги куйидагича бўлганда, ҳавонинг ҳарорати, °C | | Ҳарора т, °C | Нисби й намлик, % |
|---------------|--|-----------|--|---|-------------------|-------------------------|
| | кам | анча кўп | Кам | анча кўп | | |
| I | 0,2...0,5 | 0,2...0,5 | Ташки ҳаводан кўпни билан 3° С ортик, аммо 30° С дан юкори эмас | Ташки ҳаводан кўпни билан 5° С ортик, аммо 30° С дан юкори эмас | 26- 28 | 55 — 65 |
| IIa | 0,2...0,5 | | | | 26 | 65 |
| IIб | 0,3...0,7 | | Ташки ҳаводан кўпни билан 3° С ортик, аммо 28° С дан юкори эмас | Ташки ҳаводан кўпни билан 3° С ортик, аммо 30° С дан юкори эмас | 25 | 70 |
| III | 0,3...0,7 | 0,5...1,0 | | | 24 ва бундан паст | 75 |

Ишлаб чиқариш микроиқлими меъёрлари меҳнат ҳавфсизлиги стандартлари тизими “Иш зонаси микроиқлими” (ГОСТ 12.1-005-76) га асосан белгиланган. Улар гигиеник, техник ва иқтисодий негизларга асосланган. Корхоналардаги хоналар, йил фасллари ҳамда иш тоифасига қараб, улардаги ҳарорат, нисбий намлик ва ҳаво харакатининг иш жойлари учун рухсат этилган меъёрлари белгиланган.

I тоифа — енгил жисмоний ишлар; бундай ишларда инсон сарфлайдиган қувват 175 Вт (175 Ж/с) дан ошмайди. Мазкур ишлар ўтириб, тик туриб ёки юриб бажарилади ҳамда доимий жисмоний

зўриқишини ёки оғир нарсаларни кўтариш ва ташишини талаб килмайди;

II а-тоифа — одам тик туриб, юриб амалга оширадиган, бунда 175-233 Вт (175-233 Ж/с) кувват сарфлайдиган жисмоний ишлар. Бу тоифага енгил саноат корхоналарининг асосий цехларида бажариладиган ишлар киради;

II б-тоифа — фақат юриб ва тик туриб бажариладиган, унча оғир бўлмаган (10 кг.гача) нарсаларни кўтариш билан боғлик бўлган ва бунда 233-290 Вт (233-290 Ж/с) кувват билан сарфланадиган ўртacha оғирликтаги жисмоний ишлар;

III тоифа — доимий жисмоний зўриқишини билан, шунингдек, анча оғир (10 кг.дан оғир) нарсаларни кўтариш ва ташиш билан боғлик бўлган, бунда 290 Вт (290 Ж/с)дан зиёд кувват сарфланадиган оғир жисмоний ишлар.

Ҳавони мўътадиллаштириш тизими турғун ишләётганида, энг мақбул параметрлар сақлаб турилиши керак. Йилнинг иссиқ даври учун микроқлимнинг энг мақбул параметрлари 9.2-жадвалда, йилнинг совуқ ва ўтиш даври учун эса 9.3-жадвалда келтирилган.

9.3-жадвал

Йилнинг совуқ ва ўтиш даври учун иш минтақасидаги рухсат этилган метеорологик шароитлар

| Ишлар тоифаси | Ҳавонинг харорати, °C | Ҳавонинг харакатланиш тезлиги, м/с кўпич билан | Ҳавонинг харорати, °C |
|---------------|-----------------------|--|-----------------------|
| I | 19...25 | 0,2 | 15...26 |
| IIa | 17...23 | 0,3 | 13...24 |
| IIб | 15...21 | 0,4 | 13...24 |
| III | 13...19 | 0,5 | 12...19 |

Хоналар учун белгиланадиган метеорологик шароит ва ҳавонинг тозалиги қурилиш меъёрлари ҳамда қоидалари — КМКда келтириладиган ташки ҳавонинг А, Б, В параметрларига мос бўлиши керак. Ҳавонинг намлиги юқори бўлганда, харорат ҳам юқори бўлади. Бундай шароитда инсон танасининг “ҳароратни ростлаш” хусусияти пасаяди, чунки ҳавонинг юқори ҳароратида иссиқлик узатилиши ва иссиқлик нурланиши кам бўлади, ҳароратнинг юқорилиги туфайли, шунингдек, тери сиртидан намликнинг бугланиши ҳам қийинлашади.

Шундай қилиб, юқори ҳарорат ҳамда юқори намлиқ биргалиқда ишловчиларнинг кайфияти ва соғлиғига жуда ёмон таъсир кўрсатади.

Ишлаб чиқариш мухитининг метеорологик шароити (ҳавонинг ҳарорати, нисбий намлиги, ҳаракатланиш тезлиги, барометрик босим) тегишли ўлчов аппаратлари ёрдамида назорат қилинади.

9.2. Нурланиш ва ишлаб чиқаришда ундан ҳимояланиш

Меҳнатнинг санитария-гигиена шароитларини, ишлаб чиқаришдаги нурланиш ва нурларнинг киши организмига таъсирини аниқлаш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Нур энергияси деганда, электромагнит тўлқинлари кўринишида тарқаладиган энергия тушунилади. Бу тўлқинларнинг узунлиги ва тебраниш частотаси қанча юқори бўлса, тўлкин шунчалик қисқа бўлади ва аксинча, тебраниш частотаси қанчалик кам бўлса, тўлқинлар шунчалик узун бўлади.

Ишлаб чиқариш жараёнида учрайдиган инфрақизил, ультрабинафша нурларидан сакланиш ҳамда кези келганда, улардан мақсадга мувофиқ фойдаланиш гигиена жиҳатидан муҳим аҳамиятга эга.

Инфрақизил нурларнинг тўлкин узунлиги 343 дан 0,76 микронгacha бўлиб, улар қизиган асбоб-ускуналардан ва хом ашёлардан чиқади, киши организмига жуда тез салбий таъсир киласди ҳамда юрак фаолиятининг бузилиши, организмнинг ортиқча қизишига олиб келади.

Ультрабинафша нурларнинг тўлкин узунлиги 400 миллимикрондан 76 А (Ангстрем)гача бўлиб, маълум даражадаги миқдори киши организмига ижобий таъсир киласди, яъни организмнинг қон яратиш функцияси, модда алмашинуви яхшиланади.

Аммо ультрабинафша нурлар билан ҳаддан ортиқ нурланиш зарарли бўлиб, у тери, кўз ва асаб тизими касалликларини келтириб чиқаради. Ультрабинафша нурлар саноатда, асосан, вольт ёйи ёрдамида электр билан материалларни пайвандлаш ишларида учрайди.

Инсон организмининг радиоактив нурланиши ички ҳамда ташқи бўлиши мумкин. Ташқи томондан нурланиш маълум ташқи нурланувчи манба таъсирида кечганлиги сабабли, тарқалётган нурларнинг кириб бориш кучи катта аҳамиятга эга. Кириб бориш

кучи юқори бўлган нурларнинг организмга зарари ҳам кучлироқ бўлади.

Ички нурланиш нур тарқатувчи моддалар инсон организмининг ички тизимларига, масалан, емирилган тери қатламлари орқали қонга, нафас олиш аъзолари, ўпкага ва шилимшиқ моддаларга, овқат ҳазм қилиш аъзоларига тушиб қолган тақдирда рўй беради.

Бунда нурланиш нур тарқатувчи модда қанча вақт нурланса ёки қанча вақт давомида организмда сақланса, шунча вақт давом этади. Шунинг учун ҳам радиоактив моддалар катта парчаланиш даври ҳамда кучли парчаланишга эга бўлганда, айниқса, хавфли хисобланади.

Радиоактив нурланишларнинг биологик таъсири организмдаги атом ва молекулаларнинг ионланиши сифатида тавсифланади ҳамда бу, ўз навбатида, ҳар хил кимёвий бирикмалар таркибларининг ўзгаришига ва нормал молекуляр бирикмаларда узилишлар бўлишига олиб келади.

Радиоактив изотоплар билан иш бажариладиган саноат корхоналарида, бу корхоналарда тўғридан-тўғри шу изотоплар билан ишлаётганлардан ташқари, кўшни хоналарда бошқа ишлар билан шуғулланаётганлар, шунингдек, саноат корхонаси жойлашган ҳудудда яшовчилар ҳам бирмунча радиоактив нурланишлар таъсирига тушиб колишларини ҳисобга олиш керак. Ишчилар, қолаверса, бошқа ишлар билан радиоактив ҳудудларда шуғулланаётган ҳамда яшаётган шахсларнинг хавфсизлигини таъминлашнинг асосий воситалари: хавфсизлик оралиқ масофалари билан таъминлаш, нурланиш вақтини камайтириш, умумий муҳофаза ва шахсий ҳимоя воситаларидан фойдаланишdir. Бунда радиоактив нурланишлар миқдорини ўлчаш асбобларидан фойдаланиб, нурланиш дозасини билиш муҳим аҳамиятга эга.

Радиоактив моддалар билан ишлаётган ишчиларни нурланишдан муҳофаза қилишининг турли усулларидан фойдаланилади. Бунда нурланиш ташқи ҳамда ички бўлишини ҳисобга олиш зарур. Ташқи нурланишлардан сақланишда, асосан, нурланиш вақтини белгилаш, нурланаётган модда билан ишчи орасидаги масофани сақлаш ва экранлар ёрдамида тўсик воситаларидан фойдаланилади. Ишчининг радиоактив нурланиш зонасида бўлиш вақти унинг йўл қўйилиши мумкин бўлган дозада нурланиш олиш вақтидан ошмаслиги керак.

Нурланиш интенсивлиги нурланаётган модда билан ишчи орасидаги масофа квадратига тескари пропорционал эканлигини хисобга олганда, маълум масофада туриб ишлагандан экранлардан фойдаланмаса ҳам бўлади.

Радиоактив моддалар билан иш бажариладиган биноларнинг деворлари, пол, шифт ҳамда эшиклари текис ва силлиқ бўлиши керак. Ҳамма бурчаклар, радиоактив моддалардан тозалаш осон бўлиши учун яримайлана шаклига келтирилади. Хоналарда шахсий муҳофаза воситалари учун ҳаво бериш тизимлари ташкил қилинади.

Бино маҳсус санитария-гигиена жихозларига эга бўлиши керак. Булар ювиниш қурилмалари, душхоналар, сув ичиш фавворлари ҳамда бошқалардир. Бу қурилмалар тузилишига кўра шунга ўхаш санитария-техник қурилмаларидан бирмунча фарқ қиласди. Масалан, қўл ювиш қурилмаларида кран ўрнига педаль ўрнатилади. Шунингдек, бу хоналарда, албатта, иссиқ сув таъминоти бўлиши шарт. Канализация тизимлари заарасизлантириш қурилмасига эга бўлади.

Радиоактив моддалар маҳсус зич ёпиладиган идишларда сақланади. Радиоактив моддалар билан иш бажариладиган ва улар сақланадиган биноларнинг эшикларига радиоактив хавф белгиси қўйилади.

9.3. Ёруғликнинг инсон соғлиғи ва иш қобилиятига таъсири

Мехнат шароитини яхшилаш ҳамда унинг самарадорлигини оширишга таъсир қилувчи муҳим омиллардан бири ёритишидир. Қулай ва илмий жиҳатдан асосланган ёритиш тизими ишлаб чиқаришда банд бўлган кишилар саломатлигига ҳамда иш қобилиятининг ортиб боришига, нафас олиш органларининг фаолиятига яхши таъсир кўрсатади. Агар бино етарлича ёритилмаса, чироқ бир ўчиб, бир ёниб турса ёки нормадан ортиқ даражада ёритилган бўлса, кўзда толикиш юзага келади, бу эса, биринчи навбатда, ишчининг узоқ вақт чарчаб юришига олиб келади.

Шунинг учун тўғри ёритиш масаласи меҳнатни ташкил қилишда муҳим масала бўлиб, уни ранг муаммоси билан яқин боғлаб, норма даражасига етказиш зарур. Ишчи ишлаб чиқариш жараёнида узок вақт чарчамасдан, толикмасдан яхши кўриши учун корхоналарда ёритиш тизими етарли даражада бўлиши керак.

Кўриш қобилияти нормал шароитда кичик-кичик қисмларни (десталларни) фарқлаш учун 50-70 люкс миқдорда ёруғлик ҳам етарли. Лекин уларни максимал даражада фарқлаш учун эса 600 люксгача миқдорда ёруғлик керак. Бу борада физиологик кузатишларнинг кўрсатишича, З соат давомида 50 люкс ёруғликда ишлаган ишчининг кўриш қобилияти 72 фоиз, 75 люкс ёруғликда 55 фоиз, 100 люкс ёруғликда 26 фоиз, 200 люксда эса фақат 15 фоизгача камайганлиги аниқланган.

Кўриниб турибдики, ёруғлик кам бўлган шароитда ишчи иш бошланган даврдагига нисбатан кўриш қобилиятини йўқотади ва кўзда толиқишиш аломатларини сезади.

Ишхоналардаги ишлаб чиқариш жараёнининг хусусиятларига қараб ёритиш тизими З хил, яъни умумий, маҳаллий ва комбинациялашган бўлиши мумкин. Умумий ёритиш бутун бинони ёритиш билан белгиланган. Маҳаллий ёритиш эса иш жойининг ўзинигина ёритишни кўзда тутади. Комбинациялашган ёритиш тизими умумий ҳамда маҳаллий ёритиш тизимларининг айни бир вақтда амалга оширилишини билдиради.

Ёруғликлар, умуман, икки хил бўлиб, улар табиий ёруғлик ва сунъий ёруғликларга бўлинади. Кечки сменада ишлайдиган ишчилар, асосан, сунъий ёруғликда меҳнат қиласидилар. Сунъий ёритишда чўғланма лампалар ва люминисцент лампалардан фойдаланилади.

Яхши ёритиш ва электр энергиясини тежаб сарфлаш мақсадида кейинги йилларда люминисцент лампалар кенг қўлланмоқда. Чунки улар чўғланган лампаларга нисбатан кўпгина афзалликларга эга. Люминисцент лампа чўғланма лампага қараганда ёруғликни 3-4 марта оптика беради, электр энергиясини бир неча марта кам сарфлайди. Табиий ёруғлик билан люминисцент лампасининг ёруғлиги текширилганда уларнинг аралашлиги деярли сезилмайди.

Иш жойини ёритиш масаласини ҳал этишда табиий ёруғликдан максимал фойдаланилиши керак. Бунинг учун дераза ўрни ва ёруғлик тушадиган бошқа туйнукларни кенгайтириш лозим. Ҳозирги вақтда кенг қўлланилаётган витрина типидаги катта деразалар ёруғликни кўп туширади ва ойнасини ювишни механизациялаширишга имкон беради. Ойналарни чангдан тез-тез тозалаб туриш керак, чунки чанг кундузги ёруғликнинг 30 фоизга яқинини ушлаб қолади ҳамда иш жойи ёмон ёритилишига сабаб бўлади.

Иш бажарыш вазифасига кўра, сунъий ёритишилар: ишчи ёритилиш, авария ёритилиши ва маҳсус ёритилишларга бўлинади.

Саноат корхоналарида унумли иш шароитини ташкил қилиш ҳамда ишчиларнинг иш шароитларини яхшилаш мақсадида кўзни толиқишдан сақловчи ёритиш восталарини ташкил қилиш саноат корхоналари олдига кўйилган асосий санитария-гигиеник талабдир.

Бундай шароитни ташкил қилиш учун саноат корхоналарини ёритиш тизимларига қуидаги асосий талаблар кўйилади:

1. Иш жойларини ёритиш санитария-гигиеник нормалар асосида иш категорияларига мослашган бўлиши керак. Иш жойларини максимал ёритиш, албатта, иш шароитини яхшилашга олиб келади.

2. Иш олиб борилаётган юзага ва кўзга кўринадиган атроф-муҳитга ёруғлик бир текис тушадиган бўлиши керак. Чунки агар иш олиб борилаётган юзада ва атроф-муҳитда ялтироқ участкалар мавжуд бўлса, унда кўзning уларга тушиши ҳамда қайтиб иш зонасига қараганда кўзning жимирилашиши боис маълум вакт кўникиши керак бўлади.

3. Ишчи юзаларида кескин соялар бўлмаслиги керак. Чунки иш юзасида кескин сояларнинг бўлиши, айниқса, у соялар ҳаракатланувчи бўлса, иш бажарилаётган обьектнинг кўринишини ёмонлаштиради.

4. Ишлаб чиқариш зоналарида тўғри ёки нур қайтиши таъсирида ҳосил бўлаётган ялтираш бўлмаслиги керак. Чунки иш зоналаридаги ялтираш кўзning кўриш қобилиятини пасайтириб, кўзни камаштириши мумкин.

5. Ёритилиш миқдори вакт бўйича ўзгармас бўлиши керак. Ёритилишнинг кўпайиб-камайиши, агар ўқтин-ўқтин рўй берадиган бўлса, кўзга зарар келтиради, чунки кўз ёруғлик ўзгаришларига кўникишига тўғри келади.

6. Ёруғлик нурларини оптимал йўналиш билан йўналтириш керак, бунда маълум ҳолатларда деталнинг ички юзаларини кўриш ва бошқа ҳолларда деталь юзасидаги камчиликларни яхшироқ кўриш имконияти туғилади.

7. Ёруғликнинг лозим бўлган спектр таркибини танлаш зарур. Бу талаб материалларнинг рангини аниқ белгилаш зарур бўлган ҳолларда муҳим роль ўйнайди.

8. Ёруғлик қуриламалари қўшимча хавфлар манбаи бўлмаслиги керак. Шунинг учун ёритиш манбалари ажратадиган иссиқликни, товуш чиқаришини максимал камайтириш керак.

9. Ёритиш қурилмаси ишлатиш учун қулай, ўрнатиш осон ва иқтисодий самарали бўлиши керак.

9.4. Ишлаб чиқаришдаги шовқин ва тебранишлар

Мехнат шароитини яхшилашнинг яна бир муҳим шартларидан бири — ишлаб чиқаришдаги шовқин ва тебранишга қарши курашишdir. Чунки хозирги илмий-техника тараққиёти даврида чиқариладиган машина ҳамда механизмларнинг қуввати ва унумдорлиги ортиши билан улардан чиқадиган шовқин ҳамда тебраниш ҳам кучаймоқда.

Иш жойларида, хоналарда ва ташкилот ҳудудида шовқин ҳамда тебранишнинг даражаси СанҚвАМ 0120-01 “Иш жойларида шовқиннинг йўл қўйилган даражасининг санитария меъёрлари”, СанҚвАМ 0122-01 “Иш жойларида умумий ва локаль тебранишнинг санитария меъёрлари”, ГОСТ 12.1.003-89 “Шовқин. Умумий хавфсизлик талаблари” ҳамда ГОСТ 12.1.012-90 “Тебранма. Умумий хавфсизлик талаблари”га мувофиқ бўлиши керак.

Шовқин турли баландлиқдаги ва частотадаги товушларнинг тартибсиз равиша қўшилиб эшитилиши билан характерланади. Товуш физик ҳолат сифатида ҳаводан, сувдан ҳамда бошқа тараанг муҳитдан келиб чиқадиган тўлқинсимон ҳаракатлардан иборат. У товуш чиқаридиган жисмларнинг тебраниши натижасида ҳосил бўлади ва эшитиш аъзоимиз томонидан қабул қилинади. Ритмларга риоя қилинган ҳолда мунтазам равиша келиб чиқадиган товушларнинг тебраниши мусиқали товушлар, деб аталади. Шунинг учун ҳам ҳар қандай овоз алоҳида компонентларга бўлинади. Масалан, мусиқа бизга эстетик завқ берса, шовқин ғашимизни келтиради.

Шовқин 130 децибелга бўлинган ҳалқаро товуш баландлиги шкаласи билан ўлчанади. Товуш босими даражасини ўлчаш учун шовқин ўлчагич (шумомер) кўлланилади.

Қурилма ва иншоотларнинг тебраниши тебраниш частотаси (чц.), амплитудаси (мм.), тебранма ҳаракат тезлиги (см.сек), тебранма ҳаракатнинг тезланиши (см.сек²) билан ўлчанади. Тебранишни ўлчаш

ва ҳисобга олиш учун механик вибраграф, турли манба ҳамда кучайтиргичлар қўлланилади.

Ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналарида юзага келадиган барча шовқин частота таркибига караб уч табақага (классга) бўлинади: паст частотали (30 герцгача), ўртача частотали (100 герцгача) ва юқори частотали (100 герцдан юқори). Бу шовқин табақаси (класси) ҳар бири учун йўл қўйиладиган шовқин даражаси белгиланиб, улар қуйидаги миқдорларга бўлинади: биринчи класс — 65-75 децибелл, иккинчи класс — 75-100 децибелл, учинчи класс — 100 децибелдан ортиқ. Ўртача кучли овоз билан айтилган сўз 1,5 метрли масофадан етарлича аниқ ва тушунарли эшитирса, бундай шовқин даражаси нормал ҳисобланади. Бу куч 68-70 децибелл бўлган шовқин даражасига тўғри келади.

Ҳозирги вақтда кўпчилик ишлаб чиқариш ҳамда хизмат кўрсатиш корхоналарида шовқин даражаси ўртача 87 — 95 децибеллга тенг бўлиб, бу кўрсаткич, асосан, нормал ҳисобланади. Аммо баъзи корхоналарда шовқин даражаси месъёридан анча ошиқдир. Масалан, Тошкент, Фаргона тўқимачилик корхоналарининг баъзи бўлимларида, цехларида шовқин даражаси 85 децибелдан 120 децибеллгача ошади.

Шовқиннинг заарли таъсири унинг кучи ва частотасидадир. У кўпроқ марказий асаб тизими орқали ходимнинг бутун организмига таъсир этувчи биологик қўзғатувчи ҳисобланади. Кучли шовқин нафакат қулоққа салбий таъсир кўрсатади, балки асаб тизими фаолиятининг бузилиши, қон босимининг ўзгариши, юрак фаолиятининг бузилиши, бошда оғриқ пайдо бўлишига олиб келади.

Кўп йиллик кузатишлар натижаси шуни кўрсатадики, агар кини 90 децибелдан ошиқроқ шовқин остида уч-тўрт йил мобайнида тўхтовсиз иш фаолиятини амалга оширса, бундай ҳолда гармония касалликлари, чала эшитиш, бош оғриғи, сержаҳллик, ҳаддан ташқари чарчаш ҳамда хотира сусайиши каби бир қатор кўнгилсиз ҳолларга дучор бўлади.

Шу боисдан ҳам мустакил республикамизнинг ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналарида шовқин ҳамда тебраниш билан боғлиқ бўлган кўнгилсиз ҳолларнинг олдини олиш учун барча чоратадирик қўлланиб келинмоқда.

Шовқиннинг заарли таъсирларини камайтириш максадида шовқин пайдо бўладиган манбаларда технологик, конструктив ва

эксплуатация тадбирларини қўллаш, шовкин кучини унинг тарқалиши йўлида товуш ўтказмайдиган ёки товуш ютадиган воситалар ёрдамида камайтириш, шу ҳамда шунга ўхаш омилларнинг зарарли таъсиrlаридан шахсий ҳимоя қилиш каби тадбирларни амалга ошириш зарур.

Тебранишларнинг узоқ вақт таъсир этиб туриши ходимнинг тез чарчашига, унинг асаб тизими ва ички органлари ишдан чикишига сабаб бўлади. Тўкимачилик соҳасидаги корхоналарда тебраниш параметрларининг энг юқориси тўкув цехларида, машинасозлик корхоналарининг темирчилик цехларида бўлиши мумкин. Тебранишга қарши курашиб учун маҳсус техник воситалардан (турли изоляторлар, амортизаторлардан), шунингдек, шахсий (индивидуал) сақланиш воситаларидан (масус қўлқоплар, палослар ҳамда тўшаклардан) фойдаланилади.

Иш жойларида шовкин ва тебраниш даражаси мунтазам назорат қилиб турилиши керак. Агар у белгиланган меъёрлардан юқори бўлса, уни пасайтириш учун куйидаги тадбирлар қўлланилиши лозим:

— деталларнинг зарбали харакатларини зарбасиз ҳаракатларга, илгариlama-қайтма ҳаракатларни айланма ҳаракатларга ўзгартириш;

— шовкин чиқарувчи агрегат ёки унинг айрим кисмларига шовкинни тўсувчи қобиклар ўрнатиш;

— агрегатдан чиқаётган аэродинамик шовқинларга қарши самарали товуш сўндиргичлар қўллаш;

— шовқинли ускуналарни (парраклар, компрессор) тўсилган хоналарда ёки ишлаб чиқариш хоналаридан ташқарида жойлаштириш;

— тебранишни камайтириш учун унинг манбалари (электр двигателлар, парраклар ва бошқалар) полдан ҳамда бинонинг бошқа конструкцияларидан изоляцияланган мустақил пойdevорларга ёки маҳсус хисоблаб чиқилган амортизаторларга ўрнатилиши керак.

Ишлаб чиқариш хоналарida шовкинни техник воситалар билан бартараф этишининг иложи бўлмаса, эшитиш аъзоларини якка тартибда ҳимоя қилувчи воситалардан ва шовқинга қарши каскалардан фойдаланиш керак.

Меъридан ортиқча шовкин ҳамда тебранишнинг олдини олиш ва унга қарши курашиб ишлаб чиқариш ҳамда хизмат кўрсатиш корхоналарida энг қулай меҳнат шароити яратиш соҳасида олиб

борилаётган долзарб вазифаларнинг бир қисми бўлиб, у меҳнатни ташкил этиш ва бошқаришнинг зарур шартлари дандир.

9.5. Ишлаб чиқариш майдонлари, бинолар, машина ва хоналарга қўйиладиган талаблар

Корхоналарнинг бош тархи тузилаётганда, технологик жараённинг узлуксизлиги ҳамда изчиллигига аҳамият берилади. Унда хом ашё йўналиши тўғри чизик бўйлаб ёки жуда бўлмаганда 90° га бурилиши мумкин. Хом ашёнинг маълум бир участкада орқага қайтарилиши ёки унинг йўналишида ҳалқа ҳосил бўлишига йўл қўймаслик даркор. Тўғри ташкил қилинган бош тарх бўйича қурилган корхоналарда қулай иш шароитлари, цехларда, корхона худудида ва унинг атрофидаги тураржойларда меъёрдаги санитария-гигиена шароитлари мавжуд бўлиши таъминланади.

Корхоналарни лойиҳалаш пайтида улар тураржойлардан санитария-химоя зоналари билан ажратилади. Саноат корхоналарининг бош тарҳларини лойиҳалаштиришда курилиш меъёрлари ҳамда қоидалари ва санитария меъёрлари — СанПин №0006-93 асос қилиб олинади. Уларда корхоналардан ажралиб чиқадиган зарарли моддалар яқин атрофидаги тураржойларда яшовчи кишилар соғлиғига зарар етказмаслиги учун қўйидаги санитария-химоя зоналари қабул қилинган:

- 1000 м. — 1-клас корхоналари учун (нитрон толаси ишлаб чиқарувчи корхоналар ва ш.к.);
- 500 м. — 2-клас корхоналари учун (капрон, лавсан, хлорин ҳамда бошқа кимёвий толалар, сунъий чарм ишлаб чиқарувчи корхоналар ва ш.к.);
- 300 м. — 3-клас корхоналари учун (пластмассалар, тол, рурбероид пахтани ва бошқа ўсимлик толаларини дастлабки ишлаш корхоналари);
- 100 м. — 4-клас корхоналари учун (пахта, каноп ҳамда жун йигириш, тўқиши фабрикалари, совун ишлаб чиқариш, бетон маҳсулотлари, полимер курилиш материаллари ишлаб чиқарувчи корхоналар);
- 50 м. — 5-клас корхоналари учун (тикув ва пойабзалга механик ишлов бериш, гилам тўқиши корхоналари ва ш.к.).

Корхонадаги ҳар бир ишчига мөнбеттілік шароит яратилиши учун камида $4,5 \text{ м}^2$ ишлаб чиқариш майдони ва 15 м^3 бино ҳажми түғри келиши керак.

Корхона бош тархи унинг географик жойлашган ўрни, шамолнинг йил давомида асосий йўналишини хисобга олган ҳолда, чанг ажратиб чиқарувчи, юқори ҳарорат, буғ, ҳар хил захарли газлар, шовкин ва бошқа заарарли чиқиндилар аҳоли яшайдиган объектларга иложи борича зарап етказмайдиган қилиб лойиҳаланади.

Корхона худудида объектларни жойлаштиришда шу географик аҳоли пункти учун шамолнинг энг кўп эсадиган йўналиши хисобга олиниши керак. Бунда ҳавонинг йўналиши чанг, шовкин, буғ, газлар ва заарарли моддалар ажralиб чиқадиган цех ҳамда фабрикалардан одамлар яшайдиган томонга қараб эсишига йўл қўймаслик керак. Шу билан бирга, ҳавонинг асосий йўналиши ўт чиқиш ҳавфи кучли бўлган объектлардан бошқа биноларга қараган бўлмаслиги керак.

Саноат корхоналари худудидаги бинолар орасидаги ёнғинга қарши масофа биноларнинг ёнғинга қаршилик кўрсатиш даражаси ҳамда корхонанинг ёнғин чиқиш ҳавфлилиги билан белгиланади. Бунида бино ва корпусларнинг жойлашиши технологик жараённинг талаблари хисобга олинган ҳолда ҳамда бинонинг исталган ерига ўт ўчирувчи машиналар кела олишини хисобга олган ҳолда бўлиши керак.

Ишлаб чиқариш санитариясини, ҳавфсизлик техникасини таъминлаш, ишловчиларга кулай шароит яратиш ҳамда технологик жараённи яхши ташкил қилиш мақсадида корхона худуди алоҳида зоналарга бўлинади.

Корхона худудини зоналарга бўлиш хом ашёни ва технологик жараённи ёнғин чиқиш ҳавфига, бино ҳамда иншоотларнинг санитария характеристига, транспорт хизматига, ишловчилар сонига ва бошқа шунга ўхшаш кўпгина омилларга қараб ажратилади.

Корхона биноларини жойлаштиришда яна шунга аҳамият бериш керакки, худудида ҳавфсизликни таъминлаш мақсадида транспорт кўп қатнайдиган бинолар алоҳида бир жойда қурилиши, ёнғин чиқиш ҳавфи бўлган цехлар шамол йўналишига қарши, заарарли газлар ажralиб чиқадиган цехлар эса одамлар зич жойлашган иш жойларидан узокроқ қилиб қурилиши керак. Бунда ҳар бир бино ўт ўчириш машиналари бемалол кела олиши учун атрофи ҳалқали йўллар билан таъминланиши керак.

Хавфсизликнинг энг муҳим талабларидан яна бири шуки, худудда юқ ташиш йўллари одамлар оқими билан кесишмаган ҳолда қурилиши лозим. Ёнгин хавфини камайтириш ва ўт ўчирувчи машиналарни худуддаги ҳаракатини яхши таъминлаш мақсадида қарама-қарши томонларида бўлган дарвозаларга тўпса-тўгри борадиган йўллар қурилади.

Корхона худудидаги тозаликни ва тинчликни таъминлаш шарт бўлган маъмурий бинолар, ошхона, конструкторлик бюроси, тиббиёт пункти, бухгалтерия ҳамда шунга ўхшаш бинолар ишлаб чиқариш зonasидан шамол йўналиши бўйича қурилиши, чангни мумкин бўлган, енгил ўт олувчи ёқилғи ва мой омборлари ҳамда бошқаларга қарама-қарши томонда жойлашиши мақсадта мувофиқдир.

Корхона худудини кўкаlamзорлаштириш, гулзорлар қилиш ва дараҳтлар ўтқазиш шовқин, чанг ҳамда заарли моддаларнинг тарқалишини, оловнинг тарқалиш зonasини чегаралаш, корхона деворлари, йўлаклар ва дам олиш зоналарини салқин тутиш, ишчи-хизматчиларга очик ҳавода меъёрида майший шароит яратишга хизмат қиласди.

Санитария-маиший хизмат бинолари. Саноат корхоналарида ишчиларнинг соғлиғини ҳимоя қилиш мақсадида санитария-маиший хизмат хоналари ташкил этилади ҳамда уларнинг меъёрида ишлаши таъминланади. Буларнинг таркибига гардероблар, коржомаларни тозалаш ва заарсизлантириш хоналари, ҳожатхоналар, аёллар учун шахсий гигиена хоналари, бет-кўл ювадиган хона, душхона, қўл ҳамда оёқларни ювиш ванналари, чекини хоналари, овқатланиш хоналари, ёш болаларни эмизиш хоналари, кутиш хоналари, тиббиёт хоналари, маҳсус коржомаларни ювиши хоналари ҳамда ичишлик суви билан тамилланган ускуналар киради.

Ёрдамчи хоналарга умумий овқатланиш хоналари, спорт ўйинлари ҳамда гимнастика машғулотлари учун майдончалар, конструкторлик бюроси, дарсхоналар, хавфсизлик техникаси хонаси, жамоат ташкилотлари хоналари киради. Бу хоналар меҳнат унумдорлигини ва ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда, ишчиларнинг соғлиғини муҳофаза қилишда ҳамда жамоани меҳнатсеварлик руҳида тарбиялашда катта аҳамият касб этади.

Санитария-маиший хизмат бинолари цехлардан унча узок бўлмаган ва қулай жойларга жойлаштирилади. Уларга бориладиган йўллар заарли чиқиндилар чикадиган цехлар орқали ўтмаслиги

керак. Агар майший хоналар бинонинг ертўласида жойлаштирилса, албатта, улар ҳаво юборувчи ҳамда сўрувчи вентиляция системаси билан таъминланган бўлиши керак. Бошқа вазиятларда давлат санитария назорати органлари билан келишилган ҳолда қурилади.

Ҳозирги пайтда илғор корхоналарда дам олиш хоналарини жихозлашга катта ахамият берилалепти. Бу хоналар дид билан безатилиб, юмшок креслолар, журнал столчалари, телевизор, магнитофон, яхна ичимликлар, чой, кофе ва шириналлар билан савдо килювчи буфет билан таъминлангандир. Уларда ором бағишловчи мусика садолари янграб туради, бу киши чарчоғини чиқаришга, соглигини мустахкамлашга ёрдам беради.

Ишловчилар сони 300 нафар ва ундан ортиқ бўлса, фельдшер хизмат киладиган тиббиёт хоналари, агар 4000 нафаргача бўлса, врач хизмат киладиган соғлиқни сақлаш пунктларига бўлинади. Улар кўпинча майший бинонинг биринчи қаватида ёки ишлаб чиқариш биносининг энг кўп одам ишлайдиган ҳамда жароҳатланиш жиҳатидан энг хавфли бўлган цехга яқин ерга қурилади. Уларни корхонага кираверишдаги йўлакка яқин ерларда ҳам жойлаштирса бўлади.

Худудни санитария жиҳатидан ободонлаштириш масаласи саноат корхонасининг бош тархи асосида ҳал этилади.

Тикув ва пойабзал цехларининг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, ишлаб чиқариш, ёрдамчи бўлинмалар ва омборхоналарнинг маълум қисми бир бинода жамланган бўлади.

Айрим холларда технологияси жиҳатидан бири-биридан тамомила фарқ килювчи корхоналар ёрдамчи ишлаб чиқаришлари, муҳандислик коммуникациялари, ишловчиларга санитария-гигиена ҳамда маданий хизмат кўрсатиш тизимлари умумий бўлган саноат узелларига бирлаштирилади, бу ҳол қурилиш муддатларини анча кисқартиради ва сарфланадиган маблагни анча камайтиради.

Корхонанинг бош тархи ажратилган худуд доирасида лойиҳаланади. Бунда СанПиН 0006-93нинг “Саноат корхоналарининг бош режалари, лойиҳалаш меъёрлари” бўлимига амал қилинади, шунингдек, технологик жараённинг тури, транспортнинг, энергия, ёкилги, сув ва ҳоказолар билан таъминлаш манбаларининг хиллари, маҳаллий шароит, жойнинг географик ўрни, рельефи, шамолнинг кучи ҳамда йўналиши ва бошқа омиллар инобатта олинади.

Курилиш зичлиги. Биноларнинг жойлашуви ва ҳудудининг майдони бино ва иншоотларнинг меъёрда кўрсатилган зичлигини инобатга олган ҳолда тўғри танланishi керак. Бу қурилиш зичлиги ушбу формуладан аниқланади:

$$F_{\text{зич}} = \frac{\sum F_{\text{зич}}}{F_{\text{вс}}} \cdot 100\%$$

Бу ерда: $F_{\text{бино}}$ — бино ҳамда иншоотлар эгаллаган жами майдон; $F_{\text{худ}}$ — корхона учун ажратилган майдон.

Саноат корхоналари майдонидаги бино ва иншоотларнинг зичлиги пойабзал ҳамда тикув ишлаб чиқаришлари корхоналари учун камида 55 фоиз қилиб белгиланган.

Темир йўл ва автомобиль йўллари, йўлаклар, очик спорт майдончалари, дам олиш майдончалари, кўкаламзорлар ҳамда шу кабилар бино ва иншоотлар билан банд бўлган жами майдон хисобига кирмайди.

Яхши санитария-гигиена шароитини яратиш учун ҳудуднинг 10-20 фоиз қисми кўкаламзорлаштиришга (дараҳтлар, буталар, майсазорлар учун) ажратилади.

Манзарали ҳовузлар, дам олиш жойлари, пиёдалар йўлаклари, ўзига хос чироқлар ҳамда шу кабилар ободонлаштиришнинг муҳим қисмларидир.

Асосий ишлаб чиқариш биноси атрофида 2,75 — 4,25 м. кенгликдаги айланма автомобиль йўли қурилади.

Асосий кишилар оқими хавфсиз харакатланиши учун йўллар, автомобиль йўллари ва транспорт учун мўлжалланган кириш йўллари ҳамда чиқиш йўллари алоҳида-алоҳида бўлиши лозим.

Йўлак(тротуар)нинг эни харакатланиш полосасига каррали, яъни 0,75 м. бўлиши зарур. Ҳаракатланиш полосаларининг сони энг катта сменада ишловчилар сонига қараб битта полосада 750 киши ҳаракатлана оладиган қилиб танланади. Кўкаламзорнинг майдони 15 фоиздан ошмаслиги даркор.

Иқлим минтақасида кўкаламзорлаштириш учун ирригация тизими кўзда тутилиши керак. Бинолар, девор билан дараҳтлар орасидаги масофа 5 м, буталар орасидаги масофа эса 1,5 м. қилиб олинади.

Саноат корхоналари чегараси билан тураржой даҳалари орасида хавфсизлик масофаси бўлиши лозим. Бунга санитария жиҳатидан химоя минтақасини ташкил этиш орқали эришилади.

Корхонага асосий кириш жойида (шамолга рўпара томонда) фабрика олди майдони жойлашади: бу ерда маъмурӣ, маданий-маиший, тиббий бинолар, ошхоналар, спорт иншоотлари, жамоат ва хусусий транспорт кўйиладиган майдончалар жойлаштирилади.

Шамоллар гулдастаси. Яхши санитария шароити яратилишида бинолар шамолнинг қайси тарафдан эсишини ҳисобга олган ҳолда жойлаштирилиши катта аҳамиятга эга. Чунки шунда хоналарнинг табиий ёритилиши, шамоллатилиши, ортиқча қуёш нурига ва қор тўпланишига карши кураш учун қулай шароит юзага келади.

Бош режада бинолар “шамоллар гулдастаси” деб аталадиган диаграмма бўйича жойлаштирилади. Диаграмма чизманинг юқори чап бурчагида жойлаштирилади. Уни куриш учун жуғрофий томонларнинг йўналиши чизилади. Ш-Ш, Ш, Ж-Ш, Ж, Ж-F, F, Ш-F, бу чизиқларнинг кесишиш нукталари эса координаталар боши сифатида кабул қилинади. Шамолнинг такрорланувчанлигига мос келувчи масофада кабул қилинган масштабда нукталар кўйиб чикилади, кейин улар ўзаро бирлаштирилади. Шаклнинг чўзиқ томони шамол кўпроқ эсадиган йўналишни кўрсатади.

Ёнгин жиҳатидан юқори даражада хавфли бўлган бинолар ёки заарарли моддалар ажralиб чиқадиган ишлаб чиқариш корхоналарини шамолга тескари томонда жойлаштириш керак.

Ўта хавфли ва заарарли бўлган ишлаб чиқариш корхоналари билан ишлаб чиқариш бинолари орасидаги масофа 20 м. дан, майший хоналар орасидаги масофа эса 50 м. дан кам бўлмаслиги керак.

Ишловчиларга санитария-гигиена ҳамда майший хизмат кўрсатиш учун ҳар бир корхонада умумий ва маҳсус мақсадларга мўлжалланган хоналар қурилади.

Умумий хоналарга ечиниш хоналари (кўчалик, уйлик кийим-бошлар ҳамда коржомалар учун), душхоналар, чекиш хоналари, аёллар учун шахсий гигиена хоналари, дам олиш ва умумий овқатланиш хоналари, маҳсус хоналарга эса респиратор хоналари, кийимни куритиш, чангдан тозалаш хоналари ҳамда шу кабилар киради.

Майший хоналарни жойлаштиришда уларни энг кўп ишчилар ишлайдиган цехларга ва иш ўринларига мумкин қадар яқинлаштириш, ишчиларнинг тоза цехларга заарарли цехларни четлаб ўтиб киришларини таъминлаш лозим.

Замонавий майший хоналарда ечиниш хоналари, ювиниш хоналари ҳамда душхона блокларига бирлаштирилади. Бу ерда ўз-ўзига хизмат кўрсатиш кўзда тутилади. Оёқ тосхоналари олдинги хоналарда ёки ювиниш хоналарида жойлаштирилади.

Тикув ва пойабзал цехларида ишловчилар учун кўл тослари кўзда тутилиши, улар билан иш ўринлари орасидаги масофа 75 м. дан катта бўймаслиги керак.

Энг катта сменада ишлайдиганлар сони 15 тадан кўп бўлса, аёллар учун шахсий гигиена хоналари аёллар ҳожатхонаси ёнига курилади.

Соғлиқни сақлаш пунктлари ёрдамчи ёки ишлаб чиқариш биноларининг биринчи қаватида шикастланиш хавфи юкори бўлган иш жойлари яқинида жойлаштирилади.

Умумий овқатланиш жойлари алоҳида биноларда ёки ёрдамчи биноларда жойлаштирилиши мумкин.

Қисқача хulosалар

Мехнат шароитларини яхшилашда санитария-гигиена талаблари мухим ўрин тутади. Мехнатнинг санитария-гигиена шароитларига меҳнат жараённида қатнашадиган ишлаб чиқариш мухитининг барча элементи киради. Жумладан, метеорологик шароитлар, ҳаво мухитининг тозалиги, ҳар хил ишлаб чиқариш нурларининг ажralиши, корхонанинг ёритилиши, шовқин ва тебраниш каби ишлаб чиқариш мухитининг қатор элементлари меҳнат санитариясининг асосий мазмунини ташкил этади.

Ишхоналарда кулай меҳнат шароитлари яратишда ишлаб чиқариш биноларининг микроклими мухим ахамиятга эга. Мехнатнинг санитария-гигиена шароитларини, ишлаб чиқаришдаги нурланиш ҳамда нурларнинг киши организмига таъсирини аниқлаш алоҳида ўрин тутади.

Мехнат шароитини яхшилаш ва унинг самарадорлигини оширишга таъсир қилувчи мухим омиллардан бири ёритишdir. Кулай ҳамда илмий жиҳатдан асосланган ёритиш тизими ишлаб чиқаришда банд бўлган кишилар саломатлигига ва иш қобилиятининг ортиб боришига, нафас олиш органларининг фаолиятига яхши таъсир кўрсатади. Мехнат шароитини яхшилашнинг яна бир мухим шартларидан бири — ишлаб чиқариш шовқини ҳамда тебранишга қарши курашишdir. Чунки ҳозирги илмий-техника тараққиёти

даврида чиқариладиган машина ва механизмларнинг қуввати ҳамда унумдорлиги ортиши билан бир қаторда, улардан чиқадиган шовқин ва тебраниш ҳам кучаймоқда.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Меҳнат гигиенаси ва ишлаб чиқариш санитарияси нима дегани?
2. Радиоактив нурланишларнинг инсон организмига таъсири.
3. Радиоактив нурланишлардан сақланиш чора-тадбирлари.
4. Нурланиш интенсивлиги нима?
5. Нурланиш нормаларини тушунтириб беринг.
6. Муҳофаза экрани нима?
7. Ички ҳамда ташқи нурланишларни тушунтириб беринг.
8. Ёруғликнинг инсон ҳаёти фаолиятида тутган ўрни нимадан изборат?
9. Табиий ёруғлик нима?
10. Саноат корхоналарини ёритиш усууларини тушунтиринг.
11. Шовқин инсон танасига қандай таъсир кўрсатади?
12. Силкиниш нима ва унинг оқибатлари қандай?
13. Шовқинга қарши қандай тадбирлар мавжуд?
14. Силкинишга қарши қандай тадбирлар мавжуд?
15. Тебраниш нима?
16. Саноат корхоналарининг бош режасини лойиҳалашда кўйиладиган асосий талаблар қандай?
17. Санитария-химоя зоналари нима дегани?
18. Корхона бош тарҳини лойиҳалашда йўл ва йўлакларга кўйиладиган талаблар.
19. Санитария-маиший хизмат бинолари.
20. Maiший хоналарга кўйиладиган талаблар.

Тавсия этиладиган адабиётлар

1. “Атмосфера ҳавосини муҳофаза этиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. //www.lex.uz
2. “Давлат санитария назорати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. //www.lex.uz
3. “Фуқароларнинг саломатлигини муҳофаза этиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. //www.lex.uz

4. Адамчук В.В. Экономика и социология труда / В.В. Адамчук, О.В.Ромашов, М.Е.Сорокина- М: ЮНИТИ, 2001.
5. Абдурахманов О.К. Ўзбекистон Республикасида меҳнатни муҳофаза килиш тизимини бошқариш самарадорлигини ошириш. Т.: Фан., 2010. – 326 б.
6. Абдураҳмонов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти ва социологияси. Дарслик. – Т.: Фан ва технология, 2012. – 388 б.
7. Андреев С.В. Охрана труда от “А” до “Я”. Практическое пособие. Вкл 2. М.: Альфа-пресс, 2004. С. 49.
8. Баранов Н.И. Охрана труда. Учебное пособие. Клин.ОЛС Комплект, 2002.
9. Беляров Ю.А., Хлопков В.В. Охрана труда в организации. Практические рекомендации. М.: Книжный мир, 2009. – 176 с.
10. Михайлов Ю.М. Корпоративная система охраны труда. Функционирование. Аттестация. Сертификация. Экспертиза. М.: Альфа – Пресс, 2009. С.7-11.
11. Попова Н.А. Организация, нормирование и оплата труда на предприятиях: Учебное пособие. – М.: Финпресс, 2011. - 176 с.

10-боб. ЁНГИН ХАВФСИЗЛИГИ

10.1. Ёнгин ҳақида умумий маълумотлар

Ёнгин иқтисодиётга катта моддий зарар етказади. Бунинг устига, кўп холларда ёнгин вактида баҳтсиз ҳодисалар ҳам рўй беради. Бу эса, ўз навбатида, ёнгиндан сақланиш ҳамда меҳнат муҳофазаси қоидаларини яхши ўрганиб-билиб олиш ҳамда уларни ўзаро узвий боғлай билиш вазифасини юклайди.

Ёнгинга қарши курашиш техникасининг вазифалари ёнгин чиқиш сабабларини ўрганиш, ёнгиннинг олдини олишнинг энг мақбул усусларини, шунингдек, ёнгинни қисқа вақт ичидаги ўчириш воситалари ва усусларини топиш ҳамда белгилаб олишдан иборатдир. Ёнгин маҳсус манбадан ташқарида бўладиган, назорат қилиб бўлмайдиган ёниш бўлиб, жуда катта моддий зарар етказади.

Ёнгин чиқишига, асосан, оловдан нотўғри фойдаланиш; электр установкаларни, печларни, тутун трубаларини монтаж қилиш ва ишлатиш қоидаларининг бузилиши; ҳалқ хўжалиги обьектларини лойиҳалаш ҳамда қуришда ёнгин хавфсизлиги нормалари талабларининг бузилиши; ёнгин жиҳатидан хавфли жиҳозларни ишлатишда ва осон аллангаланадиган материаллардан фойдаланишда ёнгин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилмаслик; болаларнинг олов билан ўйнаши; момакандироқ разрядлари сабаб бўлади.

Ёнгиннинг олдини олиш ҳамда ёнгиндан сақлаш тартиблари ёнгиннинг очиқ алангана ва учқунлар, ҳаво, буюмларнинг юкори температураси, заҳарли ёниш маҳсуллари, тутун, кислороднинг камайиб кетиши, бино ҳамда иншоотларнинг қулаши ва шикастланиши, портлаш каби омилларнинг одамларга таъсирини олдини олиши керак. Бу вазифаларни ҳал қилиш учун ёнгин-портлаш жиҳатидан хавфли модда ҳамда материаллар ўрнига ёнмайдиган ва қийин ёнадиган материал ҳамда моддалардан иложи борича кўп фойдаланиш, ёнувчи муҳитни изоляциялаш (технологик жараёнларни автоматлаштириш, герметиклаш ва х.к.), ёнгиннинг ёниш манбаидан атрофга тарқалишига йўл кўймаслик, ўт ўчириш воситалари, гурӯхли ҳамда якка тартибда ҳимоя воситалари, сигнализация ва ёнгин ҳақида хабар бериш воситаларидан фойдаланиш, ёнгин чиққандаги одамларни эвакуация қилиш тартибини тўғри ташкил этиш, обьектларни ёнгиндан кўриқлаш зарур.

Ёнғин ҳамда ёнғин хавфсизлиги қуидаги асосий түшүнчалардан иборатдир:

ёнғин — одамларнинг ҳаёти ва (ёки) соғлигига, юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулкига, шунингдек атроф табиий мұхитга зарап етказадиган, назорат килиб бўлмайдиган ёниш;

ёнғин назорати — ёнғин хавфсизлиги талабларига риоя қилинишини текшириш ва текширув натижалари бўйича чора-тадбирлар кўриш мақсадида белгиланган тартибда амалга ошириладиган фаолият;

ёнғинлар профилактикаси — ёнғинлар келиб чиқиши эҳтимолини истисно этишга ҳамда уларнинг оқибатларини камайтиришга қаратилган огоҳлантириш чора-тадбирлари мажмуи;

ёнғиндан сақлаш хизмати — одамларнинг ҳаёти ва соғлигини, юридик ҳамда жисмоний шахсларнинг мол-мулкини, атроф табиий мұхитни ёнғинлардан ҳимоя қилиш, шунингдек, обьектларда, аҳоли пунктларида ва бошқа худудларда ёнғин хавфсизлигини талаб даражасида сақлаб туриш мақсадида белгиланган тартибда ташкил этилган бошқарув органлари, кучлар ҳамда воситалар мажмуи;

ёнғин хавфсизлиги — одамларнинг, юридик ва жисмоний шахслар мол-мулкининг, шунингдек, атроф табиий мұхитнинг ёнғинлардан ҳимояланғанлыги ҳолати;

ёнғин хавфсизлиги талаблари — ёнғин хавфсизлигини таъминлаш мақсадида қонун ҳужжатларида белгиланган ижтимоний ва (ёки) техник хусусиятга эга маҳсус шартлар;

ёнғин хавфсизлиги талабларининг бузилиши — ёнғин хавфсизлиги талабларини бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик;

ёнғин-техник маҳсулоти — ёнғин хавфсизлигини таъминлашга мўлжалланган маҳсус техник, илмий-техник ҳамда интеллектуал маҳсулотлар, шу жумладан, ёнғинни ўчириш техникаси ва асбоб-ускуналари, ёнғинни ўчириш аслаҳа-анжомлари, оловни ўчириш ҳамда оловдан ҳимоя қилиш моддалари ва материаллари, маҳсус алоқа ҳамда бошқариш воситалари, электрон ҳужжатлар, электрон хисоблаш машиналари учун дастурий маҳсулотлар ва маълумотлар базалари, шунингдек, ёнғинларнинг олдини олиш ҳамда уларни ўчиришнинг бошқа воситалари;

ёнғинга қарши режим — ёнғин хавфсизлиги талаблари бузилишининг олди олиннишини ва ёнгинлар ўчирилишини таъминлаш юзасидан одамларнинг хатти-харакат қоидалари, ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва (ёки) биноларни (худудларни) сақлаш тартиби;

ёнғинга қарши алоҳида режим — ёнғин хавфи юқори бўлган даврда муайян худудларда қонун хужжатларига мувофиқ ёнғин хавфсизлигининг қўшимча талабларини белгилаш.

Ёнғин хавфсизлигини таъминлаш тизими ёнгинларнинг олдини олиш ҳамда уларни ўчиришга қаратилган ҳуқуқий, ташкилий, иқтисодий, ижтимоий ва илмий-техник чора-тадбирлар, шунингдек, кучлар ҳамда воситалар мажмуидан иборатdir.

Ёнғин хавфсизлигини таъминлаш тизими субъектлари давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар (бундан буён матнда ташкилотлар деб юритилади) ва фуқаролардир.

10.2. Ишлаб чиқариш биноларини ёнғин хавфлилиги жиҳатига қараб таснифлаш

Саноат корхоналарининг ишлаб чиқариш бинолари, энергетика, транспорт ва омбор хўжалиги бинолари технологик жиҳатдан қандай мақсадда фойдаланилиши жиҳатидангина эмас, айрим жараёнларнинг ёнғин жиҳатидан қанчалик хавфлилигига қараб ҳам бир-биридан фарқ қиласи.

Амалдаги нормаларга кўра, барча турдаги корхоналар ёнғин жиҳатидан хавфлилигига қараб бешта категорияяга бўлинади: А, Б, В, Г, Д.

Жадвалда корхоналарнинг категорияларга бўлиниши кўрсатилган, технологик жараённинг хавфлилик даражаси ҳамда беш категориянинг ҳар қайсисига қарашли корхоналарнинг энг характерли турлари берилган.

Уй-жой бинолари, жамоат бинолари ва иншоотлар ёнғин чиқиш хавфи жиҳатидан категорияларга бўлинмайди. Лекин қурилаётган биноларнинг неча қават бўлиши кераклиги, шунингдек, ёнғинга қарши деворлар орасидаги майдоннинг йўл қўйиладиган максимал катталиги шу биноларнинг ўтга чидамлилик даражасига боғлиқ.

Ёнувчи суюқликлар, газлар ҳамда буғлар ёнилғи сифатида ишлатиладиган ёки шу хонанинг ўзида ёқиб утилизация қилинадиган ишлаб чиқаришлар, шунингдек, технология жараёни вақтида алангадан фойдаланиладиган ишлаб чиқаришлар А, Б ва В категорияларга кирмайды.

10.1-жадвал

Корхоналарнинг ёнғин жиҳатдан хавфлилик категориялари

| Корхона нинг кате горияси | Технологик жарабининг ёнғин жиҳатдан характеристикаси | Корхоналарнинг номи |
|---------------------------|---|--|
| A | Сув ёки ҳаводаги кислород таъсиридан ўт олиб кетиши ёки портлаши мумкин бўлган моддалар ишлатиладиган, бугларининг чакнаш ҳарорати 28 С ва бундан паст бўлган суюқликлар ҳамда портлаш паст чегараси ҳаёнинг ҳажмига нисбатан 10% ва бундан кам бўлган ёнувчи газларни ҳаво билан биргаликда портлайдиган хавфли аралашмалар хосил киладиган микдорда ишлатишга тўғри келадиган ишлаб чиқаришлар. | Мегалл натрий ва кальцийни ишлаш ҳамда кўлланиш цехлари; сунъий тола фабрикаларининг барат ва қасатан цехлари; синтетик каучукни стерженлаб полимерлаш цехлари; водород станциялари; ацетат ипак фабрикаларининг кимёвий цехлари; сунъий ёнилги ишлаб чиқаришни гидрациялаш, дистиллаш, газофракциялаш цехлари, бугларининг чакнаш ҳарорати 28 С ва бундан паст бўлган органик эриттичларни реконверсиялаш ва ректификациялаш цехлари; ёнувчи газлар солинадиган баллонлар омбори; бензин омборлари; кислота ва ишкорли стационар аккумулятор установкалари; бугларининг чакнаш ҳарорати 28 С ва бундан паст бўлган суюқликларни узатувчи насос станциялари ва ҳоказо. |
| B | Бугларининг чакнаш ҳарорати 28 дан 120 С гача бўлган суюқликларни ва портлаш пастки чегараси ҳаво ҳажмига нисбатан 10% дан юкори бўлган ёнувчи газларни ҳаво билан аралашиб портловчи аралашма хосил киладиган микдорда ишлатишга тўғри келдиган ишлаб чиқаришлар; ҳавода муаллак турадиган ва ҳаво билан биргаликда портловчи аралашма хосил киладиган ёнувчи чанг ёки толалар ажратиб чиқадиган ишлаб чиқаришлар. | Кўумир кукуни ва ёғоч уни ишлаб чиқариладиган ҳамда ташиладиган цехлар; мазутдан бўшаган ва бугининг чакнаш ҳарорати 28 дан 120 С гача бўлган бошқа суюқликлардан бўшаган цистерналар ва бошқа идишлар ювиладиган-бугланадиган станциялар; тегирмонларининг майдалаш ва туйиш бўлимлари; синтетик каучукни ишлаш цехлари; канц толкони тайёрлаш цехлари; фрезер торф майдалайдиган жихозлар; электр станцияларнинг мазут хўжатиги; бугларининг чакнаш ҳарорати 28 дан 120 С гача бўлган суюқликларни узатиш насос станциялари ва ҳоказо. |
| B | Ёнувчи каттик моддалар ва материаллар, шунингдек бугларининг чакнаш ҳарорати 120 С дан юкори бўлган суюқликлар ишланадиган ёки кўлланиладиган ишлаб чиқаришлар | Тахга тилиш, ёғоч материаллари билан ишлаш, дурадгорлик, модестсозлик, бочкасозлик ва ёғоч идиш тайёрловчи цехлари; трикотаж ва тикуччилик фабрикалари; тўкимачилик саноати ва когоз саноатининг ишлаб чиқариш жарабонида суюқликтар ишлатилмайдиган цехлари; пахтани дастлабки ишлаш корхоналари; зигир, каноп ва луб ўсимлиги тозаларини курук усулда дастлабки ишлаш заводлари; тегирмонларининг дон тозалаш бўлимлари ва ҳоказо. |

Омборлар, складлар уларда сақландыган материалларнинг ёнғин жиҳатидан қанчалик хавфли бўлишига қараб категорияларга ажратилади.

Ишлаб чиқариш бинолари кўпи билан неча қават ва ёнғинга қарши деворлар орасидаги пол сатҳи кўпи билан қанча бўлиши кераклиги, шунингдек, бинонинг қай даража ўтга чидамли бўлиши зарурлиги шу бинога жойлаштириладиган цехларнинг ёнғин хавфи жиҳатидан қандай категорияга киритилганинига қараб белгиланади.

Айрим ҳолларда маълум мақсадларга мўлжалланган объектларни лойихалаш ҳамда қуриш вақтида СНиП, яъни корхона нормалари ва тартиб-қоидаларининг тегишли бобларига амал қилиш зарур. Бу бобларда маълум мақсадларда фойдаланиладиган бино ёки иншоотларга тааллуқли ёнғинга қарши талаблар муфассал баён қилинган ҳамда ўзига хос томонлари кўрсатилган.

10.3. Дастлабки ва автоматик ўт ўчириш воситалари

Ёниш жараёни тўхташи учун оксидланиш-тикланиш экзотермик занжир реакцияси узилиши керак. Бу реакцияни тўхтатишнинг физик ҳамда кимёвий усуллари кўлланилади.

Физик усулари — бу алангани ёнувчи модда юзасидан узуб ташлаш, ёнувчи модда юзалари ҳароратини аланганиниш ҳароратидан пасайтириш, оксидловчи модда (кислород) концентрациясини камайтириш (кўпинча ёнмайдиган газлар концентрациясини ошириш ҳисобига) ва ёнувчи модда билан оксидловчини бир-биридан иҳоталаш.

Кимёвий усулари ёниш реакциясини тормозлаш ҳисобига амалга оширилади.

Ўт ўчириш воситалари, асосан, уч гурухга бўлинади:

1) ёнишни тутатиш усули бўйича — совитувчи, аралаштирувчи (чапиштирувчи), иҳоталовчи, ингибирлаштирувчи;

2) электр ўтказувчанлиги бўйича — электр токини ўтказувчи (сув, буғ, кўпик), электр токини ўтказмайдиган (газлар, кукунли бирикмалар);

3) заҳарлилиги бўйича — заҳарли (фреон, бромэтил), камзаҳарли (карбонат ангидрид, азот), заҳарсиз (сув, кўпик, кукунли бирикмалар).

Ўтни ўчиришда энг кенг тарқалган модда сувдир. Сув ўзининг қуидаги хусусиятлари туфайли ўтни ўчиришда энг афзал модда ҳисобланади. Сувнинг иссиқлик сигими катта, ёнаётган юзага тушган сув унинг иссиқлигини ютиб олади. Маълумки, 1 литр сув тахминан 539 ккал иссиқликни ютади. Юқори ҳароратли юзаларга тушган сув тезда буғланади. Буғланиш натижасида унинг ҳажми 1700 марта ортади ва вақтинча ёнаётган юзани қамраб олиб, ҳаводаги кислород микдорини камайтиради. Сувнинг юзаларни ҳўллаш хусусияти ёнгининг тарқалмаслигида катта роль ўйнайди. Унинг сирт таранглиги кичик ($0,073 \text{ н/м}$) бўлгандиги учун ёнаётгани моддаларнинг тирқиш ва тешикларига тезда кириб уларни совитади. Булар ҳаммаси ўтни ўчиришда катта аҳамият касб этади.

Пахта толаси ёнганда сув билан ўчириш унчалик самарали эмас. Ёнаётган пахта тойларини ҳовузга ташлаб юбориб, бир хафтадан сўнг олинганда яна тутай бошлиган ҳоллар ҳам кузатилган. Бунинг сабаби сувнинг сирт таранглиги кичик бўлишига қарамай, жуда кичик тирқишларга, масалан, пахта толаси ичидаги каналга ва унинг юзаларидаги тирқишларга кира олмайди. Уларнинг атрофи сув билан қопланган бўлишига қарамай, толанинг ички қисми чўғланишда давом этаверади. Шунинг учун пахта ёнганда уни ўчириш учун сирт таранглигини камайтириш мақсадида ишқорли моддалар қўшилади. Бу тадбир сув сарфини 2-2,5 марта ва ўт ўчириш вақтини 20-30 фоиз камайтиради. Кенг тарқалган ҳўлловчи моддалардан бири ОП-1 сувга оғирлиги бўйича 3,5-4 микдорида қўшилади. Пахта толаларини ўчиришда “некаль” НВ ҳўлловчиси 0,7-0,8 (оғирлиги бўйича) микдорида қўлланилади.

Сўнгги пайтларда сувдан нефть маҳсулотларини ўчиришда ҳам фойдаланилмоқда. Ёнгин бўлаётган юзаларга сув майдада заррачалар ҳолида сепилади. Бу майдада томчилар ($0,1$ - $0,5 \text{ мм}$ катталиктаги) тезда буғланади ва буғ ёнаётган суюқлик юзасини қамраб олиб кислородни ўтказмайди.

Катта босим остида ўт ўчириш ичаклари стволидан отилиб чиқаётган узлуксиз сув окими газ алангаси тишини узиб юбориш ҳамда шу билан ўтни ўчиришда ишлатилади.

Катта босим остида ўт ўчириш ичаклари стволидан отилиб чиқаётган узлуксиз сув окими газ алангаси тишини узиб юбориш ҳамда шу билан ўтни ўчиришда ишлатилади.

Ўт ўчиришда сувнинг салбий хусусиятларидан бири унинг электр токининг ўтказувчанилигидир. Бу кучланиш остида бўлган ускуналарни ўчириш имконини бермайди. Бундан ташқари, сув айrim моддалар (калий, натрий) билан кимёвий реакцияга киришиб парчаланади. Парчаланиш натижасида ажралиб чиқадиган водород портлаши мумкин, кислород эса ёнишни кучайтиради. Шунингдек, сув билан кальций карбидини ҳам ўчириб бўлмайди, чунки унга сув текканда ёнувчи газ — ацетилен ажралиб чиқади.

Карбонат ангирид гази. Бу газ ёнгин чиқсан зонага йўналитириш натижасида у ердаги ҳавонинг таркибида кислород миқдорини камайтириш орқали ёнгинни ўчиришда яхши натижада беради. Чунки бу газ ёнмайди. Агар ҳаводаги кислород миқдорини 15 фоизгача туширишга эришилса, ёнгин мавжуд бўлиш имкони йўқолади. Карбонат ангирид гази ёнгин ўчогига газ ҳолатида ҳамда суюлтирилган карбонат ангиридли ўт ўчиргич ҳолатида берилиши мумкин. Суюлтирилган карбонат ангиридли ўт ўчиргичда у ҳаво билан реакцияга киришиб, минус 70° С ҳароратли қорсимон модда ҳосил қиласди, бу ёнаётган буюмлар юзасини яхши совитади.

Инерт газлар. Ёнгинни ўчиришда инерт газлар — азот ва аргон газлари ҳам ишлатилади. Улар ҳам карбонат ангирид гази сингари ҳаводаги кислород миқдорини аралаштириб камайтиради ҳамда бу ёнгинни ўчиришга олиб келади. Бу газлар карбонат ангирид газичалик самарали эмас.

Тутун газлари. Тутун газларида кислород миқдори ҳаводагидан бирмунча кам бўлиб, тахминан 18-19 фоизни ташкил киласди. Бу газлар охиригача ёндирилса, ундаги кислород миқдорини 5-6 фоизгача тушириш мумкин. Бундай газлар ёнгинни ўчиришда бемалол кўлланилиши мумкин. Ўт ўчириш техникасида самолётларнинг ўз иш муддатини ўтаётган реактив двигателларини ишлатиш ҳам йўлга кўйилган. Булар ўт ўчириш машиналарига ўрнатилади ва тутун газлари сув оқими билан бирга ёнгин юзаларига берилади.

Ингибаторлар. Голоидланган углеводлар ёниш реакциясига кимёвий сусайтиргич орқали таъсир кўрсатиб ёнгинни тўхтатади. Булар инерт газларга нисбатан анча самаралидир. Бу максадда бромли этил, бромил этилен, дигромтетрафторэтан (фреон 114 B₂)лар ишлатилади. Фреон сув бугига нисбатан 20 марта, углерод оксидига нисбатан 12 марта самаралироқдир. Галлоидланган

углеводлар чўғланган пахта хом ашёси ҳамда толасини ўчиришда, айникса, қўл келади. Улар электр токини ўтказмайди ва совуқ ҳавода музлаб қолмайди. Уларнинг кенг қўлланилишига қимматлиги тўсиқ бўлиб турипти. Бундан ташқари, қайнаш ҳароратининг пастлиги (38^0 - 98^0 С) ва ўчувчанлиги очик жойлардаги ёнғинларни ўчиришда қўллашга монелик қилади.

К у н л и б и р и к м а л а р . Улар ёнаётган газлар снгил алангаланувчан, ёнувчан суюқликлар кучланиши остида бўлган электр ускуналарини ўчиришда ишлатилади. Улар арzonлиги туфайли тобора кўпроқ қўлланилмоқда. Кукун бирикмаларнинг асосий қисми ош содаси (натрий карбонат)дан иборатdir.

Металлоорганик бирикмаларни ўчиришда СИ-2 кукуни ишлатилади. Унинг асосий қисми (фреон) 114 B_2 билан тиндирилган селикоген заррачаларини ташкил этади. Ёнғинга тушгач, кукун заррачаларидан алангага кучли тормозловчи (ингибитор) сифатида таъсир қилувчи фреон ажралиб чиқади.

К ў п и к . Ёнаётган юзага тушган кўпик уни қоплаб олиб, кислород киришидан тўсади ва ажралиб чиқаётган суюқлик ёнаётган юзани совитади. Кўпик, асосан, қаттиқ моддалар ва ёнувчан суюқликларни ўчиришда ишлатилади. Кўпиклар пайдо бўлишига қараб икки хил бўлади: кўпик ҳосил қилувчи қоришмани хаво оқими билан механик аралаштирув орқали олинадиган хаво-механик кўпик ҳамда ишқор эритмаси билан кислотанинг аралашиши натижасида пайдо бўладиган кимёвий кўпик.

Маълумки, ёнғин пайтида ёнаётган юзаларни қоплаш учун кўплаб миқдорда кўпик ҳосил қилиш керак бўлади. Бунинг учун кўпик ҳосил қилувчи модда (пенообразователь)ларни кучли босимдаги сув билан ёки хаво билан аралаштириш керак бўлади. Мазкур жараён маҳсус узлуксиз ишловчи аппаратлар — кўпик генераторлари ёрдамида амалга оширилади. Кўпик ҳосил қилувчи моддалар кукун ҳолида бўлиб, одатда бирон бир кислотанинг (кўпинча олтингугурт кислотасининг) туздан ва ишқорий қисми эса натрий бикарбонатнинг аралашмасидан ташкил топади.

Кўпик генераторлари икки турли бўлиб, “ПГ-50м” ва “ПГ-100” турларидир. Улар ёнувчи ҳамда снгил алангаланувчан суюқликларни ўчиришда ишлатилади ва факат ўлчамлари билан фарқланади.

Қуйи қисмида сув бериш вактинча ёки бутунлай тўхтатилиганда, орқага қўйилмаслиги ҳамда кукунни шамламаслиги учун шарсимон

клапан ўрнатилган. Кукун намланса ва қотиб қолса, кўпик генераторини очиб тозалаш керак бўлади. Сувнинг босимини назорат килиб туриш учун штуцер яқинига монометр ўрнатилади.

Ўт ўчирувчи асбоблар. Ўт ўчирувчи асбоблар дастлабки ўт ўчириш воситаси бўлиб, ёнгиннинг бошланғич даврида унинг кучайиб, тарқалиб кетмаслиги учун ишлатилади.

Улар бинонинг ичидаги ёки кираверишида, омборлар ёнида, қизил рангга бўялган маҳсус тахта шчитларига осиб қўйилади. Бу воситаларга ўт ўчириш учун ишлатиладиган асбоблар (болта, белкурак, мисранг, чангак, челак), асбест матоси ёки техник кигиз, бочкада сув, яшикда қум ҳамда ўт ўчирувчи (кўпикли, карбонат ангидридли ва кукунли) асбоблар киради. Шу билан бирга, ўт ўчиришнинг ички водопровод тизими ҳам киради.

ГОСТ 12.2.047-80 “Ўт ўчириш техникаси. Атама ва қоидалар”да берилишича ўт ўчирувчи модданинг турига қараб қуйидаги хилларга бўлинади:

— суюқлик воситасидаги (актив юзали моддалар қўшилган сув ёки турли кимёвий бирикмаларнинг сувдаги эритмалари; карбонат кислотали (суюлтирилган карбонат диоксиди);

— кимёвий-кўпикли (кислота ва ишқорларнинг сувдаги эритмаси); ҳаво — кўпикли (кўпик ҳосил қилувчи моддаларнинг сувдаги эритмаси билан сиқилган карбонат ангидрид гази ёки ҳавонинг аралашмаси);

— ҳладонти (галлоидланган углеводород асосидаги кукунли моддалар — бромли этил, ҳладон ва бошқалар);

— кукунти (карбонат икки оксидли сода асосидаги курук кукунлар);

— аралашма ҳолидаги (кукунлар ва кўпик ҳосил қилувчилар).

Ўт ўчирувчи модданинг миқдори ва ўлчамлари бўйича — камҳажмли (ҳажми 5 л, 10 л), кўчма ва ҳажми 25 литрдан кам бўлмаган стационар ускуналарга бўлинади.

Карбонат кислотали ўт ўчириш асбоблари ҳаво кирмаганда ҳам ёна оладиган моддалардан (пахта толаларидан) бошка ҳар хил моддаларни ўчиришда ишлатилади. Шу билан бирга, уни 100 В гача кучланиш остида бўлган электр ускуналарини ўчиришда ҳам ишлатиш мумкин.

Суюлтирилган карбонат кислотаси пўлат баллонга жойлаштирилган бўлиб, унинг бўйин қисмида пистолетсимон

лўқидон ҳамда сифон найчаси бўлади. Лўқидоннинг нипелли қисмига карнайсимон пластмасса кувур ўрнатилган. Лўқидоннинг ён томонида ўрнатилган сақловчи қопқоқ баллонни портлашдан сақлаш учун мўлжалланган. Баллон ҳар йили 1 марта синов босимидан ўтказилади.

Кимёвий-кўпикли ўт ўчириш асбоблари қаттиқ моддаларни ҳамда майдони 1 м.² гача бўлган суюқ ёнувчи моддаларни ўчиришда ишлатилади. Улар билан кучланиш остидаги ускуналарни ўчириб бўлмайди.

Хладонли ва аэрозолли ўт ўчириш асбобларига карбонат кислотали — бромэтилли ўт ўчириш асбоблари киради. Уларнинг заряди сифатида галлоидланган углеводородли бирикмалар хизмат қиласди (бромли этилен, бромли этил, тетрафтордиюромэтан ва бошқалар). Бу аэрозолли ўт ўчириш асбоблари траснпорт воситалари ҳамда кучланиши 380 В гача бўлган электр ускуналарида чиқсан ёнгинларни ўчиришда ишлатилади.

Кукунли ўт ўчириш асбоблари ишкорий металлар, енгил ёнувчи суюқликлар, кучланиш остидаги электр ускуналари ёнганда ўчириш учун ишлатилади.

Ўт ўчиришнинг кўчма воситалари аввал кўриб чиқсан кўл ва ўт ўчириш асбобларига нисбатан қувватли қилиб тайёрланади. У енгил ёнувчи ҳамда ёнувчан суюқликларни, газ ва чўғланувчи моддаларни ўчиришда ишлатилади. Кўчма ўт ўчириш асбоблари фойдаланиш учун бир оз нокулайдир. Уларни ишга тушириш учун кўпик генераторини, кўпик чиқарувчи клапанни ечиб олиш, кўпик ҳосил қилиш учун ичакничуватиб ечиб олиш, баллондаги қўргошин тамғани узиб ташлаш ҳамда дастлабки стрелка бўйича охиригача қайриш ишларини бажариш керак.

Спринклер ускуналари. Спринклер ускуналари автоматик ўт ўчириш воситаларига мансуб бўлиб, унда хонанинг шипига сув ёки кўпик ҳаракатланувчи кувурлар ўрнатилади. Уларга маълум масофаларда штуцерлар ёрдамида спринклер каллаклари ўрнатилган. Ҳар бир спринклер каллаги 12 м² ерга мўлжалланади. Оддий холатда каллакларнинг сув йўллари қопқоқ билан берк ҳолда туради. Қопқоқни енгил эрувчан металдан ясалган қулф ушлаб туради.

Спринклер ёрдамида шипдан ўтган сув кувурларга буралиб киргизилади. Штуцернинг тешигига зангламаслиги учун бронза ҳалқа бураб киритилган. Ҳалқа билан штуцер орасига ўртаси тешик металл

диафрагма ўрнатилган. Диафрагманинг бу тешиги шиша шарча (копкок) билан беркитилгандир. У эса учта ўзаро енгил эрувчан металл билан кавшарлаб қўйилган мис пластинкалари ёрдамида ушлаб турилади.

Ёнғин чиқканда, ҳаво қизиб спринклер каллагига етиб бориб, енгил эрувчан кавшарлагичга таъсир килиб кулфни бузиб юборади. Босим остидаги сувнинг копқоқка таъсири натижасида у диафрагмадан тушиб кетади ва сувга йўл очилади. Тешикдан урилиб тушаётган сув тарқатгичга урилиб, $9\text{--}12 \text{ м}^2$ га ёйилиб тушиб, ёнғинни ўчира бошлайди. Спринклер кулфлари 72, 93, 105, 141, 182°C да эриб кетишга мўлжалланган.

Дренчер каллаги. Ташки кўриниши бўйича у спринклер каллагидан кам фарқ килади. Факат унда енгил эрувчан кулф ва қопкок йўқ. Шунинг учун дренчер системаси хоналарда эмас, хоналар ҳамда бинолар орасига ўрнатилади. Буларни ёнғин бир цехдан иккинчи цехга ёки бир бинодан иккинчи бинога ўтиб кетмаслиги учун қўлланилади.

Уларни ишга тушириб юбориш қўлда ёки автоматик равишда иссиқлик релеларини қўллаш орқали амалга оширилиши мумкин.

Спринклер ва дренчер ускуналари узлуксиз такомиллаштириб борилади. Ҳозирги пайтда уларнинг ёнғинни фақатгина сув билан эмас, балки кўпик билан ҳам ўчира оладиган, бошқаруви автоматлаштирилган хиллари мавжуд.

Сув билан ишлайдиган ускуналарнинг спринклер каллаклари олдидаги қувурларда сувнинг босими доимо $0,6 \text{ МПа}$ га, кўпик билан ишлайдиган қувурларда эса $0,3 \text{ МПа}$ га яқин бўлиши керак. Кўпик билан ишлайдиган ҳар бир каллак 17 м^2 га мўлжалланади. Кўпик хосил қилувчи модданинг сарфи $3,5 \text{ л/с}$ ва ўт ўчириш вақти 10-15 дақиқа деб олинади.

Механизациялашган ўт ўчириш воситалари. Механизациялашган, яъни асосий ўт ўчириш воситаларига сув насослари ҳамда автомашиналар киради.

Сув насослар (мотопомпалар) — умумий асосга ўрнатилган двигатель ва марказдан қочма насосдан таркиб топган агрегатдир. Тиркамали сув насос МП-1400 автомобилнинг тўрт тактли ички ёниш двигателидан, босими катта бўлган марказдан қочма насос, яримавтомат вакуум тизими, икки фидиракли автомобиль тиркамаси, ёнгинга қарши ускуналар комплекти ҳамда двигателни юргизиб

юбориш учун аккумулятор батареяларидан ташкил топган. Булардан ташкари, ўт ўчирувчи моддаларни (сув, ҳаво-механик ёки кимёвий кўпик) етказиб бериш мақсадида ёнғин автомашиналари ишлатилиди. Уларга автоцистерналар, шланг-насосли автомобиллар, поездлар ва бошқалар киради.

Насосли автоцистерна шахсий таркибни, ўт ўчириш ускуналарини, сув захирасини ҳамда кўпик хосил қилувчи моддани ёнғин чиққан ерга етказиш ва ичакларни водопровод тизимига улангунча сув билан таъминлаш, сув келтириш ҳамда сув етказиб беришда оралиқ вазифасини ҳам ўтайди.

Ўт ўчирувчи автомобилларнинг (автоцистерна ва автонасослар) асосий агрегати марказдан қочма ёнғин насоси бўлиб, у сув ёки бошқа суюқ ўт ўчирувчи аралашмаларни ёнғин чиққан ерга етказиб беради.

Ўт ўчириш машиналари учун тикувчилик корхоналарида махсус депо қурилади. Улар магистраль йўллар ёнига, барча обьектларига машиналар бемалол бора оладиган қилиб қурилади. Зарур бўлиб қолса, қўшни корхонага ҳам тез ёрдам бера олиш учун деполар корхонадан чиқиши дарвозалари яқинида қурилгани маъқул. Уларнинг хизмат килиш радиуси А, Б ва В тоифали корхоналар учун 2 км. олинади. Хизмат радиуси бундан катта бўлган корхоналарда кўшимча равишда ёнғин постлари қурилади.

10.4. Ёнғин ҳавфсизлигини таъминлаш тадбирлари

Ёнғин ҳавфсизлигини таъминлаш ташкилотларнинг мансабдор шахслари ва бошқа ходимлари, шунингдек, якка тартибдаги тадбиркорлар фаолиятининг таркибий қисмидир. Ёнғин ҳавфсизлигини таъминлашга доир талаблар мансаб йўриқномаларида ҳамда бошқа йўриқномаларда, зарур ҳолларда эса, тегишли шартномаларда акс эттирилиши керак.

Ташкилотларнинг ёнғин ҳавфсизлигини таъминлаш, агар тегишли шартномада бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса. мазкур ташкилотларнинг раҳбарлари ва улар ваколат берган шахслар зиммасига юклатилиди. Ёнғин ҳавфсизлигини таъминлашга доир вазифаларнинг ваколатли шахслар зиммасига юклатилиши раҳбарларнинг зиммасидан масъулиятни соқит қилмайди.

Хусусий ҳамда давлат уй-жой фондларининг тураржойлари ва бошка биноларида ёнгин хавфсизлигини таъминлаш, агар бу мулкий ижара (аренда) шартномасида кўрсатилган бўлса, мулкдорлар ёки ижарага (арендага) олувчилар зиммасига юклатилади.

Аҳоли пунктларини ривожлантириш ҳамда уларда иморат куришни режалаштириш, бинолар ва иншоотларни лойиҳалаштириш, қуриш, кенгайтириш, реконструкция килиш ҳамда техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш чогида ёнгин хавфсизлигини таъминлаш тегишинча шаҳарсозлик фаолияти соҳасидаги маҳсус ваколатли давлат органи, буюртмачилар, иморат курувчилар, лойиҳалаштириш ҳамда қурилиш ташкилотлари зиммасига юклатилади.

Ёнгин хавфсизлиги чора-тадбирлари ёнгин хавфсизлиги тўғрисидаги қонун хужжатларига, ёнгин хавфсизлиги соҳасидаги норматив хужжатларга мувофиқ, шунингдек, ёнгинларга қарши курашиш тажрибаси, моддалар, материаллар, технологик жараёнлар, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар, бинолар ва иншоотларнинг ёнгин хавфлилигига баҳо бериш асосида ишлаб чикилади.

Ҳар бир ташкилотда электр курилмадан фойдаланишга рухсат этилганлиги тўғрисида техник хужжат бўлиши керак. Унинг таркибига куйидагилар киради:

- 1) ишларни кабул килиш далолатномалари;
- 2) тасдиқланган лойиха хужжатлари;
- 3) электротехник коммуникациялар схемалари;
- 4) хабар берувчи жиҳозлар ва асбобларнинг паспортлари;
- 5) химоялаш воситаларининг хужжатлари.

Моддалар, материаллар, буюмлар, конструкциялар ҳамда асбоб-ускуналарни ишлаб чиқарувчилар (етказиб берувчилар) мазкур моддалар, материаллар, буюмлар, конструкциялар ва асбоб-ускуналарнинг ёнгин хавфлилиги кўрсаткичларини, шунингдек, улардан фойдаланишда кўлланиладиган ёнгин хавфсизлиги чора-тадбирларини тегишли техник хужжатларда кўрсатиши керак.

Ташкилотлар, бинолар, иншоотлар ҳамда бошка обьектлар учун ёнгин хавфсизлиги чора-тадбирларини ишлаб чиқишида ва амалга оширишда, шу жумладан, улар лойиҳалаштирилаётганда ёнгинлар чогида одамларнинг эвакуация қилинишини ҳамда юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулки сақлаб қолинишини таъминловчи ечимлар назарда тутилиши керак.

Аҳоли пунктлари ҳамда бошқа худудлар учун ёнғин хавфсизлиги чора-тадбирлари тегишли маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ишлаб чиқилади ва амалга оширилади.

Ходимларни хавфли ҳамда заарли омиллардан ҳимоя қилиш белгиланган стандартлар ва меъёрлар талабларига мос жамоавий ҳамда якка тартибдаги ҳимоя воситаларидан фойдаланиш орқали таъминланиши лозим.

Жамоавий ҳимоя воситалари (вентиляция, аспирация, ерга улаш, маҳаллий сўргичлар ва бошқалар) хавфли ҳамда заарли омиллар хонадаги барча ишловчиларга таъсир қилганда қўлланилиши шарт ва ташкилотни қуриш ёки реконструкция қилиш лойиҳаларига киритилиши лозим.

Жамоавий ҳимоя воситалари хавфли ҳамда заарли омилларни рухсат этилган миқдоргача камайтириш имконини бермаган ҳолларда, якка тартибдаги ҳимоя воситалари қўлланилиши лозим. Бундай ҳолларда якка тартибдаги ҳимоя воситаларисиз кишиларнинг иштироки ва ишлар амалга оширилиши тақиқланади.

Якка тартибдаги ҳимоя воситаларидан фойдаланадиган ходимлар уларни қўллаши, ҳимоя хусусиятлари ҳамда амал қилиш муддати тўғрисида маълумотларга эга бўлиши лозим.

Ходимлар маҳсус кийим, маҳсус пойабзал ва бошқа якка тартибда ҳимояланиш воситаларини бепул беришнинг намунавий меъёрларига мувофиқ якка тартибдаги ҳимоя воситалари билан таъминланиши керак.

10.5. Биноларда ёнғин чиқишининг олдини олиш

Бино ёки иншоотнинг ўтга чидамлилиги уларнинг қуидаги асосий қисмлари: ёнғинга қарши деворлар, кўтариб турувчи ҳамда ўзини ўзи кўтариб турувчи деворлар, зина катаклари деворлари, ўрнатма панель деворлари, каркас деворлар тўлдиргичи, кўтарувчи пардеворлар, қаватлараро ва чордок ёпмалари ҳамда томларнинг ўтга чидамлилиги билан белгиланади.

Тураржойларда чиқадиган ёнғинлар катта моддий зарар етказади ва умумий ёнғинлар миқдорининг 50 фоизини ташкил этади. Уйларда (биноларда) ёнғин чиқишига, асосан, электр ҳамда газ жиҳозларидан, саноат ва уй-рўзгор асблоларидан фойдаланиш коидаларининг бузилиши ҳамда бошқалар сабаб бўлади.

Туаржой биноларининг ўтга чидамлилик даражаси бино қаватларининг сони ва майдонига боғлиқ. Кўп қаватли анча узун биноларда бинони бўлимларга ажратадиган ёнгинга қарши девор сифатида кўндалант деворлар ҳамда секциялараро деворлардан фойдаланилади. Одам яшамайдиган хоналар ўтга чидамлилик чегараси 0,75 соат бўлган девор ва ораёпмалар билан ажратилади.

Ертўла ҳамда цоколь қаватларига одам яшайдиган хоналар жойлаштирилмайди, у ерга битта хонадон ҳисобига кўпи билан 3 м. дан хўжалик омбори ва ўтинхона жойлаштирилиши мумкин. Ўтга чидамлилиги III даражада бўлган биноларнинг ертўла ҳамда цоколь қаватлари устига ёнмайдиган (ўтга чидамлилик чегараси камида 1 соат), бир ва икки қаватли уйларда эса қийин ёнадиган (ўтга чидамлилик чегараси камида 0,75 соат) ораёпмалар ўрнатилади. Ертўладан чиқиш жойлари ташқаридан ёки алоҳида бўлади.

10.2 - жадвал

Ёнгинга қарши деворлар орасидаги қаватларнинг ўтга чидамлилик даражаси, сони ва юзи

| Ўтга чидамлилик даражаси | Қаватлар сони | Ёнгинга қарши деворлар орасидаги қаватнинг юзи м.кв |
|--------------------------|---------------|---|
| II | 1 | 6000 |
| II | 2-9 | 4000 |
| III | 1 | 3000 |
| III | 2-5 | 2000 |
| IV | 1 | 2000 |
| IV | 2 | 1400 |
| V | 1 | 1200 |
| V | 2 | 800 |

Ертўла қаватининг баландлиги 1,6-1,9 м бўлганда улардан муҳандислик коммуникацияларини жойлаштириш учун фойдаланилади. Бундай қаватлар **техник яширинлик (подполье)** деб аталади. Ахлат ташланадиган камералар биринчи қаватга ёки цоколь қаватига ёнмайдиган қилиб қурилади (ўтга чидамлилик чегараси камида 1 соат). Уларга кириш жойи умумий кириш жойидан ажратилган бўлади. Кейинги вақтларда чордоқсиз ёпмалар кенг

тарқалмоқда. Бунда ёнғин хавфи камаяди. Чордокларнинг ёғоч конструкцияларига ўтдан ҳимояловчи таркиблар билан ишлов берилиши, дудбуронлар эса оқлаб қўйилиши керак. Барча дудбурон ва вентиляция каналлари томдан юқорига чиқарилади. Мавзелар орасидаги машиналар юрадиган йўллар ҳамда биноларга келиш йўллари бир-биридан кўпи билан 300 м (эркин режалаштиришда) ва 180 м (периметрал куришда) оралиқда курилади.

Ёнғинга қарши ички водопровод тармоқлари 12 қаватли ҳамда ундан баланд уйларга ва 4 қаватли ҳамда ундан баланд ётоқхона ва меҳмонхона биноларига қурилади. Биноларда зина катаклари орқали камида 90 м оралатиб иккала томони очик йўллар қилинади.

Ёнғин-профилактика кўригини ўтказиш. Ёнғин-профилактика кўригини ўтказиш учун давлат ёнғин назорати органи раҳбарининг ёнғин-профилактика кўригини ўтказиш тўғрисидаги буйруги (бундан буён матнда буйруқ деб юритилади) асос бўлади. Буйруқ 1-иловага мувофиқ расмийлаштирилади. Буйруқда ёнғин-профилактика кўриги ўтказиладиган тадбиркорлик субъекти ҳамда тегишли объект номи, жойлашган манзили, кўрикни ўтказиш санаси, унда қатнашадиган давлат ёнғин назорати органи мансабдор шахсларининг фамилияси, исми, отасининг исми, лавозими кўрсатилиши лозим. Ёнғин-профилактика кўригини ўтказиш санаси, кўрик ўтказиладиган объектлар тадбиркорлик субъектига бир ой олдин 2-иловага мувофиқ шаклдаги билдиришномани почта орқали буюртма хат билан юбориш ёки тилхат билан топшириш орқали маълум қилинади.

Ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш, ишларни бажариш) зарурати билан боғлик бўлганда, тадбиркорлик субъектининг аризасига асосан, кўрикни ўтказиш мuddати ўн кунга қолдирилади. Бунинг учун ариза кўрик ўтказиш санасидан ўн кун олдин тегишли давлат ёнғин назорати органига тақдим этилиши лозим. Ёнғин-профилактика кўриги тадбиркорлик субъектида белгиланган иш режимига асосан бир иш куни давомида ўтказилади.

Умумхалқ байрамлари, халқаро ва республика спорт мусобақалари, форумлари, юқори мартабали чет эл делегацияларининг ташрифи билан боғлик тадбирларга тайёргарлик кўриш ҳамда ташкил қилиш вақтида ушбу тадбирлар бўлиб ўтадиган объектда ва унинг 150 метр радиусида жойлашган объектларда

кўшимча равиша ёнғин-профилактика кўриклари ўтказилиши мумкин.

Кўшимча равиша ёнғин-профилактика кўриги ўтказиш учун 3-иловага мувофиқ расмийлаштирилган буйруқ асос бўлади. Кўшимча равиша ўтказиладиган кўрик тўғрисида тадбиркорлик субъектига жойнинг ўзида маълум қилинади.

Ёнғин-профилактика кўригини ўтказиш муддатларини режалаштириш. Биринчи хавфлилик гурухига кирадиган обьектларда ёнғин-профилактика кўриги йилига бир марта, иккинчи гурухга кирадиган обьектларда — икки йилда бир марта, учинчи гурухга кирадиган обьектларда — уч йилда бир марта ўтказилади. Йилнинг 1 сентябрига қадар жойлардаги давлат ёнғин назорати органлари келгуси йилда ёнғин-профилактика кўриги ўтказиладиган тадбиркорлик субъектлари ва уларга тегишли обьектлар рўйхатини шакллантиради ҳамда юқори турувчи давлат ёнғин назорати органига тасдиқлаш учун тақдим қиласди. Юқори турувчи давлат ёнғин назорати органи рўйхатни тасдиқлагач, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ёнғин хавфсизлиги бош бошқармасига йилнинг 1 октябрига қадар тақдим қиласди. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ёнғин хавфсизлиги бош бошқармаси томонидан жамлама рўйхат йилнинг 15 ноябряга қадар марказлаштирилган тартибда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг расмий веб-сайтида зълон қилинади. Ёнғин-профилактика кўриги ўтказилиши режалаштирилган йилда давлат ёнғин назорати органлари томонидан текшириш ўтказилган тадбиркорлик субъектида ёнғин-профилактика кўриги ўтказилмайди.

Ёнғин-профилактика кўригини ўтказиш. Ёнғин-профилактика кўригини бошлашдан олдин давлат ёнғин назорати органи мансабдор шахси хизмат гувоҳномасини кўрсатади, буйруқ билан тадбиркорлик субъектини таништиради ва битта нусхасини тақдим этади. Давлат ёнғин назорати органи мансабдор шахслари кўрикни бошлашдан олдин тадбиркорлик субъектини мазкур Низом, кўрик ўтказишда фойдаланиладиган ёнғин назоратига оид тегишли норматив-хукукий хужжатлар билан таништириши, тадбиркорлик субъекти талаби билан ушбу хужжатлар нусхаларини олиш имкониятини яратиб бериши лозим.

Ёнғин-профилактика кўриги обьект худудини, биноларини, хоналарини, иншоотларини (шу жумладан, қурилиш ва

реконструкция босқичида), эвакуация йўлларини, технологик ва мұхандислик асбоб-ускуналарини, объектнинг ёнғинга қарши ҳимоя тизими ва воситаларини, ёнғинга қарши сув таъминоти манбаларини, ёнғин ўчириш техникасини, ёнғинни ўчиришнинг бирламчи воситаларининг ишга яроқлилигини кўздан кечириш йўли билан амалга оширилади.

Давлат ёнғин назорати органи мансабдор шахслари ёнғин-профилактика кўригини ўтказиш жараёнида ёнғинга қарши тарғибот ўтказади, шу жумладан, кўриқлаш-ёнғиндан саклаш сигнализацияларини ҳамда ёнғинни автоматик тарзда ўчириш тизимларидан фойдаланишни, ёнғин содир бўлганда ҳаракат қилишни, ёнғинни ўчиришнинг бирламчи воситалари ва ёнғин-техника куролларини кўллашни ўргатади.

Ёнғин-профилактика кўриги якунидаги давлат ёнғин назорати органи мансабдор шахси 4-иловага мувофиқ тавсиялар маълумотномасини (бундан бўён матнда маълумотнома деб юритилади) икки нусхада тузади ва бир нусхасини тадбиркорлик субъектига топширади. Маълумотномада кўрик давомида ўтказилган ёнғинга қарши тарғибот, аниқланган камчиликлар, уларни бартараф этишга, ёнғинлар эктимолини камайтиришга қаратилган тавсиялар кўрсатилади. Тавсиялар ёнғин хавфсизлигига тегишли норматив-хукукий ҳужжатлар ва норматив ҳужжатлар талабларига асосланган бўлиши лозим. Аниқланган камчиликлар бўйича уларнинг ёнғин хавфлилигидан келиб чиқсан ҳолда бартараф этиш муддати кўрсатилади. Тадбиркорлик субъектининг камчиликларни тўлиқ бартараф этганлиги ҳақидаги мурожаати асосида давлат ёнғин назорати органи жойга чиқсан ҳолда қилинган ишларни ўрганиши ҳамда бу тўғрисида маълумотнома тузиши шарт. Камчиликлар тўлиқ бартараф этилган тақдирда, ушбу тадбиркорлик субъекти бўйича текширишлар йиллик режа-жадвалига ва режадан ташқари текширишларга таклиф киритилмайди.

Кўшимча равишда ўтказилган ёнғин-профилактика кўриги натижаси бўйича 5-иловага мувофиқ тавсиянома икки нусхада расмийлаштирилиб, бир нусхаси тадбиркорлик субъектига топширилади. Тавсияномада факат зудлик билан бартараф этилиши лозим бўлган, ёнғин келиб чиқиши ҳамда тарқалишининг олдини олишга қаратилган ва объектда маълум бир муддат мобайнида ёнғинга қарши режим ўрнатилиши бўйича тавсиялар ёзилади.

Маълумотнома ва тавсияномалар тегишли тадбиркорлик субъектига қарашли объектнинг назорат-кузатув йигма жилдига тикилади. Давлат ёнгин назорати органларининг хар бир бўлинмасида б-иловага мувофиқ Ёнгин-профилактика қўрикларини ҳисобга олиш китоби ҳамда 7-иловага мувофиқ Кўшимча равишда ўтказилган ёнгин-профилактика қўрикларини ҳисобга олиш китоби юритилади. Ушбу китоблар рақамланган, тикилган ва давлат ёнгин назорати органининг муҳри билан тасдиқланган бўлиши керак.

10.6. Ёнгинларни ва уларнинг оқибатларини ҳисобга олиш

Ташкилотлар, якка тартибдаги тадбиркорлар ҳамда фуқаролар ҳар бир ёнгин ҳолати ҳақида ёнгиндан сақлаш хизматига, давлат ёнгин назоратининг маҳаллий органларига ёки тегишли ваколатли органларга дарҳол хабар қилишлари, шунингдек, уларни текшириш жараёнида зарур бўлган материалларни (хужжатларни) тақдим этишлари шарт. Транспорт воситаларидаги ёнгинлар ёнгин содир бўлган жойда ҳисобга олинади.

Ёнгин ҳолатини тасдиқлайдиган хужжат ёнгин ҳақидаги далолатнома бўлиб, у ёнгин бартараф этилгандан сўнг бир сутка давомида икки нусхада тузилади ва ёнгиндан сақлаш хизмати вакили бошчилигидаги камидан З нафар шахсдан иборат комиссия томонидан имзоланади. Далолатномани тузиш комиссияси таркибига объектнинг маъмурияти (эгаси) вакиллари ёки жабрланувчилар, зарур ҳолларда эса фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, суғурталовчилар, ички ишлар органларининг тегишли хизматлари вакиллари ҳамда бошқалар киради. Агар ёнгинга ёнгин ўчириш бўлинмаси чакирилмаган бўлса ва ёнгин содир бўлганлиги ҳақидаги (огзаки ёки ёзма) маълумот ички ишлар ёки давлат ёнгин назорати органларига объектнинг маъмуриятидан, фуқаролардан (жабрланувчилардан) берилган бўлса, ёнгин ҳақидаги далолатнома икки суткадан кечкитирилмасдан, юқорида кўрсатилган комиссия таркибида тузилади.

Ёнгинда ҳалок бўлганларни ва тан жароҳати олганларни ушбу юқорида кўрсатилган ваколатли органлар, ёнгинни текшириш бўйича тузилган хужжатларга ҳамда тиббиёт муассасалари томонидан берилган маълумотларга асосан ҳисобга оладилар. Ёнгинда ҳалок бўлган ҳамда жабрланган чет эл фуқаролари давлат статистик ҳисобига киритилмайди. Улар тўғрисидаги маълумот тегишли

Тиббиёт муассасалари ёнғинларда жабрланган, тиббий ёрдам күрсатиш учун олиб келингандык мурожаат қылган, шу жумладан, ёнғинларда заҳарланиб ёки тан жароҳати олиб ҳалок бўлганлар ҳақида дархол Давлат ёнғин хавфсизлиги хизматига хабар беришлари шарт, шунингдек, одамлар ёнғинларда ҳалок бўлганлиги ёки тан жароҳати олганлигини тасдиқловчи хужжатларни ёнғинлар юзасидан текширув (суриштирув) харакатини олиб бораётган мансабдор шахсларга тақдим этишга мажбурдирлар.

Ёнғиндан етказилган мулкий заар, копланган ёки копланмаганлигидан қатъи назар, тўлиқ ҳисобга олинади. Юридик ва жисмоний шахсларнинг асосий фондлари ҳисобланган бино ҳамда бошқа мол-мулки нобуд бўлиши ва заарланиши (оловдан, тутундан, катта ҳароратдан, ёнғин ўчириш воситаларидан, портлашдан — агар портлаш натижасида ёнғин рўй берган бўлса) ёнғин билан ҳамда атроф табиий мухитга заар етказиш билан боғлиқ бўлиб, талафот кўрган деб топилса, етказилган мулкий заар бевосита кўрилган талафотлар миқдори билан аниқланади.

Етказилган мулкий заар миқдоридан келиб чиқиб, ёнғинлар куйидагиларга бўлинади:

а) кўп бўлмаган миқдорда заар етказган ёнғин (энг кам ойлик иш ҳақининг ўн бараваридан ўттиз бараваригача бўлган заар);

б) анча миқдорда заар етказган ёнғин (энг кам ойлик иш ҳақининг ўттиз бараваридан юз бараваригача бўлган миқдордаги заар);

в) кўп миқдорда заар етказган ёнғин (энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан уч юз бараваригача бўлган миқдордаги заар);

г) жуда кўп миқдорда заар етказган ёнғин (энг кам ойлик иш ҳақининг уч юз баравари ва ундан ортиқ бўлган миқдор).

Мулкий зарарни аниқлашда ишлаб чиқариш ва савдо ишларидаги вактинчалик тўхташлар, ҳаракатдаги таркиб ҳамда бошқа техниканинг ўзгариши натижасида кўрилган (бильвосита) йўқотишлар ва ёнғин сабабли олинмаган бошқа фойда ҳисобга олинмайди. Давлат ёнғин назорати органлари ёнғинлардан етказилган зарарни конун хужжатларига мувофиқ юридик шахслар ва сугурталовчилар томонидан берилган маълумотлар, судларнинг

хукмларидан кўчирмалар ёки етказилган моддий зарар миқдорини тасдиқловчи расмий хужжатлар илова қилинган мулк эгаларининг ёзма аризаларига асосан ҳисобга оладилар. Маълумотда қуидагилар мажбурий тартибда алоҳида кўрсатилади: ёнғиндан етказилган умумий зарар, бино (иншоот) бўйича зарар, ускуналар ҳамда мулк бўйича зарар. Ушбу маълумотларнинг тўғрилигига тегишли хужжатларга имзо чеккан шахс жавоб беради.

Ўзига қарашли обьектларда ёнғин содир бўлган юридик шахслар ёнғиндан етказилган мулкий зарар миқдорини тасдиқловчи маълумотни давлат ёнғин назорати органларига тақдим этишлари шарт.

Суғурталовчилар давлат ёнғин назорати органларининг сўрови бўйича суғурталанувчиларнинг ёзма розиликларига асосан суғурта шартномалари шартларига мувофиқ ёнғинлар ва уларнинг оқибатлари туфайли келиб чиқсан суғурта ҳодисаси бўйича тўланган суғурта товонини тасдиқловчи маълумотларни тақдим этадилар.

Фуқаролар ва якка тартибдаги тадбиркорларнинг суғурта қилинмаган ҳамда нобуд бўлган мол-мулки, иморатлари, ҳайвонларининг, ўзлари ишлаб чиқарган маҳсулотларининг ҳақиқий баҳоси ҳақида аниқ маълумот бўлмаса, мулкий зарар миқдори ўртача бозор нархи бўйича ҳисобланади. Тугалланмаган капитал қурилиш ёки таъмиглаш жараёнида содир бўлган ёнғин натижасида асосий фонdlарга етказилган мулкий зарар миқдори бажарилган ишлар ҳажмидан келиб чиқсан ҳолда ҳисобланади.

Ёнғинда қоғоз пул нобуд бўлган ҳолларда мулкий зарар миқдори уларнинг номинал баҳосидан келиб чиқиб ҳисобланади. Қоғоз пуллар ва (ёки) қимматбаҳо қоғозлар тайёрлаш жараёнида ёнғиндан нобуд бўлган ҳолларда зарар миқдори уларни тайёрлаш таннархидан келиб чиқиб ҳисобланади. Ёнғин оқибатида чет эл валютасига зарар етказилган ҳолларда зарар миқдори ёнғин келиб чиқсан пайтда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган пул бирлиги курсида ҳисобга олинади.

Ёнғин оқибатида нобуд бўлган мол-мулкнинг бошқа турлари бўйича мулкий зарар миқдори тегишли мулкнинг спецификасидан келиб чиқсан ҳолда белгиланган тартибда ҳисобланади.

Давлат ёнғин назорати органлари, тиббиёт муассасаларининг мансабдор шахслари ҳамда суғурталовчилар ёнғинлар тўлиқ ва тўғри ҳисобга олиниши ҳамда ҳисобот маълумотлари ўз вақтида тақдим

етилиши ва уларнинг ҳаққонийлиги учун жавоб беради. Давлат ёнгин назорати органлари қонун хужжатларида белгиланган тартибда давлат ва хўжалик бошқаруви органларида ҳамда уларга қарашили ташкилотларда ёнғинлар ҳисоби тўлиқ ва сифатли юритилишини текшириш ҳуқуқига эга. Кўрсатилган субъектларнинг мансабдор шахслари томонидан статистик маълумотлар нотўғри берилганлиги ва (ёки) уларни тақдим этиш тартиби бузилганлиги аниқланса, айбдорларни қонун хужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортиш учун зарур чоралар кўрилади.

Текшириш давомида аниқланган ҳисобга олинмаган ёнғинлар, ёнғинлар юзасидан нотўғри берилган маълумотлар бўйича ҳодиса содир бўлган вақтдаги ёнғинлар бўйича давлат статистик ҳисобига тегишли ўзгартеришлар киритилади.

Қисқача хуласалар

Модда қандай ҳароратда аланталанса ва ёна бошласа, шу ҳарорат унинг аланталаниш ҳарорати деб аталади. Ҳавода кислород бўлган тақдирдагина, ана шундай ҳодиса рўй беради. **Ўз-ўзидан аланталаниш** ҳарорати ҳамиша бир хил бўлавермайди; у ҳавонинг таркибига, босимига, ёнувчи материалнинг концентрациясига ҳамда бошқаларга боғлиқ. **Ўз-ўзидан ёниш** — модданинг ўзида рўй бераётган кимёвий, физик-кимёвий ёки бошқа биологик ҳодисалар туфайли ёниш жараёнидир. Модда очик алантга ва ташки иссиклик манбай таъсири бўлмасданоқ ўз-ўзидан ёниб кетиши мумкин.

Амалдаги нормаларга кўра, барча турдаги корхоналар ёнгин жиҳатидан хавфлилигига караб бешта категорияга бўлиниади: А. Б. В., Г. Д.

Бино ёки иншоотнинг ўтга чидамлилиги уларнинг куйидаги асосий қисмлари: ёнғинга қарши деворлар, кўтариб турувчи ҳамда ўзини ўзи кўтариб турувчи деворлар, зина катаклари деворлари, ўрнатма панель деворлари, каркас деворлар тўлдиргичи, кўтарувчи пардеворлар, қаватлараро ва чордоқ ёпмалари ҳамда томларнинг ўтга чидамлилиги билан белгиланади.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Ёнғин ҳақидаги умумий маълумотларни айтиб беринг.
2. Ёниш ва моддаларнинг ёнғинга нисбатан хавфлиликни тавсифловчи хоссалари нималардан иборат?

3. Портлаш шартлари қандай?
4. Биноларда ёнгин чиқишининг олдини олиш тадбирлари қандай ташкил этилади?
5. Ёниш ва портлаш жараёнини айтиб беринг.
6. Корхоналарда осон ёнувчи материаллар ва уларнинг сақланиши қандай?
7. Хавфлилик таснифи қандай ва нечта категориядан иборат?
8. Ўз-ўзидан алангаланиш нима?

Тавсия этилаётган адабиётлар

1. Адамчук В.В. Экономика и социология труда / В.В. Адамчук, О.В.Ромашов, М.Е.Сорокина- М: ЮНИТИ, 2001.
2. Абдурахманов О.К. Ўзбекистон Республикасида меҳнатни муҳофаза килиш тизимини бошкариш самарадорлигини ошириш. Т.: Фан., 2010. – 326 б.
3. Абдурахмонов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти ва социологияси. Дарслик. – Г.: Фан ва технология, 2012. – 388 б.
4. Андреев С.В. Охрана труда от “А” до “Я”. Практическое пособие. Вкп 2. М.: Альфа-пресс, 2004. С. 49.
5. Баранов Н.И. Охрана труда. Учебное пособие. Клин.ОЛС Комплект, 2002.
6. Беляров Ю.А., Хлопков В.В. Охрана труда в организации. Практические рекомендации. М.: Книжный мир, 2009. – 176 с.
7. Михайлов Ю.М. Корпоративная система охраны труда. Функционирование. Аттестация. Сертификация. Экспертиза. М.: Альфа – Пресс, 2009. С.7-11.
8. Попова Н.А. Организация, нормирование и оплата труда на предприятиях: Учебное пособие. – М.: Финпресс, 2011. - 176 с.

(Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг тасвири)

(бүйрүк чиқараёттан орган номи)

БУЙРУК

(буйруқнинг номи)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мажхамасининг 2013 йил 4 октябрдаги 272-сон қарори билан тасдиқланган Давлат ғонгурати тўғрисида Низомга
мувоғиқ

(ёнгин-профилактика күригини ўтказувчи орган номи)

томонидан таъбиркорлик субъектларига тегишили бўлган объектларни ёнгин-профилактика кўригидан ўтказиш массалидаг буюраман:

1

(өнгүй-профилактика күрги үтказылдаган талбиркорлык субъекти номи, манзуда

күрикдан ўтказиш саңасы)

ёнғын-профилактика күрги үтказылсın.

2. Күрик

(ёшғын-профилактика күргігінің үтказадығас

манасбдор шахсарларнинг Ф.И.О. (лавозими)

3. Ёнгин-профилактика күргинги ўтказишида аникланган камчиликларни бартараф этилишига эришиш максалида давлат ёнгин назорати органининг тавсиялар маълумотномаси иёки нусхалаштирилди, бир нусхаси тадбиркорлик субъектига топширилди.

4. Мазкур буйрук талабларининг тўлиқ бажарилишини шизорат килиш

(Ф.И.О., давозими)

га юклатылсун.

Бошлик

M. Ž.

(Ф.И.О.)

шахар

(имзо)

(туман)

20 йил « » -сон

Шен аэр бигета бүрүүк биди бир шенде тарылжыраа салынчында даанын узакалыгин бийгүйдэлээс бүрүүкчийн **1-бандца** түр бийт бийгүйдэлээс күргэжүүлжээ. Аль нийт аялалындаа бүрүүкчийн **2-бандца** түр бийт бийгүйдэлээс түрэхэндээ салынчын

2-IIJIOBA

БИЛДИРИШОМА

(тадбиркорлик субъекти шоми, манзили)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2013 йил 4 октябрдаги 272-сон қарори билан тасдиқланган Давлат низорати тўгрисида Низомига асосан Сизга тегишиلى бўйлан куйидаги обьектлардан:

(объектлар номи ва маңзили күрсатылады)

20__ йил «__» да ёнгин-профилактика күргиги ўтказилиши маълум қолданади. Ишшаб чыкарып (хизмат күрсатиш, ишшарни бажарып) зарурати билан боғлик бўлганди Сизнинг аризангира асосан кўрикни ўтказни муддати ўн кунга колдирилади. Бунинг утун ариза кўрик ўтказини санасидан ўн кун олдин тақдим этилиши лозим

(давлат ёнгин назораги органи мансабдор шахсининг Ф.И.О.,
лавозими)

(имзо)

20 йил «___»

М.У.

З-ИЛОВА

(Ўзбекистон Республикаси Давлат г'ербининг тасвири)

(буйруқ чикараётган орган номи)

Б У И Р У К

(буйрукнинг номи)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2013 йил 4 октябрдаги 272-сон карори билан
тасдиқланган Давлат ёнгин назорати тўғрисида **Низомга**
мувофик _____ га асосан

(кўшимча равишда ёнгин-профилактика кўригини ўтказиш сабаблари)

(кўшимча равишда ёнгин-профилактика кўригини ўтказувчи орган номи)

томонидан тадбиркорлик субъектларига тегишиلى бўлган обьектларни ёнгин-профилактика кўригидан
ўтказиш максадида буораман:

1 _____

(кўшимча равишда ёнгин-профилактика кўриги ўтказиладиган

тадбиркорлик субъекти номи, манзили, кўриқдан ўтказиш санаси)

кўшимча равишда ёнгин-профилактика кўриги ўтказилсин.

2 _____

(кўшимча равишда ёнгин-профилактика кўригини

ўтказадиган мансабдор шахснинг Ф.И.О., лавозими)

томонидан ўтказилсин.

3. Кўшимча равишда ўтказилган ёнгин-профилактика кўриги якуни бўйича тавсиянома иккى нусхада
тузилиб, бир нусхаси тадбиркорлик субъектига топширилсин.

4. Мазкур буйруқ гаплабарини бажарилишини назорат килиш

га юклатилсин.

(mansabдор шахснинг Ф.И.О., лавозими)

Бошлиқ

(имзо)

М.У.

(Ф.И.О.)

шахар

(туман)

20 йил «___» -сон

Давлат ёнгин назорати буйруқ билди бир зечга обьектларга кунинчо равишда ёнгин-
профилактика кўригидан ўтказишни берди. Биринчи бўандида ҳар бир обьект номи
тасдиқланадиган. Ўзбекистон Республикаси Генерал муршидати бўлганда ҳар бир обьектда ким томонидан
тадбиркорлик субъектига тегишили бўлган обьектнинг номи

4-ИЛОВА

(Ўзбекистон Республикаси Давлат г'ербининг тасвири)

(давлат ёнгин назорати органи номи)

(тадбиркорлик субъектига тегишили бўлган обьектнинг номи)

ўтказилган ёнгин-профилактика кўриги натижаси бўйича
—сон тавсиялар маълумотномаси

20 йил « ____ »

(манسابдор шахсининг Ф.И.О., лавозими)

(тадбиркорлик субъекти номи, мансабдор шахси Ф.И.О., лавозими)

ишигирокида

нинг 20 йил « ____ » даги ____ -сон бўйргига асосан
(давлат ёнгин назорати
органи номи)

да

(объект номи ва манзили)

ёнгин-профилактика кўриги ўтказилди.

Ёнгин-профилактика кўригини ўтказиш жараёнда кўйидаги ёнгин хавфсизлиги талабарининг бузилиши аниқланиб, ёнгинлар келиб чикиш эҳтимолини истисно этиши ва уларнинг оқибатларини камайтириш максадида кўйидаги тавсиялар бажарилиши таклиф этилади:

| T/p | Тавсиялар | Бартараф этиш муддати | Жойида бажарилгани хақида белги |
|-----|-----------|-----------------------|---------------------------------|
| 1 | 2 | 3 | 4 |
| | | | |
| | | | |
| | | | |

Кўрик давомида кўйидаги ёнгинга қарши тарғиботлар ўтказилди:

Танишдим ва битта нусхасини олдим:

(тадбиркорлик субъекти мансабдор шахсининг Ф.И.О.)

(имзо)

20 йил « ____ »

5-ИЛОВА

(Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг тасвири)

(давлат ёнгин назорати органи номи)

Ёнгин хавфсизлиги талабарининг бузилиши холатларини
бартараф этиш бўйича ____ -сон тавсиянома

20 йил « ____ »

(тадбиркорлик субъектига тегишли бўлган объектнинг номи)

Ёнгин хавфсизлиги талабарининг бузилиши холатларини бартараф этиш бўйича кўйидагиларни амалга оширилиши тавсия этилади:

Жойида бартараф этишганлари:

Түзди:

(mansabdor shaxsnинг Ф.И.О.,
lawozimi)

(имзо)

Танишдим ва бигта нусхасини олдим

(тадбиркорлик субъекти мансабдор
шахснинг Ф.И.О.)

(имзо)

**Ёнгин-профилактика кўрикларини хисобга олиш
КИТОБИ**

| t/p | Ёнгин-профилактика кўриини ўтказган орган, мансабдор шахснинг Ф.И.О., lawozimi, унвони | Тадбиркорлик субъектининг номи ва манзили | Кўрик ўтказилган ва маъдумотнома топширилган сана | Тавсиятар сони | Тадбиркорлик субъекти мурожаати бўйича бартараф этилган камчиликларни ўрганиш тўғрисида изоҳ |
|-----|--|---|---|----------------|--|
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 |
| | | | | | |

7-ИЛОВА

**Кўшимча равишда ўтказилган ёнгин-профилактика кўрикларини хисобга олиш
КИТОБИ**

| t/p | Кўшимча равишда ёнгин-профилактика кўргини ўтказган орган, мансабдор шахснинг Ф.И.О., lawozimi | Тадбиркорлик субъектининг номи ва манзили | Кўрик ўтказилган сана | Тавсиялар сони | Жойида бартараф этилган камчиликлар сони |
|-----|--|---|-----------------------|----------------|--|
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 |
| | | | | | |

11-боб. ЭЛЕКТР ХАВФСИЗЛИГИ

11.1. Электр токининг инсон организмига таъсири

Электр токидан инсон организмига термик (яъни иссиклик), электролитик ва биологик таъсири кўрсатилади.

Электр токининг термик таъсири инсон танасининг баъзи жойларида куйиш, кон томирлари, нерв ва хужайраларнинг кизиши сифатида кузатилади. Электролитик таъсири эса, кон таркибидағи ёки хужайралар таркибидағи тузларнинг парчаланиши натижасида қоннинг физик ва кимёвий хусусиятларнинг ўзгаришига олиб келадиган ҳолат тушунилади. Бунда электр токи марказий асаб тизими ҳамда юрак-кон томир тизимини кесиб ўтмасдан, тананинг баъзи бир қисмигагина таъсири кўрсатиши мумкин.

Электр токининг биологик таъсири, бу — тирик организм учун хос бўлган хусусият. Мазкур таъсири натижасида мускулларнинг кескин қисқариши туфайли инсон организмидаги тирик хужайралар тўлқинланади, бунда, асосан, организмдаги биоэлектрик жараён бузилади. Яъни инсон организмни, асосан, биоэлектрик токлар ёрдамида бошқарилади. Бунга ташки мухитдан юкори кучланишдаги электр токининг таъсири натижасида биотоклар режими бузилади ва оқибатда инсон организмидаги ток уриши ҳолати вужудга келади. Яъни бошқарилмай қолган организмда хаёт фаолиятининг баъзи бир функциялари бошқарилмай қолади: нафас олишининг ёмонлашуви, кон айланиш тизимининг ишламай қолиши ва ҳ.к.

Электр токининг инсон организмига таъсириининг хилмахиллигидан келиб чикиб, уни икки туругҳга бўлиб қараш мумкин: маҳаллий электр таъсири ва ток уриш.

Маҳаллий электр таъсири — куйиб қолиши, электр белгилари хосил бўлиши, терининг металлашиб қолиши холлариридан. Электр таъсирида куйиш, асосан, организм билан электр ўтказгичи ўртасида электр ёни хосил бўлганда содир бўлади. Электр ўтказгичдаги кучланишнинг таъсирига караб бундай куйиш турлича бўлиши мумкин. Енгил куйиш факат яллиғаниш билан чегараланади, ўртача оғирликдаги куйишда пулфакчалар хосил бўлади ва оғир куйишда хужайра ҳамда терилар кўмирга айланиб, оғир асоратларга олиб келиши мумкин. Электр белгилари — бу терининг устки қисмидаги аниқ кулранг ёки оч сарғиш рангли 1-5 мм диаметрдаги белги пайдо бўлиши билан ифодаланади. Бундай белгилар одатда хавфли эмас.

Терининг металлашиб қолишида, одатда эриб майда заррачаларга парчаланиб кетган металл тери ичига кириб қолади. Мазкур ҳолат ҳам электр ёйи ҳосил бўлганда рўй беради. Маълум вакт ўтгандан кейин бу тери кўчиб тушиб кетади ва ҳеч қандай асорат қолдирмайди.

Электр уриши (ёки ток уриши ҳам деб юритилади) тўрт даражага бўлиб ўрганилади:

1. Мускуллар кескин қискариши натижасида одам ток таъсиридан чиқиб кетади ва ҳушини йўқотмайди;

2. Мускуллар кескин қискариши натижасида одам ҳушини йўқотади, аммо юрак ва нафас олиш фаолияти ишлаб туради;

3. Ҳушини йўқотиб, нафас олиш тизими ёки юрак уриши тўхтаб қолади;

4. Клиник ўлим ҳолати, бунда инсонда ҳеч қандай ҳаёт аломатлари сезилмайди.

Клиник ўлим ҳолати, бу — ҳаёт билан ўлим оралиғи бўлиб, маълум вактгача инсон ички имкониятлар ҳисобига яшаб туради. Бу вактда унда ҳаёт белгилари: яъни нафас олиш, қон айланиш бўлмайди, ташқи таъсиrlарга фарқсиз бўлади, оғриқ сезмайди, кўз корачиги кенгаяди ҳамда ёруғликни сезмайди. Аммо бу даврда ҳали ундаги ҳаёт бутунлай сўнмаган, ҳужайраларда маълум модда алмашинув жараёнлари давом этади ва бу организмнинг минимал ҳаёт фаолиятини давом этгирисига етарли бўлади. Шунинг учун ташқи таъсиr натижасида ҳаёт фаолиятини йўқотган организмнинг баъзи бир кисмларини тиклаш натижасида уни ҳаётга қайтариш имконияти бор. Клиник ўлим ҳолати 5-8 минут давом этади. Ҳеч қандай ёрдам бўлмаган тақдирда, энг олдин бош мия қобигидаги ҳужайралар парчаланади ва клиник ўлим ҳолати биологик ўлим ҳолатига ўтади.

Биологик ўлим — қайтариб бўлмайдиган жараён бўлиб, организмдаги биологик жараёнлар бутунлай тўхташи билан характерланади, шунингдек, организмдага оқсил парчаланади. Бу клиник ўлим вақти тугагдандан кейин рўй беради. Токнинг инсон организмига таъсири бир неча омилларга боғлик. Асосий омиллардан бири инсонга ток таъсирининг давомлилиги, яъни одам ток таъсирида қанча кўп қолиб кетса, у шунча кўп заарланади. Иккинчи омил сифатида одам организмининг шахсий хусусиятлари ва шунингдек, токнинг тури ҳамда частотаси кайта роль ўйнайди.

Инсон организмнинг ток таъсирига маълум каршилиги, шунингдек, токнинг кучланиши маълум таъсиr даражасини

белгилайди, чунки инсон организмининг қаршилиги ўзгармаган ҳолда, кучланиш кўпайиши натижасида организмдан оқиб ўтган ток миқдори ошиб кетади. Инсон организмининг қаршилиги тери қаршилиги ва ички органлар қаршиликлари йиғиндиси сифатида олинади.

Тери, асосан, қуруқ ва ўлик хужайраларнинг қаттиқ қатламларидан ташкил топганлига сабабли катта қаршиликка эга ва у умуман инсон организмининг қаршилигини ифодалайди.

Организм ички органларининг қаршилиги унча катта эмас. Одамнинг қуруқ, заарланмаган териси 2.000 дан 20.000 Ом гача ва ундан юқори қаршиликка эга бўлгани ҳолда, намланган, заарланган тери қаршилиги 40-5000 Ом қаршиликка эга бўлади ва бу қаршилик инсон ички аъзолари қаршилигига тенг ҳисобланади. Айтилганларни ҳисобга олган ҳолда, умуман, техник ҳисоблар учун инсон организми қаршилиги 1000 Ом деб қабул қилинган.

Инсон организми орқали оқиб ўтган токнинг миқдори унинг асоратини белгилайди, яъни оқиб ўтган ток қанча катта бўлса, унинг асорати ҳам шунча катта бўлади.

Инсон организми орқали 50 Гц ли саноат электр токининг 0,6-1,5 mA оқиб ўтса, буни у сезади ва бу миқдордаги ток сезиш чегарасидаги электр токи деб аталади.

Агар инсон организмидан оқиб ўтган токнинг миқдори 10-15 mA га етса, унда организмдаги мускуллар тартибсиз қисқариб, инсон ўз организми қисмларини бошқариш қобилиятидан маҳрум бўлади, яъни электр токи бўлган симни ушлаб турган бўлса, панжаларини оча олмайди, шунингдек, унга таъсири кўрсатаётган электр симини олиб ташлай олмайди. Бундай ток чегара миқдоридаги ушлаб қолувчи ток дейилади.

Ток миқдори 25-50 mA га етса, унда ток таъсири кўкрак қафасига таъсири кўрсатади, бунинг натижасида нафас олиш қийинлашади. Ток таъсири узоқ вақт давом этса, яъни бир неча минутга чўзилса, унда нафас олишнинг тўхтаб қолиши натижасида одам ўлиши мумкин. Ток миқдори 100 mA ва ундан ортиқ бўлса, бундай ток юрак мускулларига таъсири кўрсатади ва юракнинг ишлаш ритми бузилади, натижада кон айланиш тизими бутунлай ишдан чиқади ва бу ҳолат ҳам ўлимга олиб келади.

Инсон организми орқали оқиб ўтган токнинг давомлилиги ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Чунки ток таъсири узоқ давом этса, унда инсон

организмининг ток ўтказувчанлиги ортади ҳамда токнинг заарли таъсири организмда йиғилиши натижасида асорат оғирлаша боради.

Токнинг тури ва частотаси ҳам заарли таъсир кўрсатишда мухим роль ўйнайди. Энг заарли ток 20-100 Гц атрофидаги электр токи ҳисобланади. Частотаси 20 Гц дан кичик ва 100 Гц дан катта токларнинг таъсир даражаси камаяди. Катта частотадаги электр токларида ток уриш бўлмайди, лекин куйдириши мумкин.

Агар ток ўзгармас бўлса,унда токнинг сезиш чегарасидаги миқдори 6-7 mA, ушлаб қолувчи чегара миқдори 50-70 mA, 0,5 с давомида юрак фаолиятини ишдан чиқариши мумкин бўлган миқдори 300 mA гача ортади.

11.2. Электр токидан жароҳатланиш сабаблари ва асосий муҳофаза воситалари

Электр токидан жароҳатланишнинг олдини олишга қаратилган асосий чора-тадбирлар қуидагилардир:

1. Кучланиш остида бўлган ўтказгичларни қўл етмайдиган қилиб бажариш;
2. Электр тармоқлари ўтказгичларини аниқ жойлаштириш;
3. Электр қурилмалари корпусида электр токининг ҳосил бўлишига қарши чора-тадбирлар белгилаш;
4. Кам кучланишга эга бўлган электр манбаларидан фойдаланиш;
5. Икки қават муҳофаза қобиқлари билан таъминлаш;
6. Потенциалларни тенглаштириш;
7. Ерга улаб муҳофазалаш;
8. Ноль симига улаб муҳофазалаш;
9. Муҳофаза ўчириш қурилмалари;

Электр тармоқларини айрим жойлаштиришда электр тармоқларини ўзаро трансформатор ёрдамида тармоқларга бўлиб юбориш тушунилади. Бунинг натижасида ажратилган тармоқлар катта муҳофаза изоляцияси қаршилигига эга бўлади, шунингдек, ўтказгичларнинг ерга нисбатан сигими кичкина бўлганлигидан хавфсизликни таъминлашда мухим роль ўйнайди.

11.3. Электр қурилмаларида қўлланиладиган шахсий муҳофаза воситалари

Электр қурилмаларида ишлаётгандар учун муҳофаза воситалари санаб ўтилди. Бу воситаларининг энг мукаммал қилиб бажарилганлари

ҳам баъзи ҳолларда электр хавфсизлигини барибир тўла таъминлай олмайди. Масалан, электр ўтказгични мустаҳкам ток ўтказмайдиган муҳофаза қобиқлари билан жиҳозланмаса, бундай ўтказгичлар яқинида ишлаётган кишилар учун электр хавфи аниқ. Шунингдек, баъзи бир ишларни электр токини ўчирмаган ҳолда бажаришга тўғри келади, бунда электр асбобларининг турларини муҳофазалаш талаб қилинади, шунингдек, баъзи бир ҳолларда электр тармоқларида электр кучланишини узиб, таъмирлаш ишларини бажариш керак бўлади. Бундай пайтларда тўсатдан билмасдан токка улаб юбориш ҳоллари тузатиб бўлмайдиган хавфли вазиятларга олиб келади.

Юқорида санаб ўтилган ҳолатларнинг ҳар бири ўзига яраша муҳофаза воситаларини ёки муҳофаза асбобларини ёки бу хавфни аниқлаш учун ишлатиладиган муҳофазаланган асбоблардан фойдаланишни талаб килади. Муҳофаза аслаҳалари шартли равишда уч турга бўлинади: муҳофаза қобиқли, тўсиқ ва сақловчи воситалар. Электрдан сақловчи муҳофаза қобиқли воситалар эса, асосан, икки турга бўлиб ўрганилади:

- 1) асосий муҳофаза воситалари;
- 2) ёрдамчи муҳофаза воситалари.

Асосий муҳофаза қобиқли воситаларига узок вақт электр кучланишлари таъсирида ишлаши мумкин бўлган ва электр кучланишидан муҳофаза қилиш қобилиятига эга воситалар киради. Улар билан электр кучланишига эга бўлган ўтказгичларда электрни узмасдан ишлашга рухsat этилади. Бундай воситаларга резинадан қилинган кўлқоплар, дастаси муҳофаза қобиқлари билан жиҳозланган электр асбоблари, муҳофазаланган штангалар, электр ўлчаш асбоблари, шунингдек, муҳофазаланган кучланишли ўлчаш асбоблари киритилади.

Ҳимоя воситалари уларни татбиқ этиш характерига қараб икки турга бўлинади: коллектив ҳимоя воситалари ва шахсий ҳимоя воситалари (ГОСТ 12. 4. 011-75). Электр ускуналари конструкцияларининг ҳимоя воситаси функциясини бажарувчи (мунтазам тўсиқлар, стационар ерга улагич пичоқлар ва ҳоказолар) кисмлари ҳимоя воситалари тушунчасига кирмайди.

Электр ҳимоя воситаларига қўйидагилар киради:

— изоляцияловчи штангалар (оператив, ўлчов, ерга улагични ўрнатиш учун), изоляцияловчи ва электр ўлчовчи қисқичлар (сақлагичлар билан ишлаш операциялари учун), кучланиш

кўрсатгичи, фазаларни созлаш учун кучланиш кўрсатгичи ва ҳоказолар;

— 1000 В дан юкори кучланиш остида таъмирлаш ишларини олиб бориш учун ишлатиладиган изоляцияловчи воситалар ва мосламалар, 1000 В гача кучланиш остидаги электр ускуналарида иш олиб бориш учун ишлатиладиган изоляцияловчи дастакли чилангарлик-йигув асбоблари;

— диэлектрик қўлқоплар, этиклар, калишлар, гиламчалар, изоляцияловчи қопламалар ва изоляцияловчи тагликлар;

— шахсий экранловчи комплектлар;

— кўчма ерга улагичлар;

— тўсик қурилмалари ва диэлектрик қалпоқлар;

— хавфсизлик плакатлари ва белгилари.

Юкорида келтирилган электр ҳимоя воситаларидан ташқари, электр ускуналарида иш олиб борилганда, ҳимоя кўзойнаги ва каскалар, газ ниқблари, қўлқоплар, монтёрнинг ҳимоя белбоғлари ҳамда хавфсизлик арқонлари каби шахсий ҳимоя воситаларини қўллаш мумкин.

1000 В кучланишдан юкори электр ускуналарида иш бажариш мобайнида ишлатиладиган асосий ҳимоя воситаларига қуйидагилар киради:

— изоляцияловчи штангалар, изоляцияловчи ва электр ўлчовчи қисқичлар, кучланиш кўрсатгичлари, фазаларни созлаш учун аниқловчи кучланиш кўрсатгичлари;

— электр монтёрлар ҳаво электр узатиш тармоқларида бевосита ток ўтказувчи қисмларга тегиб туриб таъмирлаш ишларини олиб боришида қўлланиладиган изоляцияловчи қурилма ва асбоб-ускуналар (изоляцияловчи нарвонлар, ҳавозалар, бевосита симларга тегиб турадиган изоляцияловчи тортқилар, арқонлар, телескопик миноралар саватчаси, симларда ишлаш учун мўлжалланган кўчма миноралар ва ҳоказолар).

Асосий ҳимоя воситаларининг изоляцияловчи қисми диэлектрик хусусияти чидамли бўлган материаллардан (чинни, қофозбакелит кувурлар, эбанит, гетинакс, ёғоч қатламли пластиклар, пластик ва шиша эпоксид материаллар ҳамда ҳоказолардан) тайёрланиши зарур.

Ўзига нам тортувчи материаллар (қофозбакелит кувурлар, ёғоч ва бошқалар) намга чидамли лок билаи қопланган ҳамда бу

материаллар ёрилмаган, дарз кетмаган, текис юзали ва тирналмаган бўлиши керак.

1000 В кучланишдан юқори электр ускуналарида кўлланиладиган кўшимча электр ҳимоя воситаларига қуидагилар киради:

- дизэлектрик қўлқоплар;
- дизэлектрик этиклар;
- дизэлектрик гиламчалар;
- шахсий экранловчи комплектлар;
- изоляцияловчи тагликлар ва қопламалар;
- дизэлектрик қалпоклар;
- кўчма ерга улагичлар;
- тўсик қурилмалари;
- хавфсизлик плакатлари ва белгилари.

1000 В кучланишгача бўлган электр ускуналарида кўлланиладиган асосий электр ҳимоя воситаларига қуидагилар киради:

- изоляцияловчи штангалар;
- изоляцияловчи ва электр ўлчовчи кисқичлар;
- кучланиш кўрсатгичлари;
- дизэлектрик қўлқоплар;
- изоляцияловчи дастакли чилангарилик-йигув асбоблари.

1000 В кучланишгача бўлган электр ускуналари учун кўшимча электр ҳимоя воситаларига қуидагилар киради:

- дизэлектрик калишлар;
- дизэлектрик гиламчалар;
- кўчма ерга улагичлар;
- изоляцияловчи тагликлар ва қопламалар;
- тўсик қурилмалари;
- хавфсизлик плакатлари ва белгилари.

Электр ускуналарини оператив ҳолда алмашлаб улашларда ва бошқа ишларни бажариш учун зарур ҳимоя воситаларини танлаб олиш мазкур Қоидалар асосида, “Электр ускуналарини ишлатишда хавфсизлик техникаси қоидалари”, “Саноат частотасида ишлатишда ўзгарувчан токли 500 кВ кучланишли электр узатиш ҳаво тармоқлари ва подстанцияларидаги иш бажариш жараёнида меҳнатни муҳофаза қилиш меъёрлари ва қоидалари” ҳамда бошқа тегишли меъёрий-

техник ҳужжатлар билан, шунингдек, мазкур ҳужжатларда талаб этилганидек, маҳаллий шароитга қараб аниқланади.

Асосий ҳимоя воситаларидан фойдаланилганда қўшимча ҳимоя воситаларининг бирини ишлатиш кифоядир, бундан фақат электр ускуналари токидан шикастланган одамларни қутқариш ҳолати мустасно. Бундай ҳолларда қадам кучланишдан сақланиш учун, шунингдек, диэлектрик этик ёки калиш ҳам ишлатилади.

Ҳимоя воситалари электр ускуналари ишчи кучланишнинг энг юқори қийматида ишлатишига мўлжалланган бўлиши зарур (ГОСТ 1516.1-76 ва 20690-75).

Электр токидан муҳофаза қилувчи ёрдамчи воситаларга ўзи етарли қаршиликка эга бўлмаган ва шунинг учун айрим ҳолларда электр токидан ҳимоя қила олмайдиган, лекин электр таъсирини қисман камайтириш имкониятига эга воситалар киради. Улар асосий воситаларга қўшимча равишда уларнинг муҳофаза қобилиятини ошириш учун хизмат қилади. Ёрдамчи муҳофаза воситаларига диэлектрик калишлар, гиламчалар, оёқ остига қўйиладиган куруқ тахтадан қилинган тагликлар ва бошқалар киради.

Тўсиқ муҳофаза воситалари электр токи таъсиридан вақтингча тўсиш йўли билан муҳофаза қилади, масалан, панжара сифатидаги тўсиқлар, панжарасимон эшиклар, шунингдек, ток тақсимлагич шкафлар ва бошқалар. Баъзи ҳолларда эса вақтингча огоҳлантирувчи плакатлар осиб қўйилади, вақтингча электр асбобларини ерга улаб муҳофазалаш ҳам мумкин.

Бундан ташқари, электр таъминоти баланд столбаларда ва чуқур ер ости кабеллари орқали амалга оширилади. Булар ҳам, ўз навбатида, тўсиқ воситалари хисобланади.

Сақловчи муҳофаза воситалари ишчиларни нур, иссиқлик ҳамда механик жароҳатлардан шахсан сақлаш вазифасини бажаради. Буларга муҳофаза кўзойнаклари, газ ниқоблари, маҳсус қўлқоплар киради.

Қисқача хуносалар

Электр токининг биологик таъсири — бу тирик организм учун хос бўлган хусусият ҳисобланади. Бу таъсир натижасида мускулларнинг кескин қисқариши туфайли инсон организмидаги тирик ҳужжатлар тўлқинланади, бунда, асосан, организмдаги биоэлектрик жараён бузилади.

Маҳаллий электр таъсири — куйиб қолиш, электр белгилари хосил бўлиши, терининг металлашиб қолиши ҳолатидир. Электр таъсирида куйиш, асосан, организм билан электр ўтказгичи ўртасида электр ёйи хосил бўлганда содир бўлади.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Электр токи таъсирининг турларини тушунтиринг.
2. Биологик таъсир турини тушунтиринг.
3. Ток уриш даражалари.
4. Электр токи таъсирига тушиб қолган кишига биринчи ёрдам кўрсатиш.
5. Маҳаллий таъсир турини тушунтиринг.
6. Электр токидан жароҳатланишнинг олдини олишга қаратилган асосий чора-тадбирларни санаб беринг.
7. Клиник ўлим нима? Биологик ўлим нима?
8. Ток таъсиридан кутқазиш нима?
9. Инсон организмининг ток таъсирига қаршилигини тушунтириб беринг.
10. Электр қурилмаларида қўлланиладиган шахсий муҳофаза воситалари.

Тавсия этилаётган адабиётлар

1. Адамчук В.В. Экономика и социология труда / В.В. Адамчук, О.В.Ромашов, М.Е.Сорокина- М: ЮНИТИ, 2001.
2. Абдурахманов О.К. Ўзбекистон Республикасида меҳнатни муҳофаза қилиш тизимини бошқариш самарадорлигини ошириш. Т.: Фан., 2010. – 326 б.
3. Абдураҳмонов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти ва социологияси. Дарслик. – Т.: Фан ва технология, 2012. – 388 б.
4. Андреев С.В. Охрана труда от “А” до “Я”. Практическое пособие. Вкп 2. М.: Альфа-пресс, 2004. С. 49.
5. Баранов Н.И. Охрана труда. Учебное пособие. Клин.ОЛС Комплект, 2002.
6. Беляров Ю.А., Хлопков В.В. Охрана труда в организации. Практические рекомендации. М.: Книжный мир, 2009. – 176 с.
7. Михайлов Ю.М. Корпоративная система охраны труда. Функционирование. Аттестация. Сертификация. Экспертиза. М.: Альфа – Пресс, 2009. С.7-11.
8. Попова Н.А. Организация, нормирование и оплата труда на предприятии: Учебное пособие. – М.: Финпресс, 2011. - 176 с.

12-боб. МАҲСУЛОТЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ХИЗМАТЛАР КҮРСАТИШ СОҲАСИДА МЕҲНАТ ХАВФСИЗЛИГИ

12.1. Заҳарли кимёвий моддалар ва улар билан ишлаганда шахсий ва жамоа ҳимоя воситалари

Заҳарли моддалар алоҳида хонада, темир сейфларда ёки темир шкафларда, қулфланган ҳамда муҳрланган ҳолда сақланиши лозим. Хонада водопровод, канализация, шамоллатиш ускунаси ва ҳаво тортувчи ускуна ўрнатилган бўлиши керак. Заҳарли моддалар сақланувчи хонанинг деразаларида темир панжаралар ўрнатилган, эшиклари темир билан қопланган бўлиши лозим.

Иш ҳажми кичик бўлган лабораториялар учун моддий нарсалар сақланувчи хонада темир шкаф ўрнатилиши мумкин. Иш тугагандан кейин заҳарли моддалар темир шкафда сақланиши даркор. Заҳарли моддалар сақланувчи шкафлар ҳамда хонанинг калитлари, шунингдек, муҳр ва тамгалар бу моддаларни сақлаш учун тайинланган жавобгар шахсда сақланиши зарур.

Лабораторияда заҳарли моддаларнинг сақланиши ҳамда ишлатилишига ва бу борада ҳужжатларнинг юритилишига жавобгар — лаборатория мудири (мудир йўқлигида мудир вазифасини бажарувчи ходим) ҳисобланади.

Лабораторияга заҳарли моддалар келтирилганда, жавобгар шахс шахсан уларни ҳамда бириктирилган ҳужжатларни қабул қилиб олиши керак.

Заҳарли моддалар сақланувчи хонага муассаса бўйича чиқарилган буйруққа асосан бундай моддалар билан ишлаши мумкин бўлган шахслар кириши мумкин.

Заҳарли моддалар алоҳида рақамланган, тикилган ва муассаса раҳбари томонидан имзоланган журнallарда номма-ном ҳамда миқдорий ҳисоб-китоб қилиниши шарт. Заҳарли моддалар лаборатория текширувлари учун фақатгина лаборатория мудири томонидан (ёки бошқа жавобгар шахс томонидан) имзоланган талабномага муассаса раҳбарининг ёзма рухсати билан берилади. Талабномада моддаларни қабул қилувчи шахснинг фамилияси, исми ва отасининг исми кўрсатилиши зарур.

Ҳар бир заҳарли модданинг устига қуидагилар ёзилган ёрликлар ёпиштириб кўйилиши шарт:

—“Захар” ёзуви ва бош чаноги билан суюкларнинг тасвири;

—захарли модданинг номи;

—“Эҳтиёткорлик билан фойдаланилсин!” деган ёзув.

Захарли моддалар билан фақатгина маҳсус ўқитилган ходимлар ишлашлари мумкин.

Захарли ҳамда кучли таъсир кўрсатувчи моддаларни майдалаши, қадоқлаш ва тортиш ишлари ҳаво тортувчи шкафларда, маҳсус ажратилган идишларда ҳамда ускуналарда (тарозилар, воронкалар, ҳовонча, цилиндрлар ва х.к.) олиб борилиши керак. Захарли моддаларни фақатгина туби думалок колбаларда қиздириш мумкин. Колбаларни очик алангада қиздириш ман этилади. Захарли моддалар билан резинали қўлқопларда, ҳимояловчи кўзойнакларда, зарур бўлганда эса, газ ниқобда ишлаш лозим.

Идишлар заҳарли моддалар, концентрланган кислоталар ва ишқорлар билан тўлдирилганда, сифонлардан ёки резинали ноксимон сўргич ўрнатилган пипеткалардан фойдаланиш зарур. Иш тугаганидан сўнг қўллар яхшилаб ювилиши, зарур ҳолларда, тишлар ҳам тозаланиб, оғиз чайилиши керак.

Кислоталарнинг концентрланган эритмалари қопқоги маҳкам беркитилевчи маҳсус шиша идишларда сақланиши лозим.

Кучли таъсир кўрсатувчи ва заҳарли моддалар билан маҳсус лаборатория кийимлари ҳамда сочиқлар ифлосланганда, уларни дарҳол алмаштириб, нейтраллаш ва ювиш учун топшириш зарур.

Ишқорлар бўғзи катта, зарғалдоқ рангли шиша идишларда сақланиши, бу идишларнинг оғзи пўқак тиқин билан ёпилиб, устидан парафин қуйилган бўлиши керак.

Учувчи моддалар солингган бикслар, банкалар факат бевосита қўлланиладиган вақтда очилиши керак.

Концентрланган кислоталар ҳамда ишқорлар солингган идишларни очиш ва улардан эритмалар тайёрлаш фақат механик ҳаво тортувчи шкафда ўтказилиши зарур. Ишқорларни идишдан шпател билан олиш керак. Ишқорлардан эритма тайёрланганда, тортилган ишқорни бўғзи катта идишга солиб, зарур хажмда сув қуиб, яхшилаб эритилади. Ишқорнинг катта бўлаклари маҳсус жойда майдаланади. Бунда ишқорнинг усти қалин мато ёки бошқа материал билан ёпилиши керак.

Кучли кислоталар суюлтирилганида, уларнинг сачраб кетмаслиги учун кислота сувга қўшилади, сувни кислотага қуиши мумкин эмас.

Кислотали, ишкорли ва бошқа ўювчи моддалар солинган катта идишлар ташилганида, уларни маҳсус кутиларда ёки саватларда икки киши күтариши керак, уларни шунингдек, маҳсус аравада ҳам ташиш мумкин. Кислоталар, ишкорлар ҳамда бошқа хавфли моддаларни ташишдан олдин уларнинг идишлари бутунлигини текшириш лозим.

Кислоталар, ишкорлар ва бошқа хавфли моддаларни катта идишларда куйиш учун маҳсус сифонлардан фойдаланиш зарур. Кислоталар, ишкорлар ҳамда бошқа хавфли моддалар эритмаларини пилеткага оғиз билан тортиш мумкин эмас. Бунинг учун найча ўринатилган резинали ноксимон сўргичлардан фойдаланиш керак. Эритмалар қайнатилганида, улар совимагунича идишни (колба, пробирка) ёпиш мумкин эмас. Пробиркадаги эритмани қиздирганда, унинг оғзини ўзидан ва бошқалардан четга қаратиб ушлаш керак.

Столга заҳарли бўлмаган моддалар тўкилганида, стол усти резина қўлқоп кийилган ҳолда латта билан артилади, кейин латта яхшилаб сувда ювилади, стол усти ҳамда қўлқоплар ҳам сув билан ювилади. Ишкор тўкилганида, унга кум ёки қиринди сепилади, кейин уларни йигиб олиб, у ерга кўп марта суюлтирилган хлорид ёки уксус кислотаси куйилади, шундан сўнг латта билан кислотани артиб олиб, стол ва қўлқоплар сув билан ювилади. Кислота тўкилганида, унга кум сепилади (қиринди сепиш мумкин эмас), кейин кумни белкурак билан олиб ташлаб, сода сепилади. Сўнгра содани олиб ташлаб, бу ерни кўп марта сув билан ювиш лозим.

Концентрланган кислота ҳамда ишкорларни нейтраллаш учун мўлжалланган эритмалар иш куни мобайнида иш жойида жавонда туриши керак.

Ёнувчи ва портловчи моддалар калин деворли идишларда сақланиши лозим. Ёнувчи суюқликлар асбест солинган темир кутиларда сақланиши зарур. Бу темир кутилар иситиш тизимларидан ҳамда йўлаклардан узоқда жойлаштирилиши лозим. Кутидан фойдаланиш кулай бўлиши керак. Бу реактивлар маҳкам ёпилган бўлиши керак. Зарур бўлса, уларни парафин қуйиб, маҳкамлаш мумкин.

Резинали тиқинлар спирт, бензол, ацетон, эфир таъсирида шишиб кетади. Галогенлар таъсирида (бром, йод) резина тиқинлар нозиклашиб, парчаланади. Бундай реактивларни шиша қопкоқлар билан ёпиш керак.

Реактивларни ёпишда тиқинлардан фойдаланилганида, уларнинг хоссаларини ҳисобга олиш зарур.

Ишқорларни шиша қопқоқлар билан ёпиб бўлмайди, чунки улар ишқор билан ҳўлланиб, карбонат ангидрид таъсирида қопқоқ билан шиша идиш бўғзи орасида карбонатлар ҳосил қиласди, натижада шиша қопқоқ ёпишиб қолади.

Реактив ёруғликка сезувчан бўлса (масалан, бромли кумуш, кумуш нитрат, водород перекиси, гипосульфит ва бошқалар), улар заргалдок рангли шиша идишларда сақланади. Шиша идиш рангизи бўлса, уни қора рангли қофозга ўраб, коронғи кутида сақлаш лозим.

Паст ҳароратларда қайнайдиган, ёнувчан моддаларни (ацетон, эфир ҳамда бошқалар) қиздириш ва ҳайдаш учун туби думалоқ иссиққа чидамли колбалардан фойдаланиш зарур, қиздириш учун фойдаланиладиган ҳаммомлар шу модданинг қайнаш ҳароратига асосан сув ёки мой билан тўлдирилади. Осон ёнувчан модда солинган колбани аста-секин иситмасдан туриб, қайнок сувга солиш мумкин эмас. Осон ёнувчан моддалар ва ёнувчан эритмалар билан ҳаво тортувчи шкафларда ишлаш керак, бунда шкафнинг эшиклари ёпилган бўлиши ҳамда шамоллатиш ускунаси ишлаб туриши лозим, шунингдек, газ ва электр ускуналари ўчирилган бўлиши даркор.

Эритма ҳайдалаётганида, тўсатдан йигувчи колбага тошиб ўтиб кетмаслиги учун ҳайдалаётган эритма солинган колбага шиша найчалар ёки пемза бўлаклари солиб қўйилиши керак. Ёнувчан эритмаларни ҳайдашдан олдин совутқич сувга уланади ва совуқ сув юборилади, шундан кейин ҳайдовчи колба қиздирилади. Йигувчи колба кум солинган патнисга қўйилади. Ҳайдаш жараёнини қаровсиз қолдириш мумкин эмас.

Ишловчиларни заарли ва хавфли ишлаб чиқариш муҳити омилларидан ҳимоя қилиш тегишли стандартлар ҳамда меъёрлар талабларига мос жамоавий ва шахсий ҳимоя воситаларидан фойдаланиш орқали таъминланиши лозим.

Жамоавий ҳимоя қилиш воситалари жумласига қуйидагилар киради:

- ишлаб чиқариш хоналари ҳамда иш жойларининг ёруғлигини нормалаштириш воситалари (ёритиш асбоблари, ёргулар ўринлари, ёруғликдан ҳимоя қилиш мосламалари ва бошқалар);
- механик ҳамда кимёвий омилларнинг таъсиридан ҳимоя қилиш воситалари.

Жамоавий ҳимоя воситалари (вентиляция, аспирация, ерга улаш, махаллий сүрғичлар ва бошқалар) заарли ҳамда хавфли ишлаб чикариш муҳити омиллари хонадаги барча ишловчиларга таъсир килганда қўлланиши шарт ва ташкилотни куриш ёки реконструкция қилиш лойихаларига киритилиши лозим. Жамоавий ҳимоя воситалари заарли ҳамда хавфли омилларни рухсат этилган миқдоргача камайтириш имконини бермаган ҳолларда, шахсий ҳимоя воситалари қўлланиши лозим. Бундай ҳолларда шахсий ҳимоя воситаларисиз кишиларнинг иштироки ва ишлар амалга оширилиши тақиқланади.

Мехнат шароити нокулай ишларда банд бўлган ходимлар белгиланган нормалар бўйича:

— даволаш-профилактика озиқ-овқати — сут (шунга тенг бошка озиқ-овқат маҳсулотлари), газли шўр сув (иссиқ цехларда ишловчилар учун);

— маҳсус кийим-бош, маҳсус пойабзal, бошқа шахсий ҳимоя ва гигиена воситалари билан бепул таъминланиши лозим.

Шахсий ҳимоя воситаларидан фойдаланган ҳолда ишловчилар уларнинг қўлланиши, ҳимоя хусусиятлари, амал қилиш муддати тўғрисида маълумотларга эга бўлиши ҳамда улардан фойдаланишга ўргатилиши лозим.

Ташкилот маъмурияти ёки иш берувчи қўйидагиларни таъминлаши шарт:

— амалдаги меъёрлар бўйича мазкур ишлаб чикариш учун талаб килинадиган барча шахсий ҳимоя воситаларининг зарур миқдори ва номенклатурасини, ҳимоя воситаларини қўллаш ҳамда тўғри фойдаланиш устидан доимий назоратни амалга оширишни;

— шахсий ҳимоя воситаларидан хавфли ва заҳарли моддалар муҳитида фойдаланилганда уларни дегазация ҳамда дезинфекция қилишни (бир марта қўлланиладиган ҳимоя воситалари бундан мустасно), қўлланилаётган ҳимоя воситаларининг самарадорлиги ва созлигини текширишни намунавий меъёрларига (рўйхат рақами 1904, 2009 йил 14 февраль) мувофиқ таъминлаши шарт.

Ташкилот маъмурияти, ишчи ва хизматчиларни маҳсус кийим, пойабзal ва бошқа якка тартибда ҳимояланиш воситалари билан ишлаб чикаришда ходимлар учун маҳсус кийим, маҳсус пойабзal ва бошқа якка тартибда ҳимояланиш воситаларини бепул беришнинг

намунавий меъёрларига (рўйхат рақами 1904, 2009 йил 14 февраль) мувофиқ таъминлаши шарт.

12.2. Чорвачиликда хавфли омиллар таъсири ва минерал ўғитлар билан ишлаганда меҳнат хавфсизлиги талаблари

Корхонада ҳайвонларга қарашиб, касалликнинг олдини олиш ҳамда даволаш пайтлари инсон организмига салбий таъсири кўрсатиши мумкин бўлган омиллар рўйхати бўлиши керак.

Чорвачилик фермалари ва комплексларида инсонлар ҳамда ҳайвонлар чалинадиган касалликлар билан касалланган шахсларнинг ишлашлари тақиқланади.

Ҳайвонларга хизмат кўрсатишида тери касалликлари билан касалланган, шилинган ва майда яралари бор ходимларнинг ишлашига фақат шифокор рухсати билан йўл қўйилади.

Агрессив ҳайвонлар сақланадиган оғилхона ёки бокслар тенасига огоҳлантирувчи белги қўйилиши шарт. Бу белги сарик рангли ёзув билан ёзилиши лозим.

Боғланмай сақланадиган ҳайвонларга хизмат кўрсатиш жараёнида уларнинг ҳаракатини чеклаб қўядиган асбоб-ускуналардан фойдаланиш керак.

Ҳайвондан одамга антропозоонос касалликларининг юқиши усуллари турлича бўлади. Айрим касалликлар ҳайвонларга хизмат кўрсатиш жараёнида юқиши мумкин. Бошка ҳолатларда эса, ҳайвондан олинадиган маҳсулотлар: сут, сут маҳсулотлари, жун, гўшт, тери орқали ва паррандалар ҳамда одам ва ҳайвонга ҳужум қиласидиган қон сўрувчи ҳашаротлар томонидан ҳам бу касалликлар юқтирилиши мумкин.

Қишлоқ ҳўжалигига зааркунандалар ҳамда турли касалликларга қарши ишлатиладиган пестицид ва дори воситаларини ташиш, сақлаш ҳамда ишлатишида бир қатор талабларга амал қилиниши лозим.

Пестицидлар ГОСТ 14189 бўйича ва заарли кимёвий воситалар меъёрий ҳужжатларга мувофиқ яхши ёпиладиган идишларда, хавфсизлик талабларига риоя қилинган холда ташилиши лозим. Қаттиқ идишлар курук, тоза бўлиши ҳамда қопкоги ёки тикинлари идишнинг яхши ёпилишини таъминланни лозим. Пестицид ва химикатлар кўтариши учун бандлари бор бўлган ёғочдан ясалган ёки тўкилган корзиналарда шиша идишларда ташилади. Шиша идишилар

атрофи ёнгинга карши суюқлик билан ишлов берилган пайраҳалар билан тұлдырилади. Куруқ дори воситалари полистилен, когоз ёки методан тикилған қолларда ташилиши мүмкін. Бунда қоллар оғзи ёништирилған, тикилған ёки бояланған бўлиши лозим.

Суюқ ҳолдаги кимёвий воситалар автоцистерналар, цистерналар, бочкалар, канистрларда ташилиши ҳамда сақланиши мүмкін. Дори воситалари сакланадиган идишлар ушбу дори воситасига нисбатан инерт бўлиши лозим. Кимёвий дори воситалари солинган идиш ёрликларида маҳсулот номи, ишлаб чиқарған корхона номи, стандарт номери, ишлаб чиқарилған сана, оғирлиги ва “Эҳтиёт бўлинг, заҳарли!” ёзувлари ҳамда бош чаноғи билан кесишган суяклар расми бўлиши керак. Препаратлар ёниш ва портлаш хусусиятларига эга бўлганда эса, “Хавфли ёнилғи!” ёзуви ҳамда идишда препаратни ишлатиш бўйича йўриқнома бўлиши лозим. Намлиқка ўч препаратлар солинган идишларда “Намлиқдан асранг!” деган ёзуви бўлиши керак. Кимёвий маҳсулотлар ташувчи цистерналар кора рангда бўлиб, ён томонлари ўртасида эни 500 мм лик сариқ йўли бўлиши ва унда кора рангда “Хавфли, сирка кислотаси！”, “Куйишдан сақланинг！” ёзувлари бўлиши лозим.

Кимёвий препаратлар, заҳарли химикатлар алоҳида оким-сўрувчи вентиляцияси бор омборхоналарда сакланади.

Агротехника тадбирларини ўтказишида хавфсизликни таъминлаш учун куйидагиларга қатъий риоя этилиши керак:

- хавфли ҳамда зарарли ишлаб чиқариш омиллари юзага келиши билан боялик бўлган жараёнлар ва операцияларни бундай омиллар бўлмаган ёки улар йўл қўйилувчи чегараларда бўлган жараёнлар ҳамда операциялар билан алмаштириш;

- химоя воситаларини қўллаш;

- авария содир бўлган ҳолларда, хавфли ва зарарли омилларни юзага келишининг олдини олиш бўйича чоралар кўриш;

- ГОСТ 12.4.026 талаблари бўйича хабар берувчи ранглар ҳамда хавфсизлик белгиларидан фойдаланиш;

- об-хавонинг салбий таъсирларидан ҳимоя қилиш;

- ходимларнинг зарарли таъсир кўрсатувчи хом ашё, материаллар, ишлаб чиқариш чиқиндилари билан бевосита алокасининг бартараф қилиниши;

- хавфли ва зарарли ишлаб чиқариш омиллари мавжуд бўлган тақдирда, агротехника тадбирлари ҳамда операцияларни

комплекс механизациялаштириш ва автоматлаштириш, уларни масофадан туриб бошқариш усулини кўллаш;

— мева-сабзавот етиштириш жараёнини бошқариш ҳамда назорат қилишни таъминловчи тизимларни ишлаб чиқиши;

— заарли ишлаб чиқариш омиллари манбаи бўлган чиқиндиларнинг ўз вактида олиб чиқиб кетилиши, зарарсизлантирилиши ва кўмиб ташланишини таъминлаш;

— жисмоний ва асабий-рухий касалланишнинг олдини олиш мақсадида оқилона меҳнат ҳамда дам олишнинг оптималь режимларини кўллаш.

Мева-сабзавот маҳсулотлари етиштириш, тайёрлаш очик майдонларда, иссиқхоналарда, сақлаш эса соз омборхоналарда соз назорат-ўлчаш асбоблари, ҳимоя тўсиклари, технологик асбоб ва ускуналар, транспорт воситалари мавжуд бўлган тақдирда амалга оширилиши лозим.

Агротехник ишларга қўйиладиган талаблар тегишли ҳужжатларда баён этилган бўлиши шарт. Агротехника тадбирлари тегишли ҳужжатга мувофиқ қатъий равишда олиб борилиши лозим.

Иглаш пайтида заарли нурланишлар юзага келувчи ишлаб чиқариш ускуналари ишловчиларни ушбу нурланишлардан ҳимояловчи мосламага эга бўлиши шарт.

Мева-сабзавот маҳсулотлари етиштириш ҳамда сақлаш жараёнида хавфли ва заарли омилларига эга бўлган оралиқ моддалар ҳосил бўлса, ишловчиларга олдиндан ўзини бехатар тутиш коидалари ҳакида маълум қилиниши, улар ушбу моддалар билан ишланиш бўйича ўқитилиши ҳамда тегишли ҳимоя воситалари билан таъминланиши лозим.

Янги ўғитлар, химикатлар ва пестицидларни кўллашга белгиланган тартибда тасдиқланган меъёрий ҳужжатлар ҳамда йўриқномалар мавжуд бўлганда рухсат этилади.

12.3. Замонавий техника ва механизм (ускуна)ларда ишлашда техника хавфсизлиги талаблари

Корхоналар совитиш ҳамда иситиш ускуналари иш бошқарилишининг тўғри тартибини кўрсатувчи, операцияларнинг нотўғри тартибда бажарилиши, ускунанинг ўз ҳолича ишлаб кетиши ва ўчиб қолишининг олдини олевчи тизимларга эга бўлиши лозим.

Ускунани авария ҳолатида ўчириш тизими қизил рангда бўлиши ҳамда шакли бўйича бошқариш элементларидан фарқ қилиши, уларнинг жойлашган жойи кўрсаткичларга, вазифаси тўғрисидаги ёзувларга эга бўлиши, бошқариш учун қулай жойлашган ва ускунани авария бартараф этиб бўлингунга қадар ишга туширишга имкон бермаслиги лозим. Ускунани ишга туширишни амалга оширувчи бошқариш органи қизил рангдан бошқа (кора, кулранг, оқ ёки яшил) рангда бўлиши зарур. Авариянинг олдини оловччи бошқариш органи сариқ рангда бўлиши даркор. Авария ҳолатида ўчириш тугмаси бошқа тугмалардан каттароқ ўлчамда бажарилиши лозим.

Бир неча шахслар томонидан бошқарилувчи ускунанинг бошқариш органлари бажарилиши лозим харакатларнинг зарур тартибини таъминловчи тизимга эга бўлиши керак.

Хабардор қилувчи электр лампалари ва бошқа хабар берувчи курилмалар берилётгандан хабарларнинг мазмунини (“Ёқилган”, “Ўчирилган” ҳамда бошқалар) билдирувчи белги ва ёзувларга эга бўлиши лозим.

Ускуна автоматик режимда ишлаётганда, созлаш тугмалари ҳамда қўлда бошқариш органлари (авариявий ўчириш органидан ташқари) ўчириб кўйилиши даркор (технологик зарурат билан боғлик ҳолатлар бундан мустасно). Авария, носозликлар ва бошқа ҳолатлардан хабар бериш учун ускунанинг конструкциясида сигнализация, шунингдек, ускунани автоматик равишда тўхтатувчи ҳамда энергия манбаидан узиб қўювчи воситалар назарда тутилган бўлиши керак. Ускунанинг бошқариш тизими оператор томонидан ҳатога йўл қўйилган ва бошқариш тизимида носозликлар юзага келган холларда хавф туғдирмаслиги лозим.

Ишлаб чиқариш ускунаси унинг ишлаш режими бузилганлиги ҳакида хабар берувчи сигнализацияга, зарур холларда эса, хавфли носозликлар, авариялар ва хавфли ҳолатларга яқин бўлган режимлар юзага келган тақдирда, ускунани автоматик равишда тўхтатувчи ҳамда энергия манбаидан узиб қўювчи воситаларга эга бўлиши керак.

Ишлаб чиқариш ускунасининг ишчи органлари ёки уларнинг узатмалари энергия узатиш бутунлай ёки қисман узилиб қолган ҳолларда хавф туғилишининг олдини оловччи, шунингдек, энергия узатиш тиклангач, ишчи органларининг узатмалари ўз-ўзидан ишлаб кетишининг олдини оловччи мосламаларга эга бўлиши даркор.

Ускуналарнинг хавф-хатардан огоҳлантирувчи хабар берадиган (сигнал) элементлари сифатида товушли, нурланувчан ва рангли огоҳлантиргичлар қўлланиши, улар хизмат кўрсатаётган ходимларнинг кўриш ҳамда эшлиши зонасида ўрнатилиши ва уларнинг сигналлари ишлаб чиқариш шароитларида фарқланувчан бўлиши лозим.

Ускуналарни кўлда бошқариш ҳамда созлаш органларида белгилаб қўйилганидан бошқа тартибда фойдаланиш хавфли ҳолатларга олиб келмаслиги ёки блокировка ёрдамида бунга йўл кўйилмаслиги керак. Узун ўлчамли ёки кўздан кечириш зонаси чекланган ускуналарда бир нечта авариявий ўчириш тугмалари бўлиши зарур.

Иш жойлари кўтариш механизmlари ёрдамида ташилаётган юкларни кўчириш худудидан ташкарида бўлиши, мослама ва асбобларни сақлаш учун жавонлар ёки шкафлар билан жиҳозланиши лозим. Бир турдаги майда буюмлар, яримтайёр маҳсулот ҳамда ишлаб чиқариш чиқиндиларини цеҳда тахлаш ва транспортда ташиш идишларда бажарилиши керак. Ускуна, дастгоҳ ва механизmlarda бегона нарсалар бўлмаслиги даркор. Буюмни тозалаш маҳсус ажратилган аспирацион тизим билан жиҳозланган жойларда бажарилиши зарур.

Пульт ёки бошқарув қутиси олдидаги доимий иш жойида созланувчи (бурилиш хисобига, горизонтал ва вертикал йўналиш бўйича созланувчи) ўриндик бўлиши ҳамда у амалдаги меъёрий хужжатлар талабларига мувофиқ келиши лозим.

Камера ёки қудукдаги ишлар юқори хавфли ишларга тенгглаштирилади ва уларга наряд-рухсатнома берилиши керак. Бунда куйидаги эҳтиёткорлик чораларига қатъий риоя қилиниши лозим:

а) иш икки ишловчидан кам бўлмаган ҳолда бажарилиши, бунда бири тепада туриб қудукқа ёки камерага тушган ишчи иш хавфсизлигини кузатиб бориши;

б) ишчи қудукқа ёки камерага тушишидан олдин, унда газлар мавжудлиги текширилиши;

в) газ тўла чиқмасдан ишчини қудук ёки камерага тушишининг тақиқланиши;

г) ишчининг қудукқа ёки камерага тушиши факат ҳимояловчи камар, хавфсизликни таъминловчи, узунлиги қудук чукурлигидан 2 м

дан узунрок бўлган арқон ва қудукдан 2 м ёнига чиқувчи изоляцияланган шлангли газ ниқоби бўлиши лозим.

Қисқача хуросалар

Корхонада ҳайвонларга қараш, касалликнинг олдини олиш ва даволаш пайтлари инсон организмига салбий таъсири кўрсатиши мумкин бўлган омиллар рўйхати бўлиши керак.

Қишлоқ хўжалигида зааркунандалар ва турли касалликларга қарши ишлатиладиган пестицид ҳамда дори воситаларини ташиш, сақлаш ва ишлатишда бир қатор талабларга амал қилиниши лозим.

Заҳарли моддалар алоҳида хонада, темир сейфларда ёки темир шкафларда, кулфланган ҳамда муҳрланган ҳолда сақланиши зарур. Хонада водопровод, канализация, шамоллатиш ускунаси ва ҳаво тортувчи ускуна ўрнатилган бўлиши керак. Заҳарли моддалар сақланувчи хонанинг деразаларида темир панжаралар ўрнатилган, эшиклари темир билан қопланган бўлиши даркор.

Ишловчиларни заарли ҳамда хавфли ишлаб чиқариш муҳити омилларидан ҳимоя қилиш тегишли стандартлар ва меъёрлар талабларига мос жамоавий ҳамда шахсий ҳимоя воситаларидан фойдаланиш орқали таъминланиши лозим.

Корхоналар совитиш ҳамда иситиш ускуналари иш бошқарилишининг тўғри тартибини кўрсатувчи, операцияларнинг нотўғри тартибда бажарилиши, ускунанинг ўз ҳолича ишлаб кетиши ва ўчиб қолишининг олдини олувчи тизимларга эга бўлиши лозим.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Чорвачиликда хавфли омиллар таъсирига нималар киради?
2. Минерал ўғитлар билан ишлаганда меҳнат хавфсизлиги талаблари қандай?
3. Заҳарли кимёвий моддалар қандай шароитда сақланиши зарур?
4. Заҳарли кимёвий моддалар билан ишлаганда шахсий ва жамоа ҳимоя воситалари санаб ўтинг.
5. Замонавий техника ва механизм (ускуна)ларда ишлашда техника хавфсизлиги талабларини тушунтириб беринг.

Тавсия этилаётган адабиётлар

1. “Мехнатни муҳофаза қилиш тўғрисда”ги Ўзбекистон Республикасининг Конуни. //www.lex.uz
2. “Фуқароларнинг саломатлигини муҳофаза этиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Конуни. //www.lex.uz

3. “Хавфли ишлаб чиқариш объектларининг саноат хавфсизлиги тұғрисида” ги Ўзбекистон Республикасининг Конуни. //www.lex.uz
4. Абдурахманов О.К. Ўзбекистон Республикасида мемлекеттің мухофаза қилиш тизимини бошқариш самарадорлыгини ошириш. Т.: Фан., 2010. – 326 б.
5. Абдурахмонов Қ.Х. Мемлекеттің иқтисодиёти ва социологиясы. Дарслік. – Т.: Фан ва технология, 2012. – 388 б.
6. Андреев С.В. Охрана труда от “А” до “Я”. Практическое пособие. Вкл 2. М.: Альфа-пресс, 2004. С. 49.
7. Баранов Н.И. Охрана труда. Учебное пособие. Клин.ОЛС Комплект, 2002.

ҚИСҚАЧА ИЗОҲЛИ ЛУҒАТ (ГЛОССАРИЙ)

Абсолют намлиги - айни вақтда бир килограмм ёки бир кубометр ҳаводаги сув буғларининг микдоридир.

Алангаланиш ҳарорати - модда қандай ҳароратда алангаланса ва ёна бошлишидир.

Альфа нурлари - катта ионлаштириш хусусиятига эга бўлган, ҳаракат доираси катта бўлмаган гелий атом ядроининг мусбат разядланган заррачаларидир.

Бахтсиз ҳодиса - инсон организмининг иш қобилиятини йўқотишга олиб келадиган тўсатдан жароҳатланишидир. Ишлаб чиқаришда бахтсиз ҳодиса, тасодифан ёки ўз-ўзидан содир бўлмайдиган, унга ишлаб чиқариш операцияларини бажаришда ҳавфсизлик қоидалари талабларидан турлича четга чиқишилар сабаб бўлади.

Бетта нурлари - радиактив моддаларнинг атом ядролар тарқатадиган электрон ёки позитрон оқимидир.

Биологик ўлим — қайтариб бўлмайдиган жараён бўлиб, организмдаги биологик жараёнлар бутунлай тўхташи билан характерланади, шунингдек, организмдага оқсил парчаланади.

Гамма нурлари - ионлаш қобилияти катта бўлмасада катта ёриб кириш кучига эга бўлиб, ядро реакциялар ва радиактив парчаланиш натижасида вужудга келадиган юқори частотадаги электромагнит нурларидир.

Давшаҳтехназорат - саноат ишларини ҳавсиз олиб бориш қоидаларига амал қилишини текширувчи давлат назорати бўлиб, у ўзининг қуидаги булинмаларига эга: тоғ-техник, газ инспекциялари ва бошқа инспекциялар; қурилишда юқ кўтариш машиналари билан ишлашда, босим остида ишловчи қозон установкалари ва идишларидан. Буг ва исик сув қувурларидан фойдаланишида, портлатиш ишларини бажаришда ишларнинг ҳавфсиз бажарилишини назорат қиласи.

Давэнергоназорат - электр ва иссиқлик ёрдамида ишлайдиган установкаларга ҳавфсиз хизмат корсатишини таъминлайдиган тадбирларни амалга оширишдаги давлат назорати.

Давлатсаноатназорат - корхона ва ташкилотлар томонидан гигиена нормалари, санитария-гигиена ва санитария – эпидемия

қоидаларига риоя қилинишини текширувчи давлат санитарич назорати.

Давлаттёнғинназорат - ёнғин хавфсизлигининг юкори даражада бўлишини таъминлаш устидан назорат қилади.

Жароҳатланиш - инсон танасининг тери ёки айрим қисмлари ташки меканик, кимёвий, иссиқлик ва электр таъсири натижасида шикастланганлигидир.

Заарали ишлаб чиқариш омиллари деганда инсон организмига маълум бир ҳолатларда касаллик олиб киритиш ва оқибатда унинг меҳнат қиши қобилиятини камайтириш билан боғлик жараёнлар тушунилади.

Захарли чанглар - нафас олиш йўллари ва ўпкага жуда ёмон таъсир этади ҳамда хавфли хисобланади. Улар ўлкада узоқ вақт қолиб ўпкани устки қисми билан жуда яхши алоқада бўлиб ўпкага кўп микдорда сўрилиб оладилар ва танани заҳарлайдилар.

Захарли бўлмаган чанглар – ўлкада узоқ вақт қолиб кетганлиги учун ўпкани атрофида бир-бирига бирлашган тўқима ўсиб чиқади ва ўпкани нормал ишлашга йўл кўймайди. Ўпкани атрофида чанглардан иборат тўқимани ҳосил бўлиши учун узоқ муддат керак.

Инфратовуш – 20 гц дан паст бўлган тебранишлар.

Иқтисодий усул – шунга асосланганки, бунда ишлаб чиқаришда баҳтсиз ходисалар ва касбий касаланишлар оқибатида етказилган моддий зарар хисобланади.

Иш жойидаги жароҳатланиш – ходимнинг маъмурият томонидан буюрилган ишни бажариш чоғида олган жароҳатланиши тушунилади.

Иш билан боғлик, лекин ишлаб чиқариш билан боғлик бўлмаган жароҳатланишлар – ишга бориб-келиш вақтида транспорт воситаларида, хизмат сафари вақтида ёки корхона маъмуриятининг топшириғига мувофиқ ишлаб чиқариш худудидан ташкаридаги баъзи бир ишларни бажарганда олинган жароҳатланишлар тушунилади.

Иш билан боғлик бўлмаган жароҳатланиш – бунга мастилик оқибатида олинган жароҳатлар, давлат мулкини ўғирлаш ва бошқа шунга ўхшаш ҳолатларда олинган жароҳатланишлар киради.

Ишлаб чиқариш санитарияси – медицинанинг касбий касалликларни ўрганиш ва уларни олдини олиш масалалари билан шуғулланадиган соҳасидир.

Клиник ўлым ҳолати бу ҳаёт билан ўлим оралиғи бўлиб, маълум вактгача инсон ички имкониятлар хисобига яшаб туради. Бу вактда унда ҳаёт белгилари: яъни нафас олиш, кон айланиш бўлмайди, ташқи таъсиirlарга фарқсиз бўлади, оғрик сезмайди, кўз қорачиги кенгаяди ва ёруғликни сезмайди. Аммо бу даврда қали ундаги ҳаёт бутунлай сўнмаган, хужайраларда маълум модда алмашинув жараёнлари давом этади ва бу организмнинг минимал ҳаёт фаолиятини давом эттиришига етарли бўлади.

Маҳаллий электр таъсири – куйиб қолиш, электр белгилари ҳосил бўлиши, терининг металлашиб қолиши ҳолларидир.

Меҳнат – кишиларнинг маълум бир мақсадга қаратилган онгли фаолияти бўлиб, бу фаолият натижасида улар табиатдаги мавжуд нарсаларни ўзгартириш, ўз эҳтиёжларига мослаштириш орқали моддий неъматлар ва маданий бойликлар яратадилар.

Меҳнат гигиенаси – иш жараёнларининг ва атроф-мухитнинг ишчилар организмига таъсирини ўрганадиган фандир.

Меҳнат шароитлари – ишчи кучидан рационал фойдаланишни таъминлайдиган техникавий ва ташкилий тадбирлар мажмунини кўзда тутади.

Меҳнатни муҳофаза қилиш – бу тегишли қонун ва бошқа меъёрий хужжатлар асосида амал қилувчи, инсоннинг меҳнат қилиш жараёнидаги хавфсизлиги, сихат-саломатлиги ва қобилияти сакланишини таъминлашга қаратилган ижтимоий-иктисодий, ташкилий, техникавий, санитария-гигиена ва даволаш-профилактика тадбирлари ҳамда воситалари тизимиdir.

Меҳнат хавфсизлиги стандартлари мажмуси (МХСМ) – бу ўзаро боғлик стандартлар мажмусидан иборат бўлиб, улар уч гуруҳга бўлинади ва қуидагиларни белгилайди: хавфли ва заарли ишлаб чиқариш омилларига доир умумий талаблар ҳамда меъёрлар; ишлаб чиқариш жараёнларига доир хавфсизликнинг умумий талаблари; ишловчиларни ҳимоялаш воситаларига доир талаблар; меҳнат хавфсизлигини баҳолаш услуби.

Монографик усул – шундан иборатки, бунда барча ишлаб чиқариш шароити батафсил текширилади ҳамда бутун цех ёки участкадаги баҳтсиз ходисаларнинг сабаблари ўрганилади.

Нур энергияси деганда, электромагнит тўлқинлари кўринишда тарқаладиган энергия тушунилади. Бу тўлқинлар узунлиги ва тебраниш частотаси қанча юкори бўлса, тўлқин шунчалик қисқа

бўлади ва аксинча тебраниш частотаси қанчалик кам бўлса, тўлқинлар шунчалик узун бўлади.

Портлаш – ёнишининг хусусий ҳолати бўлиб, у бир онда кечади ва бунда қисқа вақт ичидаги кўп миқдорда иссиқлик ва ёруғлик чиқади.

Радиактивлик – атом ядроларининг ион нурланишлари чиқариши натижасида бошқа бир атом ядроларининг ҳосил қилишидир.

Ренген нурлари – моддаларни электрон оқимлари билан бамбардимон қилганда ажралиб чиқадиган электромагнит нурлардир.

Статистик усул – баҳтсиз ходисалар ҳақидаги далолатнома маълумотларини статистик ишлашга асосланган. Бу усул баҳтсиз ходисаларни маълум белгилар: касблар бўйича, травма олиш пайтида бажарилаётган ишлар тури бўйича, жароҳатланган кишининг иш стажи, травма характеристи, унинг сабаблари бўйича гурухлашга асосланган.

Товуш – 20ғц дан 20000ғцгача булган тебраниш

Топографик усул – шунга асосланганки, унда курилиш, участка, цех режасида баҳтсиз ходисалар юз берган жойларга шартли белгилар қўйилади.

Ультратовуш – 20000 ғц дан юқори бўлган тебранишлар.

Чақнаш ҳарорати – аралашма ёниб кетиши (чақнаши) мумкин бўлган энг паст ҳарорат.

Хавфли ишлаб чиқариш омиллари деганда инсон организмига маълум бир ҳолатларда ташқи таъсир натижасида травма яъни жароҳат етказилиши оқибатида унинг саломатлигига зиён етказиш жараёни тушунилади. Бундай жароҳат ишлаб чиқаришдаги баҳтсиз ходисалар гурухига киради.

Хавфли минтақа деб, ишлаб ёки ишлаб чиқариш омилларни айтади. Хавфли минтақа ишлов берилаб ёки ишлаб чиқариш омилларни айтилардан отилиб чиқаётган майда заарларнинг ва ускуналардаги ёмон махкамланган ёки синган деталларнинг отилиб бориш масофаси билан, шунингдек, иш ўрнида тўпланган буғлар, газлар ва чанг миқдори, билан белгиланиши мумкин.

Хавфсизлик техникаси – ишловчиларга ишлаб чиқаришдаги хавфли омилларнинг таъсир этишининг олдини олувчи ташкилий ва техникавий тадбирлар ҳамда воситалар тизимиdir.

Шовқин – 20ғцдан 20000ғцгача булган тебранишларни тартибсиз құшилишишидір.

Электр токининг биологик таъсири – бу тирик организм учун хос бўлган хусусият хисобланади. Бу таъсир натижасида мускулларнинг кескин қисқариши туфайли инсон организмидаги тирик хужайралар тўлқинланади, бунда асосан организимдаги биоэлектрик жараён бўзилади.

Ўз-ўзидан алангаланиш ҳарорати ҳамиша бир хил бўлавермайди; у ҳавонинг таркибига, босимига ёнувчи материалнинг концентрациясига ва бошқаларга боғлиқ.

Ўз-ўзидан ёниш – модданинг ўзида рўй берадиган кимёвий, физик ёки бошқа биологик ходисалар туфайли ёниш жараёнидир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президент фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари

9. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2014. – 76 б.

10. Ўзбекистон Республикасининг Мехнат Кодекси. – Т.: Адолат, 2011. – 276 б.

11.“Атмосфера ҳавосини муҳофаза этиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. //www.lex.uz

12.“Давлат санитария назорати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. //www.lex.uz

13.“Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. //www.lex.uz

14.“Ишлаб чиқаришда баҳтсиз ҳодисалар ва касб касалликларини мажбурий давлат ижтимоий суғурталаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. //www.lex.uz

15.“Мехнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. //www.lex.uz

16.“Фуқароларнинг саломатлигини муҳофаза этиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. //www.lex.uz

17.“Хавфли ишлаб чиқариш объектларининг саноат хавфсизлиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. //www.lex.uz

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 13 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси Мехнат ва ахолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида”ги ПФ-2810-сон Фармони. //www.lex.uz

19. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 7 ноябрдаги “Мехнатни муҳофаза қилишни давлат томонидан бошқариш тўғрисида”ги Қарори. //www.lex.uz

20. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 6 июндаги “Ишлаб чиқаришдаги баҳтсиз ҳодисаларни ва ходимлар саломатлигини бошқа хил заарланишини текшириш ва ҳисобга олиш тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 286-сонли Қарори. //www.lex.uz

21. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 11 февралдаги “Ходимларга уларнинг меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлик холда жароҳатланиши, касб касалликларига чалиниши ёки саломатликнинг бошқа хил шикастланиши туфайли зарарни тўлаш коидалари тўғрисида”ги 60-сонли Қарори. //www.lex.uz

II. Ўзбекистон Республикаси Президенти асалари ва маърузалари

22. Каримов И.А. 2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш хисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир // Халқ сўзи газетаси, 2015 йил 17 январь 11(6194).

23. Каримов И.А. 2014 - йил юқори ўсиш сурҳатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислоҳотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади. // Халқ сўзи газетаси 2014 йил 18 январь, №13 (5943).

24. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси . – Т.: Ўзбекистон, 2010. – 56 б.

25. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Т.: Ўзбекистон, 2010. – 80 б.

26. И.А. Каримов. Янгиланиш ва барқарор тараққиёт йўлидан янада изчил харакат килиш, халқимиз учун фаровон турмуш шароити яратиш – асосий вазифамиздир. -Тошкент. 2007 йил 13 февраль.

27. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.

28. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. – 176 б.

III. Халқаро Меҳнат Ташкилотининг конвенция ва тавсиялари

29. “Қирқ соатлик иш хафтаси тўғрисида”ги 1935 йилги 47-сонли Конвенция // Халқаро Меҳнат Ташкилотининг асосий конвенциялари ва тавсиялари. – Т: Инсон хукуqlари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази. 2008 й. – 150 б.

30.“Ҳақ тўланадиган таътил тўғрисида”ги 1936 йилги 52-сонли Конвенция // Халқаро Мехнат Ташкилотининг асосий конвенциялари ва тавсиялари. – Т: Инсон ҳукуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази. 2008 й. – 150 б.

31.“Мехнат инспекцияси тўғрисида”ги 1947 йилги 81-сонли Конвенция // Халқаро Мехнат Ташкилотининг асосий конвенциялари ва тавсиялари. – Т: Инсон ҳукуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази. 2008 й. – 150 б.

32.“Мажбурий меҳнатни тугатиш тўғрисида”ги 1957 йилги 105-сонли Конвенция // Халқаро Мехнат Ташкилотининг асосий конвенциялари ва тавсиялари. – Т: Инсон ҳукуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази. 2008 й. – 150 б.

33.“Уч томонлама маслаҳатлашувлар (халқаро меҳнат стандартлари) тўғрисида”ги 1958 йилги 144-сонли Конвенция // Халқаро Мехнат Ташкилотининг асосий конвенциялари ва тавсиялари. – Т: Инсон ҳукуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази. 2008 й. – 150 б.

34.“Жамоа музокараларини олиб бориш ва бирлашиш ҳукуки тўғрисида”ги 1981 йилги 154-сонли Конвенция // Халқаро Мехнат Ташкилотининг асосий конвенциялари ва тавсиялари. – Т: Инсон ҳукуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази. 2008 й. – 150 б.

35.“Уй меҳнаткашларнинг муносаб меҳнати тўғрисида”ги 2011 йилги 189-сонли Конвенция // Халқаро Мехнат Ташкилотининг асосий конвенциялари ва тавсиялари. – Т: Инсон ҳукуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази. //www.lex.uz

IV. Асосий адабиётлар

36. Адамчук В.В. Экономика и социология труда / В.В. Адамчук, О.В. Ромашов, М.Е. Сорокина-М: ЮНИТИ, 2001.

37. Абдурахманов О.К. Управление охраной труда в условиях рыночной экономики. М., 2008. С.122.

38. Абдурахманов О.К. Формирование комплексной системы управления охраной труда и её эффективность в Республике Узбекистан. М., 2009. С.252.

39. Абдурахманов О.К. Ўзбекистон Республикасида меҳнатни муҳофаза қилиш тизимини бошқариш самарадорлигини олириши. Т.: Фан., 2010. – 326 б.

40. Абдурахмонов Қ.Х. Мәжнат иқтисодиёти ва социологияси. Дарслик. – Т.: Фан ва технология, 2012. – 388 б.
41. Абдурахмонов Қ.Х. Мәжнат иқтисодиёти: назария ва амалиёт. Т., 2004. 34 б.
42. Абдурахмонов Қ.Х. Мәжнат иқтисодиёти. Дарслик. -Т.: Мехнат, 2009. 400 б.
43. Абдурахманов Қ.Х., Абдурамонов Х.Х. Мәжнат ресурсларини бошқариш. Ўқув кўлланма. – Т.: “Tafakkur bo’stoni”, 2014. – 272
44. Абдурахманов К.Х., Зокирова Н.К. Человеческое развитие: Учебник. – Т.: ФГБОУ ВПО «РГЭ им. Г.В.Плеханова», 2014. – 320 с.
45. Андреев С.В. Охрана труда от “А” до “Я”. Практическое пособие. Вкл 2. М.: Альфа-пресс, 2004. С. 49.
46. Баранов Н.И. Охрана труда. Учебное пособие. Клин.ОЛС Комплект, 2002.
47. Беляров Ю.А., Хлопков В.В. Охрана труда в организации. Практические рекомендации. М.: Книжный мир, 2009. – 176 с.
48. Волгин Н.А. Экономика труда: (социально-трудовые отношения) / Под ред. Н.Л. Волгина, Ю.Д. Одегова. -М.: «ЭКЗАМЕН», 2009
49. Габдирахманов Ф., Кульбовская Н. Экономические методы в управлении охраны труда. Казань: Издательский центр “Арт - кафе”, 2004.
50. Джарм Гхай. Достойный труд: понятие и показатели // Межнациональный обзор труда. 2003. Т.142. № 1-2. С.3.
51. Ефимов О.С. Служба охраны труда в организациях. Практическое пособие. М.: Альфа –Пресс, 2009. – 152 с.
52. Зокирова Н.К. Внутрифирменное управление персоналом. Учебное пособие. М.: РЭА, 2004. С. 141.
53. Кейнс Дж.М. Общая теория занятости, процента и денег / Пер. с англ. Петрозаводск, 1993. – 307 с.
54. Макконнелл К., Брю С. Экономикс: Принципы, проблемы и политика. Т. 2. – М.: Прогресс, 1992.
55. Маршалл А. Принципы политической экономии. – М.: Прогресс, 1983.
56. Михайлов Ю.М. Корпоративная система охраны труда. Функционирование. Аттестация. Сертификация. Экспертиза. М.: Альфа – Пресс, 2009. С.7-11.

57. Мумладзе Р.Г. Экономика и социология труда: учебник / под общ ред Р.Г. Мумладзе. – 2-е изд., стер. - М.: КНОРУС, 2007.
58. Одегов Ю.Г. Экономика труда. Учебник. – М.: Волтерс Клювер, 2011. – 800с.
59. Попова Н.А. Организация, нормирование и оплата труда на предприятиях: Учебное пособие. – М.: Финпресс, 2011. - 176 с.
60. Раздорожный А.А. Охрана труда и производственная безопасность. М.: Экзамен, 2007.
61. Роик В.Д. Управление условиями и охране труда. Учебное пособие. М.: РАГС, 2004.
62. Соловьев А.П. Государство и охрана труда: система управления на рубеже веков. Проблемы. Решения. Прогнозы. М.: ВЦОТ, 2000. – 132 с.
63. Фомин А.Д. Руководство по охране труда. М.: Апроксим-Пресс, 2003. – 224 с.
64. Ширшков А.И. Менеджмент охраны труда: Учебник. Ростов-на-Дону: Феникс, 2001. – 384 с.
65. Экономика охраны труда / Под общей ред. Проф., д.т.н. Петросянца Э.В. М.: НИИ проблем охраны труда, 2001. – 110 с.
66. Энциклопедия по безопасности и гигиене труда: в 4-х томах. / Ред. кол.: Починок А. и др. М.: Министерство труда и социального развития РФ, 2001.
67. Эренберг Р.Дж, Смит Р.С. Современная экономика труда. Теория и государственная политика. М.: Изд. МГУ, 1996. – 133 с.
68. Юнусов Б.Х. и др. Руководство по охране труда на предприятиях. Изд-во “Фаргона”, 2004.

V. Интернет сайлари

69. www.stat.uz – Ўзбекистон Давлат статистика қўмитаси сайти
70. www.lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Конун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси
71. www.mineconomu.uz – Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги сайти
72. www.mehnat.uz – Ўзбекистон Республикаси Мехнат ва ахолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг сайти

Абдурахмонов Қаландар Ходжаевич,
Ирматова Азиза Бахрамовна

Меҳнат муҳофазаси.

Ўқув қўлланма.

"IQTISODIYOT" - 2016

*Муҳаррир
Мирҳидоятова Д.М.*

*Мусаҳҳих
Омонуллаева Ш.Н.*

Лицензия А1 № 240 04.07.2013 й. Теришга берилди 18.12.2015. Босишга рухсат этилди 10.01.2016. Қоғоз бичими 60x80 1/16. Times гарнитураси. Офсет босма.
Офсет көғози. Шартли босма табори 21,0. Ҳисоб нашр вараги 20,7.
Алади 100 нусха. Баҳоси келишилган нархла

“IQTISODIYOT” нашириёти ДУКнинг матбаа бўйимида чоп этилди.
100003. Тошкент шаҳри Ўзбекистон шоҳкӯчаси, 49-уй.

67.405(5Ў) Мехнат мухофазаси. Абдурахмонов К.Х.,
Ирматова А.Б. Ўқув кўлланма. –Т.:
Иктисодиёт, 2016. – 335 б.

1. Абдурахмонов К.Х.,
2. Ирматова А.Б.

ISBN: 978-9943-986-47-3

УЎК: 331.75
КБК: 67.405(5Ў)
A15